

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

**ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ,
ГУЛНОЗА ОДИЛОВА**

БАДИИЙ ТАРЖИМА АСОСЛАРИ

Монография

Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2011

УДК: 821.512.133

ББК: 83

Масъул муҳаррир:
Профессор О.М.Мўминов

Тақризчилар:
Филология фанлари номзоди, доцент Н. Қамбаров;
филология фанлари номзоди, доцент И.Ғафуров

ББК: 83

С60

Сирожиддинов, Шухрат.

Бадий таржима асослари / Ш.Сирожиддинов, Г.Одилова;
масъул муҳаррир О.М.Мўминов; Ўзбекистон Давлат жаҳон
тиллари ун-ти, - Т.: MUMTOZ SO'Z, 2011. - ? б.

И. Одилова, Гулноза.

УДК: 821.512.133

ББК 83

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгаши
(2011 йил 26 май, 10-сон баённома) томонидан
нашрга тавсия этилган

ISBN 978-9943-398-45-0

Сирожиддинов Ш., Одилова Г., 2011
«MUMTOZ SO'Z», 2011

КИРИШ

Ҳар қандай бадиий асар ўзига хос таъсир кучига эга. Миллий адабиёт ўз сарҳадларида эмас, балки бошқа халқлар адабиётига ҳам таъсир ўтказиб, ўз изини қолдира оладиган, яъни коммуникатив мулоқотни таъминлайдиган воситадир. Адабиётлар ўзаро мулоқотга киришганда бири иккинчисининг ривожига, бойишига хизмат қилади. Адабиётлараро ўзаро таъсирнинг ёрқин ифодаси таржимачилик соҳасида кўринади. Таржима воситасида адабиётлараро ўзаро мулоқотни таъминлаш бугун жаҳонда глобаллашув жараёнлари кескинлашиб бораётган бир даврда, айниқса, ўзбек таржимонлари олдига муҳим вазифаларни қўяётир. Ўзбек адабиёти қадим тарихга ва ўзининг жаҳон бадиияти хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилишига арзирли ноёб намуналарига эга. Замоनावий ўзбек адабиёти ҳам ўзининг бугунги ютуқлари билан Шарқу Ғарб минтақаларида ўз мухлисларини топишига шак-шубҳа йўқ.

Маълумки, ўзбек тилига хорижий ёзувчи ва шоирларнинг кўплаб асарлари таржима қилинган ва қилинмоқда. Рус адибларининг ижодларини бевосита таржима қилиш йўналишида катта тажриба тўпланиб, муайян мактаблар шаклланимоқда. Бироқ, Ғарб тилларидан бевосита ўзбек тилига ёки аксинча, ўзбек тилидан тўғридан тўғри Ғарб тилларига таржима қилиш жараёнлари ниҳоятда суст кечмоқда. Назаримизда, ўзбек тилидан Европа ва Шарқ тилларига таржима қилиш ишларини ҳар томонлама рағбатлантириш, кўз очган таржималарнинг чуқур таҳлилини мунтазам амалга ошириб бориш, бошловчи таржимонларга бадиий таржима назарияси асосларини ўргатиш, улар учун йўл-йўриқ ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб вазифадир. Зеро, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўтган давр мобайнида ўзбек адабиёти намуналарини бевосита чет тилларга таржима қилиш орқали халқимизнинг бой маънавий меросини хорижий элларда тарғиб этиш, унинг бадиий юксак, чуқур инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган адабиёти билан жаҳон халқларини ошно этиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу масалага алоҳида тўхтагани юртимизда бадиий таржима ишларини янада жонлантириш, бевосита ўзбек тилидан чет тилларга мумтоз ва замоनावий адабиёт намуналарини

таржима қилиш ишларини янги босқичга кўтаришга бўлган жиддий эътибор ифодасидир. Бу, ўз навбатида, ўзбек таржимонлари ва ноширлари олдига бир қанча масъулиятли вазифаларни амалга ошириш талабини қўяди.

Биринчи долзарб вазифа ўзбек адабиётини бевосита Ғарб тилларига ўгириш ишларини ривожлантиришдан иборатдир. Бу соҳада ўзбек таржимачилик соҳасининг ютуқлари ҳали санокли бўлса ҳам, охириги йилларда бу йўналишда ўзини синаб кўраётган ижодкорларнинг интилишлари қувонарлидир. Соҳани ривожлантириш ишларига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бош-қош бўлаётгани яқин келажақда мамлакатимизда бадий таржима ишларининг жиддий ўнгланишига умид уйғотади.

Иккинчи муҳим вазифа таржима танқидчилигини кучайтиришдир. Маълумки, таржима бадий асарни қайта яратишдир. Таржима аслиятдаги муайян эстетик юкни юқори савияда бериши, шу билан бирга унинг кадр-қимматини тушириб қўйиши ҳам мумкин.

Таржима танқиди таржима сифатини, унда аслият ғоявий эстетик ва бадий ўзига хослигини таъминлаш даражасини, энг асосийси таржимон маҳорати масалаларини ўрганади. Таржимон ва танқидчининг самарали фаолияти уларнинг таржима назарияси ва амалиёти бўйича қай даражада билим ва малакага эга бўлишига боғлиқ.

Мазкур монография бадий таржима назарияси асосларини яратишдаги илк уринишлар самараси сифатида қабул қилиниши мумкин. Зеро, ўзбек таржимачилигида шеърый таржима бўйича махсус адабиёт халигача яратилмаган эди. Китобда таржима назарияси ва амалиётига оид жиддий тадқиқотлар олиб борган забардаст олимлар Л.Бархударов, А.Федоров, А.Попович, В.Виноградов, В.Комиссаров, Е.Бреус, Н.Пелевина, Ю.Катцер ва А.Куниининг дарслик ва ўқув қўлланмаларида илгари сурилган концепциялар ва услубиятдан ижодий фойдаланилди.

Монография икки қисмдан иборат бўлиб, назарий ва амалий қисмлардан ташкил топган. Унинг биринчи қисми, филология фанлари доктори Шухрат Сирожиддинов томонидан ёзилган бўлиб, унда бадий таржиманинг ўзига хос хусусиятлари, таржимон вазифалари, таржима моделлари, бадий таржима усуллари, бадий таржимада эквивалентлик ва адекватлик масалалари, бадий таржимада маънавий билимларнинг ўрни каби соф назарий маса-

лалар ёритилган. Китобнинг иккинчи қисми бадий таржиманинг амалий жиҳатларини ёритишга бағишланган. Ушбу қисм тадқиқотчи Гулноза Одилова томонидан ёзилиб, инглиз тилидан ўзбек тилига, ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш амалиётининг турли жабҳалари очиб берилган. Ушбу қисмда таржима амалиётчилиги соҳасида биринчи марта ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан, Алишер Навоий ғазалиётини инглиз тилига ўгириш амалиёти таҳлил этилади ва илк тавсиялар берилади. Қисмда келтирилган барча материаллар таржимоннинг маданиятлараро коммуникация маҳсули сифатидаги вазифаси нуқтаи назаридан кўриб чиқилган бўлиб, прагматик жиҳатдан нафақат икки тил, балки икки маданият қиёсини ўз ичига олгандир.

I. ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА БАДИЙ МАН ТУШУНЧАСИ

Таржима назарияси, бошқача айтганда, таржимашунослик таржима жараёни, унинг қонуниятлари, аслият ва таржима матнлари устида олиб борилаётган кузатишларни умумийлаштириш, системалаштириш орқали икки тил орасидаги мувофиқликлар даражасини, уларнинг ўзига хос хусусиятлари моҳиятини очиб беришга йўналтирилган филология соҳасидир. Унинг вазифасига таржиманинг миллий маданият ривожигаги ўрнини белгилаш, амалий ва назарий жиҳатларини кўриб чиқиш ҳам киради.

Таржима назариясининг тадқиқ объекти таржима жараёни, таржима назариясини ривожлантиришга асос бўлувчи турли асарлар ва уларнинг таржима матнларидир. Таржима назариясини умумий, хусусий ва махсус назарияларга ажратиш таржимашунослик соҳасида умумэтироф этган қондалардан биридир. Таржиманинг умумий назарияси таржима жараёнининг универсал қонуниятларини, жанрий талаблардан қатъи назар, тиллараро, стилистик, вазифавий мувофиқликларнинг асосларини ўрганса, хусусий назария конкрет бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганади. Махсус назария эса, таржиманинг жанрий-стилистик хусусиятларига кўра бўлинган турларининг ўзига хос қонуниятларини ўрганади. Таржима ўзининг жанрий-стилистик кўринишига қараб икки турга бўлинади. Бири соҳавий (илмий, техник, публицистик ва ҳоказо) таржима тури бўлса, иккинчиси, бадий (шеърий, насрий) таржимадир. Бадий таржиманинг бошқа таржима турларидан фарқи шундаки, унинг бош вазифаларидан бири бадий адабиёт намуналаридаги коммуникатив таъсирнинг ёрқин кўринишларидан бири бўлган бадий-эстетик завқни бериш саналади.

Бадий таржима назарияси таржимонга аниқ тамойиллар асосида ҳаракат қилиш, ўз маҳоратини такомиллаштиришга ёрдам беради. Таржима тарихини кузатадиган бўлсак, бадий таржимада икки ёндашув – тилшунослик ва адабиётшунослик йўналиши мавжудлигини айтиб ўтишга тўғри келади. Тилшунослар таржима қонуниятларини лексик, грамматик ва матний мувофиқликлар ичидан излайдилар. Адабиётшунослар эса асосий эътиборни таржиманинг аксиологик жиҳатларига, яъни матннинг ғоявий-эстетик ва бадий

фасоҳатиға қаратадилар. Улар учун муҳими бадий матнда эстетик эквивалентликка эришишдир. Охирги йиллардаги жаҳон таржимачилиги амалиёти таржима ишларининг савиясига тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишларининг уйғун ҳолда бирлашиши ижобий таъсир этишини тасдиқламоқда. Дарҳақиқат, бадий асар таржимаси устида ишлаётган тилшунос эстетик таҳлил ва адабиётшунослик ёндашувидан холи бўла олмайди. Худди шунингдек, адабиётшунос ҳам таржима устида фикр юритар экан, лингвистик жиҳатлар ва тил нормаларини ҳатлаб ўта олмайди. Таржимашунос олим М.Холбеков хорижлик таржимашунос олимларнинг илмий концепцияларини таҳлил қилар экан, XXI асрда таржима жаҳон халқлари ва цивилизацияси ўртасидаги коммуникатив воситага айланганлиги таржиманинг лингвистик ва адабий аспекти тарафдорлари ўртасида эътироф этилаётганини алоҳида таъкидлайди¹.

Таржимада аслиятдаги каби эстетик таъсирни вужудга келтириш, бадий образни тўлиқ гавдалантириш айрим ҳолларда таржимонни жумла қурилишларини ўзгартиришга, таржиманинг турли усулларини қўллашга мажбур қилиши мумкин. Бироқ эквивалентлик тамойилларини бузиши ва ҳолатий манзарадан узоқлашиши мумкин эмас. В.Комиссаров келтирган мисол ва шарҳ бизнинг фикрларимизга яхши далил бўлиши мумкин: “But night-time in this dreadful spot!” – Night, when the smoke was changed to fire; when every chimney spouted up its flame; and places, that had been dark vaults all day, now shone red hot, with figures moving to and fro within their blazing jaws and calling to one another with hoarse cries (Ch. Dickens) А какая страшная была здесь ночь! Ночь, когда дым превращался в пламя, когда каждая труба полыхала огнем, а проемы дверей, сияющие весь день чернотой озарялись багровым светом, и в их пышущей жаром пасти метались призраки, сильными голосами перекликавшиеся друг с другом (Пер. Н.Волжиной).

Таржимон, аввало, бошпанасиз қизчанинг тасавуридаги туннинг даҳшатли манзарасини бадий баён қилиш истаги билан иш кўради, деб шарҳлайди таржимашунос олим. Ушбу вазифани бажариш учун таржимон жумла структурасини ўзгартиради (“ночь в этом ужасном месте” → “какая страшная была здесь ночь”), айрим сўзларга муқобиллар топади (changed to fire – превращался в

¹ Холбеков М. Таржима назариясининг лингвистик принциплари (1980-2000 йиллар) / Филология масалалари. 2009. 1-сон. Б.49-53.

пламя, spurted up flame – полыхала огнем, figures - призраки), ҳолатни ўзгача тарзда баён этади (places that had been dark vaults all day, т.е. “там, где весь день были черные skleпы”, заменяется более понятным “проемы дверей, сияющие весь день чернотой”). В.Комиссаров фикрича, ушбу ўзгартиришлар қандай баҳоланишидан қатъи назар, уларни бадий таржима талаб қилган бош вазифа, яъни эстетик-ҳиссий таъсирни бериш истагидан келиб чиққан эквивалент ёндашув дейиш мумкин².

Бадий таржима, ўз навбатида, шеърӣ ва насрий таржима турларига бўлинади. Улар ҳам бадий адабиётнинг жанрларига қараб шеър, драматик асарлар, роман, қисса, ҳикоя ва ҳоказо таржима йўналишларига бўлинади. Ҳар бир йўналишнинг юқоридаги икки тур талабларидан келиб чиқиб, умумий ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Бу жиҳатлар аслият мансуб бўлган қонун-қоидаларни белгилаб берадиган мезонларга боғлиқ ёндашувлар моҳиятидан келиб чиқади.

Бадий таржима назарияси ривожда турли фанларнинг, жумладан, тилшунослик, адабиётшунослик, тарих, фалсафа, социология, психология, этнография, матншунослик соҳаларида тўпланган бой тажриба қатта ўрин эгаллайди. Маданиятлараро коммуникация қонуниятларини аниқлаш, аслият таржимасида кенг қамровли ахборотни акс эттириш ва уларни тенг даражада бериш усул ҳамда воситаларини тадқиқ этиш айни фанлар ютуқларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Айниқса, тил ва матн инсон маънавий ҳаётини акс эттирувчи кўзгу сифатида таржима назарияси ва матншунослик фанининг чамбарчарс боғлиқлигини кўрсатади. Матннинг бир неча таърифлари мавжуд. Матншунос олимлардан бири Л.Лосева матннинг куйидаги уч белгисини кўрсатиб ўтади: 1) матн – бу, ёзма шаклдаги ахборот; 2) матн мазмунӣ ва структуравӣ тугал кўринишга эга; 3) матнда муаллифнинг тақдим этилаётган ахборотга муносабати ўз аксини топади (муаллиф ёндашуви)³.

Таржиманинг умумий назариясида оғзаки матн типлари билан боғлиқ кўзда тутилган бадий, расмӣ, ижтимоӣ-ахборот, илмӣ-техник, мусикавӣ каби яна бир қанча матн типларидан фарқли бадий таржимада фақат ёзма матн устувор ҳисобланади. Бадий матнлар жанрий, услубӣ ва вазифавӣ жиҳатларига кўра бир-

² Комиссаров В. Теория перевода. М., 1990. С.71.

³ Лосева Л.М. Как строится текст. М., 1980. С.4.

бирларидан жиддий фаркланадилар. Ҳар бир матн тури таржимон-ни алоҳида ёндашув ва талабларга риоя қилишга мажбур қилади. Бадий матнлар жанрий-шаклий жиҳатдан насрий, назмий, дра-матик ва ҳоказо типларга бўлинади. Матн типлари таржима усул ва воситаларини эркин танлашга изн бермайди. Ҳар бир адабий тур ва жанрнинг ўз қонуниятлари каби шакллари ҳам таржимада айнан сақланиши лозим.

Бадий асар матни таҳлили таржима жараёнида амалга ошири-ладиган дастлабки вазифадир. Бадий матн юқоридаги белгилар-дан ташқари ўзига хос белгиларга ҳам эгаки, уларни билмасдан туриб, таҳлилга киришиш кийиндир. Бадий матн (шеърӣй, нас-рий, драматик) эстетик юк ва муаллифнинг шахсий ғоявий мақса-дидан келиб чиқиб муайян алоҳидалик касб этади. Бу ўзига хослик муаллифнинг ижодий шахс сифатидаги услубий бетакрорлигидан дарак беради. Муаллифнинг образли тафаккури бадий ижоднинг муҳим хусусиятидир. Унинг фикрлари ва ҳиссиёти нутқ восита-лари орқали бадий нутқнинг образли бўлишига хизмат қилади. Ҳаётни бадий акс эттириш, воқеликни образлар орқали акс этти-ришдир. Бадий матнда биз бир образ эмас, балки образлар тизими билан тўқнашамиз. Шу жиҳатдан бадий матнда образларни таҳ-лил қилганда уларнинг ғоявий-эстетик мазмуни ва бадий матн тилини ўрганиш муҳимдир.

Насрда муайян тасвир баёни кўп жойни эгалласа, шеърда бир мисра ёки бандда ифода этилади. Кичик ҳажмдаги шеърӣй ифодада катта маъно ва эстетик манзарани бериш мумкин. Шеърда қан-чалик синтактик конструкциялар камайтирилиб маъно ва ҳиссиётга урғу берилиши, унинг образлилигини келтириб чиқаради.

Шеърнинг оҳангдорлиги бадий матн мусиқийлигини таъмин-ловчи муҳим омилдир. Шу нуқтаи назардан шеър архитектоникаси бадий матннинг жанрий мансублигидан хабар берувчи биринчи кўрсаткичдир. Шеър таржимасида матнни ташкил этувчи уч асосий восита – вазн, қофия ва ифодалилик мусиқий оҳанг туфайли ўқув-чини ўзига ром этади, унга коммуникатив таъсир кўрсатади. Ба-дий таржима назариясида оҳангни бериш жараёни эйфония (оҳанг жиноси), оҳанг тасвири (сув жилдираши, кўнгиروق овози, уммон тўлқинлари зарби каби товушли образларни тасвирлаш) ва муайян кайфиятни ҳосил қилиш воситалари орқали етказилган бадий завқни туйишдан бошланади. Таржимон адабиёт назарияси тамо-

йиллари, қонуниятлари ва предметини чуқур ўрганиши лозим. У шеърятдаги адабий усуллар, жумладан метафора ва метонимия каби ўхшатиш усуллари, ифрот (ўта муболаға), мумтанеъ, тадриж, тажнис, таносуб, мажоз каби бадиий санъатларни, грамматик ўзгартиришлар орқали вужудга келтириладиган тарсиъ, анафора, аллитерация каби эйфоник усуллар, инверсия ҳодисаси моҳиятидан яхши хабардор бўлиши талаб қилинади.

Насрий асарлар матнида эса композиция ва сюжет бир-бирдан ажралмас бўлиб, муаллифнинг ғояси унинг тил бойлиги ва филологик билимлари доирасида изчил ривожлантирилиб борилади. Бадиий матнда ёзувчи асарнинг мавзуси, мазмун-моҳияти ва персонажларнинг характерига қараб сўз ва ибора танлайди, синтактик курилиш, лексик-грамматик ва семантик усуллардан унумли фойдаланади. Матнда адабий тил нормалари билан бир каторда жонли (сўзлашув) тил имкониятлари ҳам барабар қўлланилади. Ҳатто персонаж тилини индивидуаллаштириш учун жаргон иборалар ишлатилади.

Драматик асарлар матни жанрий ва лисоний хусусиятларига кўра юқоридаги бадиий матн турларидан ажралиб туради. Унда муаллиф баёни келтирилмайди ва сахна кўринишлари ва персонажларнинг диалоглари воситасида асарнинг ғояси, сюжет ва композицияси намойиш этилади. Драматик асар муаллифи ўз қаҳрамонларининг лирик кайфиятларини уларнинг нутқи ва хатти-ҳаракати орқали жонлантиради. Персонажларнинг иборалари, тили унинг образини очиб беришга хизмат қилади. Уларнинг диалог ва монологлари муаллифнинг матн ортидаги муносабатини белгилайди. Ушбу муносабатни таҳлил қилиш драматик асар матнида яширин муаллиф дунёқараши, замонасининг ғоявий-эстетик йўналишини тўғри белгилашга ёрдам беради. Шунингдек, диалог ва монологлар, персонажларнинг хулқ-атвори, мимикаси, тили, кийим-кечаги, ўтириш-туриш тарзи баёнидан асарнинг миллий колорити ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Бадиий матн бадиий адабиётнинг барча жанрий ранг-баранглиги акс этади. Унда ҳиссиёт ва эстетик дид ҳукмрон бўлиб, баён шакли катта аҳамият касб этади. Адабиётда воқеликни мантиқий идрок этишдан кўра, бадиий ва ҳиссий-эмоционал қабул қилиш кучлироқ. Мазмуннинг қандай шаклда ва қай тарзда баён қилинишга қараб, асарнинг ўқувчига кўрсатадиган ҳиссий таъсири ва эстетик қиммати юқори бўлади.

2. БАДИЙ ТАРЖИМА ЖАРАЁНИ ВА ТАРЖИМОН ВАЗИФАЛАРИ

Таржима ижодий фаолият соҳасига киради. Шу жараёнда таржимоннинг лисоний ва маънавий билимлари матнда ўз ифодасини топади. Таржимон, аввало, она тилини яхши билиши, бошқа халқларнинг, хусусан таржима қилинаётган асар мансуб халқнинг адабиёти, тарихи, маданияти ва менталитетини чуқур ўрганган бўлиши лозим. Таржимонга қўйиладиган талаблардан яна бири филологик билимларининг юкори даражада бўлишидир. Унинг ўз она тилининг ўзига хос хусусиятларини яхши билиши, фонетика, грамматика, лексикология ва стилистика масалаларини теран тушуниши; адабиёт назарияси, бадий ифода усулларини чуқур ўзлаштирган бўлиши таржима матнининг талаб даражасида сайқал топишига хизмат қилади. Шундагина таржимон тил меъёрларини бузмасдан, аслият матни шаклига путур етказмасдан унинг мазмунини тўлиқ қайта яратиши, муаллиф мақсади ва ғоясини аниқ етказиши мумкин. Бинобарин, таржима санъат ҳисобланади. У нафақат билим, балки катта меҳнат ва фидойликни талаб қилади.

Таржимачилик фаолиятининг бош йўналиши турли тилларда гаплашувчи халқларни ўзаро таништириш, адабиёт орқали ўзаро мулоқотини ташкил этиш, бошқача айтганда, маданиятлараро коммуникация имкониятини яратишдир. Таржимон ўз таржимаси мукамал бўлиши учун аслият муаллифининг дунёқарашини, маслаҳатини каби индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши, таржима мўлжалланган қатламнинг аслиятда тасвирланаётган воқеликка нисбатан шаклланиши мумкин бўлган ижобий ёки салбий муносабатини ҳам олдиндан кўра билиши лозим. Шу жиҳатдан таржимон олдида юзага келадиган муаммолардан бири асар танловидир. Ҳар бир миллий адабиётда турли савиядаги асарлар учраши каби, ғоявий жиҳатдан ўша халқнинг ўзига манзур бўлмаган йўналишларда ёки ўзбек халқи менталитетига мутлақо мос келмайдиган жанрларда ёзилган асарларнинг учраши табиий. Мазкур жиҳатлар билан ҳисоблашмасдан асарни танлаш таржима санъати назарда тутган маданиятлараро коммуникация тамойилларининг бузилишига ва аслият тегишли халқ ҳақида нотўғри тасаввур пайдо бўлишига олиб келади. Албатта, бадий асар таржимасига киришишдан олдин таржимон таржиманинг барча усуллари, моделлари ва қонун-

қоидалари, бир сўз билан айтганда, таржима назарияси ютуқлари, унинг таржима амалиётида акс этиш тажрибалари тарихидан яхши хабардор бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Таржима жараёни дейилганда таржимоннинг таржима матнини яратиш устидаги ҳаракатлари тушунилади. Бадиий таржима жараёни аслият матнини ҳис этиш ва қайта яратиш босқичларини ўз ичига олади. Биринчиси, аслият тилида матнни ўқиб, уни “мағзини чақиш” билан боғлиқ бўлса, иккинчиси уни она тилида равон баён қилишга ҳаракатдир. Биринчи босқичнинг ўзи уч поғонага бўлинади. Биринчи поғона таржимоннинг аслият ўқувчиси сифатидаги фаолиятини ўз ичига олади. Матнни ҳис этиш жараёни ҳиссий органлар ва миянинг таҳлилий ҳамда муштарак йўналтирилган фаолиятининг турли кўриниш ва шакллариغا асосланади. Бунда таржимон асл матнни тўлиқ тушуниб етишга ҳаракат қилади, унинг эстетик қиммати ва ўқувчига кўрсатадиган таъсир кўламини “ҳис” қилишга эришади. Таржимоннинг ўзи биринчи навбатда ўқувчидир. У матнни тушунибгина қолмасдан, балки унинг образли ва ҳиссий таъсирини ўзида сезиши лозим. Албатта, ҳар бир инсон ўзи алоҳида бетакрор хилқат бўлгани учун ҳам, асарни “ҳазм қилиш” қобилияти ҳам турличадир. Бу кўп жиҳатдан инсоннинг билим ва тажрибаси, ҳиссий идрок ва тафаккур даражаси, тарбияси ва маълумоти, адабий дид ва савиясига ҳамда саводхонлигига боғлиқдир. Мазкур омиллар таржимонларнинг бир матнни тушунишда турли даражадаги фарқларга йўл қўйишларига сабаб бўлади. Натижада бир матн таржимасида турфавариантлик вужудга келади. Бадиий адабиёт таржимони аслиятда тасвирланган образлар ва ҳолат манзарасини қанчалик яхши тасаввур қилса, уни таржимада ёрқин ифодалашга муваффақ бўлади. Акс ҳолда, ўқувчи тасаввурда мавҳумлик ҳосил бўлиб, аслият жозибаси хиралашади. Таржимон, аввало, ўзи танлаган аслият матнини чуқур таҳлилдан ўтказди: унинг ғояси, сюжети, композицияси, ёзувчи услуби, бадиий тасвир воситаларининг мураккаблик даражаси, яратилган давр хусусиятлари, муаллифнинг ўз даври ижтимоий-сиёсий воқелигига муносабати, ҳуллас, асарни адабиётшунослик нуқтаи назаридан жиддий таҳлилдан ўтказди. Учинчи поғона таржиманинг лингвистик тадқиқини ўз ичига олади. Унда аслият матнининг тил хусусиятлари, жумладан, синтактик тузилиши, лексик таркиби, идиома ва фразеологик иборалар, композицион-нутқий шакллар (баён,

нақл), диалектизмлар ва ҳоказо нутқий конструкциялар ўрганилади. Иккинчи поғона таржимоннинг аслият тадқиқотчиси сифатидаги изланишларидан иборат.

Шундай қилиб, таржимон онгида аслият маъно-мазмуни ҳиссий тўлиқ идрок этилиб, унинг матндаги ифодаси филологик таҳлилдан ўтказилгач, таржима жараёнининг иккинчи босқичи – таржима матнини яратиш ишлари бошланади. Бу жараён ҳам икки изчил босқичга эга. Биринчиси, матндан англашилган ахборотни таржимада қайта ифодалашдир. Лингвистик аспектда бу тиллараро мувофиқлик даражаларини, конкрет контекстларда муқобиллик даражаларини белгилашдир. Ҳар бир тилда гап қурилиши алоҳида сўзлар ва сўз бирикмаларидан таркиб топгани сабабли тиллараро лексик мувофиқликка жавоб берадиган муқобил сўз ва бирикмалар топилиб, лексик, стилистик ва грамматик уйғунликда таржима матнини яратиш ишлари бошланади. Аслият матнида кўзда тутилган семантик ва ҳиссий-экспрессив маълумот биринчи навбатда маъно жиҳатидан қайта ифодаланади.

Муқобиллик аслиятдаги вазиятни таржимада тўлиқ акс эттиришга бўлган ҳаракатдан юзага чиқади. Таржимон матнни ўз тилида қайта ярата туриб, аслият ўқувчиси асарни қандай тушунган ва таъсирланган бўлса, таржима матнни ўқувчи ҳам шундай таассуротга эга бўлишига эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бироқ икки тил эгалари ўртасидаги лисоний, маданий, ижтимоий ва ҳоказо фарқлар таржиманинг фақат лингвистик ўлчовларга таяниб амалга оширилишига йўл қўймайди. Таржимада муқобил тушунчаларни бериш ва ўқувчи томонидан аслиятдаги маънони айнаиб қабул қилишига имкон бериш учун таржимон ўз тили бойликларидан унумли фойдаланиши зарур. Маълумки, ҳар бир матн уни қабул қилувчига қандайдир маълумот (ахборот) беради. Қабул қилувчи (ўқувчи, рецептор) маълумотни ўзлаштирар экан, унда матнга нисбатан шахсий муносабат шаклланади. Таржимашуносликда ушбу муносабатга прагматик муносабат дейилади. Масалан, матн рецептор учун муҳим маъно касб этмасдан, фақат дунёқарашни бойитиш учун манба вазифасида таассурот қолдириши мумкин. Бошқа бир рецепторда мазкур матн чуқур изтиробни, маҳзун кайфиятни ёки, аксинча, жўшқин туйғуларни уйғотиши мумкин. Матннинг ана шундай коммуникатив таъсири рецепторнинг шахсияти, руҳий ҳолати, ҳаётий тажриба ва кечинмалари, ўтмиш

хотиралари, маънавий билимлари даражасига кўра турлича кечиши мумкин. Рецептторнинг прагматик муносабатини зарурий даражада ўрнатиш таржимоннинг матнда тил воситаларини тўғри танлаш қобилиятига боғлиқ. Унинг шу йўналишдаги ҳаракати ва рецептторга кўзда тутилган таъсирга эришиш хоҳиши таржиманинг прагматик омили ёки таржима прагматикаси дейилади.

Прагматик омилларнинг таржима жараёни ва натижасига таъсири катта. Бадиий таржиманинг прагматик жиҳатлари таржима матнда аслиятнинг эквивалентлигини таъминлаш билан боғлиқдир. Аслият матнига эквивалентлик даражасини белгилаш нисбий тушунчадир. Таржима назарияси ва амалиётида эквивалентлик даражалари турличадир. Улар эквивалентлик, айнанлик ва адекватлик истилоҳлари билан белгиланади. Уларнинг ўртасида фарқларни аниқ белгилаш масаласидаги баҳслар ҳали ҳам тугамаган. Таржима санъатига бағишланган тадқиқотлар, ўқув қўлланмаларида яхлит умумий принцип кўзга ташланмайди. Аммо таржимашунослар эквивалентлик аслият ва таржима матн ўртасида мавжуд бўлган мазмуний, мундарижавий, услубий, вазифавий ва ҳоказо коммуникатив ахборотнинг нисбий тенг ва мувофиқлиги эканлигини бир овоздан эътироф этадилар.

Аслият матни парчаси устида ишлаш жараёнида таржиманинг бир неча вариантлари юзага келади. Таржимон унинг энг муқобилини танлай олиши муҳим. Бунда таржимон матннинг алоҳида элементларини муҳимлик даражасига кўра грамматик ва семантик тўғри келадиганини танлайди. Энг кам йўқотишга эга таржима вариантини танлаш таржима савиясини белгилайдиган энг муҳим омилдир. Шу жараёнда таржимоннинг луғат билан ишлаш малакаси қўл келади. Таржимон аслиятдаги тил бирликларига муурожаат қилиб, луғатдан уларнинг маъноларини излайди ва таржима вариантыга контекстдан келиб чиқиб мосларини танлайди. Луғатда керакли маънони англатаётган сўз топилмаган тақдирда контекст маъносига тўғри келадиган сўзни қидиришига тўғри келади. Шуни ҳисобга олиш керакки, айрим ҳолларда сўз ёки иборанинг маъноси контекстга боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Луғатдан топилмаган, шу билан бирга, контекстдан алоҳида ниманидир англатаётган маънони топиш таржимон олдида қанчалик мушкул вазифани юклашини тасаввур қилиш мумкин. Шу ўринда таржимонга унинг маънавий билимлари ёрдамга келади. Маънавий билимлар инсоният ўз

тараққиёти давомида умумлаштирган билимлар ва аслият ҳамда таржима тили мансуб мамлакат ҳақидаги билимларга тааллуқлидир. Айниқса, мамлакатшунослик доирасида кенг билимларга эга бўлиш таржима ишини анча осонлаштиради. Фразеологик иборалар, мақоллар, ҳикматли сўзлар, идиомалар – ишорали учирма ибораларнинг муқобилларини танлаш таржимондан тегишли маънавий билимларга эга бўлишни тақозо этади. Маънавий билимлар рус таржимашунослигида “фон билимлари” деб ном олган. У таржима адекватлигини таъминлашда катта ўрин тутиб, бир томондан, аслият тили мансуб халқнинг, иккинчи томондан, таржима тил соҳиби бўлган халқнинг тарихи, урф-одатлари, менталитети ва маданиятига оид билимлар мажмуини англатади. Матн маъносини ўғришига берилиб кетиш, айрим ҳолларда таржиманинг эркинлашиб кетишига олиб келиши мумкин. Гарчи бадиий таржимада бадиий-эстетик таъсирни кучайтириш мақсадида эркин таржимага рухсат берилган бўлса-да, чегарадан ошиб кетиш аслият матнидан узоқлашишга олиб келиши мумкин.

Таржима мақсади матни фақат ўқувчининг қабул қилиш даражасига мослаш билан чегараланмасдан, аслиятнинг мазмуни, услубий, стилстик, бадиий қимматини заррача футур етказмасдан қайта яратиш чораларини кўришга йўналтирилиши лозим. Акс ҳолда, матннинг аслият тилидаги жозибаси ва таъсири таржима матнда ўз кучини йўқотади. Қайта ифодалаш жараёнидан кейинги босқич таржимани бадиий идентификация қилишдир. Бу таржима тилида аслиятнинг ғоявий-бадиий мазмуни, функционал-услубий, маъно жиҳатидан тенг бўлишини таъминлашга йўналтирилган сайқал бериш ва таҳрир жараёнидир. Мазкур босқичда таржима қилинаётган ибора ва бирикмалар, жумла ва бўлақлар жиддий таҳлил қилинади, уларнинг эквивалентлик даражалари қиёсланади. Айни шу жараёнда таржиманинг мураккаб ижодий жараён сифатидаги бутун борлиғи намоён бўлади. Фразеологизмлар таҳлилида тўғри ёндашув, сўз ўйинларини фарқлай олиш, реалийларни аниқ узата билиш, маънавий билимлардан оқилона фойдаланиш таржимондан муайян қобилият ва тажриба талаб қилади.

Аслият муаллифи асар образлилигини таъминлаш мақсадида она тили имкониятидаги турли-туман тил воситаларини қўллайди. Шунинг учун таржимон аслиятнинг ёркинлиги, жозибаси ва муаллифнинг услубини сақлаб қолиши учун бор маҳоратини ишга со-

лиши, бадийй етукликни таржимада акс эттириш учун тил нормаларини бузмаган ҳолда ҳар иккала тилнинг синтактик қурилишидан унумли фойдалана олиши лозим. Аслиятдаги гап қурилишини айнан бериш, ўзбек тилидаги стилистик принципларнинг бузилишига олиб келади. Зарур ҳолларда гапнинг мантиқий тузилмаси талаб қилганда бир тилдаги синтактик қурилма таржима тилида тенг таъсирни таъминловчи бир неча бўлақларга бўлиниши ёки, аксинча, умумлаштирилиши мумкин.

Хуллас, бадийй таржимага киришган таржимон масъулияти ва вазифалари бошқа таржима турлари билан шуғулланувчиларникидан анча залворлидир. Таржима жараёнида таржимоннинг ўз услуби, овози шаклланади. Унинг маҳорати ва малакаси аслиятнинг таржима тилида айнан жаранг ва жозиба билан янграшига замин яратади.

Мувофиқлик (эквивалентлик) назариясини билиш ва унинг имкониятларидан оқилона фойдаланиш таржима матннинг аслиятдаги каби бадийй етук қиёфа касб этишига ёрдам беради.

3. БАДИЙЙ ТАРЖИМАДА ЭКВИВАЛЕНТЛИК ВА АДЕКВАТЛИК

Таржима – бир тилда яратилган муайян асарнинг ўзга бир халқ маънавий эҳтиёжига хизмат қилдирадиган, ундан бадийй завқ олиши учун имконият яратиб берадиган коммуникатив воситадир. Бир тил ичидаги нутқ мулоқоти жараёнида муайян матн гапирувчига ҳам, эшитувчига ҳам тенг тушунарли бўлганидек, бадийй асар муаллифи ва унинг ўқувчиси ўртасида ҳам ўзаро таъсирланиш нуқтаи назаридан коммуникатив тенглик вужудга келади. Таржима матни ҳам аслият матнига тенг бўлиб, у билан бир яхлитлик тасаввурини уйғотиши керак. Шунга биноан, таржима вазифаларидан бири – таржима матн аслиятнинг тўлиқ коммуникатив ўрнини эгаллаши ва аслият ўқувчиси имкониятига тенг даражадаги бадийй завқ, мазмуний ва мундарижавий (структуравий) уйғун мувозанатни (мувофиқлик) таржима ўқувчисига тақдим этишдир.

Мувозанат (мувофиқлик) таржиманинг барча жабҳаларини қамраб олиши лозим. Таржимашунос олимлар аслият ва таржима матн ўртасидаги мувозанат (мувофиқлик) турларини учга бўла-

дилар: 1. Функционал (вазифавий) мувозанат. 2. Мазмуний мувозанат. 3. Структуравий мувозанат.

Функционал мувозанат (мувофиклик) таржимоннинг аслият муаллифи билан муносабати доирасида юз бериши керак, яъни аслият муаллифининг таржима асар соҳиби сифатида ёндашуви сифатида сақланиши, асарнинг ғоявий, жанрий хусусиятлари тўла сақланиши талаб қилинади. Мазмуний мувозанат деганда таржима аслият мазмунини тўлиқ акс эттириши, унга юқори даражада мазмунан адекват бўлиши тушунилади. Структуравий мувозанат (мувофиклик) таржимада аслиятнинг сюжети ва композицион қурилиши, мазмуннинг баён тартиби ҳеч бир ўзгаришсиз келтирилганда юзага келади. Таржимон асл матнга ҳеч нарса қўшмаслиги, асар парчаларини ўзича ўзгартирмаслиги ёки олиб ташламаслиги зарур. Аслият ва таржима матннинг бўлим ва қисмлари сони ҳамда мазмуни бир-бирига айнан мос келиши талаб қилинади. Агар таржимон аслиятнинг айрим жузъий ўринларига ўзгартiriш киритишга қарор қилганда ҳам бу ҳол фақат ўша парчадаги мазмунни тўлиқроқ очиб бериш мақсадида қилиниши мумкин.

Таржимон ўз ҳаракатларида аслият ва ўз тили доирасида ҳамда тилдан ташқари бўлган зарурий омиллар (экстралингвистик ва прагматик омиллар) тақозосига кўра икки тилда узатилаётган ахборот мазмунининг мувозий (тенг) даражасини топишни асосий вазифа сифатида қараши лозим. Ана шундай мувозанат (мувофиклик) даражаси таржима назариясида таржима эквивалентлиги ва адекватлиги тушунчалари орқали белгиланади.

Таржимон аслиятдаги бирликлар ва нутқ бўлақларини ўрганар экан таржима учун эквивалент вариантларни танлайди. Уларни аслият билан қиёслаб, охириги қарорга келади. Танланган таржима варианты устида ишлаб, уни коммуникатив жиҳатдан мувозий ҳолатга келтиради. Ушбу жараён таржимондан тегишли билим ва маҳоратни талаб қилиши тайин. Аслият ва таржима мазмуни орасидаги реал муносабатларни қарор топтириш таржимонга икки матн ўртасига умумийлик чизиғини тортишга, максимал даражада турли тилдаги матнларнинг маъновий яқинлигини таъминлашга имкон беради. Шу орқали таржима сифатига эришилади. Таржима матнининг аслиятга нисбатан ҳар жабҳада яқинликка эришиши эквивалент таржима дейилади.

Таржимашунослик тарихида тиллараро лексик мувофиқлик масаласини жиддий ўрганиш ва мувофиқлик турларини таснифлаш, биринчи марта Я.Рецкер (1950) томонидан ўртага ташланган. У мувофиқлик турларини учга: эквивалент, муқобил (аналог) ва адекват турларига бўлади. Эквивалент деганда у муайян вақт ва макон учун контекстга боғлиқ бўлмаган доимий тенг даражадаги мувофиқликни тушунади. Муқобил (аналог) эса имкониятдаги бир неча синонимлардан бирини танлаб олган ҳолда қилинган муқобил таржима натижасидир. Эквивалент ҳар доим битта, муқобиллар эса бир нечта бўлиши мумкин. Муқобиллар ёрдамида, хусусан, фразеологизмлар, мақол ва ҳикматли сўзлар таржима қилинади деб ёзади Рецкер таснифи ҳақида В.Виноградов.⁴ {“Адекватликка эришиш учун”, - дейди Я. Рецкер, - “таржимон аслиятнинг ҳарфий исканжасидан, луғавий ва иборавий мувофиқликлардан кутулиши ва вазифанинг ечимини яхлитлик нуқтаи назаридан мазмун, ғоявий йўналиш ва аслият услубидан қидирмоғи лозим”⁵. }

Я.Рецкернинг таснифи тилшунос таржимашунос олимларининг жиддий эътирозларига сабаб бўлди. В.Виноградов уни муқобиллар (аналоглар)нинг бир-бирига тўғри келмайдиган (эмоционал-экспрессив, стиль, диалект жиҳатидан) характерини ҳисобга олмаганлигини танқид қилса,⁶ А.Д.Швейцер эквивалентлик масаласида уни мавҳум тушунча берганликда айблади.⁷ Натижада Я.Рецкер кейинги ишларида мувофиқлик турларини иккига: эквивалент ва муқобил мувофиқликлар (аналог) турига бўлиб, адекватликка таржима фаолиятидаги бир приём сифатида қарай бошлади.⁸

Тилшунос таржимашуносларнинг лингвистик жиҳатдан адекватликка эришиш мумкин эмас, деган қарашлари шу даврдан аксиомага айланди. Я.Рецкернинг адекватлик ҳақидаги таснифи баъдий таржима учун жуда мақбул мезон эди. Аммо бу масала шундан сўнг кўтарилмади. В.Н.Комиссаров эквивалентликнинг беш типини ишлаб чиқди.⁹ Унинг дастлабки уч типидан матн мазмунининг асосий элементлари таржимада сақланади. Матн нутқ комму-

⁴ Виноградов В. Введение в переводоведение. М., 2001. С.79.

⁵ Рецкер Я.И. О закономерных соответствиях при переводе на родной язык / Вопросы и методики учебного перевода. М., 1950. С.158.

⁶ Виноградов В. Введение в переводоведение. С.80.

⁷ Швейцер А. Перевод и лингвистика. М., 1973. С. 19.

⁸ Бу ҳақда: Виноградов В. Введение в переводоведение. С.80.

⁹ Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). С.51-82.

никацияси бирлиги сифатида ҳамisha коммуникатив вазифадорлиги, ҳолатий (манзаравий) йўналтирилганлиги ва ҳолат баёнининг танланиши билан белгиланади. Ушбу белгилар матннинг энг кичик бирлиги бўлган иборада ҳам сақланади. Бошқача айтганда, ҳар бир ибора мазмунида қандайдир ҳолат баёни орқали коммуникатив мақсад юзага чиқади. Эквивалентликнинг биринчи типиде аслият мазмунининг кўрсатиб ўтилган биринчи қисми сақланади (коммуникатив мақсад), иккинчи типде биринчи қисмга қўшимча равишде иккинчи қисм-ҳолат баёни ҳам сақланади. Эквивалентликнинг учинчи типиде учала қисм (коммуникатив мақсад+ҳолат баёни+баён усули) сақланади¹⁰. Тўртинчи ва бешинчи типларде эквивалентлик олдинги уч тип белгиларига қўшимча равишде, маъно ва мазмунде фақат коммуникатив мақсад, ҳолатга эътибор ва уни баён қилиш усули билан чекланиб қолмасдан, аслият ва таржимаде синтактик ва лексик бирликларни моҳиятан максимал даражаде яқинлаштиришде намоён бўлади¹¹. В.Н.Комиссаров уларни таржима жараёнидеги афзалликлари устиде ҳам тўхталади. Эквивалентликнинг юқори даражасини таъминлашде қайси таржима модели кўпроқ имкониятга эга? Трансформацион моделде аслиятде ва таржимадеги синтактик структуралар ҳамде лексик бирликларнинг маънолари орасиде трансформацион муносабатлар йўк. Ситуатив моделде икки матн эквивалентлиги даражаси фақат баён этилаётган ҳолатнинг умумийлиги асосиде белгиланади. Инглизча “Answer the telephone” ўзбекча “тўшакни кўтар”га муқобил тушунча эканлиги таржимоннинг “to answer (жавоб бермок)” билан “тўшакни кўтар” ўртасиде ўзак маъноде эквивалентлик бор деб ҳисоблашиде эмас, балки реал воқелиқде, телефон кўнғироғига жавоб бериш пайти, албатта, телефон гўшагини кўтариш кераклиги ҳақиқидеги умумий тасаввур мавжудлиги туфайли ҳеч кимде эътироз уйғотмайди. Демак, турли тилларде бир-биридан узоқ маъноларни англаувчи икки ибора муайян ҳолатде бир маънони англатиши мумкин экан. Шундан билса бўладики, ситуацион модель трансформацион моделга нисбатан эквивалентлик ёки адекватликни таъминлашде устун томонларга эга. Аммо ҳар қандай ҳолат ҳам эквивалентликни белгилашде тўғри мезон бўлади, деб айтиб бўлмайди. Масалан, шундай ҳолатлар учрайдики, аслият яратилган тилга

¹⁰ Ўша асар. Б.67.

¹¹ Ўша асар. Б.69.

мансуб ўқувчи қийинчиликсиз тушуниши мумкин бўлган сўз маънолари таржимон томонидан нотўғри тушунилиши мумкин. Масалан, В.Комиссаров шундай мисолни келтиради: “Different brands of changes”, Charles said: “Serge and barathea.” “Потому что существуют разные сорта храбрости, – сказал Чарлз. – Одна сержантская, а другая -офицерская”¹².

Ушбу мисолда икки хил мато ҳақида гап кетмоқда. Инглиз ўқувчиси парчадан англашилган маънони осон тушунади. Жумладан, бир матонинг оддий ва арзонлиги, иккинчисининг қимматбаҳо эканлигига урғу берилаётгани ҳам унга маълум. Аммо рус таржимони аслиятни ўқиганда уни юқорида таржима қилингандек тушунган. Лингвистик нуқтаи назардан ҳам, семантик нуқтаи назардан ҳам, ҳолатдан келиб чикиб иш тутиш жиҳатидан ҳам таржимонни айблаб бўлмайди. Лекин масаланинг бошқа нозик бир жиҳати бор. Бу ерда таржимоннинг маданий-тарихий аспектдаги маънавий билимларининг етишмаслиги маълум бўлиб қолган. Serge and barathea сўзларининг ўша халқнинг ўзига маълум бўлган бошқа маънолари борлигидан хабарсизлик таржиманинг эквивалент ёки адекват бўлишига жиддий ҳалал берган. Шундай экан, коммуникатив моделнинг таржима адекватлигини таъминлашда анча кенг имкониятлар беришини ҳисобга олиш зарур.

Таржиманинг коммуникатив моделида таржима эквивалентлиги масаласи А.Д.Швейцернинг тадқиқотида ўзига хос равишда тушунтириб берилган. Эквивалентлик турларини баён қилишда семиотика, яъни белгилар тизимини ўрганадиган фан натижалари асос қилиб олинади. Мулоқот ана шу белгилар орқали амалга оширилади. “Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси” фильмида ҳаммамизга таниш бўлган бир эпизодда тувакдаги гул хавфсизлик белгиси сифатида намоиш этилади¹³. Тил ҳам белгилар тизимига киради. Унда белгилар сўзлар ва грамматик конструкцияларда кўринади. Тил белгилари ўз тузилишига кўра икки қисмдан – экспонентлар, яъни жисмоний, физик кўрсаткичлар (тувакдаги гул, ишора, товуш ёки чизгилар) ва денотатлар, яъни қайд белгиларидан (инглизча denote – қайд қилмоқ, белгиламоқ феълидан ясалган) ташкил топади. Белги ва уни қайд этувчи денотат ўртасидаги муносабатлар семантика,

¹² Комиссаров В. Теория перевода. М., 1990. С.170.

¹³ Қаранг: Швейцер А.Д. Перевод и лингвистика. М., 1973. С.60.

белгиларнинг ўзаро муносабатлари синтактика, белгилар ва ўқувчи ўртасидаги муносабатлар эса прагматика дейилади.

Эквивалентлик даражалари қуйидан юқорига қараб жойлашади. Ҳар бир даража ўзининг таржима табдилларига (трансформацияларига) эга. Эквивалентликнинг қуйи даражаси синтактик даражадаги муқобилликдир. Бунда таржимада иборанинг синтактик қурилиши сақланган ҳолда баъзи лексик белгилар алмаштирилади. Масалан, *The sun disappeared behind the cloud* (Қуёш яширинди булут ортига).

Баъзи ҳолларда, иборанинг синтактик шаклини ўзгартириш талаб қилинади. Шунда семантик тузилишга эътибор қаратишга тўғри келади. Муқобилликни таъминлаш йўлидаги бу ҳаракат семантик даражадаги эквивалентликни излаш дейилади. Семантик даража икки қисмдан иборат. Бири компонент даража, иккинчиси референциал даражадир. Референт сўзи денотат сўзига синонимдир.

Компонент даражада иборанинг семантик тузилиши ўзгармасдан қолади ва ундаги семантик компонентлар сақланиб, фақат грамматик тузилишга путур етади: Сизнинг хотинингиз ажойиб тайёрлайди - *Your wife is a superb cook*.

Ушбу мисолда грамматик ўзгаришлар феълнинг (ажойиб тайёрлайди) отга (ажойиб пазанда) айланишида кўринади. Кўриниб турибдики, семантик компонентлар (маъно кўчимлари) сақланган.

Референциал даражада семантик тузилишда сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Бунинг сабаби шундаки, ғайрилисоний воқеликдаги бир лавҳа турли тилларда турлича баён этилиши мумкин. Масалан, инглизча “*wet paint*” ибораси янги бўялган жойни англатади. Ўзбек тилида янги бўялган жой эканлигидан огоҳлантирувчи “Эҳтиёт бўлинг, бўялган!” ибораси мавжуд.

Семантик даражадаги тадбиллар (трансформациялар) барча моделларда учрайди. Муқобилликнинг юқори даражаси прагматик даражадир. Агар икки қуйи даражада денотативлик, яъни белгилар устувор бўлган бўлса, энди муқобиллик учун асос сифатида коммуникатив жараённинг икки муҳим қисми – коммуникатив ёндашув ва коммуникатив эффект муқоясаси олинади. Прагматика белги ва ўқувчи ўртасидаги муносабатларни ифодалагани учун муқобилликнинг ушбу даражаси прагматик эквивалентлик номи билан аталади.

Прагматик даража ўзидан қуйидаги эквивалентлик ҳосил қилишнинг барча усулларига суяниш билан бирга уларга қўшимча равишда ўзгача табдиллардан ҳам фойдаланишни кўзда тутати. Масалан, тушириб қолдириш, қўшиш, ўзгартириш каби амаллар ишга солинади. Қуйидаги мисолда савол тарзидаги фатик (яъни ўзаро мулоқотга йўналтирилган) ёндашувда фойдаланиладиган қатъий ибора таржима тилида кенг истеъмолда бўлган қатъий ибора билан алмаштирилиши мумкин:

Mrs. Eysenford Hill! My daughter Clara.

Lisa: How do you do?

Clara: How do you do?

Ўзбек тилида таништирув маросимида айтилган “Эйсенфорд хоним! Менинг қизим Клара” жумласи жавобида Лиза ва Клара бир-бирларига “қандайсиз?” деб эмас, балки “бағоят хурсандман” деб илтифот қилиши ҳолатнинг бадиий ва эстетик жиҳатдан пишиқ чиқишига хизмат қилади.

Юқорида баён этилганлардан кўришиб турибдики, даражалар юқорилашган сари муқобиллик даражаси мос равишда қуйи даражалардаги муқобиллик вариантларини ўзлаштириб бораверади. Демак, синтактик даражадаги муқобиллик семантик даражада ҳам учрайди. Семантик муқобиллик прагматик даражада ҳам бор. Аммо юқори даражадаги муқобиллик вариантларини қуйи даражаларда ҳосил қилиб бўлмайди. Компонент муқобиллик синтактик муқобилликсиз ҳам ҳосил қилинаверади. Худди шундай, референциал муқобиллик компонент даражадагисисиз, прагматик муқобиллик эса семантик ва синтактик даражадаги барча муқобиллик даражалари вариантларисиз амалга оширилиши мумкин.

В.Н.Комиссаров адекват таржима ҳақида гапирмайди. Аммо эквивалентликнинг бешинчи типиде лингвист сифатида максимал талабларни кўрсатиб ўтади. Унга кўра, икки тил орасидаги мувофиқликлар тизимини билиш, зарур воситаларни танлаш, таржима усуллариининг энг самаралиларини тадбиқ этиш, экстралингвистик омилларни ҳисобга олиш ва таржима метод ва приёмларини билиш коммуникатив мақсадга тўлиқ эришишга олиб келади. Эквивалентликнинг бешинчи типиде ҳиссий, стилистик ва образли компонентлар, шунингдек, сўз семантикасида алоҳида морфемларга алоҳида жиддий эътибор қаратилади. Сўз ўйинлари ва унинг кўп маънолигини ҳисобга олиш эквивалентликнинг бешинчи типига хосдир.

В.Н.Комиссаров келтирган мисоллар бугунги кунда адекват таржима ҳақидаги мулоҳазаларга яхши далил бўлади.¹⁴ Айниқса, бадий таржимада кўрсатиб ўтилган таснифлар ҳисобга олиниб, Я.Рецкер ўз вақтида таклиф этган мазмун ва ғоя адекватлиги, услуб мувофиқлиги масалалари назарда тутилса, ўзбек адабиётини хорижий тилларга адекват таржима қилиш бўйича тизимли иш осон бўларди. Ўзбек мумтоз шеърини хорижий тилларга таржима қилиш ишларида ушбу принциплар билан ҳисоблашиш ва қўшимча равишда оҳанг, шарқона руҳ ҳамда услуб масалаларини таржимада адекват яратиш ўзбек таржимонлари зиммасига катта маъсулият юклайди.

Адекват таржима бир мунча мураккаб жараёндир. Бадий асар матни парчалари таржимоннинг лисоний ва аъъанавий билимлари даражаси ва ижодий қобилияти юксак бўлган тақдирда тўлиқ ёки қисман эквивалент таржима адекват таржимага айланади. Бу жараёнда таржимоннинг лисоний ва экстралингвистик мураккабликларни ҳисобга ола билиши ва уларни қиёслаб, тўғри таҳлил қила олиш малакаси муҳим аҳамият касб этади. Таржима жараёнида таржимон зарурий адекват бирликларни топиш ва тўғри истифода этиш каби мураккаб вазифани бажаришига тўғри келади. Шу асосда у ўз тилида аслият матни замирига яширинган мақсад ва ғояни айнан узатишга киришади.

Икки тилдаги матн ўртасида максимал яқинликни кўрсатувчи адекватлик билан аслият ва таржима орасидаги реал маъновий яқинликни англатувчи эквивалентлик ўртасидаги фарқни ажратиш айрим ҳолларда қийин кечади. Шунинг учун таржимашунос олимлар ўртасида бу масалада яқдиллик йўқ:

Адекват таржима эквивалентликнинг олий даражаси бўлиб, унда аслиятнинг жанрий-стилистик талаблари, барча лисоний ва ғайрилисоний (экстралингвистик) омиллар ҳисобга олинган, максимал даражада ҳиссиёт ва аслият руҳи сақланган бўлади. Ҳар бир адекват таржима, албатта, эквивалент бўлади, аммо ҳар бир эквивалент таржимани адекват деб бўлмайди.

Эквивалентликнинг даражаларини ҳисобга олмасдан иш кўриш таржима нормаларининг бузилишига, яъни эркин ва сўзма-сўз таржимага йўл очади. Сўзма-сўз таржима тилнинг талабларини тунмасликдан келиб чиқади. Масалан, ўзбек тилидаги “Мен сени

¹⁴ Қаранг: В.Н.Комиссаров. Теория перевода. С.78-91.

яхши кўраман” жумласини рус тилига “Я тебя хорошо вижу” деб таржима қилиш сўзма-сўз таржима қилиш оқибатидир. Ёки дейлик инглиз тилидаги “You are the only woman I have ever loved” конструкцияси ўзбек тилига сўзма-сўз “Сен мен қачонлардир севган ягона аёлсан” маъносини беради. Ҳолбуки, инглиз ибораси конструкциясида “Сен мен севган ягона аёлсан” деган маъно мавжуд. Бундан маълум бўладики, бир тилдаги айрим мутлақ конструкциялар бошқа тилда учрамаслиги мумкин ва уни сўзма-сўз таржима қилиш аслият ибораси маъносининг бузилишига олиб келади.

Сўзма-сўз таржимада аслиятдаги мўлжал ва мантиқий мазмун изчиллиги эквивалент келтирилади, бироқ жанрий-стилистик нормалар ёки айрим лингвистик омилларга риоя қилинмаган бўлади. Сўзма-сўз таржима айрим пайтларда айнан таржима билан чалкаштирилади. Улар ўртасида жиддий фарқ бор. Масалан: “It is a good horse that never stumbles” жумласи сўзма-сўз “Бу ҳеч қачон қоқилмайдиган яхши отдир” деб таржима қилинади. Бу аниқ таржима эмас. Чунки реал воқеликда қоқилмайдиган от бўлмайди. Демак, уни “Ҳеч қачон қоқилмайдиган от, яхши отдир” деб таржима қилиш муқобил таржимадир. Чунки бу гапнинг тагида “наҳотки шунақаси бўлса,” деган ҳайрат яширинганлигини таржимон ҳисобга олиши керак.

Эркин таржима сўзма-сўз таржиманинг тескарисидир. У икки маданият, икки халқ ўртасида коммуникатив алоқаларни тезлаштиришда, бир халқ адабий жараёни ҳосилалари билан иккинчи халқни таништириш ишларининг дастлабки босқичларида самарали ҳисобланади. Эркин таржима аслият ҳақида умумий маълумот берувчи, умумий руҳ ва мазмунни етказувчи воситадир. Аммо эркин таржима аслият матнининг структурал, лексик-грамматик тартибига жиддий путур етказиши, таржимон “ўзбошимчалиги” аслият кадр-қимматини тушириб қўйиши эҳтимоли кучлилиги туфайли олқишланмайди.

4. БАДИИЙ ТАРЖИМАДА МАЪНАВИЙ БИЛИМЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Аслиятда баён этилаётган воқелик, турли нарса-ходисаларнинг тасвири ва образларини бор мураккаблиги билан имкон қадар

гўғри таржима қилиш учун таржимон, табиийки, оригинал асарда тасвирланган воқеликка доир билимларга эга бўлиши лозим. Бундай билимлар, кўпинча, умумий равишда мамлакатшунослик билимлари ҳам дейилади. Таржимашунослик тарихида Е.Верешчагин, В.Костомаров, В.С.Виноградов, А.Федоров томонидан илгари сурилган “фон билимлари” тушунчаси айнан ўша мамлакатшунослик билимларини назарда тутган бўлиб, бошқа халқ, бошқа бир мамлакат ҳаётининг мазмунини ташкил этган барча тасаввурлар йиғиндисини англатади¹⁵. В.С.Виноградов “фон билимлари”ни “тезаурус” истилоҳи билан белгилашни тавсия қилади. Унингча, “тезаурус” истилоҳи нафақат мамлакатшуносликка тааллуқли билимларни, балки глобал, байналмилал, минтақавий, миллий, гуруҳий ва индивидуал билимлар мажмуини назарда тутди. Глобал деганда инсоният ўз тараққиёти давомида қўлга киритган барча билимлар, жаҳон маданиятининг ютуқлари, умумбашарий қадриятлар тушунилади. Минтақавий ва миллий тезауруслар муайян геоижтимоий минтақа ёки миллатга хос бўлган тарихан шаклланган билимлар мажмуини англатади.

Гуруҳий ва индивидуал тезауруслар ҳар бир юқорида кўрсатилган тезауруслар учун умумий бўлган билимларни акс эттиради. Умумбашарий тезауруслар ҳар бир индивидуумда бор. Минтақавий ва миллий тезаурусларда миллий ўзига хос билимларнинг устуворлиги – бир миллий жамоа томонидан йиғилган моддий ва маънавий қадриятлар, маданият унсурларининг бошқаларда учрамаслигидандир. Ушбу миллий ижтимоий-маданий хазина ўша миллат тилида акс этади¹⁶. В.Виноградов муаммолар билан боғлиқ ўринларда “фон ахбороти” истилоҳини қўллашни таклиф этади. У ҳам, албатта, миллий тезаурус билан “фон билимлари” тушунчаларига уйғун, аммо уларга нисбатан тор соҳага дахлдордир. Фон ахбороти фақат муайян миллатнинг ўзига таниш ижтимоий-маданий унсурлар ҳақидаги билимлардир. Масалан, муайян жугрофий зонада яшовчи ҳайвонларнинг ўзига хос қилиқлари, этник гуруҳнинг мусиқавий оҳанглари, миллий таомларининг ўзига хосликлари ва шу кабилар бўлиб, улар миллий тилда ўз ифодасини топгандир.

¹⁵ Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. М., 1978. С.87; Федоров А.В. Основы общей теории перевода. М., 1983. С.146.

¹⁶ Виноградов В.С. Введение в переводоведение (общие и лексикологические вопросы). М., 2001. С.35-36.

В.Комиссаров “фон билимлари” ва “тезаурус” каби истилоҳларни ишлатмайди, балки уларнинг моҳиятини лингвистик аспектдаги таҳлилларда, эквивалентлик даражалари ҳақида гапирганда ва бошқа бир ўринда таржима мувофиқликлари доирасида кўриб чиқади. Бугунги кунгача мазкур истилоҳлар борасида рус таржимашунослигида ягона фикр йўқ. Ўзбек таржимашунослиги ҳам бу масалада ўз фикрини билдирмаган. Шунинг учун, назаримизда, ўзбек таржима назарияси ва амалиёти тадқиқотчилари учун “маънавий билимлар” тушунчаси тушунарли бўлади. “Маънавий” аслида маъно билан боғлиқ бўлгани учун ҳам рус таржимашунослари назарда тутган “фон билимлари” ва “тезаурус”ларни тўлиқ ифодалайди.

Маълумки, муайян миллат ҳаёти, урф-одатлари, қарашлари, нарсаси-ҳодисаларга муносабати, кўйингики, ўша ҳудудга хос бўлган ҳайвонот, наботот оламига бўлган муносабати ҳам унинг маънавияти негизидан шаклланади. Иккинчи томондан, асрлар оша қатъийлашиб келган маънавият унсурлари ҳар бир давр авлоди онгига кириб келаётган янгиликлар, янгиликлар муносабатлар системасида ўз изини қолдиради ва фақат шу миллатга хос янги маъно берувчи тушунчалар, қарашлар ва муносабатларни шакллантиради. Бу ҳар бир халқ ва миллатга хос жараён дур. Шундай экан, маънавий билимлар истилоҳи В.Виноградов қўллаган “тезаурус” истилоҳи ифодалаган барча жабҳаларни ўз ичига олади.

Жаҳон таржимашунослигида реалиялар деб аталмиш истилоҳ борки, у “фон билимлари” бўладими, “тезауруслар” ёки маънавий билимлар бўладими, қандай номланишидан қатъи назар, инсон онгида ўз инъикосини топган билимлар мажмуига асос бўлган факт ва предметлар, тушунчаларга нисбатан қўлланилади.

Реалиялар деганда нафақат фактлар, нарсаси-ҳодисалар, балки сўзлар ва сўз бирикмалари ҳам тушунилади. Бу ногўғри бўлмаса керак, чунки билим тушунчаларда зоҳир бўлади, тушунчалар эса сўз шаклида. Реалиялар миллий қобикқа ўралгани учун уларни таржимада акс эттириш осон бўлмайди. Муқобил шакли деярли учрамайдиган, фақат ўша халққа хос бўлган реалиялар оддий реалиялар деб аталади, ассоциатив реалиялар турли миллий-тарихий ҳодисалар билан боғлиқ бўлиб, тилда ўзига хос шаклларда акс этади.

Маънавий билимлар сирасига коннотатив сўзлар ҳам киради. Улар ўз ҳолича учрамайди, балки стилистик, эмоционал ва яширин маъноли ишоралар тарзида сўзларга қўшилиб келади. Коннотация

сўзларга кўшимча маъно юклаш демакдир. Уларнинг замирида у ёки бу этник жамоа маданиятига хос бўлган унсурлар яширинган бўлади. Маънавий билимлар ахборотга таянади. Ахборот таржимашуносликда имплицитлик деган тушунча билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Имплицитлик тушунчасига таржимашунос муаллиф томонидан мақсадли илгари сурилган матннинг прагматик майлини, нутқий мулоқот ҳолати, рамзлар, ишоралар, барча яширин ва кўшимча маъноли мазмунни киритадилар. Маънавий билимлар таркиби ҳақида гапиришдан олдин таржимашуносликдаги подтекст (матн тағмамуни) ва вертикал контекст тушунчалари моҳиятини яхши тушуниб олиш мақсадга мувофиқдир.

Подтекст (тағматн) – бу, ёзма ёки оғзаки иборанинг яширин иккинчи маъносидир, бошқача айтганда, тағматн – бу эксплицит (зоҳирий) маъно-мазмунга эга иборанинг параллел равишда имплицит (ботиний) маънога ҳам эга бўлишидир. Тағматн матнда акс этган лисоний ишора-кўрсаткичлар ёрдамида очиб берилади. Кўрсаткичлар турли шаклларда, жумладан, сўз ва сўз бирикмаси, матн бўлаклари ва жумлалар, ҳатто бутун бошли асар шаклида ҳам учраши мумкин. Тағматн (подтекст)нинг турлари ҳам кўп. Тағматн тил соҳасига, адабиёт, мифология жанрлари, реал воқелик, ижтимоий муҳит (тарихий ва замонавий), маиший факт-ҳодисаларга тааллуқли бўлади. Подтекст маърифий, сатирик, эмоционал-экспрессив, истехзоли, кинояли, аскияли, салбий-камситувчи, ижобий-улуғловчи характердаги ишора ва яширин маънолардан иборат.

Вертикал контекст – матнда унча сезилмайдиган имплицитлик, яъни кўшимча яширин маънонинг борлигидир. Унинг белгилари аллюзия, рамзлар, реалиялар, идиомалар, иқтибос-цитаталар каби тарихий-филологик аҳамитга эга ахборотларда кўринади.

Вертикал контекстнинг подтекстдан фарқи шуки, ундаги яширин маъно муаллиф ихтиёрисиз пайдо бўлади. Шу маънода вертикал контекст маънавий (фон) ахбороти билан боғлиқ тушунчадир.

Инсонларнинг ташқи тузилиши, характери ва хулқ-атвори, кийимлари, яшаш тарзи, овқатланиш қоидалари, ижтимоий ҳаёт унсурлари, санъат ва адабиёт намуналари номларида вертикал контекстнинг миллий компонентлари ифодаланган бўлади. Айрим пайтларда муаллиф матнни яратиш жараёнида вертикал подтекстни ўқувчилар қандай тушунишлари ёки қайси томондан ёндашишларини ўзи йўналтириши мумкин. Бу аллюзия усули дейи-

лади. Таржимашунос И.Христенко уни преференциал характердаги стилистик фигура деб атайди. Бунда референт ва яширин (назарда тутилган) ҳолатлар денотатлар сифатида қаралади: Референт ҳолат матн тузилишининг зоҳирий қисмида кўринса, яширин (назарда тутилган) ҳолат адресант ва адресатнинг умумий маънавий (фон) билимларида акс этади¹⁷.

Аллюзия кўрсаткичлари филологик ахборот (филологик вертикал контекст), ўтмиш ва замонавий давр воқелигига (ижтимоий ёки ҳодисавий вертикал тагматн (подтекст) тегишли бўлиши мумкин. В.С.Виноградов ёзишича, биринчи типдаги аллюзиялар прототекст (матн асоси), яъни мумтоз ватан ёки хориж адабиёти матнлари, мифологик ва фольклор манбалари, мақолалар, маталлар, афоризмлар, турли ҳикматли сўзлар ва цитаталарга (тўлиқ, қисқа, нақл қилинган, шакли ўзгартилган) асосланадилар.

Иккинчи ҳолатда асос сифатида протореальность (воқелик асоси) деб номланган тушунча мазмунини ифодаловчи воқеликнинг бор ҳодисалари ва фактлари олинади. Аммо, шуниси борки, матндаги аллюзиялар ҳамиша ҳам юзага чиқавермайди. Улар, биринчидан, вақт ҳукми остидадирлар: адабий матн қанчалик эскира бошласа, аллюзиялар шунчалик хира тортаверади. Натижада замонавий ўқувчилар ишораларни тегишли изоҳларсиз тушуна олмайдилар. Иккинчидан, уларни ҳис этишда кўп нарса рецепторнинг билим даражасига боғлиқ. Агар рецепторнинг тезауруси етарли бўлмаса, муаллифнинг ҳамма аллюзияларини ҳам тушуниб етиб бўлмайди¹⁸.

5. ТАРЖИМАНИНГ ПРАГМАТИК ЖИҲАТЛАРИ

Таржимоннинг маънавий билимлари қанчалик чуқур ва кенг бўлса, бадиий таржима матнининг эквивалентлик даражаси шунча юқори бўлади. Матнни рецептор қандай тушуниши ва таъсирланиши бу таржимонни жиддий ўйлантириши керак бўлган муҳим масаладир.

¹⁷ Христенко И.С. Лингвистические особенности аллюзии как средства создания подтекста (на материале М. де Сервантеса "Дон Кихот" произведений Б.Переса Гальдоса. АКД. М., 1993. С.7.

¹⁸ Виноградов. Введение в переводоведение. М., 2001. С.41.

Ҳар қандай матн нимадандир хабар беради, қандайдир маълумотни ўз ичига олган бўлади. Ўқувчи (рецептор) ўша маълумот ёки хабарга диққат қилмаса, унда матннинг коммуникатив вази­фаси адо этилди деб бўлмайди. Ўша маълумот ёки хабарга эътибор қаратиб, уни ўзлаштирган рецептор ўз-ўзидан мазкур матнга муносабат билдирган бўлади. Муносабат турлича, салбий ёки ижобий, ҳайратланиш ёки жирканиш каби турли эмоционал-экспрессив ҳолатларда кўриниши мумкин. Рецептнинг матнга нисбатан пайдо бўлган муносабати таржимашуносликда прагматик муносабатлар деб аталади. Рецептнинг матнга нисбатан муайян прагматик муносабатини шакллантириш, матнни ана шундай муносабатни келтириб чиқариш учун зарурий бадий сайқал бериш, бир сўз билан айтганда, рецепторга прагматик таъсир ўтказиш йўллари, усул ва воситалари асарнинг прагматик жиҳатлари (ёки прагматик салоҳияти) дейилади.

Таржимон матн устида ишлаш жараёнида асар муаллифининг коммуникатив истагини тўлиқ тушуниб олиши керак. Шу ерда таржимоннинг бадий адабиёт соҳасида эгаллаган бор маънавий билимлари ишга солинади. Асар муаллифи ўзининг коммуникатив истагини амалга ошириш йўлида турли лисоний бирликлардан фойдаланади. Уларнинг предметли-мантқиқли, коннотатив хусу­сиятларидан келиб чиқиб, тил бирликлари ўртасида мазмун ва маъно уйғунлигини таъминлайди. Натижада рецепторга муайян коммуникатив таъсир ўтказишга арзийдиган прагматик салоҳиятли матн дунёга келади. Айрим пайтларда матннинг прагматик салоҳияти муаллиф кутганидан ўзгача кечиши мумкин. Бу ҳолатни таржимашунослар “мен бундай демоқчи эмасдим-у, шундай бўлиб қолди” қабилдаги истехзо билан ифода­лайдилар. Матннинг прагматик салоҳияти берилаётган хабар ёки маълумотнинг мазмуни ва шаклидан келиб чиқиб, рецепторга муаллиф кутмаган томондан таъсир кўрсатиши мумкин. Чунки рецептнинг матнга прагматик муносабати унинг шахс сифатидаги кўрсаткичлари, маънавий билимлари, ҳаёт­ий тажрибаси, руҳий ҳолати, бадий адабиётни тушуниш ва ҳис этиш даражасига боғлиқдир.

Ўқувчига прагматик таъсир ўтказиш масаласини таржимон ҳам диққатдан қочирмаслиги лозим. Унинг олдида икки қийин ва масъулиятли ва­зифа кўндаланг бўлади. Биринчиси, асар муаллифининг коммуникатив истагини тўғри тушуниб, унинг маҳорати

даражасидан кам бўлмаган равишда матнни қайта тиклаш бўлса, иккинчиси, рецепторнинг дунёқараши, менталитети ва ёндашувларини ҳисобга олиб, унга таъсир ўтказадиган мос усул ва воситаларни излаб топиш, муаллиф услуги ва коммуникатив истаги тамойилларини бузмаган ҳолда таржима матнини яратишдир. Таржима жараёнида аслиятнинг прагматик салоҳиятини сақлаб қолиш ва муаллиф коммуникатив истагини таржимада тўлиқ акс эттириш таржиманинг прагматикаси дейилади.

Таржимон ўз ишининг биринчи босқичида аслият матни рецептори вазифасида иш кўради. Унинг асосий диққат-эътибори аслият тили соҳиблари эга бўлган барча маънавий билимлар нуктаи назаридан матнни таҳлил қилишга қаратилиши лозим. Ушбу вазифани тўлақонли адо этиш учун таржимон аслият яратилган тил, халқ, давлатнинг тарихи, маданияти, адабиёти, урф-одати ва маросимлари, ўтмиш ва бугунги маънавий дунёси, хуллас барча зарурий халқ реалийлари билан обдон танишиб чиқади. Шу жараёнда таржимонда рецептор сифатида аслият матнига нисбатан шахсий прагматик муносабати шаклланади. Бироқ таржимон шуни ҳам ҳисобга олиши керакки, унинг рецептор сифатида матн мазмунига нисбатан шаклланган муносабати (қандай бўлишидан қатъи назар) аслият матнида акс этган муаллиф прагматик муносабатини таржимада эквивалент беришга ҳалақит бермаслиги лозим.

Таржимон асар рецептори сифатида матн мазмуни бўйича узил-кесил хулоса ва ёрқин тасаввурга эга бўлгандан сўнг таржима жараёнининг иккинчи этапига қадам кўяди. Бу босқичда унинг вазифаси аслият матнида берилган хабарнинг (маълумот) таржима рецептори томонидан тўғри ва айнан кўзланган даражада тушунилишини таъминлаш бўлади. Таржимон, албатта, таржима рецептори аслият рецепторидан фарқли тил муҳитида эканлиги, дунёқараш, маънавий билимлар, ҳаёт тарзи ва кечинмалари ўзгача асосларга эгаллиги, тарих ва маданияти ўзига хослигини ҳисобга олади. Агар мазкур омишлар аслият матнини адекват тушунишга ҳалақит берадиган бўлса, унда таржимон таржима матнни тушуниш осон бўлиши учун турли усул ва воситаларни қўллашга мажбурдир. Бундай ҳолатлар кўпинча, маданий-маиший реалийлارни ўгиришда, жўғрофий-тарихий номларни тушунтиришда, айниқса, мумтоз ўзбек шеърини намуналарини чет тилига таржима қилишда рўй беради. Таржимон уларни иш жараёнида, аввало, матннинг ўзида

кўшимча сўз ва воситалар орқали тушунтириши мумкин. Бунинг имкони бўлмаса, унда турли изоҳ ва шарҳларни ҳавола этади. Айрим ўринларда рецептор тасавурида мавҳумлик ҳосил қилмаслик учун баъзи сўзлар тушунарлиси билан алмаштирилиши мумкин. Аммо шарт шуки, аслият рецептори ва таржима рецептори бир хил тушунадиган муқобил топилиши лозим. Масалан, “The temperature was an easy ninety, he said” жумласини таржимада “Ҳаво ҳарорати салкам 90 градус эди, деди у” тарзида ўқиш ўзбек рецептори учун эриш туюлади. Зеро, ўзбек ўқувчиси ҳарорат Цельсий ўлчови билан ўлчанишини ва бундай баланд ҳарорат табиий эмаслигини билади. Юқоридаги мисолда АҚШ фуқароси тилидан давлатда расм бўлган Фаренгейт системаси назарда тутилгани ўзбек ўқувчисига номаълум. Таржимон икки ўт орасида қолади: қайси таржима вариантыга тўхталсин, Фаренгейтми, Цельсийми? Бундай ўринларда, кўпинча, таржимон таржиманинг генерализация (умумлаштириш) усулидан фойдаланиб, ҳар иккала томонни қониқтирадиган вариантда тўхташи мумкин: “Ҳаво ҳарорати ниҳоятда юқори эди, – деди у.”

Таржимада прагматик салоҳиятни маромига етказиш йўлида таржимон конкретизация (аниқлаштириш) каби бошқа усуллардан ҳам фойдаланиши мумкин. Лозим бўлган тақдирда турли изоҳлар бериш ва икки маданият ўртасида коммуникацион яқинликка олиб келадиган ҳар қандай имкониятдан ижодий фойдаланмоғи даркордир.

Таржима рецепторига коммуникатив таъсир ўтказиш айрим ҳолатларда таржимон учун жуда муҳим бўлиб, мақсадли равишда аслият талаб қилган жанрий ўзига хосликлар, муаллиф услубини, бадиий тасвирифодаларини айнан сақлашга ҳаракат қилади. Бу, кўпроқ, мумтоз адабиёт намуналарини хорижий тилларга таржима қилишда намоён бўлади. Масалан, Алишер Навоий ижоди билан танишган инглиз ёки немис рецептори Навоийнинг буюк шоирлиги сабабини унинг фасоҳатли сўз санъаткори эканлигини англаб етиш орқали тушуниши керак. Бунинг учун таржимон Навоий ғазалиётдан ўзбек рецептори ҳис этган бадиий-эстетик завқни хорижлик рецепторга айнан етказиш устида бош қотирмоғи даркор. Навоийда кузатилган бетакрор шеър санъатлари, юксак услуб намуналарини ғарб тилларига ўтириш жуда мушкул. Шеърини санъат шаклини сақлаб қолиш маънога путур етказиши ва аксинча, маънони эквивалент беришга бўлган ҳаракат мисралар замирида яширин шеърини

санъат шаклининг бузилишига олиб келиши мумкин. Навоий шеъриятини таржима қилишдаги асосий мураккабликлар фақат шулардан иборат эмас. Навоий ғазалиётини унинг вазилари ёки мусикавий оҳангини ҳисобга олмай таржима қилиш ёки юксак услуб намуналарини эътибордан четда қолдириш Алишер Навоий шеърияти жозибасини сусайтиради ва ижодкор буюклиги кўринмай қолади. Албатта, аруз вазнини Ғарб тилларида айнан бериш тил нормаларига зид бўлгани учун ҳам имкони йўқ иш. Аммо шарқона оҳангни бериш, газал вазний тебранишларини Ғарб тилларида акс эттиришнинг имкони бор. Бугунги кунда Алишер Навоий ғазалиётини инглиз тилига таржима қилишда оҳангни бериш масаласи илмий тадқиқ этилмоқда ва баъзи ижобий натижалар қўлга киритилган.

Юксак услубни таржимада бериш масаласи ҳам газал оҳанги каби муҳим аҳамиятга эга. Маълумки, Алишер Навоий ва ундан сўнг ўтган барча ўзбек туркигўй шоирлари ижодида Шарқ иншо санъати ва бадий сўзни юксак сержило услубда гавдалантириш анъанаси етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Юксак услубдаги жумла конструкциялари араб ва форс грамматик конструкциялари асосида шакллантирилган, арабий сўз ва иборалар туркий грамматик шакллarga бўйсундирилган. Бундан ташқари, шеърятда аслзодаларга хос мурожаат, мулоқот манералари, турли маъно товланишларига эга тасаввуф истилоҳлари кўп учрайди. Ушбу юксак услубга бугунги кунда архаизм сифатида қараш нотўғридир.

Таржима назарияси ва амалиёти тарихида архаизмни иложи борича силликлантириб, матнни модернизация қилиш тарафдорлари кўплаб учрайди. В.Комиссаров шундай ёзади: “Давр нуқтани назаридан узоқлашиб кетган аслиятнинг коммуникатив тенг даражадаги таржимасини таъминлаш мақсадида таржимон таржима талабларига зид равишда матнни ҳозирги замон муаллифи баён қилгандек тарзда таржима қилиб такомиллаштириши мумкин. Бундай ўта муҳим вазифа таржима матнида сезиларли ўзгартиришлар киритиш, кам ишлатиладиган ва архаик тил бирликларидан қочиб, кундалик, замонавий лексикани кенг ишлатишга ундайди. Ўзгартиришлар ҳолатни баён қилиш усулига, ҳатто ҳолатнинг ўзига ҳам дахл қилиши мумкин. Баъзи модернизация ҳолатлари стилизация элементлари, эски номларни замонавийларига алмаштириш, ало-

ҳида эпизодлар, атамалар, майший ашёлар, одатлар ва шу каби-ларга ўзгартириш киритишни ҳам қамраб олади”¹⁹.

Ўзбек мумтоз адабиёти таржимаси жараёнига юқорида иқтибоси келтирилган назариётчи олимнинг мулоҳазаларини татбиқ этиш ўзбек мумтоз адабиётининг сийқа ва жўн кўринишда тақдим этишга олиб келади. Ўзбек адабиётининг бор фасоҳати унинг шеърӣ санъатлари, оҳанги, ботиний маънолари ва юксак услубидадир. Агар ушбу жиҳатлар замонавийлаштирилса, унда таржима насрий баёнга айланади ва бадий-эстетик диднинг миллий қобиғи емирилади.

Таржимон ўз олдига ўзбек мумтоз адабиётини таржима қилиш мақсадини кўяр экан, биринчи навбатда, прагматик таъсир кўрсатиш йўлларини излаши, ўзбек рецептори каби хорижлик рецептор ҳам бадий-эстетик завқни туюши учун қандай янги усул ёки восита лозим бўлса ишга солиши лозим. Таржиманинг прагматик қиммати ана шундагина ошади.

6. БАДИЙ ТАРЖИМАДА ТАБДИЛ (ТРАНСФОРМАЦИЯ) УСУЛЛАРИ

Аслият матнига мос ва тенг бўлган матн яратиш таржима жараёнининг негизини ташкил этади. Айни ўша мослик ва тенгликни таъминлаш аслият матнини тушуниш, уқиш, “ҳазм қилиш”дан бошланади ва мувофиқ таржима қилинган матнни яратиш билан тугайди.

Таржима мувофиқлиги турли лексик ва грамматик табдилларга ёки трансформацияларга муҳтождир. Аслият ва таржима бирликлари ўртасида бевосита алоқа бор бўлиб, бирламчи матндан қандайдир трансформациялар воситасида таржима бирликларини ҳосил қилиш мумкин.

Таржима трансформациялари (табдиллар) деганда аслият бирликларидан тегишли маънода таржима бирликларига ўтишда қўлланиладиган операциялар тушунилади. Табдил аслиятдаги ўринларни тўла ўзгартирилган ҳолда ўгириш эмас. Табдил тушунчаси остида таржима матнда аслиятдаги айни ўринларни ўгириш учун кўшимча лексик ва грамматик воситаларни қўллаш назарда тути-

¹⁹ Комиссаров В. Теория перевода. М., 1990. С. 224.

лади. Трансформацияларга таржима жараёнида луғавий муқобиллик бўлмаган ёки контекстга кўра луғавий муқобил сўз ёки бирикмани ишлатиш имкони бўлмаган пайтларда таржимон фойдаланиши мумкин бўлган таржима усуллари сифатида қаралади. Таржима трансформациялари мазмун ва ифода режасига эга тил бирликлари орқали амалга оширилгани боис аслиятнинг шакл ҳамда мазмунини табдил қилар экан, шаклий-семантик характер касб этади. Таржима табдиллари таржима моделлари тушунчасидан шу билан фарқ қиладики, улар моделлар каби таржима жараёнини ташкил қилишга эмас, балки аслият матни бирликлари маъно-моҳиятини таржима қилишга қаратилгандир.

Табдил – алмаштириш, ўзгартириш маъносини англатади. Таржимашунос олим, машҳур тилшунос Л.Бархударов таъкидлашича, “табдил” истилоҳини сўзма-сўз тушунмаслик керак. Аслият матни “алмаштирилмайди”. Матн ўзгаришсиз қолади, ammo унинг асосида ўзга тилда бошқа матн яратилади. Биз уни истилохнинг бош маъносини назарда тутиб “таржима” деб атаймиз. Бошқача айтганда, “табдил” (ёки трансформация) истилоҳи бу ерда, умуман, тилнинг синхрон баёнида англатаётган маъносида ишлатилиши мумкин. Чунки гап икки лисоний ва нутқий бирликлар ўртасида муайян муносабатлар ҳақида кетмоқда: улардан бири асосий (“А”), иккинчиси, унинг асосида яратилади (“а”). Ушбу ҳолатда, таржимон “А” тилдаги “а” матнга эга бўлиб туриб, унга муайян операцияларни (яъни таржимавий трансформацияларни) татбиқ этади ва Б тилда (яъни иккинчи тилда) “б” маттни яратадики, улар “а” матн билан муайян қатъий муносабатларга эга бўладилар. Мазкур лисоний (тиллараро) операциялар биз лингвистик маънода кўзда тутган “таржима жараёни”ни ташкил этади. Шу асосда таржимани трансформациянинг муайян бир тури деб ҳисоблаш мумкин²⁰.

Аслият бирликлари характеридан келиб чиқиб, таржима трансформациялари лексик ва грамматик трансформацияларга бўлинади. Аслиятнинг лексик ва грамматик бирликлари бирданига табдил бўлишига тўғри келадиган ҳолатларни кўзда тутган комплекс лексик-грамматик трансформациялар усули ҳам мавжуд.

²⁰ Бархударов Л.С. Язык и перевод. М., 1975. С. 6

Л.Бархударов таржима жараёнида амалга ошириладиган табдилларни тўрт типга бўлади: 1) жойни ўзгартириш; 2) алмаштириш; 3) қўшиш; 4) тушириб қолдириш²¹.

Жойни ўзгартириш типига аслият матнига нисбатан таржима матнида тил элементлари тартиби ўзгартирилади. Бу, кўпинча, сўзлар ва сўз бирикмалари, қўшма гап бўлаклари ва матн бағридаги мустақил гапларга дахлдордир.

Алмаштириш типига сўз шакли, нутқ бўлаклари, гап бўлаклари, синтактик боғланиш типларини ўз ичига олган грамматик бирликлар ва лексик бирликлар алмаштирилади. Агар ушбу типда грамматик ва лексик бирликлар комплекс равишда алмаштиришни тақозо қилса, “лексик-грамматик алмаштириш” деб аталади.

Бадий таржимада грамматик алмаштиришлар ниҳоятда кўп учрайди ва бу таржима матнларининг жанрий-шаклий табиатидан келиб чиқади. Аслият матнидаги сўз ва қатъий сўз бирикмаларининг луғавий маънолари матндаги ҳолатни таржима матнда муқобил тарзда беришга заифлик қилса ёки уларнинг луғавий маънолари аслият тилида референциал, яъни белгилар орқали берилган реал воқелик предметлари, жараёнлари, ҳолатлари ва муносабатлари ҳамда прагматик, яъни ҳиссий, экспрессив, услубий ва ҳоказо муносабатларни ифодалаган белгиларга таалуқли бўлса, унда “лексик алмаштириш” амалга оширилади.

Л.Бархударов “тушириб қолдириш” усули деб аслият матнида маъно жиҳатидан кўпайиб, ортиб кетган сўзлар таржима матнида тушириб қолдиришни назарда тутаяди. Масалан, жуфт синонимлар, тенг маъноли сўзларнинг тушириб қолдирилиши аслият матнига путур етказмаслиги мумкин. Олим транскрипция, транслитерация каби фонемалар даражасидаги морфемалар, сўзлар ва сўз бирикмалари, гап ва матн даражасидаги табдил усулларини таржима бирликлари муаммолари доирасида кўриб чиқади²².

В.Комиссаров, Л.Бархударов таснифлаган таржима табдилларини умумий равишда учга – лексик, грамматик ва лексик-грамматик типларга бўлади²³. Таржима жараёнида қўлланиладиган лексик трансформацияларнинг асосий типлари қуйидаги таржима усулларини ўз ичига олади: 1. Транскрипция ва транслитерация

²¹ Бархударов Л.С. Язык и перевод. С.190.

²² Бархударов Л. Язык и перевод. С.174-188.

²³ Комиссаров В. Теория перевода. М., 1990. С. 172.

усули. 2. Калькалаш усули. 3. Лексик-семантик алмашинув (конкретизация, генерализация, модуляция) усули

Грамматик трансформацияларда қўлланиладиган таржима усуллари: 1. Синтактик ўхшатиш (сўзма-сўз таржима) усули. 2. Жумла тузилишини ўзгартириш (жумлаларни бўлиш ёки бирлаштириш). 3. Грамматик алмаштиришлар (сўз шакли, нутқ бўлаги ёки гап бўлақларини алмаштириш).

Комплекс лексик-грамматик трансформацияларга а) антоним таржима усули; б) экспликация (баёний таржима) усули; в) компенсация усули киради.

Энди юқоридаги усулларга шарҳ бериб ўтамиз: Транскрипция ва транслитерация, бу – таржима тили ҳарфлари ёрдамида аслиятнинг лексик birlikлари шаклини қайта тиклаш усулидир. Транскрипцияда бегона тилдаги сўзнинг товуш шакли, транслитерацияда эса сўзнинг график шакли (ҳарфий таркиби) қайта тикланади.

Бугунги кунда транскрипциянинг айрим транслитерация элементларини ўз ичига олган шакли етакчилик қилмоқда. Тилларнинг фонетик ва график системалари бир-биридан анча фарқли бўлгани учун аслиятдаги сўз шаклини таржима тилида тиклаш тахминий ва шартли кечади. Масалан, *absurdist* – абсурдист, *skateboarding* – скейтбординг каби сўзлар фонетик ўгиришга, *dorset* [ˈdasit] – дорсет каби сўзлар график ўгиришга мисол бўлиши мумкин.

Калькалаш усули – бу аслиятдаги лексик birlikни унинг таркибий қисми – морфемалар ёки сўзларни таржима матндаги лексик мувофиқ сўзлар билан алмаштириш усулидир. Калькалашнинг моҳияти янги сўз ёки таржима матнда аслиятдаги лексик birlikнинг тузилишидан нусха олган ҳолда қатъий ибора яшашдир. Масалан, *massculture* – оммавий маданият термини калькалаш усули орқали таржима қилингандир. Айрим ҳолларда калькалаш жумла элементлари кетма-кетлигини бузиш орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Лексик-семантик алмаштириш усули деб аслиятдаги лексик birlikларни ўз маъносига тўғри келмайдиган, аммо мантиқан эквивалентликни таъминлашга хизмат қилувчи лексик birlikлар билан алмаштиришга айтилади. Бундай алмаштиришлар конкретизация (конкретлаштириш), генерализация (умумийлаштириш) ва

модуляция (маънони ривожлантириш) усуллари орқали амалга оширилади.

Конкретизация деб аслиятда кенг мазмун билан тушунтирилган сўз ёки сўз бирикмасини таржима матнда анча конкрет мазмунга эга сўз ёки сўз бирикмасига алмаштиришга айтилади. Масалан: At seven o'clock an excellent meal was served in the dining room. Соат 7 да ошхонада ажойиб дастурхон тузалди.

Meal сўзининг инглиз тилида турли талкинлари бор. Ўзбек тилидаги дастурхон эса овқатнинг ошхонада истеъмол учун қўйилганини конкрет ифодалайди.

Генерализация деганда аслиятдаги тор маънога эга лексик бирлик таржима матнда кенг маъноли сўз билан алмаштирилади. Бу усулни конкретизацияга нисбаган тескари табдил деб аташ мумкин. Масалан, инглизча "weekend" "дам олиш куни" ёки "шанба - якшанба" кунларини англатадиган сўз қуйидагича кенг-роқ маънодаги сўз билан алмаштирилиши мумкин: He visits me practically every weekend. У деярли ҳар ҳафта мени кўргани келади.

Айрим ҳолларда, агар контекстда бирор-бир предметнинг аник тавсифи рецептор учун муҳим бўлмаса генерализация усулини қўллаш хато бўлмайди. Масалан, "Jane used to drive to market with her mother in their La Salle convertible" жумласини "Жейн онаси билан бозорга ўзларининг машинасида борарди" қабилида таржима қилиш мумкин.

Бадий таржимада генерализация ҳодисаси кўп учрайди. Масалан, статистик маълумотлар, персонажларнинг бўй-басти андозалари, агар улар контекстда муҳим аҳамият касб этмаган бўлса, умумий маънодаги сўз билан алмаштирилади. Масалан, A young man of 6 feet 2 inches бирикмаси "новча йигит" деб таржима қилиниши мумкин.

Модуляция усулида аслиятдаги сўз ёки сўз бирикмаси таржима матнда мантиқан эквивалент маъно берадиган бирлик билан алмаштирилади. Масалан, I don't blame them (Мен уларни айбламайман) жумласи "Мен уларни тушунаман" тарзида бадий таржима матнда қўлланиши мумкин.

Синтактик ўхшатиш усули сўзма-сўз таржима усули ҳам дейилади. Бунда аслиятдаги синтактик тузилиш таржима матнига айнан кўчади. Синтактик ўхшатишда таржимадаги тил бирликлари сони ва уларнинг жойлашиш тартиби аслиятдаги каби бўлади.

Ўзбек тили синтактик қурилиши системасимини шарқ тилларининг айримларидаги гап синтактик қурилишига мослаш мумкин. Аммо Ғарб тиллари, хусусан, инглиз тили гап синтактик қурилишига мутлақо тўғри келмайди. Аммо шеърый таржимада бунинг иложини топса бўлади. Масалан, I always remember his words – жумласи сўзма-сўз “Мен ҳамиша эслайман унинг сўзларини” синтактик қурилмаси кўринишида шеърыйта қўлланиши мумкин.

Гапни бўлаклаш усули – аслиятдаги жумлани таржимада бир неча бўлакларга бўлиб ўгириш усулидир. Бундай усул таржимада аслиятдаги мураккаб қўшма гапларни адекват бериш оғир бўлган ҳолларда ишлатилади. Кўпгина ҳолларда ушбу усулнинг қўлланиши таржиманинг тушунарли ва пишиқ чиқишига хизмат қилади.

Жумлаларни бирлаштириш усули юқоридаги усулнинг тескарисини бўлиб, бунда аслиятдаги икки содда гап таржимада қўшма гапга айлантирилиши мумкин.

Грамматик алмаштириш усули аслиятдаги грамматик қурилмаларнинг таржимада ўзгариш билан келтиришидир. Масалан, инглиз тилидаги фақат кўпликда ишлатилиши мумкин бўлган сўзлар ўзбек тилида фақат бирлик сонда ишлатилади. Дейлик hairs – соч. Бу усулда хорижий тил гап қурилишлари тўлиқ ўзбек тили нормаларига туширилади. Бунда асосий ўзгаришга морфологик бирликлар учрайди. Масалан, от феълга, сифат отга айланиб кетиши мумкин. She is no good as a letter – writer. У яхши котиб эмас (сўзма-сўз: У хат ёзувчи сифатида яхши эмас). Кўпгина ҳолларда грамматик алмаштириш эганинг ўзгаришига олиб келади: Масалан, The little town of Clay Cross today witnessed a massive demonstration. Таржима: Бугун Клей Крос шаҳарчасида катта демонстрация бўлиб ўтди. Бу ерда эга ўрин ҳолига айлангани кўриниб турибди. Л.Бархударов алмаштириш типиди кўрсатган барча усуллар В.Комиссаров томонидан грамматик табдил усуллари сифатида кўрсатилади.

Антоним таржима усули ҳам грамматик – лексик алмаштириш усуллари гуруҳига киради. Бунда аслиятда инкор шаклида келган сўз таржимада тасдиқ шаклини олади. Масалан: Nothing changed in my home town. Менинг она шаҳримда ҳамма нарса илгаригидек.

Экспликация усули ҳам грамматик – лексик алмаштириш усулларида бири бўлиб, баёний таржима усули ҳам дейилади. Бунда аслиятдаги лексик бирлик таржима матнда тўлиқроқ шарҳ

ёки аниқлаштирувчи маъноли сўз бирикмаси билан алмаштирилади. Ушбу усул аслиятдаги эквивалентсиз сўзларнинг маъносини беришда қўл келади. Масалан, *conservationist* номини атрофмухитни ҳимоя қилиш тарафдори деб таржима қилиш мумкин. Аммо, бу усулнинг заиф жойи шундаки, таржимада баён чўзиқ ва кўпсўзли бўлиб кетади.

Компенсация усули – бу, аслият матни таржимасида айрим элементларнинг маъносига дарз кетган тақдирда, унинг ўрнини бошқа восита орқали тўлдиришдир. Бунда ўша жумланинг ўзида тўлдириш шарт эмас. Йўқотилган маъно йўл-йўлакай кейинги сатрларда тўлдириб кетилиши мумкин. В.Комиссаров компенсация усулини очиб берадиган куйидаги аҳамиятли мисолни У.Теккерейнинг “Ярмарка Тщеславия” асаридан келтирган: “Serve him right,” said Sir Pitt; him and his family has been cheating me on that farm these hundred and fifty years”... Sir Pitt might have said, he and his family to be sure; but rich baronets do not need to be careful about grammar as poor governesses must be. “Учинчи шахс олмошининг ногўғри ишлатилиши”, - деб ёзади таржимашунос олим, – “бежиз бўлмай, коммуникатив таъсир кўрсатиш учун атай қилинган. Таржимада ҳам худди шу ҳолат акс этиши лозим. Бироқ инглиз тилида мақсадли равишда ишлатилган хатони рус тилида айнан беришнинг имкони йўқ. Аммо бой берилган маъно рус тилининг бошқа (лексик) воситалари орқали берилса, тикланиши мумкин: “Он свой семейкой облапошивал меня на этой ферме целых полтараста лет!..” Сэр Питт мог бы, конечно, выразаться поделкатнее, но богатым баронетам не приходится особенно стесняться в выражениях, не то что нам, бедным гувернанткам²⁴.

Компенсация усули таржима усулларидан бири сифатида ҳисобга олинishi зарур. Аммо адекват таржимага эришмокчи бўлган таржимон компенсация усули заиф усуллардан бири эканлигини яхши англамоғи лозим.

7. ТАРЖИМА МОДЕЛЛАРИ

Таржимада уни амалга оширувчи тушунчалар ўртасидаги алоқадорликни теран тушуниш ва таржима механизмларини маҳорат билан қўллай олиш таржима сифатини таъминлашда муҳим аҳа-

²⁴ Комиссаров В. Теория перевода. М.,1990. С.137.

миятга эгадир. Таржима назарияси ва амалиётига бағишланган қўлланмаларда таржима механизмлари сифатида бир неча моделлар тавсия қилинган. Модель деб таржима жараёнида таржимон амалга оширадиган бир қанча фикрий ва амалий ҳаракатлар мажмуи англашилади. Таржимашунос олимлар моделларни икки ўзаро боғлиқ аспектда тушунтирадилар. Биринчиси, тавсия этилаётган моделни татбиқ этиш афзалликлари ва қайси ҳолатларда фойда беришини кўрсатиш бўлса, иккинчиси, модель асосида таржима амалиёти типларини аниқлаштиришдан иборатдир.

Моделни танлаш аслиятнинг хусусиятлари ва таржима тилининг шунга биноан амалда бўлган имкониятларига боғлиқ. Албатта модель шартли тушунча, у таржимадан матн яратиш жараёнида мажбурийликни талаб қилмайди. Таржимон уларнинг коришиқ шаклидан ҳам ижодий фойдаланиши мумкин. Зеро, моделлар ўз қамровида чекланган бўлгани учун ҳам матн таржимасини юқори даражада эквивалент ёки адекват бўлишига қафолат бермайди. Моделларнинг вазифаси таржимон мақсади ва ёндашуви ҳамда таржима тури талаб қилган шарт-шароитдан келиб чиқиб, таржима жараёнини тўғри ташкил этиш, умумий йўналишни кўрсатиш ва аслиятдан таржимага изчил ўтишга ёрдам беришдан иборат. Таржима моделлари таржима механизмининг нормал ишлашини таъминлашга қаратилган.

Ҳозиргача олимлар томонидан таржима жараёни моделларининг турли кўринишлари ишлаб чиқилди. Уларнинг замонавий таржима амалиётида энг машҳурлари сифатида ситуатив (вазиятий ёки ҳолатий), трансформацион-семантик ва коммуникатив каби моделларини кўрсатиш мумкин. Ҳар бири ўзининг муайян тарафдорларига ҳам ва шу билан бирга, жиддий қарши бўлган назарийтчиларига ҳам эга. Куйида ушбу моделларнинг моҳияти билан таништириб ўтамиз.

Трансформацион-семантик модель аслият тилидаги матнни таржима матнига айлантиришда аслият бирликлари маъноларини беришни марказий ўринга қўяди. Бу, ўз навбатида, аслият ва таржима лексик бирликлари ҳамда синтактик тузилишлари орасида доимий алоқанинг мавжуд бўлишини тақозо этади. Таржима жараёни икки матн ўртасида эквивалент мувофиқликни таъминловчи трансформациялар – тадбиллар орқали ташкил этилади ва матн аслият тилидан (АТ) таржима тили (ТТ) бирликларига ўтказилади.

Таржимон аслиятни обдон ўқиб, муайян тасаввур ҳосил қилгач, миясида бир қанча лисоний табдилларни амалга оширади ва таржимани “пишитади”. Табдил “ҳужайра даражасидаги” синтактик структуралар негизида амалга оширилади. Ушбу модель тарафдорларининг фикрича, ҳужайра даражасидаги синтактик қурилмалар барча тилларда бир-бирига мувофиқ келади ва мантикий-синтактик боғланишлар, лексик таркибларда умумийлик кўзга ташланади. Бошқача айтганда, аслият матни ибтидоий (ёки ядровий дейиш мумкин) структуралар мажмуи сифатида қаралади ва улар таржима тилида муқобил ва умумий ибтидога эга бўлган шакллар билан алмаштирилади ёки, назария тили билан айтганда, таржима тилига аслият структуралари трансформация, яъни табдил этилади. Ушбу моделда таржима уч босқичда кечади. Биринчи босқич – таҳлил босқичи бўлиб, синтактик тузилмалар аслият тили (АТ) доирасида соддалаштирилган ҳолда табдил қилинади, яъни аслият тузилмалари содда ва осон тушуниладиган оддий шаклларга ўтказилади. Бунинг натижасида тузилманинг соф кўриниши юзага келиб, таржима тилида шунга ўхшаш ёки жуда яқин қурилмани танлаш осон кечади. (Масалан, *She is a good dancer – She dances well.*)

Таҳлил босқичида алоҳида сўзлар ҳам соддалаштирилиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги *student* сўзи ўзбек тилида ўрганувчи деган маънони англатади. Таҳлил босқичида унинг аслиятда кўзланган маъносига қараб қуйидаги соддалаштирилган табдилини амалга ошириш мумкин: а) студент – бу, олий таълим муассасасида ўқийдиган шахс (мактаб ўқувисидан фарқли); б) ўқитувчи эмас, балки ўрганувчи; в) кўплик эмас, балки бирликда келтирилган грамматик тушунча (талабалар эмас). Шундан сўнг уларнинг орасидан аслият матнида кўзда тутилган маънога эквивалент ёки адекват муқобил маъноли сўз танланади.

Трансформацион-семантик моделнинг иккинчи босқичи “ўтиш” босқичи деб номланиб, унда олдинги босқичда соддалаштирилган синтактик қурилмалар ва лексик бирликлар ёрдамида таржима тилидаги семантик компонентлар ва ядровий қурилмалар орасидан эквивалент бирликлар изланади. Масалан, *She is a good singer* – “У яхши кўшиқчи” жумласи таржимасида унинг профессионал эмаслиги таҳлил босқичида аниқланган бўлса, унда: “У яхши қуйлайди” ибораси адекват таржима бўлиши мумкин.

Трансформацион-семантик моделнинг учинчи босқичи “қайта тузиш” (реструктурирование) дейилади. Бунда таржима тилида топилган ядровий даражадаги содда эквивалент бирликларга суяниб, аслият грамматик структураси ва бирликларига мос равишда охириги сайқал бериш жараёни амалга оширилади.

В.Комиссаров трансформацион-семантик моделнинг уч босқичи куйидаги: “Immediate expulsion of flunked students was felt to be inadvisable” мисоли воситасида қай тарзда рус тилига “Считалось нецелесообразным немедленно исключать студентов, провалившихся на экзаменах” деб таржима қилинганини шундай шарҳлайди:

1-босқичда инглизча жумланинг ўзак тузилмаси аниқланади.

1. Students flunked (examinations).
2. Somebody expels students.
3. The action (2) is immediate.
4. The action (2+3) is inadvisable.
5. Someone felt something.
6. (1) is the reason for (2).
7. (4) is the object of (5).

Шу жараёнда лексик бирликларнинг маънолари ҳам таҳлил қилинади: Student – one who attends a school especially a higher institution of learning, flunk – to fail at an examination colloquial + style, etc.

2-босқичда инглизча матндаги ўзак тузилма ва семантик соддалаштирилган сўзлар рус тилидаги муқобил тузилма ва сўзлар билан алмаштирилади:

1. Студенты (или учащиеся) не сдали экзаменов
2. Кто-то исключает студентов
3. Это действие (2) осуществляется немедленно
4. Действия (2+3) является нецелесообразным
5. Некто чувствовал
6. (1) является причиной (2)
7. (4) является объектом (5)

Ўзак тузилмалар улар ўртасидаги алоқадорликка қараб бирлаштирилиши натижасида иккинчи босқичнинг ниҳоясида куйидаги рус ибораси пайдо бўлиши мумкин: “Некто чувствовал, что исключить студентов учащихся за то, что они не сдали экзаменов и делать это немедленно, является нецелесообразным.”

3-боскичда ҳосил бўлган русча жумла рус тилидаги нормалар ва аслият бирликлари маъноларига тўғри келадиган структура ва лексик бирликларга ўтказилади:

1. Ноаниқ шахс ҳақида гап кетаётганлиги учун гап шахси умумлаштирилади.

2. “Ҳис қилиш” феъли “ҳисоблаш” феълига алмаштирилади, чунки гап ҳиссий муносабатлар устида эмас, рационал муносабатлар устида кетмоқда.

3. Ёйиқ предикатив бирликлар от ва феъл гуруҳларига сингдирилади: “считалось нецелесообразным”, “студенты, не сдавшие экзаменов” ва “немедленно исключить”.

4. Сўзлар тартиби ўзгартирилади.

5. Сўзнинг керакли шакли танланади: агар гап доимий рўй бераётган ҳолат ҳақида бўлса “исключить” эмас, балки “исключать” деб ёзиш.

6. Ортиқча вариантлар олиб ташланади: “учащиеся” олиб ташланиб, “студенты” колдирилади.

7. “Провалившихся на экзаменах” сўзларининг коннотатив маънолари аниқлаштирилади.

Натижада қуйидаги таржима варианты ҳосил бўлади: “Считалось нецелесообразным немедленно исключать студентов, провалившихся на экзаменах”²⁵.

Таржиманинг ситуатив (ҳолатий) модели тил бирликларининг асос-мазмуни денотатлар деб аталмиш воқеликнинг турли кўринишлари, воқеа-ҳодисалари, турли предметлари билан боғлиқ равишда пайдо бўлади деган қарашдан шаклланган. Модель назариётчиларининг фикрича, денотатлар бутун инсоният учун бир хил ва умумийдир. Тил воситасида баён этиладиган реал воқеликнинг ҳар бир ҳолати турли денотатларнинг матндаги бирикувидир. Барча ахборот (нутқ бўлаклари) албатта қандайдир ҳолатни акс эттиради, яъни денотатларнинг бир-бирига боғлиқ ва ўзаро муносабатлари ифодасини ўз ичига олган бўлади. Одамлар турли тилларда сўзлашсалар ҳам, борлиқ моҳиятини бир хил тушунадилар, реал воқеликнинг барча кўринишлари ҳақида бир хил фикр қиладилар. Демак, борлиқ ва воқелик инъикоси инсон онгида ягона чизгиларга эга бўлиб, унинг матндаги баёнигина тилга боғлиқ. Шундай экан,

²⁵ Комиссаров В. Теория перевода (лингвистические аспекты). М., 1990. С. 168.

бир тилда яратилган ҳар қандай матнни иккинчи тилда мувофиқ тарзда қайта тиклаш мумкин.

Ситуатив модель тарафдорлари таржима жараёнига ана шундай тамойиллар асосида қарайдилар ва уни аслият тилида баён этилган вазият ёки ҳолатнинг таржима тилида қайта яратиш жараёни деб ҳисоблайдилар. Ушбу моделда таржимон контекстдан келиб чиқиб сўзларнинг маъносини аниқлаштиради ва аслият матни реал воқеликнинг қандай ҳолатини баён қилаётганига диққатни қаратади. Шундан сўнг таржимон айни ўша ҳолатни матнда акс эттиришга ҳаракат қилади. Натижада реал воқелик – ҳолат аслият матнидан таржима матнига кўчади.

Ситуатив моделнинг схемаси қуйидагича: Аввало, аслият тили бирликлари воситасида берилган воқелик ҳолати ёки вазияти диққат билан таҳлил қилинади. Шундан сўнг ҳолат таржима қилинади ва воқелик ҳолатининг аслиятдан таржимага кўчиши таъминланади. Таржимада акс этган талқин аслиятда баён этилаётган воқелик мазмун-моҳиятини тўлиқ қамраб олганига ишонч ҳосил қилингандан сўнг, таржимон унга тегишли сайқал беришни бошлайди: аслиятдаги тил бирликлари таржима тили бирликларидан тўғри келадигани билан алмаштирилади. Шарт шуки, денотатлар, яъни реал воқелик (ҳолат) моҳияти талқини таржимага тўғри кўчиши даркор.

Ситуатив модель таржима адекватлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Унинг афзал томонлари эквивалентсиз лексикани ўгиришда, таржима вариантини танлашда, тил бирликлари чегараси имкон бермаган ҳолатларда ва баён этилаётган ҳолатдан келиб чиқиб таржимани тўғри амалга оширишда яққол кўринади. Масалан, ҳар қандай ҳолат ҳам баён жараёнида ўзининг батафсил ифодасини топмаслиги мумкин. Таржимон мазкур ҳолатни бериш учун уни диққат билан ўрганишга мажбур бўлади. Инглиз тилидаги “Her aunt must be made to tell them about it” жумласида умумий маъно тушунарли бўлса-да, уни фақат тил бирликлари ва лексик тушунчаларга асосланиб таржима қилиш нўноқлик бўлади. Аввало, aunt холами, аммами эканлигини аниқлаш, “must be made” – “қилдириш зарурлиги” мажбурлашми, илтимосми, кўндиришми, ундашми эканлиги фақат ушбу ҳаракатни юзага келтирган ҳолатни ўрганиш орқали ойдинлашиши мумкин.

Реал ҳолатни аниқлаш таржимондан турли адабий манбалардан, тарихий, географик, ижтимоий-маиший ҳаёт икир-чикирларидан яхши хабардор бўлишни талаб қилади. Таржимон бир пайтнинг ўзида адабиётшунос, тарихчи, файласуф, диншунос, психолог ҳам бўлиши лозим. Шундагина аслият матнидаги ҳолатни ўрганиш ва адекват таржима қилиш ишлари осонлашади. Билимлар етарли бўлмаган тақдирда турли изохли луғатлардан, мавжуд кўрсаткичлар ва маълумотлардан фойдаланиш аслият тилидаги ҳолатни ҳаққоний баҳолаш ва таржима вариантини тўғри танлашга ёрдам беради.

Таржиманинг коммуникатив модели ХХІ асрда таржимачилик соҳасида энг эътиборга сазовор бўлган моделдир. Унинг юзага келишида бадий таржима назарийчиларининг ҳам ўзига хос ҳиссаси бор. Маълумки, бадий таржима соҳаси асосан, адабиётшунослар, ижодкор шоир ва адилар томонидан ривожлантирилиб, унинг тамойиллари узоқ йиллар таржимашунос-лингвист олимлар билан кечган баҳсларда шаклланди. Адабиётшунослар таржимада фақат тилшунослик меъёрларини эмас, балки маданиятлараро ўзаро мулоқот ва таъсир омилларини ҳисобга олиш зарурлиги масалаларини мунтазам ўртага ташлаб келдилар. Жаҳон таржимашунослигида И.Левий, А.Попович бу йўналишда йирик тадқиқотларни амалга оширдилар²⁶. Кўплаб тилшунос олимлар ичида ҳам шундай ёндашув тарафдорлари топилди. Америкалик лингвист олим Ю.Найда 1964 йилда “Таржима илми ҳақида” китобида аслият мазмуни интерпретацияси билан рецепторнинг ўша матн таржимаси орқали англайдиган мазмун интерпретациясини таржима санъатининг асосий муаммоси даражасига кўтарди. Китобда тил бирликлари семантикаси таҳлили услублари ва маъноларнинг референт, эмотив каби типлари, шунингдек, соф лингвистик маъноларни бошқа тилга ўгириш усул-воситалари батафсил кўриб чиқилади²⁷. Ю.Найда лингвистик таҳлилнинг компонент тадқиқ, семантик табдил, тўғридан-тўғри ва акс трансформация каби турли услубий йўллари самарадор эканлигини алоҳида таъкидлайди. “Таржима модели” тушунчасини ҳам таржимашуносликка олиб қирган олим Ю.Найдадир. Олим учун энг муҳими таржима

²⁶ Levy J. Umeni prekladu. Praha, 1963; A. Popovich. Teori umeleckeho prekladu (Проблемы художественного перевода). М., 1980

²⁷ Nida E. Toward a science of translating- Leiden, 1964.

рецепторига зарурий таъсир кўрсатишни таъминлашдир. Ю.Найда бунинг учун “динамик эквивалентлик” тушунчасини истеъмолга киритади. Унга кўра таржимон аслиятнинг формал тил хусусиятларига эътибор бериши шарт эмас. Балки таржимон матн таржимасининг ниҳоятда тушунарли ва табиий чиқиши ҳамда рецепторда таассурот қолдириш даражаси юқори бўлишини мўлжаллаши керак²⁸. Ушбу модель ўз амалиёти мобайнида ўзигача бўлган барча қарашларнинг ижобий натижаларини ўзлаштиради. А.Швейцер, А.Нойберт асарларида таржима – тиллараро коммуникация маҳсули эканлиги атрофлича тушунтириб берилди²⁹. Натижада узок йиллардан бери тилшунос ва адабиётшунослар ўртасида мавжуд бўлган баҳсларга деярли чек қўйилди. Тил – бирламчи навбатда, ўзаро алоқа воситаси эканлиги нуқтаи назаридан ушбу модель “таржиманинг коммуникатив модели” деб номланди.

Коммуникатив модел ўз ичига қуйидаги олти ёндашувни қамрайди:

1. Объектив борлиқнинг аслият тилида ифодаланган баённинг акс эттириш (денотатив)

2. Аслият муаллифининг яратилаётган матнга муносабатини очиб бериш (экспрессив)

3. Тилдаги нутқ сигналлари, мимика, ишора ва ўзаро контактга алоқадор умумий фразаларнинг мувофиқлик даражасини белгилаш ва таъминлаш (фатик)

4. Ўзаро мулоқотда фойдаланилаётган тил хусусиятларини таҳлил қилиш (металингвистик функция)

5. Таржимада буйруқ ва амрларни ифодалаш (ирода функцияси)

6. Таржимада бадиий тасвир воситалари ва семантик муқобиллик жиҳатларини тўлиқ таъминлаш (поэтик функция)

Ушбу вазифалар коммуникатив моделнинг қуйидаги схемаси доирасида амалга оширилади.

1. Муаллиф матни (М) яратади. У узатувчидир (У) ва истеъмомолчига (И) етказувчидир.

²⁸ Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). М., 1990. С.23.

²⁹ Швейцер А.Д. Теория перевода: Статус, проблемы, аспекты. М, 1988; N. Neubert A. Text and translation. Leipzig, 1985.

2. Таржимон аввало истеъмолчидир (I^1). У таржима матнини (M^1) яратувчидир. Шу билан бирга у узатувчидир (Y^1). У аслиятни таржима қилиб, ўз тилидаги истеъмолчига (I^2) етказди.

$$Y \rightarrow M \rightarrow I$$

$$\downarrow$$

$$I^1/Y^1 \rightarrow M^1 \rightarrow I^2$$

$Y \rightarrow M$ ҳалқаси коммуникатив моделда мақсадни англатади, яъни аслият муаллифининг матни яратишдан мақсади ўқувчи (истеъмолчи)га муайян таъсир кўрсатишдир. Бу таъсир коммуникатив истак белгиси бўлиб, у қуйидагича ифодаланиши мумкин:

- истеъмолчини реал вазият ёки ҳолатдан хабардор қилиш;
- муаллифнинг баён этилаётган ахборотга шахсий муносабатини сездириш;
- мазкур ахборотга ўқувчининг муносабатини текшириб кўриш;
- ахборот орқали истеъмолчини қандайдир ҳаракатларни амалга оширишга ундаш.

Коммуникатив модель схемасидаги $M \rightarrow I$ ҳалқаси аслият тили ичидаги мулоқот жараёнини англатади. Бу жараён коммуникатив эффект қисми дейилади. У матн муаллифи (Y) нинг коммуникатив истаги қай даражада истеъмолчига (I) етказилганлигини баҳолаш имконини беради. Коммуникатив эффект икки шарт воситасида юзага келади. Биринчиси, муаллиф қўллаган тил воситаларининг таъсирчанлиги ва самарадорлигига, иккинчиси истеъмолчининг маънавий билимлари (фоновые знания) даражасига, яъни унинг қай даражада мулоқот предмети бўйича ахборотга эга эканлигига боғлиқ.

$M \rightarrow I^1$ ҳалқасидан бошлаб таржимоннинг тиллараро коммуникацияни таъминловчи сифатидаги қобилияти баҳоланади. Бунда матн моҳияти таржимон онгида қай даражада акс этгани намоён бўлади. Таржимоннинг дунёқараши, ҳиссий билиш ва маънавий билимларининг даражаси олинган ахборотни тўлиқ тасаввур этиш имкониятини беради.

Кейинги $Y^1 \rightarrow M^1$ ҳалқаси таржимон ва таржима матни ўртасидаги муносабатларни англатади. Ушбу коммуникатив занжир ҳалқаси моделнинг муҳим жиҳатидир. Чунки айнан шу ерда таржимон маҳорати билан боғлиқ жараён юз беради. Аслият муаллифи томонидан ўз она тили имкониятлари доирасида баён этилган тасвир ва тавсифларни таржимон ўз тилига шундай ўгириши керакки, таржима аслият каби таассурот қолдириши лозим.

Коммуникатив моделнинг сўнги халқаси ($M^1 \rightarrow I^2$) таржима матн ва рецептор (мутолаа қилувчи, ўқувчи) ўртасидаги муносабатларга тааллуқлидир. Ушбу сўнги халқада коммуникатив моделнинг асосий тамойиллари кўзга ташланади. Бу, биринчи навбатда, икки тил ўртасидаги мувофиқликни топиш, бегона тилли ўқувчида ҳам айнан аслият тили истеъмолчиси олган таассуротни қолдириш йўллари синаб кўришда очилади. Таржима жараёнида фақат икки тил эмас, балки икки маданият, адабиёт, қолаверса, икки бир-бирига тесқари воқелик мулоқотга қиришади. Аслиятни мутолаа қилаётган ўқувчига тушунарли бўлган нарсалар таржима матни ўқитаётган рецепторда тушунмовчилик уйғотиши мумкин. Шу нуқтага назардан таржимон фақат эквивалент мувофиқликни излаш эмас, балки маданиятлараро тафовут халақит бераётган ўринларда, таржима матн ўқувчисига керакли тушунтиришларни бера олиши, балки керак бўлса, истеъмолчига турли зарурий шарҳ ва изоҳларни бериш имкониятларини топишга ҳамда аслият муаллифи кўзлаган мақсадни тўлиқ беришга эришишга ҳаракат қилиши лозим.

II қисм. БАДИЙ ТАРЖИМАНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ

1. ЭКВИВАЛЕНТЛИК ТИПЛАРИ ВА АДЕКВАТЛИК

Адекват лотинча “adaequatus” сўзидан олинган бўлиб, “ўхшаш”, “бир хил”, “тенг”, “тўла мос”, “бир-бирига айнан ўхшаш” каби маъноларни англатади.³⁰ Айрим таржимашунослар фикрича, таржима қилинаётган тил меъёрига қатъий амал қилган ҳолда асосий мазмунни бериш эквивалент таржима бўлиб, бу макбул ҳолатдир³¹. Ю.Я.Найда “The Theory and Practice of Translation” китобида эквивалентликни формал ва динамик каби икки асосий турга ажратади. Формал эквивалентликда тақдим этилаётган ахборот насрий жанрда бўлса наср, шеърий жанрда бўлса ўша жанр қоидаларига тўла мувофиқлаштирилган ҳолда узатилиши муҳим. Динамик эквивалентликда эса маъно жиҳатдан умумий яқинликка эътибор қаратилади³².

Тилшунос таржимашунос олимлар эквивалентликнинг бир неча типлари мавжуд эканлигини таъкидлашади. Қуйида улардан асосий 5та типини кўриб чиқамиз:

1-тип.

А) There is some chemistry between us that doesn't mix. – *Ҳаётда шундай бўладики, кишиларнинг феъл-атворлари бир-бирига мос келмайди.*

1) Коммуникациянинг мақсади: “химия” сўзининг кўчма маъносини рецепторга етказиш.

2) Эквивалентлик коммуникация мақсади сақлаб қолинганлигида намоён бўлмоқда.

В) That's a pretty thing to say. – *Бундай гапни айтишга андиша қилсанг бўларди!*

1) Коммуникациянинг мақсади: эмоцияни рецепторга етказиш.

2) Коммуникация формаси: стереотип фраза.

С) Those evening bells,

³⁰ Словарь иностранных слов. М., 1979. С. 584.

³¹ Бу ҳақда қаранг: Бархударов Л.С. Язык и перевод // Вопросы общей и частной теории перевода. М.: Международные отношения, 2007. С.240.

³² Бу ҳақда қаранг: Nida, Eugene A, Charles.R. Taber. The Theory and Practice of Translation. – Leiden.: Brill. 1969. 185 p; Найда Ю.Я. К науке как переводить // Вопросы теории перевода в зарубежной лингвистике. Сборник статей. М.: Международные отношения, 1978. С.115.

those evening bells,
how many a tale
their music tells. – *Тунги кўнгироқлар,
тунги кўнгироқлар,
Сирли жаранглари
неларни сўйлар.*

1) Коммуникациянинг мақсади: ўқувчига шеърини таъсирчанликни етказиш.

2) Коммуникация формаси: оҳанг ва ритм мувофиқлиги.

Эквивалентликнинг биринчи типига оид хусусиятлар:

1) лексик таркиб ва синтактик қурилишнинг номувофиқлиги;

2) аслият ва таржимадаги ахборотлар ўртасида реал ва мантиқий алоқанинг йўқлиги;

3) аслият ва таржима матнлари орасида умумийлик даражасининг пастлиги;

4) эквивалентликка эришишнинг асосий мақсади қилиб коммуникациянинг мақсади танлангани.

2 тип.

He answered the telephone. – *У гўшакни кўтарди.*

You are not fit to be in a boat. – *Сени қайиққа ўтқазиб бўлмайди.*

You see one bear, you have seen them all. – *Ҳамма айиқлар бирига ўхшайди.*

Эквивалентликнинг иккинчи типига оид хусусиятлар:

1) лексик таркиб ва синтактик қурилишнинг номувофиқлиги;

2) коммуникация мақсадининг тўлиқ сақлаб қолинганлиги;

3) таржимада айнан аслиятдаги ҳодисага ишоранинг мавжудлиги.

3-тип.

Scrubbing makes me bad-tempered. – *Полларни ювиш кайфиятимни бузади.*

Эквивалентликнинг учинчи типига оид хусусиятлар:

1) лексик таркиб ва синтактик қурилишнинг номувофиқлиги;

2) коммуникация мақсадининг тўлиқ сақлаб қолинганлиги.

3) таржимада айнан аслиятдаги ҳодисага ишоранинг мавжудлиги.

4) тасвир усулининг сақлаб қолинганлиги.

London saw a cold winter last year. – *Ўтган йили Лондонда қиш қаттиқ келди. That will not be good for you – Бу сиз учун ёмонлик билан тугаши мумкин.*

Эквивалентликнинг бу типда воқеани тасвирлашда **семантик вариацияларнинг қуйидаги типлари учрайди:**

а) воқеани деталларда тасвирлаш даражаси (имплицит / эксплицит);

б) ахборотлардаги тасвирланаётган хусусиятларини умумийлаштириш;

в) умумий хусусиятлардаги алоқа йўналишининг ўзгариши;

г) ахборотлардаги алоҳида хусусиятларнинг тақсимоти.

а) катта ва кичик ҳажмдаги батафсил баён қилиш (эксплицит ёки имплицит таржима)

I saw there was a question asked. – *Мен унинг кўзларида савол кўрдим.*

We lay watching. – *Бизлар ётган қуйи уларни кўзатардик.*

«Will you come here, my mmm.. miss?» Jin went. “*Марҳамат қилиб бу ерга ўтинг, ммм... мис*”, *Джин унинг кетидан чиқди.*

б) ахборотлардаги тасвир хусусиятларини умумийлаштириш усули.

Тилда гапларда ўзаро мантиқий боғлиқлик мавжуд бўлиб, таржимада бу боғлиқлик аналогик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бундай жумлалар бошқа тил нуқтаи назаридан семантик қайта яратилади ва хос эквивалентлар танланади.

He was thin and tentative and his slid his birth certificate across the desk. – *Озгин ва ёш киши ўзига ишонмаган ҳолатда тугилганлиги ҳақидаги гувоҳномани стол устига узатди.*

в) умумий хусусиятлардаги алоқа йўналишининг ўзгариши.

У ҳар доим буни эсда тутати = У ҳеч қачон буни эсдан чиқармайди (синонимик конверсия). Бу типда таржима трансформацияларидан антонимик таржима усулини қўллаш мумкин: *Keep off grass! Ўт устида юрманг! Гапларни конверсион қайта қуриш таржимоннинг стилистик тасаввурига боғлиқ. He drove on. They had their backs to the sunlight now. – У машинани узоққа ҳайдади. Энди қуёш уларнинг елкасига тушаётган эди.*

г) ахборотлардаги алоҳида хусусиятларнинг тақсимоти.

1. Ахборотларнинг алоҳида хусусиятларини тасвирлаш имконияти ва уларнинг кетма-кет келиши турли тилларда турли хил кўринишга эга бўлиши мумкин.

2. Икки тилдаги ахборотларнинг бир-бирига боғланиш имконияти бир –бирига номувофик келиши мумкин.

Шахло **узоқ** вақт келмади. Зебо уни кутубхонада кутиб турди, ҳайриятки у кутубхонага қайтиб келди. Sahlo didn't come, Zebo waited for her at the library **for a long time** fortunately, then she came back to the library

(Шахло келмади, Зебо уни кутубхонада узоқ вақт кутиб турди ҳайриятки, у кутубхонага қайтиб келди).

Мақсад: Содда ва тушунарли нутқни шакллантириш учун потенциал локаль жумла тузилган).

4-тип.

The house was sold for eighty thousand dollars. – Уй саккиз минг долларга сотилган.

Эквивалентликнинг тўртинчи типига оид хусусиятлар:

1) Таржимада аслиятнинг уч асосий қисмининг сақлаб қолинганлиги:

- коммуникация мақсади
- ситуатив ориентация
- тавсиф усули

2) Ушбу тип таржима ва аслиятда лексик параллелизмлар мавжудлиги билан характерланади яъни тўлиқ бўлмасида синонимлар учраши мумкин.

3) Таржимада аслиятнинг синтактик структурасига анологик бўлган формаларнинг қўлланиши. Масалан, юқоридаги мисолда инглиз тилидаги **пассив**, ўзбек тилида **мажхул нисбат** билан ифода этилмоқда.

• Агар гапда тўлиқ параллелизмни сақлаб қолиш имконияти бўлмаса синтактик вариациялардан фойдаланилади. Бу вариациялар аслият билан бевосита боғлиқ бўлиб, таржимада сўзларнинг аслиятдаги синтактик структурасини максимал даражада узатилишини таъминлайди.

Масалан, баъзан инглиз тилидаги **пассив** (мажхул нисбат) ўзбек тилида **аниқлик нисбати** билан алмаштирилиши мумкин: The

port can be entered by big ships only during the tide. – *Катта кемалар портга фақатгина қуйилиш вақтида кириши мумкин.*

4 типнинг синтактик вариациялари 3 та асосий вариациялаш усули асосида амалга оширилади:

1. Маъноси тўғридан-тўғри ёки тескари тартибдаги Синонимик структураларни қўллаш. Сўзлар кетма-кетлигини ўзгартирган ҳолда бирга анологик структураларни қўллаш.

2. Сўзлар орасидаги боғлиқликни ўзгартирган ҳолда анологик структураларни қўллаш.

5-тип.

Эквивалентликнинг максимал даражаси ҳисобланади. I saw him at the theatre. – *Мен уни театрда кўрдим.*

Эквивалентликнинг бешинчи типига оид хусусиятлар:

1) матннинг структуравий қурилишига максимал даражада паралеллик;

2) лексик таркибнинг максимал уйғунлиги (яъни аслиятдаги от ўрнида от, феъл ўрнида феъл таржимада учрайди);

3) таржимада аслиятнинг асоси сақлаб қолинганлиги.

Алоҳида сўзлардаги эквивалентлик даражаси уч асосий аспектда семантик қиёсланади:

1. Мантиқий яқинлик (денотатив)

2. Алоқа (коннотатив)

3. Ички лингвистик (тилнинг системаси билан боғлиқ равишда).

Аммо эквивалентликнинг бешинчи типига ҳос хусусиятлар мукамал кўринишда адекват таржимада намоён бўлади.

Адекватлик масаласида адабиётшунос-таржимонларнинг қарашлари тилшунос-таржимашунослардан фарқ қилади. К.Чуковский, И.Кашкин, Г.Гачечиладзе, Вл. Россельс, О.Кундзич каби адабиётшунос олим ва адиблар таржимага адабий жараён сифатида қарайдилар. Улар тил қоидалари мувофиқлигини бадий мувофиқликка кўмаклашувчи унсур деб биладилар. Ушбу ёндашувга кўра, адекватлик таржиманинг аслият бадийлигига мувофиқлиги орқали белгиланади. Адабиётшунослар тилшунослар томонидан тил мувофиқлигига қатъий риоя қилиш ва таржиманинг вариациялар ҳамда ижодий ёндашувни инкор этадиган меърий

тизимини яратилган уринишларини жиддий қоралайдилар³³. В.С.Виноградов шеърини таржима фақат аслиятга адекват бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Унингча, бадиий таржиманинг ўз ижодкори, яратувчиси, тил манбаи ва услуби мавжуд³⁴. Энг яхши шеърини таржима аслиятга мос таржимадир. Хўш, тўлақонли адекватликка қандай эришиш мумкин? Шеърда сюжет, воқеалар ривожини ва композиция билан бир қаторда кучли ҳис-туйғу мавжуд. Шеърнинг руҳиятига тобора кира билиш ва уни таржимага кўчириш эса аслият тилини ва шеърини услубларини мукамал эгаллашни талаб этади. Бу дегани таржимон шоир ҳам бўлиши демакдир. Таржимон бир тилдан иккинчи бир тилга шеър ёки поэмани таржима қилар экан, ўз миллий адабиётида учрамаган янги шеърини оҳанг ёки жанрга дуч келади. Ўз тили имкониятларидан келиб чиқиб мазкур асарни таржима қилишга уринаётган мутаржим шу шеърдаги руҳ ва шеърнинг аслиятдаги жарангидан беҳабар бўлса, шеърнинг жилосини ва эстетик завқ бағишловчи бўёқдорлигини тушириб таржима қилади. Бу эса, ўз навбатида, таржиманинг саёзлашувига, китобхонлар учун нотаниш тилда ёзилган асарнинг муаллифи ижодига нисбатан қизиқишнинг пасайишига олиб келади. Таржима матнда лингвистик позициядан адекват деб топилган лексемалар шеършунос-таржимашуносларни қониқтирмаслиги мумкин. Масалан, тадқиқотчи Н.Исамуҳамедова В.Шекспирнинг “Отелло” драмасидан “She was false as water” иборасининг Ғафур Ғулом ва Жамол Камол таржималарида берилиш услубини таҳлил қилар экан, “water” (сув) лексемасининг когнитив картасини тузади. Унга биноан, луғатларда берилган “сув” лексемасининг хавотир ва хавф билан боғлиқ ассоциацияга эга тушунча эканлигини аниқлайди. Шунинг учун ҳам *False* сўзининг луғавий маъносини келтиришни тўғри ҳисоблайди. Буни тадқиқотчининг Ғафур Ғулом ва Жамол Камол таржималарини жадвал воситасида таҳлил қилиб, Ж.Камолнинг сувга нисбатан қўллаган *бетийиқ ва беқарор* сифатидан Ғ.Ғуломнинг *алдамчи, риёкор* сифатини адекват дейишида кўриш мумкин. Н.Исамуҳамедова лингвист сифатида тўғри ёндашган. Бироқ адекватликни таъминлашда фақат лингвистика нуқтаи назаридан ёндашилса адекватлик борасида умумий маҳражга келиш қийин кечади. Мисол учун Н.Исамуҳамедова

³³ Исамуҳамедова Н. Кўрсатилган манба. Б. 8.

³⁴ Виноградов В.С. Шу жойда.

хулосасига адабиётшунослик нуктаи назаридан бошқача баҳо бериш мумкин. Маълумки, *False* сўзининг муқобиллари қуйидагича: 1. Wrong (нотўғри, хато), incorrect (хато, нотўғри, ноаниқ), 2. Spurious (сохта). 3. Improper (номувофик, нотўғри). 4. Deceptive. (алдамчи, адаштирадиган). 5. Deceitful (сунъий, сохта). 6. Treacherous (хоинона, ишончсиз). 7. Unfaithful (хиёнаткорона, мунофикона). 8. Not genuine (аслияти эмас, тоза қўнгилли эмас). 9. Fake (ясама нусха, фирибгарона). 10. Betrayal (сотқинлик, хиёнат). 11. Artificial (сунъий, юзаки). Аммо уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир қанча муқобилларига эга. Уларни бир тизимга келтириб умумий маънодошлари аниқланса, масала анча равшанлашади. Биз буни қуйидаги жадвалда аниқ кўришимиз мумкин:

Аслият (А)	Аслиятнинг муқобил маънолари (АММ)	Таржима (Т)	Таржиманинг муқобил маънолари (ТКММ)
False	1.wrong, incorrect 2.spurious, 3.improper 4.deceptive. 5.deceitful, 6.treacherous 7.unfaithful. 8.not genuine 9.fake 10.betrayal 11.artificial.	бетийик бекарор (Ж.Камол)	1. бир қарорида турмайдиган 2. субутсиз 3. ишониб бўлмайдиган 4. бевафо 5. алдамчи 6. иккипозламачи 7. риёкор 8. ишончсиз 9. уятсиз 10. ваъдабоз 11. лафзсиз

Кўриниб турибдики, Жамол Камол вариантнинг муқобил маънолари аслиятдаги сифатнинг муқобил маъноларига деярли тўғри келади. Шундай экан, таржимада ҳар иккала таржимон келтирган сифатлар бир умумий маънони, яъни Дездемонанинг севгида собит эмаслиги, ўзгарувчанлиги, бевафолигини англатиш учун тўғри қўлланган. Аммо лингвистик жиҳатдан адекват бўлиши мумкин бўлган “алдамчи ва риёкор сув” ўзбек шеърлятида сунъий ифода саналади. Адекватликнинг қатъий талабларидан бири маъно ва ифода адекватлигидир. Ўқувчи (рецептор) “алдамчи, риёкор сув”ни тасаввур қила олмайди. Аммо ўз ўзанида тинч турол-


майдиган ҳамиша турлича оқадиган сувни, яъни *беқарор* сувни, шунингдек, ўзини бошқара олмайдиган яъни *бетийиқ сувни ҳам* яхши тасаввур қилади. Беқарорлик субтсизлик, ўз сўзида турмаслик каби салбий сифатларга маънодошир. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида беқарор ва тийиқ сўзларига қуйидагича таъриф берилади: Беқарор – 1. Бирдек туролмайдиган, ҳа деб ўзгараверадиган. *Беқарор Аму*. 2. Бир жойда қўним топмайдиган, ҳа деб кўчиб юрадиган; қўнимсиз. *Дарбардарликдан, ўзимнинг симобдай беқарор, саёқлигимдан жуда ўқинар эдим*. Ғ.Ғулом, Шум бола³⁵. Тийиқ – 1. Ўзини тийиб, босиб, тутиб олган; 2. Қуюлган, босиқ³⁶. Шундай экан, Ж.Камолнинг таржимаси Ғ.Ғуломга нисбатан адекват дейишга асос бор. Бу ерда инглиз тилидаги *false* нинг маъноси бузилмаган. *False* алдамчилик ва риёкорликнинг маъно муқобиллари бўлган беқарорлик ва «бетийиқликнинг айнан ўзидир. Демак, когнитив анализнинг муҳим компонентларидан бири маънавий ёндошув бўлмоғи лозим.

Адекват таржимада рецепторнинг матни тушуниши ва ҳис қилишига шароит яратмоқ лозим. Ўзбек китобхони учун “Оқин сувдек, у алдамчи, риёкор эди”дан кўра “Оқар сувдай бетийиқ, беқарор эди” мисраси кўпроқ тушунарли ва айни пайтда бу ибора инглизча “*False as water*” иборасига адекват қабул қилинади.

Адекват таржима афзалликлари қуйидаги схемада ақс эттирилган:

³⁵ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Т. 1. М.: Русский язык, 1981. Б. 109.

³⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Икки томлик. Т. 2. М.: Русский язык, 1981. Б. 171.



2. МАЪНАВИЙ БИЛИМЛАР

Бадиий матндаги ҳар бир сўз лексик ёки фразеологик бирикмалар ҳар бир китобхон томонидан турлича қабул қилиниши мумкин. Бу ҳар жиҳатдан рецепторнинг дунёқараши, этник келиб чиқиши, психологияси, менталитети, яшаш шароити каби кўплаб омилларга боғлиқ. Адибнинг тасаввур олами ўқувчини билан мос тушишига ҳеч ким кафолат бермайди. Масалан: *Дарахт* – деганда ўзбек китобхони тасаввурига асосан олма, ўрик ёки бодом дарахти келса, рус китобхони дуб, қайин, эманни, япон китобхони сакуруни, хинд китобхони эса пальма, банан ёки бамбукни тасаввур қилиши мумкин. Демак, *дарахт* деганда китобхонлар умумий бир предметни эмас, эшитган предметларига манتيқан яқин аммо шакли ранги ва ҳажми ҳар хил предметларни тасаввур қилишди. Р.Шорин ва С.Чемоданов ўз олиб борган тадқиқотларида баъзида бир сўзларнинг рецептор онгида бутунлай айрича, яъни ўша сўзнинг лексик-семантик маъносига яқин ҳам келмайдиган тасаввур ҳосил қилиши мумкинлигини айтадилар. Масалан, бир экспериментда **религия** сўзини ўйлаш орқали бир киши тасаввурига хабаш (негр) келган бўлса, бир киши **цербер** (1. Ёвуз қоровул. 2. Қадимги грек мифологиясида дўзах эшигини кўриқловчи копағон ит) сўзини эшитиб ҳаёлига семиз хотинни тасаввур қилган³⁷. Демак, бир сўз ўқувчи ва тингловчи томонидан бутунлай нотўғри тушунилиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас.

Персонаж нутки, лексик бирикмалар асосий мазмунни тушунишга хизмат қилувчи воситалардир. Агар лексик бирикмалар маъноси ҳар бир шахс тасаввурига маълум тушунча уйғотади десак, нутқимиздаги киши онгида тасаввур ҳосил қилмайдиган тушунчалар **сабаб**, **вақт**, **муносабат** каби сўзлар. Келишиқ қўшимчалари, **сўз ясовчилар**, **олмошлар** каби лингвистик атамалар номлари кабиларнинг мавжудлиги бу қарашни ўз-ўзидан инкор этади. Шунингдек, нутқимизда шундай ҳолатлар учрайдики, улар гапирувчида ҳам тингловчида ҳам ҳеч қандай тасаввур уйғотмайди. Масалан, *Кеча Акмал Чимкентга кетди* деганимизда бизнинг ҳам тингловчининг ҳам онгида Акмал ҳақида ҳам Чимкент ҳақида ҳам, Акмалнинг жўнаш сабаби ҳақида ҳам ҳеч қандай тасаввур ҳосил

³⁷ Бу ҳақда қаранг: Л.С.Бархударов. Язык и перевод. М., Международные отношения, 1975. С.56.

бўлмайди. Аммо “Акмал даволаниш учун Чимкентга кетди” деганда, Акмалнинг хасталиги ва Чимкентда қандайдир сихатгоҳ борлиги ҳақида қисман тасаввур пайдо бўлади.

Масалан, куйидаги гапни ўзбек тилига таржима қилишда “**Saint Spiridon save me!**” he implored loudly (Gerald Durrell “My family and other animals” chapter – 5, page - 35) матн мазмунини англаш учун Saint Spiridon – Корфу оролини бало қазолардан асровчи, химоя қилувчи авлиё ҳақида маълумотга эга бўлиш талаб этилади. Асар қаҳрамонининг айна вазиятда илоҳий кўмакка муҳтожлиги ва унинг ички руҳий ҳолати Saint Spiridon – мададкор авлиёга илтижосида намоён бўлмоқда. Таржимон мазкур авлиёнинг қайси хусусияти учун ёдга олинаётгандан бехабар бўлса, персонажнинг ички ҳолати таржимада тўла очиб берилмаслиги мумкин. Баъзида адиблар бадиий асарларда персонажнинг диди, ҳаётга бўлган қарашларини ва ҳолатини ифодалаш учун адабиёт, тарих, мусиқа ва бошқа кўплаб соҳалар билан боғлиқ шундай назарий маълумотларни келтирадиларки таржимон бу каби матнларни фақатгина лисоний йўл билан таржима қила олиши мушкул. Масалан: He had no conception of Imperial England, and **Rule Britannia** was just a joke to him. (“England, my England” by D.H.Lawrence page - 134) бу парчада қаҳрамон тавсиф этилар экан, унинг тарихга паст назар билан қарашига урғу берилади. Rule Britannia – “Британия ҳақ” номли XVIII асрда ёзилган куйга басталанган ватанпарварлик кўшиғини оддий ҳазил сифатида қабул қилиши, ватанпарварликка ҳуши йўқлиги ифодаламоқда. Агар таржимон **Rule Britannia** кўшиқ номи эканлигидан бохабар бўлмаса, у қаҳрамон характери янада бўрттириб, “унинг учун Британияни бошқариш ҳазилдек бир гап” тарзида таржима қилиб қўйиши мумкин. Бунда қаҳрамон характери оид салбий бўёқ аслиятдагидан анча ошиб кетади. Ўзбек шоири Рауф Парфининг эски адабиёт дарсликларидagi таржимаи ҳолида “онам саводсиз бўлса-да, ҳар ҳолда Навоийга тиши ўтарди” жумласи берилган. “Навоийга тишнинг ўтиши” асло саводсизликни эмас, балки адабиётда диднинг нозиклигини, “саводсиз” сўзи эса киноя тарзида давр тақазосидан айтилганини англатади. Шу каби нозик ҳолатларни тушунишда ва таржима қилишда маънавий билимларнинг аҳамияти катта. Куйидаги парчада аёл қаҳрамоннинг шоиртаъблиги ва нозик диди шундай ифодаланади: Miss Balaifal, as I began to say, was a cultered

woman a reader of the poems of **Robert Browning** and other poets and a very sensitive woman (by W. Saroyan).

Robert Browning – инглиз шоири бўлиб, кўплаб шеър ва драматик монологларнинг муаллифи ҳисобланади. Бу парчада аёл қаҳрамоннинг таъсирчанлиги, таъсирчан монологлар устаси бўлган Robert Browning шеърятининг мухлиси эканлигида очиб берилмоқда. Инглиз аудиторияси учун маълум бўлган шоир номига мазкур парчада ҳеч қандай изоҳ берилмаган. Аммо уни ўзбек тилига таржима қилишда персонаж (Miss Balaifal) ҳақида етарлича тасаввур ҳосил қилиш учун шоир Robert Browning ижодидан қисқача хабардор бўлиш талаб этилади. Бу маълумот таржимада шоир номига изоҳ келтириш орқали ёки бошқа бир усулда муаллиф мақсадини очиб беришда ас қотади. Қуйидаги мисолда эса бир образ характерида оид хусусиятлар бошқа тарихий персонажларга муқояса қилиш орқали очиб берилади: “A great man” replied Muscari, “as brave as your **Robin Hood**” (“Adventure Stories” page – 64). Мазкур парчада Robin Hood – XII асда яшаган инглизларнинг севимли қаҳрамони жасурлик ва ботирлик тимсоли сифатида тилга олинган бўлиб, Робин Гуд ҳақида маълумотга эга бўлмай туриб у муқояса қилинаётган асар қаҳрамони ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиб бўлмайди. Чунки “as brave as” - қиёсий даражаси ўз маъносида қўлланылган ёки кинояли тарздами дастлаб аниқлаб олинishi зарур.

We can sketch his portrait in a few words. Imagine a **Don Quixote** of eighteen, dressed in a faded woolen jacket; his face long and brown, with high cheek bones, intelligent eyes, and a determined chin (The three Musceteers by Alexandre Dumes. Page - 7). Мазкур парчада муаллиф асар қаҳрамонига таъриф берар экан, “Ўн саккиз ёшли Дон Кихотни тасаввур қилинг” дейди. Кейинги жумлаларда қаҳрамон тузилишига етарлича таъриф берилса-да, кимлар учундир Дон Кихотни хаёлан эслаш у муқояса қилинаётган образ тасвирини тиниклаштиради. Демак, ўқувчининг назарий билимлари ҳам персонажнинг феъл-атвори ва характерини тасаввур қилишда муҳим аҳамият касб этади. Таржимонда бу каби маълумотлар базасининг йўқлиги таржима ишнинг савиясини пасайтириши шубҳасиз. Баъзи таржимонларимиз ТТ учун ёт бўлган сўзлар реалияларни (гарчи аслият матнида изоҳда ҳавола этилмаган бўлсада) таржимада рецептор учун тушунарли бўлишини ўйлаб изоҳлаб ўтадилар: Having

thus decided, he rolled over on his side and dropped off to sleep, a hue son of his all-conquering race, a **Samson** among the philistines.

Шундай қарорга келган Маккензи ўзини Самсондек кучли хис килди-да ёнбошига ўгирилиб уйкуга кетди....

***Самсон** - Библиядаги фавқулудда кучли қахрамон.

1. ...the country was stamped and staked by a tidal-wave of **the checha-quas**, and when the **Klondike's** only claim to notice was its salmon fisheries.

...шунда Скрут Маккензи ҳаётида юз берган воқеа беихтиер ҳали Клондайк олтин васвасасини ҳамда че-чакаус босқинини кўрмаган ва фақат ласос балиғи билан шухрат қозонган ўша олис даврларни ёдга солади (Жек Лондон. Бўри ўғли // Жаҳон адабиёти. 2010. №12. Б. 81-83).

***Клондайк** - Юкон дарёсининг ирмоғи 1896 йилда у ерда кўпдан-кўп олтин сочмалари топилган.

***Че-ча-каус** - янги келганлар

Ёш таржимон Гулҳаё Муҳаммадалиева таржимасидаги мазкур ҳикояда ўзбек китобхони учун нотаниш сўз ва иборалар эквивалентсиз лексикани бериш йўлларида бири ҳисобланган изоҳли таржима орқали амалга оширилган. Баъзида бадий асарларда қахрамон нутқида аслият тилига мансуб бўлмаган бошқа тиллардаги иборалар учрайди. Масалан: "This way, my young friend " said, "**vetigia nulla retrorsum**" (The lost world" Arthur Conan Doyle page - 80) *vetigia nulla retrorsum* – лотинчадан "орқага йўл йўқ" деб таржима қилинади. Бу каби сўз ва ибораларнинг баъзилари аслият тили учун изоҳсиз тушунарли қабул қилинади. Аммо аслият тилини мукамал билган таржимон ҳам бу каби иборалар мазмуни англаш учун бошқа тилдан олинган сўзлар (масалан, лотин) таржимасини кўриб чиқиши ва унинг нима сабабдан контекста қўлланганлигини аниқлаши талаб этилади.

Таржимада асарнинг бадий-эстетик қимматини тўғри акс эттириш учун таржимон муаллиф даврини, ижтимоий, психологик жараёнларни ўрганган. Зеро, таржимон асарнинг тили, лексикаси, грамматик, фонологик ва синтактик ўзига хосликларини билсаю, асар руҳиятини идрок эта олмаса, адекватликни таъминлаши қийин. Таржимашунослик тарихидан шу нарса маълумки, классик таржиманинг асл жилоси у яратилган даврга оид "пейзаж"ни, яъни тарихий шароитнинг бир бўлагини бугунги кун нигоҳи билан эмас

ўша давр кўзи билан кўра билишдадир. Таржима қилинган асарнинг бадиийлиги эса, ана шу руҳиятнинг нечоғлик аниқ ифода этилганлигига боғлиқ. Асл нусха руҳиятини таржимада бутун борлиғича акс эттириш учун таржимон ўша давр муҳити, яъни асар ёзилган йиллардаги устувор сиёсий-тарихий шароитдан хабардор бўлиши таржима сифатига таъсир қилади. Бунинг учун эса таржимондан алоҳида назарий билим талаб қилинади. “Фауст”нинг биринчи француз таржимони Жан Батист Лемаркан асарнинг “қоронғу” жойларини ёритиб беришни Гётедан сўраган эди.

3. РЕФЕРЕНЦИАЛ МАЪНОЛАРНИ БЕРИШ

Референциал маъноларни беришда таржимон тўқнашадиган асосий муаммо аслиятдаги бир сўз лексик маъносининг таржима тилида ўз хусусиятини йўқотиши ва аслият маъносини бермаслигидир. Дунёда икки турли хил тил йўқки, бу тиллардаги маъно бирликлари, морфемалар, сўзлар ва турғун сўз бирикмалар бир-бирига ўзаро мос келса. Баъзида маълум бир сўзларнинг иккинчи тилда муқобили учрайди, аммо бу сўз лексик бирикма шаклида келганда уларнинг маъноси иккинчи тилда номуқобилликни келтириб чиқиши мумкин. Икки тилдаги ўзаро лексик-семантик мутаносибликни қиёслаш мақсадида анализ объекти сифатида икки тилдаги (инглиз ва ўзбек) сўзларни танладик. Бинобарин, эътиборга олиш лозимки, икки тилдаги номутаносибликлар фақатгина сўзлар номувофиклиги билан чегараланмайди, балки бу муаммо бошқа тил бирликлари (грамматик морфемалар) орасида ҳам учраши мумкин.

Икки тилдаги лексик-семантик мувофиқликни асосий 3 ҳолатда кўриш мумкин: 1) бутунлай мувофиқлик; 2) қисман мувофиқлик; 3) мувофиқликнинг йўқлиги (ёки номувофиқлик).

1-ҳолат. Бутунлай мувофиқлик. Икки тилдаги сўзлар лексик маъноларининг тўқналиғича мувофиқ келиши таржима учун камёб ҳодиса ҳисобланади. Асосан, бу тоифага бир маъноли сўзлар қиради ва улар икки тилда ҳам ягона маънони англатади. Нутқимиздаги бошқа сўзларга нисбатан бу лексемалар камчиликни ташкил қилади. Уларни ҳам қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

А) Аслият ва таржима тилининг луғат таркибига кирган, бир тил учун ҳарактерли бўлган атокли отлар ва географик жой номлари:

Тошкент - Tashkent

Лондон - London

Навоий - Navoi

Шекспир - Shakespeare

Б) Илмий ва техникавий терминлар:

Газ - gas

Кислород - oxygen

Кўмир - coal

Магний - magnesium

Кислота - acid

Кварц - quartz

Гипертамия - hypertamia

В) Ой, йил ва ҳафта кунлари номларга иккинчи тилда лексик-семантик мувофиқ келувчи сўзлар:

Январь - January

Душанба - Monday

Бу гуруҳдаги сўзларга баъзи бир байрамлар номи ва санок сонларни ҳам киритиш мумкин:

Янги йил - New year

Ғалаба куни - Victory day

Мустақиллик куни - Independence day

Минг - thousand

Миллион - million

Аmmo бир тилдаги юкоридаги гуруҳларга кирувчи ҳамма сўзлар ҳам иккинчи тилда фақатгина битта маънони ифодалашга ҳизмат қилмайди. Ҳаттоки баъзан илмий термин ҳисобланган сўзларнинг ҳам айрича маънолари бўлиши мумкин. Масалан, физикада қувватни англатувчи – **power** – куч – атамасининг ўзбек тилида қуйидаги маънолари ҳам мавжуд:

1) давлат, ҳокимият;

2) қувват, кудрат, куч;

3) қобилият, имконият ёки ўзбекча **ҳисоб** – сўзининг инглиз тилида қуйидаги сўзлар билан таржима қилиниши мумкин:

1. Calculation (ҳисоблаб чиқиш)

2. Account (банкдаги ҳисоб рақам)

3. Score (ма[сус белги, ўйин ҳисоби)


Бир минтақа ҳудудида яшовчи баъзи ноёб ҳайвон номлари таржимада лексик-семантик муқобилларига эга: flamingo-фламинго, porcupine-жайра. Аммо баъзи ҳаммага маълум ва кенг тарқалган ҳайвон номлари фақатгина зоологик термин эмас балки умумлексикада кўчма маъноларга ҳам эга бўлиши мумкин. Масалан fox – сўзи тулкидан ташқари ўзбек тилида айёр, маккор киши; chameleon – буқаламун сўзи эса шароитга қараб тусини ўзгартирувчи, иккиозламачи киши маъноларини бериши мумкин. Инглизча eagle – бургут сўзи инглиз тилида 1) куш; 2) Американинг (эски) ўн долларли тангаси; 3) АҚШ герби ва эмблемаларини англатиши мумкин.

2-ҳолат. Қисман мувофиқлик. Икки тилдаги лексик бирликларни ўзаро қиёслаш жараёнида энг кўп тарқалган мувофиқлик бу қисман мувофиқлик эканлигининг гувоҳи бўламиз. Таржима амалиётидан маълумки, аслият тилидаги бир сўзга таржима тилидаги бир эмас бир неча сўзлар мос келиши мумкин. Шунингдек, аслиятдаги сўзнинг эквивалентлари шу сўз таржимасининг эквивалентларига мос келмаслиги мумкин. Масалан, ўзбечча *тил* – инглизча – *tongue* сўзларининг қуйидаги умумий маънолари мавжуд: 1) одам аъзоси; 2) забон. Шунингдек, **тил** сўзининг ўзбекчада қуйидаги маънолари ҳам мавжудки улар инглиз тилида бошқа сўзлар орқали ифодалаб берилади: 3) тилдан тушмаслик – *be always on somebody's lips*; 4) тилни тиймоқ – *keep ones mouth shut*;

Инглиз тилида эса тил сўзи билан бирга ясаладиган баъзи сўз ва сўз бирикмалари мавжудки, ўзбек тилида бундай ҳолатларда тил сўзи ишлатилмайди. Масалан, *the hounds gave tongue* – овчи итлар овоз чиқаришди. *Tongue tied* – гунг-соков; *Tongue-twister* – тез айтиш. Демак, баъзи бир сўзларнинг эквивалентлари икки тилда ҳам (АТ, ГТ) бир-бирига мос келиши ёки умуман мос келмаслиги ҳамда қисман мос келиши мумкин экан. Масалан, ўзбек тилидаги *уй* – инглиз тилида *house* деб таржима қилинади. Иккала тилдаги сўз ҳам бино маъносини англатади. Аммо инглиз тилида бу сўзнинг *династия* маъносига ҳам мавжуд “*the House of Boburids*”. Ўзбек тилида бу ўринда *сулола* сўзи “*Бобурийлар сулоласи*”. Ўзбек тилида эса, *уй* сўзининг туғилган жой, оила, каби маънолари борки, бу ўринда *уй* инглиз тилида *house* эмас, балки *home* деб таржима қилинади. Ўзбек тилидаги *уй* сўзи иштирокида ясаладиган қўшма

сўзлар эса инглиз тилида *home* сўзи иштирокидаги кўшма сўзлар ёки мутлақо бошқа эквивалентлар орқали таржима қилинади. Масалан, болалар уйи – *children's home*; савдо уйи – *commercial*; ахлоқ тузатиш уйи – *reformatory*. Шунингдек, ўзбек тилида ҳам уй сўзига баъзи ҳолатларда ўриндош бўлган *хона* сўзи мавжуд бўлиб, инглиз ва рус тилларидаги *house* ва *дом* сўзлари билан ясалган баъзи кўшма сўзлар таржимасида ишлатилади:

Gambling-house – игорный дом



қиморхона

Демак, ҳар бир сўз таржима тилида бир неча хил ифодаланиши ёки аслиятдаги бир неча маъно таржимада бир сўз орқали ифодалаб берилиши мумкин. Таржимондан талаб қилинадиган вазифа ҳар бир сўзнинг энг мувофиқ маъносини танлай билишдир. Қуйидаги икки жадвал орқали инглиз ва ўзбек тилидаги баъзи сўзлар семантикасини кузатамиз:

1-жадвал

Соат	<i>Watch</i> (кўл ёки чўнтак соати) <i>Clock</i> (стол, девор ва курант)
Ошхона	<i>Dining-room</i> (умумий овқатланиш жойи) <i>Mess-room</i> (харбий ошхона) <i>Canteen</i> (завод ёки муассаса емакхонаси) <i>Refectory</i> (университет ёки мактаб ошхонаси)
Бўтқа	<i>Porridge</i> (унли бўтқа) <i>Gruel</i> (суюк бўтқа)
Қулай	<i>Comfortable</i> (кийм, оёқ-кийим, мебель) <i>Convenient</i> (вақт, жой, қурол)
Чиройли	<i>Beautiful</i> (умумий) <i>Handsome</i> (кўриниш) <i>Pretty</i> (жозибали) <i>Charming</i> (мафтункор)
Жиян	<i>Nephew</i> (ўғил) <i>Niece</i> (қиз) <i>Cousin</i> (умумий)

To marry	Уйланиш Эрга тегиш
To wash	Ювмоқ Ювинмоқ
Blue	Кўк Ҳаворанг
Story	Қисса Ҳикоя
Brother - in law	Почча Қайноға
Sister-in law	Янга Қайнопа

Икки тилдаги сўзлар ва уларнинг лексик-семантикасини қиёслаш АТ ва ТТ даги сўзлар мувофиқлигининг нозик қирраларини очиб беради. Масалан, инглиз тилида *пишлоқ* ва *творог* сўзлари – *cheese* ва *cottage cheese* деб таржима қилинади. Бир қарашда бу таржима аслиятига семантик мувофиқ. Аммо инглиз тилидаги **cottage cheese** пишлоқнинг бир тури³⁸. Ўзбекча ёки русча творогнинг эса пишлоққа умуман дахли йўқ. Рус тилидан кириб келган **кефир** сўзи баъзи ўзбекча-инглизча луғатларда **yogurt** деб берилади. Ваҳоланки, ўзбек тилида бу сўз бутунлай бошқа маҳсулот турини англатади. Бу каби лексик-семантик номувофиқлик бир тилнинг ичида ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан, Тошкенда “**қатик**” деб номланувчи сут маҳсулотининг таъми ва таркиби Қашқадарёнинг кефир маҳсулотига мос келади. Қашқадарёда “**қатик**” деб номланувчи сут маҳсулотининг таркиби ва таъми Тошкентда “**сузма**”, “**чакки**” деб аталувчи сут маҳсулоти билан бир хил. Агар бир нутқимиздаги бир контекста қашқадарёлик: “Қатикни думалоқ курт қилдим” деса, тошкентлик бу гапга тушунмайди сабаби суюқ массадаги сут маҳсулотидан курт тайёрлаб бўлмайди. Бу ўринда “чаккидан думалоқ курт қилдим” ҳар иккала тингловчига тушунарли бўлиши мумкин. Куйидаги асардан олинган парча ҳам бунга мисол: “...бир парча яхнани нон билан еб, устидан катга пиёлада катик ичгач, шошилганча тракторчилар олдига кетди” (Ш.Рашидов, Бўрондан кучли. Б.73). Яна бир мисол: Тошкентда бозор расталарида сотилувчи ёғли “**патир**”-

³⁸ Бархударов Л.С. Указ. соч., С.81.

ни Қашқадарёда “қайирма” деб аташади. Қашқадарёда ҳам “патир” деб аталувчи нонвойчилик неъматги мавжуд аммо бу маҳсулот Тошкент “патир”идан таъм, шакл ва тайёрланиши жиҳатдан тубдан фарқ қилади. **Чивин** ва **пашша** сўзлари ҳам икки хил ҳудудда икки хил тушунилади. Қаршиликлар юқоридаги ушбу икки ҳашоратнинг қон сўрувчи, ҳажман кичигини **пашша** деб атасалар Тошкентда бу ҳашорат – **чивин** деб аталади. Аксинча чакмайдиган тури Қаршида чивин деб аталса, Тошкентда уни **пашша** деб аташади. Баъзи бадиий асарларни ўқиш орқали ҳар хил ҳудудда яшовчи рецепторда ҳар хил тушунча ҳосил бўлиши мумкин. Масалан: 1. Атрофда ғув-ғув **пашша**: оёқларга ёпишади, бурун катакларига суқулади, кулоқни узади (Ойбек, Қутлуғ қон). 2. Ҳамма ёқ жим-жит фақат **пашша** ғўн-ғиллайди (А.Қаҳҳор, Бемор). Биринчи мисолдаги “**пашша**” бу чакувчи ҳашорат, яъни Қашқадарёда бу ҳашорат айнан **пашша** деб аталади. Иккинчи мисолдаги “**пашша**” бу чакмайдиган қора тусдаги “**ғўнғиллаб**” товуш чиқарадиган ва Қашқадарёда чивин деб аталадиган ҳашорат. Биринчи мисолни ўқиган тошкентлик рецептор “**пашша** қандай қилиб бурун катагига кириши мумкин?” деб ўйласа, иккинчи таржимадан қашқадарёлик рецептор “**пашша** ҳам ғўнғиллаган овоз чиқазадими, ахир унинг овози деярли эшитилмайди-ку?” деган фикрга келиши мумкин.

Демак, сўз маъноларининг хилма-хиллиги ва уларнинг функционал вазифаларининг фарқланиши икки тил ўртасида бўлибгина қолмай бир тилнинг ички ҳодисаси, яъни шевалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда таржимондан ҳар бир сўзнинг асл маъноси ва функциясини аниқ билиш талаб этилади. Аммо тилда шундай ҳолатлар учрайдики, аслият тилида ўта аниқликни талаб этувчи сўз таржима тилида бундай аниқликни талаб этмаслиги мумкин. Инглиз тилида қўл ҳақида гапириладиган бўлса, қўлнинг контекстаги функцияси аниқланиб уни **hand** ёки **arm** деб таржима қилинади. Масалан, у қўлида китоб тутиб турарди гапида **hand**, қўлида бола ушлаб турарди гапида **arm** ишлатилади³⁹. Аммо шунини эътибордан қочирмаслик лозимки, аниқлик талаб этилмайдиган кенг контекслар ҳам мавжуд. Бундай гапларда, **light blue** билан **dark blue** ёки **arm** билан **hand** нинг аҳамияти бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда ҳар иккала эквивалент ҳам ишлатилади. **The sky was blue and the wind was blowing as yesterday.** Осмон кўк кечагидек

³⁹ Бархударов Л.С. Указ. соч., С. 84.

шамол эсаётган эди (яъни осмоннинг ранги унчалик аҳамиятли эмас эътибор шамолга қаратилган). He gave me his hand and solved my problem. У менга ёрдам қўлини чўзди ва менинг муаммоимни ҳал қилди. (яъни гапда асосий эътибор қўлга эмас, балки содир этилган эзгу амалга қаратилган.)

3-ҳолат. Муқобилликнинг бутунлай йўқлиги. Бу бир тилнинг луғат составида у ёки бу сўзнинг умуман учрамаслигидир. Бу эквивалентсиз лексика деб ҳам юритилади. Эквивалентсиз лексикага кирувчи сўзларда бутунлай ва қисман мувофиқлик бўлмайди.

1). **Бир тилга тегишли географик атамалар, муассасалар номлари** Қарши, Шахрисабз, “Times”, “Аргументы и факты” газетаси. Бу каби сўз ва атамалар табиийки бошқа луғат составида учрамайди. Аммо бу гуруҳга кирувчи баъзи сўзлар чет тили луғатлари учун бегона бўлмаслиги мумкин. Масалан, Тошкент, Румий, Алишер Навоий, Пушкин, Достоевский каби ўзбек ва рус тилидаги сўзлар инглиз лексикасида ўзларининг муқим эквивалентларини топиб улгурган. Tashkent, Rumi, Navoi, Pushkin, Dostoevski. Уларни луғатларда учратиш мумкин.

2) **Реалиялар** бир тилда мавжуд бўлиб, иккинчи тил учун мутлақо янгилик бўлган предмет номлари. Бундай сўзлар таркибига бир миллатнинг маиший ва руҳий дунёсига дахлдор бўлган сўзлар ва предметлар номлари киради. Таржимашунос олимлар Сергей Влахов ва Сидер Флоринлар “Непереводимое в переводе” китобида реалияларни классификация қиладилар ва уларнинг ўндан ортик турларини кўрсатадилар. Реалияларни предмети бўйича таснифлаб: а) георгафик реалиялар; б) этнографик реалиялар; в) умумсиёсий реалиялар каби гуруҳларга ажратиб, уларни яна кичик қисмларга бўлиб ўрганадилар. Жумладан, ўлчов реалиялари (дюм, фуд, иванский локоть, цельсий, аршин ва ҳ.кз), пул реалиялари (динар, копейка, цент, тенге, пфеннинг ва ҳкз), кийим-кечак реалиялари (тюбейка, валенки, шуба, тобарсы, кухлянка ва ҳкз), сиёсий реалиялар (парламент, депутат, лорд, ва ҳкз).

Масалан, ўзбек миллий ошхонасига хос бўлган: сумалак, халим, ош, хасип, мошкичри ва ҳкз.

Миллий либослар номлари: паранжи, чачвон, махси, зеби-гардон.

Миллий рақслар: тановор, Андижон полкаси, мустаҳзод.

Миллий фольклор намуналари: аския, лапар, чистон, айтишув, алёр.

Бир миллатга тегишли резиденциялар, муассасалар номлари:

Оқ уй (Америка), Оқ сарой (Ўзбекистон), Кремль (Россия).

Баъзида бир тилдаги реалиялар иккинчи тилнинг лугат таркибининг бойишига хизмат қилиши мумкин. Масалан: инглизча *golf, pizza, speaker, photo-camera, presentation* каби сўзлар ўзбек тили лексикасида – гольф, пицца, спикер, фотокамера, презентация тарзида учрайдики, эндиликда уларни реалия деб аташ мушкул. Шунингдек, таржимашуносликда “экзотик реалия” тушунчаси ҳам мавжудки, бу гуруҳга тропик минтақаларда ўсувчи мева ва ўсимликлар номлари киради: *банан, киви, ананас, манго* ва ҳкз.

3) **Тасодифий номувофиклик.** Бу тоифа номукобилликка бир тилдаги маълум бир сўзнинг номаълум сабабга кўра иккинчи тилда эквиваленти учрамаслигига айтилади.

Масалан, **илмпарвар** сўзининг инглиз тилида ягона эквиваленти йўқ. Бу сўз изоҳли таржима(кейинги бўлимда бу ҳақда сўз боради) йўли оркали қуйидагича таржима қилинади – **a person who supports the development of science, a person who is involved in science.** Бундай сўзларнинг эквиваленти икки ва ундан ортиқ тиллар лексикасида ҳам учрамаслиги мумкин. Масалан, рус тилидаги **именинник** сўзининг ўзбек ва инглиз тилида мукобил бир варианты йўқ. Яна бир мисол: инглизча **headless** сўзи маълум бир матн сарлавҳасининг йўқлигини англатади. Ўзбек тилида бу сўзни калькалаш йўли билан **бошсиз** деб берилса, сўз ўзининг аслиятдаги лексик-семантик маъноси йўқолади. Шунинг учун ўзбек тилида бу лексик бирикма **сарлавҳасиз** деб таржима қилинади. Рус тилига ҳам худди шундай **безголовый** эмас, балки **обезглавленный** тарзида таржима қилинади.

Биз юқорида икки тил орасидаги лексик-семантик мувофиклик ва унинг турларини кузатдик. Ҳақдаги муаммо эса эквивалентсиз лексикани таржима қилиш муаммосидир. Қуйида эквивалентсиз лексикани бериш усулларини ўрганамиз. Эквивалентсиз лексикани беришнинг 4 асосий табдил усули мавжуд.

Транслитерация – аслият тилидаги график формат яъни ҳарфлар состави тўғридан-тўғри таржима тилига ўтказиши ва товушлар аслиятдагидек транскрипция қилиши. Транслитерацияда асосан аслият тилига тегишли ташкилот ва муассаса номлари иккинчи

тилда ҳам шу оҳанг ва кўринишда ифода этилади: Жeneral моторс компани, Уолд Дисней студияси, Колумбия Пикчерс кинокомпанияси ёки инглизчага ўзбекчадан Bank Ipak Yuli, Shurtan Gaz company, Gissar neft gas company каби номларни киритиш мумкин. Бу усул орқали атоқли отлар, кўча ва ҳиёбонларнинг номлари таржима тилидаги ҳарфларда ифодаланади: “Керри бир куни эрталаб Герствуддан мактуб олди. Герствуд унда Монро стритдаги Жеферсон паркда учрашишни илтимос қилганди” (Т.Драйзер, Бахтиқаро Керри. Эркин Носиров таржимаси, 154-бет).

Калькалаш – эквивалентсиз лексикани беришда аслиятдаги сўз ва сўз бирикмаларининг таркибий қисмлари, яъни морфемаларни алмаштириш орқали ўзгартириш. Бу усулда тургун сўз бирикмаларини беришда лексик-семантик маънодан келиб чиқиб баъзи сўзлар ҳам алмаштирилади. Масалан, *deck start* – кема сатхидан учиш; *five fold* – беш марта ошиқ баҳода; *flat fish* – ясси балиқ; *back bencher* – охирги қаторда ўтирадиганлар; *gear wheel* – тишли ғилдирак; *just married* – янги турмуш қурганлар.

Ўзбек тилидан инглиз тилига: иморатбон – *buildingworthy*; имон келтирмоқ – *have faith*; қурашчанлик қобилияти – *fighting efficiency*; санъатшунослик – *study of art*; ёшлар маркази – *the center of youth*; маданият саройи – *the house of culture* транслитерация ва транскрипция каби калькалаш ҳам ҳар доим сўзнинг лексик маъносини тўлиқ очиб бермаслиги мумкин. Масалан: **back - bencher** охирги қаторда ўтирадиганлар. Сўзлари ўқувчига унчалик тушинарли эмас. Чунки **back - bencher** парламентда охирги қаторда ўтирадиган унчалик катта мавқеига эга бўлмаган киши маъносида ишлатилади. Бу сўз рус тилидаги **заднескамеечник**⁴⁰ – деб таржима қилинган икки тилдаги таржимада ҳам сўзнинг лексик маъноси очиб берилмаган.

Изоҳли таржима. ТТда учрамайдиган эквивалентсиз лексикага оид сўзларни изоҳлаш йўли орқали таржима қилиш. Бу усул аслият тилидаги сўз хусусиятларини тўлиқ очиб беришда қулай хисобланади. Масалан: *black face* – қора танли киши ролини ўйнайдиган актёр; *spring - board*: 1) сакрашда баландроқ кўтаришга ёрдам берадиган мослама, 2) ҳарбий операцияга тайёргарлик кўриладиган майдон; *upholsterer* – мебель қопловчи уста; *yobbo*: 1) она сути оғзидан кетмаган гўдак (нафрат билан айтиладиган сўз); *zoic* –

⁴⁰ Л.С. Бархударов, – С.99.

тошга айлантирилган нарсаларни сақлайдиган, ҳаракат-сизлантириб қўйилган нарсаларни сақлайдиган киши; titbit – оғиз сувини келтирадиган нарса; hodge – podge – сабзавот ва гўштдан қилинган ragu; hinterland: 1) қирғоқ бўйидаги ерлар ёки чегарадан узоқда жойлашган туманлар, 2) саноат марказидан узоқда жойлашган туман.

Аммо таржиманинг бу усули тежамкор ҳисобланмаганлигидан бадий таржимада, хусусан, шеърин таржимада уни қўллаш бирмунча қийинчилик туғдиради. Шунингдек, шеърдаги сўзларга иқтибосда изоҳ келтирилса, рецептор учун шеърин завқ пасаяди. Бироқ таржимон моҳирлик билан шеър матни ичида ҳам изоҳли таржима усулидан фойдаланиши мумкин:

England (by G.G. Byron)

*England! With all thy faults, I love thee still,
I said in Calais, and have not forgot it.
I like the taxes when they're not too many;
I like a sea-coal fire, when not too dear;
I like a beef-steak, too, as well as any;
Have no objection to a pot of beer;
I like the weather when it is not rainy,
That is, I like two months of a every year.*

*Англия! Севаман бутун боринги,
Каласда айтганим айни ҳақиқат
Божларинг ҳам бош устига лек
Ёқимлидир оз бўлса ҳарчанд.
Эътирозим йўқдир бағрингда битган,
Бир коса хуштаам гулоб тотига.
Жонимни берардим оловда пишган
Буқанинг энг юмшоқ парча этига.
Юракни қиздирар бўлмаса қиммат,
Мовий денгизингдан олинган оташ.
Қопламаса агар тим қора чиммат,
Қуёшли осмонинг нақадар саркаш.
Шу сабаб ватаним, йилда икки бор,
Мен севган гўзаллик бўлади такрор (Г.Одилова тарж.)*

Beef -steak сўзи ўзбек тилида–оловда пишган буқанинг энг юмшоқ парча эти трзида матн ичида изоҳда берилмоқда. **sea-coal fire** сўзи эса **Мовий денгизингдан олинган оташ** тарзида изоҳланмоқда.

Насрий асарлар таржимасида эса таржимонлар эквивалентсиз лексикага кирувчи сўзларни матнда транслитерация қилиб, сноскада изох бериб ўтадилар. Масалан: “Так оно и будет, – рассмеялась женщина. Но погоди Офтоб, если дочь твоя переменится, как я сейчас предсказываю, что же ты меня за это дашь а? “Полная сарпа* с меня”. *Сарпа – одежда и обувь, подаренные на свадьбах, торжественных приёмах. Здесь эта фраза означает «одорить одеждой с ног до головы» (А.Кадыри, Минувшие дни. Пер. М.Сафарова. С.58.)

Яқинлаштирилган таржима. Агар бир лексик бирикманинг таржима тилида муқобил варианты бўлмаса, таржима тилидаги шу предметга яқинроқ бир сўз топиб алмаширилади. Бу каби ўриндош сўзлар аналоглар деб аталади. Аналог сўзлар сиёсий терминларда кўп қўлланган. Масалан, бугунги кунда инглизча-ўзбекча луғатларда: *open-garde* – янги, замонавий; *bibloimaniac* – китобсевар; *butique* – дўкон.

Ўзбекча-инглизча луғатларда: туман матлубот жамияти – *regional consumer society*; маҳаллий ҳукумат қарори – *by law*; шаҳар ҳокимияти – *municipal council* каби аналоглар учрамоқда.

Аналогларнинг қўлланиши инглиз тилидан ўзбек тили таржималарда кўплаб учрайди. Шуни этиборда тутиш лозимки, бу каби сўзлар бор йўғи лексик маънога яқинлашуви ҳолос. Масалан, инглизча **drugstore** сўзининг ўзбек тилидаги аналоги дорихона сўзи инглиз тилидаги **drugstore**нинг маъносини тўлиқ очиб бермайди. Сабаби, ўзбек дорихоналарида фақатгина дорилар ва баъзида косметик воситалар сотилади. Америка **drugstore**ларида эса доридан ташқари баъзи керакли буюмлар – газета, журнал, кофе, музқаймоқ кабиларни харид қилиш мумкин. Шунингдек, бу ерда тамадди қилиш имконияти ҳам мавжуд. Шу сабабдан Америка фильмларидан бирининг қарҳрамони нутқидаги “**Food is awful in drugstores**” жумласи рус тилига “**в аптеках ужасно кормят**”⁴¹ деб таржима қилинганида томошабинга тушинарсиз бўлган. Бу ҳолатда бошқа бир аналог – тамаддихона нисбатан мувофиқ келган бўларди.

Трансформацион таржима. Эквивалентсиз лексикани беришда баъзи ҳолатларда сўзнинг синтактик структурасини ўзгартиришга (табдил қилиш), сўз маъносини бутунлай алмаштиришга ёки лексик ва синтактик алмаштирув йўллари бир варакайига қўл-

⁴¹ Бархударов Л.С. Указ. соч. С.101.

лашга тўғри келадими, бу таржимада – **трансформация** деб аталади. Баъзида таржима трансформациясини амалга ошириш учун кенг контекstdан хабардорлик ва вазият қандай давом этиши ҳақида маълумотга эга бўлиш талаб этилади. Масалан, қуйидаги ҳолатда воқеалар ривожидан бохабарлик гапни бутунлай алмаштириш имкониятини беради: **He died of exposure** – гапидаги **exposure** сўзининг ўзбек тилида ҳам рус тилида ҳам аниқ бир муқобили йўқ. Бу сўз инглизча ўзбекча луғатда – **дучор бўлмоқ; мубтало бўлиш, йўлиқиш, учраш** деб берилган бўлса, инглизча русча луғатларда – **выставление (на солнце, под дождь) 2) подвергание (рису, опасности) оставлять ребенка на произвол судьбы** каби таржималари мавжуд. Аммо йўқоридаги гапни луғат асосида ўзбекчага – **у дучор бўлишдан ўлди ёки рус тилига он умер от подвергание** деб таржима қилиб бўлмайди. Агар контекstdаги вазият ва воқеалар давоми маълум бўлса, бу гапни у шамоллашдан ўлди; у қорда музлаб қолиб ўлди ёки у қуёш уришидан ўлди деб таржима қилиш мумкин ва бу таржима тингловчига тушунарли бўлади.

Демак, маълум бир лексик бирикмаларнинг таржима тилида эквиваленти йўқлиги бу сўзларни таржима қилмасликка асос яратмайди. Таржимон учун эквивалентсиз лексикани беришнинг бир қатор йўллари мавжудки, биз уларни юқорида таҳлил қилдик. Санаб ўтилган усулларнинг дастлабки учта (транслитерация, калькаш ва изоҳли таржима) усули орқали **окказионал** деб аталувчи эквивалент сўзлар яратилади. ТТнинг луғат составига киритилмаган, лекин ўша тил лексикасида қўлланувчи сўзлар ва сўз бирикмалари, яъни **окказионал эквивалентлар** кўп ҳолатларда узул эквивалентга - доимий қўлланувчи муқим эквивалентга айланади. Бу дегани ўша сўз таржима тилининг луғат составига кириб келади ва **потенциал лексик бирикмага** айланади. Бундай ҳолатларда аслият лексикаси ТТда эквивалентсиз лексика бўлишдан тўхтади. Аммо бир сўзнинг **узул лексикага** айланган ёки йўқлигини доим ҳам аниқлаш имкони йўқ.

4. ПРАГМАТИК МАЪНОЛАРНИ БЕРИШ

Прагматика – бу одамларнинг (тил коллективлари) тил бирликларига бўлган субъектив муносабатидир. У биз тилнинг парагма-

тик хусусияти деб атайдиган тушунчани келтириб чиқаради. Таъкидлаш жоизки, тилшуносликдаги прагматика тушунчаси факатгина тил бирикмаларнинг прагматикаси тушунчасини ўз ичига олмайди. Бу тушунча кенгроқ мазмун касб этади ва у ёки бу тилнинг коммуникатив жараён иштирокчилари, уларнинг нутқ бирикмалари ва воқеа сюжети хилма хиллиги ҳамда иштирокчиларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади. Бир сўз икки хил гуруҳ вакиллари томонидан турлича қабул қилиниши мумкин. Мисол учун: “Хаққа етишиш” бирикмаси илоҳиёт мактабининг ҳадисини олган кишиларда бошқача тасаввур уйғотса, оддий кишиларда ёки ғайри динларда умуман бошқача тасаввур уйғотади (биз бу ҳақида юқоридаги бобда тўхталганмиз). Тилнинг прагматик муаммоларини ўрганиш тилнинг референционал маъноларини ўрганишга нисбатан суест ишланган.

Л.С.Бархударов таржиманинг прагматик маъноларини ўрганишда ҳар бир сўзнинг лексик-семантик маъносини куйидаги типларга бўлиб ўрганишни тавсия этади: 1) сўзнинг стилистик хариактеристикаси; 2) сўзнинг регистри; 3) сўзнинг эмоционал бўёғи.

1. Сўзнинг стилистик хариактеристикаси. Ҳамма жанрларда қўлланувчи (яъни стилистик нейтрал) сўзлар билан бир қаторда қўлланиш доираси чекланган сўзлар ва сўз бирикмалари мавжудки, уларни маълум жанрлар ва тиллар учунгина қўллаш мумкин. Бундай чеклашлар сўзларнинг стилистик хариактеристикасини белгилаб беради. Шу мақсадда ҳам таржимашуносликда биз “стилистик тавсифнома” терминини кенг қўллаймиз.

Нутқни ифода этишининг икки асосий типи ҳисобланган оғзаки сўзлашув ва китобий ёзма турлари бор. Китобий ёзма нутқнинг кўйидаги асосий жанрлари мавжуд: 1) бадий адабиёт; 2) расмий – илмий жанр; 3) публистик жанр ва ҳкз. Бу жанрларнинг ҳар бири кичик гуруҳларга бўлинади. Масалан: бадий адабиёт – бадий проза; драматургия ва шеърят; расмий-илмий жанр эса расмий мантлар, публицистиканинг ўзи – умумсиёсий адабиётлар, газета ва ойномалар публицистикаси нотик нутқи каби турларга бўлинади. Юқоридегилардан келиб чикиб, инглиз ва ўзбек тилларида кўйидаги стилистик хариактердаги сўзларни учратишимиз мумкин: **1) нейтрал** – ҳамма тилда луғат составининг ядросини ташкил қилувчи ва ҳамма жанрларда қўллаш мумкин бўлган сўзлар; **2) оғзаки сўзлашув** – оғзаки нутқда қўлланувчи, норасмий вазият-

ларда ишлатиладиган сўзлар. Қоидага асосан бу турдаги сўзлар ёзма нутқда қўлланмайди. Аммо бадий асарларда персонаж характерида келиб чиқиб, персонаж нутқи сифатида қўлланиши мумкин; **3) китобий** – китобий нутқнинг ҳамма турида қўлланувчи ва оғзаки сўзлашувда доимий ишлатилмайдиган, юзага келадиган маълум бир вазиятлардагина қўлланувчи сўзлар; **4) поэтик** – фақатгина шеърятда ишлатиладиган сўзлар; **5) терминологик** – бу турга юриспуденция, иктисодиёт, бухгалтерия, ҳарбий соҳа ва сиёсий терминологияга оид сўзлар киради.

2. Сўзнинг регистри. Сўзлар регистри деганда, маълум шароит ва вазиятдан келиб чиқиб у ёки бу сўз бирикмаларини инсонлар томонидан гуруҳга ажратиб, қўллашга айтилади. Нутқимизда шундай сўзлар мавжудки биз уларни фақатгина яқин танишлар орасида, оила даврасида қўллаймиз. Бошқа бир гуруҳ сўзлар эса расмий доирада қўлланади. Ана шу сўзларни кичик гуруҳларга ажратиш ва таржима жараёнида сўз гуруҳларини тўғри танлай билиш прагматик маънонинг тушунарли ва аниқ узатилишига кўмак беради. Қуйида дўст сўзини таҳлил қиламиз:

1. Фамиляр сўзлар: *guu* – ошна, оғайни.
2. Эркин сўзлар: *friend* – дўст.
3. Нейтрал сўзлар: *friend* – дўст.
4. Расмий сўзлар: *mister* – жаноб, ўрток.
5. Кўтарин эмоциядаги сўзлар: *thou art* – ёр-у биродар.

Шу тартибда сўзлар регистри, яъни қайд этилган гуруҳларга ажратилиб қўлланилади ва таржима жараёнида қаҳрамон нутқидаги сўзларнинг қайси регистрга мансуб эканлигини фарқлаш асар қаҳрамон образини ёрқин ифода этилишига хизмат қилади.

3. Сўзларнинг эмоционал бўёғи. Ҳар бир тилда гапирувчи шахснинг ижобий ёки салбий муносабатидан келиб чиқиб эмоционал бўёқдаги сўзлар учрайди. Луғатларда кўплаб топиладиган ҳеч қандай эмоционал бўёқдорликка эга бўлмага сўзлар нейтрал эмоционал сўзлар деб аталади. Шунга асосан лексик бирикмаларни уч турга ажратиш мумкин: 1) салбий эмоционал, 2) нейтрал эмоционал, 3) ижобий эмоционал сўзлар. Сўзларнинг эмоционал бўёғи икки хил усулда кўпмаъноли сўзларнинг контекстга мос маъносини танлаш (1) ва сўзларга эмоционал бўёқ берувчи қўшимчалар

қўшиш (2) ёрдамида ясалади. Ўзбек тилда салбий эмоция ясовчи – бачча, - ақи, - и (ит**бачча**, шалла**қи**, пандав**ақи**, лаънати, ҳароми) каби суффикслар мавжуд.

Шунингдек – жон, хон, бек, ойи (укажон, акахон, Асилбек, хонимойи) каби ижобий эмоция берувчи суффикслар кўплаб учрайди. Таржимон, биринчи навбатда, сўзларни стилистик гуруҳларга ажратиб, таржимада ҳар бир сўзнинг эмоционал бўёғи, яъни синонимлари ва эмоционал маъно ҳосил қилувчи суффиксларга диққат қаратиши лозим. Тилда эмоционал бўёққа эга синонимлар борки, уларни қаҳрамон нутқида қўллаш шу персонажнинг бошқа образга ёки воқеага нисбатан муносабатини билдиради. Масалан: *Юзингизни бир неча кундан бери кўрмадик* (нейтрал эмоционал). *Турқингизни бир неча кундан бери кўрмадик* (салбий эмоционал). *Башарангизни бир неча кундан бери кўрмадик* (салбий эмоционал). *Чехрангизни бир неча кундан бери кўрмадик* (ижобий эмоционал).

Жосус ва **разведкачи** сўзларини оладиган бўлсак, икки сўзда ҳам бир хил функцияни бажарувчи киши назарда тутилсада, бу сўзлар икки хил эмоционал бўёққа эга. И.В.Арнольд “Замонавий инглиз тили лексикологияси” китобида қуйидаги мисолни келтиради: Oh, you're not a spy. Germans are spies. British are agents.

Сўзма-сўз таржимаси: *Оҳ, сен жосус эмассан. Олмонлар жосуслар. Британияликлар агентлардир.*

Таржима тили ва аслият тили ўртасида прагматик муаммолар бир талай бўлган пайтда орага учинчи воситачи тилнинг қўшилиши бу муаммони янада чигаллашишига олиб келиши мумкин. Баъзи ҳолатларда таржимада воситачи тилнинг иштироки шу қадар ғализ ҳатоларни келтириб чиқарадики, биргина сўз асардаги бутун бошли образ ҳақида мутлақо нотўғри тасаввурнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Тоҳир Умрзоқов “Жаҳон адабиёти” журналида босилган “Аслиймонанд таржимонлар” мақоласида Ж.Жойснинг “Улисс” романининг русчага В.А.Хинкс ва С.С.Хоружий ҳамда русчадан ўзбек тилига Иброҳим Ғафуров таржималарини киёслайди. Ва шундай дейди: “Изланишларимиз шуни кўрсатадики, рус таржимонлари В.А.Хинкс ва С.С.Хоружийнинг аслият мутахасиси эмасликлари туфайли “Улисс” асарининг русча ва ўзбекча таржималарининг аслиймонандлиги ҳақида гапириш ўринли бўлмайди. Рус таржимонлари икки тил лисоний воситаларининг луғавий мувофиқликларига

эришиш учун талаб қилинадиган компонент таҳлил методидан фойдалана олмаганликлари сабабли русча таржимани ўқиган китобхон кўз олдида “Улисс” асаридаги персонажлар ва улар тим-солида бугун ирланд халқи маънавиятсиз, яъни ичкиликка хуруж қўйган ҳамда зинога берилган миллатга айланиб қолган. Бу ўзбекча таржимада ҳам маълум даражада акс этган”. Олимнинг таҳлиliga кўра аслиятдаги **“fearfull”** сўзининг турли маънолари мавжуд бўлиб, аслиятдаги контекста **“very great”** маъносида ишлатилган. Асар персонажи Маллиган билан унинг авваллари черковда реакцион католик роҳиб ташкилотининг иезуит аъзоси бўлган, аммо романдаги бу воқеа тасвирланаётган пайтда черков билан алоқасини узган энг яқин дўсти Стивен ўртасидаги оддий бир мулоқот тасвирланган. Ушбу вазиятда Маллиган Стивенга ҳазил қилиб, уни **“буюк иезуит”** деб чақиради, аммо рус таржимонлари **“fearfull jesuit”** жумласининг аслиятдаги **“very great jesuit”** (великий иезуит) маъносига бутунлай қарама-қарши бўлган **“несчастный иезуит”** жумласини ишлатганликлари ҳамда **“called up”** сўзи **“крикнул”** эмас, балки **“позвал”** маъносида эканлиги, бундан ташқари **“coarsely”** (“внезапно”) сўзининг луғатда **“грубо”** маъноси йўқлигини эътиборга олмаган. Натижада русча ва ўзбекча таржимада аслиятда ифодаланган персонаж нутқи, маънавий қиёфасига маълум даражада путур етган: He held the bowl aloft and intoned: Introibo ad alted Dei. Halted, he peered down the dark winding stairs and called up coarsly: – Come up, Kinch. Come up, you **fearfull Jesuit** // – И подойду к жертвеннику Божию. Остановясь вниз, в сумрак винтовой лестницы и грубо крикнул: – Выходи, Кинч! Выходи, **иезуит несчастный!** // У қўлидаги идишини баланд кўтариб хитоб қилди: – Раббим меҳробига киргайман. У тўхтаб пастга қоронғу бурама зиналарга назар ташлади-да, хириллаган товуш билан қичқирди: – Буёққа чик, Кинч. Кел буёққа, **разил шайтон**.

Ж.Жойс ўз қаҳрамони Маллиганнинг дўстини эъзозлаб **“буюк иезуит”** деб чақиритиш саҳнасини ёзаётганда, бир кун келиб Маллиган ўз дўстига **“разил шайтон”** **“terrible dimon”** деб мурожаат қилиши мумкинлигини тасаввурига ҳам келтирмаган бўлса керак. Демак кўриниб турибдики, воситачи тилдаги таржиманинг аслиймонанд эканлигига унга ёпиштирилган “аслиятдан қилинган” ёрлиғи кафил бўла олмас экан. Ҳозирги мисолда бир персонажнинг маънавий дунёсига дахл қилинган бўлса, куйидаги шеъринг парча

таржимаси таҳлили орқали бутун миллатнинг маънавий киёфаси булганганлигини Тоҳир Умрзоқов аниқ исботлаб беради: “Инглизча “**harlot**” сўзи рус тилига “**проститутка**” (фоҳиша) деб таржима қилинади, ammo унинг “**соткин**” деган кўчма маъноси ҳам борки, бу кўплаб луғатларда кўрсатиб қўйилган. Масалан, рус тилида “политическая проституция” (сиёсий соткинлик) бирикмаси мавжуд. “**Harlot**” сўзи ишлатилган регетатив (ашула оҳангида айтиладиган сўзлар) берилган жойдан олдин бу сўзни контекста “соткин” маъносида эканлигини кўрсатувчи вазият келганлигига эътибор бермаганликлари оқибатида таржимонлар инглиз халқини фоҳишага чиқариб қўйишган.

– The harlot’s cry from street to street
Shall weave old England’s winding sheet.

И крики шлюх глухой парой

Британия, ткут саван твой.

Қизларнинг саси келур

Баданларин сотурлар,

Кўҳна Англия кафан,

Тинмай кафан тикурлар.

Ж.Жойс аслида назарда тутган фикрни Т.Умрзоқов куйидагича таржима қилади:

Сотқиннинг бетўхтов аюҳанноси

Кўҳна Англияга чақирар кафан

Ҳар бир миллатнинг фикрлаш доираси, маънавий дунёси бир-биридан фарқ қилади. Бу кўпинча миллатнинг диний эътиқоди ва фалсафий мушоҳадаларининг турлича эканлиги билан изоҳланиши мумкин. Ammo баъзида бир-бирига бегона қитъа ва бир-бирига қардош бўлмаган тиллар орасида умуминсоний тушунчаларни англа-тувчи сўзлар ва ҳолатлар борки, улар бир хил лексик конструкцияга эга бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Хумбольд университети ўқитувчиси доктор Дорис Шульц бир масалага эътиборни қаратади: немис ва ўзбек тилларидаги “мехмондўстлик” (гастфрендштафт) сўзи бир хил маънодаги икки гаст (мехмон), френдштафт (дўстлик) сўзларидан таркиб топган. Демак, тили ва дини бўлакча халқлар орасида ҳам умуминсоний муштарак ғояларни англа-тувчи сўзлар семантикаси мавжуд. Таржимондан ана шундай синчковлик билан ўз тили ва таржима лексикасини киёсий ўрганиш, ҳар битта сўзнинг энг муқобил вариантини танлаши талаб қилинади. Баъзи

холатларда нутқдан чиқаётган биргина жумлада икки уч хил эмоционал бўёқ учраши мумкин:

Please, come in (расмий)

Come in (нейтрал)

Come in, will you (фамилияр)

Get the hell in here (фамилияр, салбий эмоционал)

Демак, оғзаки сўзлашув нутқидаги сўзлар фамилияр ва эркин сўзлашув гуруҳига, китобий лексикадаги сўзлар расмий сўзлар гуруҳига, шеъриятда қўлланувчи сўзлар кўтарин руҳиятдаги сўзларга мос келиши мумкин. Прагматик маънони беришда қиёсий оборотлар метафоралар муҳим роль ўйнайди. *Тулқидек айёр, эшакдек аҳмоқ, қуёндек қўрқоқ* каби метафоралар бадий асарда келганда уларни таржима қилишдан аввал таржима тилида ҳам шунга ўхшаш тасвирий ифода бор ёки йўқлигини аниқлаш, йўқ бўлса контекст мазмунидан келиб чиқиб бу метафорани таржима тилидаги шу маънони аниқлаш билан алмаштириш яхши натижа беради.

5. ИНСОН ҚИЁФАСИ ВА ФЕЪЛ-АТВОРИНИ ТАРЖИМАДА БЕРИШ

Ҳар бир адиб ва шоирнинг ўзига хос профессионал услуби мавжуд. Кимдир биргина деталь, кимдир қаҳрамонининг забонидан чиқаётган сўз орқали персонажнинг феъл-атвори, тарбияси ва миллатига хос хусусиятларини очиб беради. Осиё ва африка миллатлари тилларидан таржима қилиш бир мунча қийинчилик туғдиради чунки қаҳрамоннинг авзойини билдирувчи юз ифодалари ва рақмонанд харакатларни таржимада бериш анча мушкул. Н.Тихоновнинг “Вамбери” қиссаси қаҳрамони Афғон амирининг ўғли Ёқубхон саройига дарвеш қиёфасида намоён бўлади. Зийрак нигоҳли амирзода жулдур қийинган Вамберининг янграётган мусикага оёқ қимирлатиб ўтирганини кўриб, “Бу одам европалик Осиёда ҳеч ким мусика тинглаганда оёгини ўйнатмайди”, дейди. Биргина оддий деталь инсоннинг миллатини ошкор қилиб турган бўлса, бу детални аниқлаш инсоннинг зийраклигидан далолат бермоқда. Ўзбек тилида инсон қиёфасига оид шундай бадий тасвир воситалари (қовунқалла, бўтакўз, хумбош каби) мавжудки,

таржимон бу каби ибораларни ўз тилига жуда эҳтиёткорлик билан ўгириши лозим. Сабаби ҳар бир халқнинг келиб чиқиши, урф-одатлари ва минтақавий территориал хусусиятларига кўра бадий тасвири қабул қилиши турлича. Масалан, иқлим шароитига кўра қор билан тез-тез тўқнашмайдиган Арабистон, Африка, Миср араб республикаси тилларига таржима қилганда “қордек оппок сочлар” иборасини бошқа бир муқобил вариант. Масалан, “сутдек оппок сочлар” деб ўзгартириш яхши натижа беради. Рус миллатига мансуб кишилар ўз аёлларини “моя киска”, “моя зая” деб эркалашлари мумкин. Лекин ўзбеклар ҳеч қачон хотинларига “қуёнчам”, “мушукчам” деб мурожаат қилмайдилар. Бу каби калималарнинг рус тилидаги асарда қўлланиши, бир эркакнинг ёрига бўлган муҳаббати тасвири ҳисобланса, мазкур иборани ўзбек тилига шундайлигича таржима қилиш эркак образига аёлмижўзлик фазилатини осонгина юклаб қўйиши мумкин. Шу каби ҳолатларда “азизам”, “дилбарим” сингари адабиётимизда учрайдиган сўзларни қўллаган маъқул. Бегойим Холбекова ўз мақоласида Роберт Бёрнснинг “John Anderson” шеърининг рус ва қозок тилларидаги таржималарини таҳлил қилади:

“ John Anderson my jo, John,
 When we were first acquaint,
 Your locks were like the raven,
 Your bonie brow was brent.

Мазмуни: “Қадрдоним, менинг дўстгинам Жон Андерсон, биринчи бор сен билан кўришганимизда, сочларининг зоғ(қарға) рангига ўхшар (яъни қоп-қора эди, ёш эдинг), барқ уриб дўнг пешонангни безаб турарди...” Инглиз тилида агар соч қарғага ўхшатиlsa, инглиз ўқувчиси фақат қарға (зоғ)нинг ўзини эмас, балки унинг рангини тушунади.” Тадқиқодчи *Your locks were like the raven, Your bonie brow was brent* мисрасининг рус таржимони С.Маршак томонидан: *Густой крутой твой локон, Был черен, точно смоль* тарзида таржима қилиниб, инглиз тилида “қарға”га қиёсланган соч “мум” (сақич)га айланганлигини, қозок таржимони Кубондик Шанғитбоев томонидан эса: *Самай шашқн тогилген, Қара еді зой комірден* каби қозокчалаштирилиши натижасида Жон Андерсоннинг русчадаги “мум” (сақич) сочлари қозокчада “қўмирдан ҳам қора” га айланганини айтади. Шотланд ўқувчиси учун, – дейди Б.Холбекова, – сочнинг қоралигини зоғ (қарға)га қиёслаш

табий ҳол, чунки шоир туғилган юрт шимолий ўлка бўлиб, йилнинг деярли ҳамма фаслида зоғларни учратадилар, уларни беозор жонивор сифатида яхши кўрадилар⁴². Тадқиқодчининг фикрлари ўринли бинобарин ҳар бир халқ географик шароитидан келиб чиқиб кўзи билан кўрган, яхши ёмонлигини ҳис қилган жонли ва жонсиз предметлар иштирокида бадий тасвир воситаларини ишлатади. Шу сабабдан бўлса керак Р.Бёрнс шеърятидан Шотландия тоғларининг нафаси уфуриб туради. Русларда ҳам ўзбеклардаги каби зоғ (қарға) совуқ қор, ёмон хабар елчиси. Шу ваздан рус таржимони рус тили учун салбий бўёқ берувчи “черная ворона” сўзини қадимдан бебаҳо қурилиш хомашёси саналган ва рус адабиётида қора рангни ифодалаш учун кўп бора қўлланган “смола” мум (сақич) билан алманштиради. Қозоқ таржимони ҳам ўз аудиторияси учун қадри ва таниш предмет рангини тасвирий ифода сифатида қўллайди. Кўриниб турибдики, ҳар иккала таржимон ҳам шоир мақсадини ўқувчига беэён аслият рангида етказишга ҳаркат қилишган ва буни удалашган. Тадқиқодчининг фикрича, мазкур шеърни ўзбек тилига ўгиришда “смола (сақич)” ҳам “кўмир” ҳам мос тасвирий ифода бўла олмайди ва бу жумлани ўзбек тилига “тундай қаро сочларнинг” деб ўгириш маъқул. Зеро, туннинг қоралигида майин жозиба бор. Ҳар бир миллатнинг феъл-атворини намоён етувчи юзлаб хатти-ҳаракатлар мавжудки, уларни тушуниш кейин эса тушунтириш таржимоннинг яна бир машаққатли юмуши ҳисобланади. Ҳиндлар ҳар битта гапда қўл ҳаракати ва юз мимикаларини қўлласалар, японлар баъзи сўзларни кўз ва бош ишораси орқали ифодалашлари мумкин. Токиёлик эрақлар эса соатлаб қадлари эгилган ҳолатда саломлашиб, бир-бирларига чексиз ҳурмат изҳор қиладилар. Йўл ўртасида кўришиб қолишган бўлса-да, биринчи бўлиб гавдасини кўтариш ҳурматсизлик саналгани учун улар бу алфозда анча туриб қолишлари мумкин. Фаранг ва олмонларнинг биргина ўнг қўлини эшик тарафга йўналтириб, қибора билан қош қоқишда “ичкарига қиринг” ишорасини тушуниш мумкин. Ўзбекларда одатий ҳисобланган дўстона қучоқлашиб кўришиш америкаликларнинг энасини қотириши мумкин. Демак, ҳар бир халқ урф-одати маънавияти ва яшаш тарзидан келиб чиқиб, уларнинг одоб меъёрлари ва тарбиясини намоён етувчи хатти-ҳаракатлар турлича. Бадий асарда қаҳрамон образини ифодалаш

⁴² Холбекова Б. Шеърӣ таржима мезони // Жаҳон адабиёти. 2009. № 11. Б.157-160.

мақсадида қўлланган бу каби сўз ва иборалар таржимон назаридан четда қолмаслиги лозим. Уларнинг ҳар бири персонажнинг ички дунёсини англашда у ҳақда ёрқин тасаввур ҳосил бўлишида муҳим аҳамият касб этувчи деталь ҳисобланади. Баъзида адиблар қаҳрамоннинг феълидаги баъзи нуқсонларни ифодалаш мақсадида чапани ибораларни қўллайдилар:

– Нимани опти? – деди чолим ховлиқиб калишини кияркан.

– Оса гўрғайди-я! Битимни оладима? – Парча йиртиқ рўмонининг учига пўнғиллатиб бурнини қоқди. – Тапаб кетибди (Ў.Ҳошимов, Икки эшик ораси. Б.179).

Қовлисида пайдо бўлиб қолган эчкини кўриб бирдан кўчага югурган Парчанинг ҳис-ҳаяжони натижасидаги узук-юлук гаплари ва қилаётган ноадекват қилиқлари унинг доим шунақа шошма-шошарлиги подадан олдин чанг чиқариш синғари феъл-атворини очиб берапти. Аммо мазкур тасвирий ифодани баъзи Европа тилларига тўғридан-тўғри таржима қилиш персонажнинг бизнинг менталитетимиз ҳазм қилишимиз мумкин бўлган “хурмача қилиқлари”дан кўпроқ салбий маъно касб этиб қолиши мумкин. Чунки ўзбек китобхони Парчанинг бу қилиғидан ўқимаган, умри далада ўтган кишлок аёлини тасаввур қилади ва лабига енгилгина табас-сум югуради. Аммо ўзбек аёллари ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлмаган хориж китобхонида енгил юмористик бўёқ учун киритилган ушбу деталь “бутун ўзбек аёлларига хос бўлса керак” деган юзаки тасаввур ҳосил қилиши мумкин.

Ҳар битта миллат тили ва динидан келиб чиқиб, ўз миллийлигига мос жонли ва жонсиз предметлар номларига эгаки уларни бошқа тилга таржима қилиб бўлмайди. Масалан, биргина она сўзини олайлик:

Она

Ўзбек – ойи, ойижон, эна, опа, волида.

Рус – мама, мамочка, мать, матушка.

Инглиз – mother, mummy.

Немис тилида – mutter, mutty, mama.

Турк тилида – anne, annejim.

Қарангки, бир сўзни ҳар хил ҳолатда ҳар хил шаклини қўллаш мумкин. Ўзбек тилидаги она сўзи сизни оқ ювиб оқ тараб кечалари бешик тебратиб катта қилган инсон буни инглизчага – mother, немисчага – mutter, русчага – мама, турк тилига – anne тарзида ўгириш

мумкин. Аммо **волида** сўзини mother, mutter, мама, аппе деб таржима қилинса, бу сўздаги юқори пафос, чексиз хурмат ва олий мартабадаги инсонга бўлган иззат руҳияти пасаяди. Тарихий фильмларда сарой эшик оғаси хон ёки шоҳларга оналари келганлини маълум қилиш учун баланд оҳангда “Подшоҳи олам! Волидангиз ташриф буюрдилар!” дейди. Агар эшик оғаси шоҳга “Шоҳим онагиз келдилар!” деса асл маънога путур етмайди аммо киши тасаввурда эшик оғасининг маликага нисбатан, шоҳнинг эса ўз онасига нисбатан хурматининг даражаси пасаяди. Афсуски, ана шундай ёзилмаган ахлоқ ва одоб мезонларини турли тиллар таржималарида миллиграммигача кўрсатиб беришнинг иложи йўқ.

Миллийлигимиздан келиб чиқувчи **уй ва хонадон**, яхши одам ва яхши **инсон**, **рўзгор** ва **оила** каби кўплаб бир-бирига яқин сўз ва иборалар мавжудки, гўё ҳар иккаласини қўллаш кўпол камчилик ҳисобланмайдигандек кўринади. Бу юзаки тасаввур. Дейлик, кишилар бировга озори ҳам навфи ҳам тегмаган киши ҳақида сўзлаганларида “Яхши одам эди, имонли одам эди” дейишади. “Тўғри, – деди ўйланиб. Аммо абзи имонли одам эди. Қаерга борсам, жони соғ бўлсин...” (Ў.Ҳошимов, Икки эшик ораси. Б.180). Бу оқсоқолнинг бир умр бировга зиёни тегмаган одамларнинг “шум қадам” деб чақиришларидан безиб ўз юртига қочиб кетган татар почталёнига берган таърифи. Шу ўринда ёзувчи “иймонли инсон эди” деб ёзганда нима ўзгарарди? Гўёки ҳеч нарса! Аммо абзининг феълига оид оддийлик беозорлик, кўпни кўрган қишлоқ оқсоқоли каломида “инсон” деб эмас, “одам” деб аташга сабаб бўлган. Инсон ҳам одам ҳам бир тушунчани англатса-да, уруш йиллари тасвирланган мазкур асарда Оқсоқол гўёки ҳамма шум хабарларнинг ҳамма ўлимларнинг сабабчиси сифатида қишлоқ аёлларининг мотам кўшиқларида Гитлердан ҳам юқори ўринда қарғалувчи (“Уйинг куйгур Рашид абзи! Боланг ўлгур Рашид абзи!” Ўша асар, 163-бет) шўрлик почталёни кишига яхши фазлатлари, қилган яхшиликлари, одамларга қувонч улашгани каби кўплаб ижобий хислатлари учун бериладиган ҳазрати “инсон” мақомида атай олмасди. Гарчи оқсоқол Рашид абзини бу хунрезликларга сира алоқадор эмас деб ҳисобласа-да, гарчи қишлоқдан кета туриб эчкисини Парчага қолдириб кетганини кўриб унга тан берган бўлсада вазият уни “имонли одам” дейишга мажбур қилди. Таржимада эса баъзан ана шу маъно нозикликлари эътибордан четда қолиб кетади. Майда

камчиликлар йиғилиб, катта нуқсонларни келтириб чиқариши эҳтимоли ҳамиша мавжуд.

6. МИЛЛИЙ КОЛОРИТДАГИ СЎЗЛАРНИ БЕРИШ

Ҳар бир миллатда фақат шу элатнинг урф-одатлари билан боғлиқ миллий колоритдаги кийим-кечаклар, уй-рўзғор ашёлари, мавжудки, бу каби предметлар номлари (реалиялар)ни бошқа тилда анологлар билан алмаштириб бўлмайди. Масалан, хиндларнинг сари ва синдуси, япон аёлларининг хонбоки, ўзбекларнинг паранжи ва махсисини анологик таржима қилиш мумкин эмас. Бу каби сўзлар транслитерация қилиниб, матн остида изоҳ беришни талаб этади. Зеро, “салла” сўзига инглизчада “a pair” ёки инглизча “a shoes” сўзига ўзбекча “қалиш”ни анолог сифатида танлаш бироз ўнғайсиз. Чет тилидан таржима қилиш жараёнида бирор сўзнинг анологи ёки синоми сифатида ТТдаги нейтрал сўзларни танлаган маъқул. Миллий колоритдаги сўз таржимани ўқиган китобхонда шубҳа уйғотади яъни фақатгина ТТга тегишли реалияни таржима матндан ўқиб ҳазм қилиш қийин. Таржимашунос Қодиржон Носиров рус шоираси Анна Ахматованинг Мирпўлат Мирзо томонидан қилинган таржимасини қуйидагича таҳлил қилади:

Умеет так сладко рыдать
В молитве тоскующей скрипки...
Най сасидан бўлиб гоҳ зада,
Хўнграб қолар чиройли, шоён.

“Шеърда “скрипка” бу образ. Хўш бу образни таржимон қандай кўчириши керак эди? Айни пайтда “скрипка”оддий сўз сифатида интернационал лексикага мансуб ва бундай сўзлар, одатда таржима қилинмаслигини таъкидлаб ўтиш жоиз... Нима учун “най”? Нега, ҳеч бўлмаса “ғижжак” эмас? Менимча, бунинг изоҳи шундай: ўзбек халқ мусиқаси анъаналари, профессионал чолғучилик маданиятида ҳам севги наволарини ифодалашга най доима етакчи ўринда келади. Ўзбек китобхонлари учун таржима қилаётган М.Мирзо шуни эътиборга олган. Таржима матнига “скрипка” ёки “ғижжак”ни қўйиб ўқишга уриниб кўрсак ҳам, барибир “най” табиийроқ чиқишига ишонч ҳосил қиламиз. Бинобарин, русчадан ўзбекчага ўтирилган матнда “най” ётсирмайди.

Шундан келиб чиқиб, “най” ўзига хос универсал, нейтрал, ҳаммабон тушунча, десак хато бўлмас”⁴³.

Юқоридаги таржимада таржимоннинг сўз танлаш қобилияти намоён бўлса қуйидагисида эса, ТТдаги миллий колоритдаги сўзни қўллаш оқибатида юзага келган ҳолатни кузатамиз. Уилям Шекспирнинг 81-сонетини рус тилидан таржима қилган Ю.Шомансур таржимасида кузатиш мумкин. Таржимон миллий колоритга эга баъзи сўз ва ибораларнинг лисоний муқобилларини топишда бир қатор камчиликларга йўл қўяди. **Lie** феъли сонетда кўчма маънода қўлланган бўлиб, ўзининг луғавий маъноси бўлган **ётмоқ, ёйилмоқ** каби тушунчаларни эмас, балки *in men's eyes* (инсонларнинг кўзида) бирикмаси билан бирга қўлланилиб: инсонларнинг кўзида сақланасан деган маънони англатади. Шекспир бу иборани қўллар экан, дўстнинг эзгу ишлари, унинг жамоли ва хулқи кишилар кўзида бутун умр ўчмас хотирага айланиб, сақланишини назарда тутлади:

*Your name from hence immortal life shall have,
Though I, once gone, to all the world must die:
The earth can yield me but a common grave,
When you entombed in men's eyes shall lie.*

С.Маршак ушбу иборани таржима қилишда ўзига хос услуб билан шеър маъносини таъминлаган. Аслиятдаги *in men's eyes shall lie*, яъни *инсонларнинг кўзида яшайсан* жумласидаги маънони тўғри англаган ҳолда **А твoй приют – oткрытая грoбница** тарзида рус тилига таржима қилади. Шоир айтмоқчи бўлган “мен қабрда унутилиб кетаман, сен эса (вафотингдан сўнг) кишилар кўзида, хотирасида яшайсан” фикрни ўз тилида тушунарли ифода эта олган. Гарчи ҳарфий муқобиллик бузилса-да, аслият мазмуни ва услуби сақлаб қолинган. Зеро, рус тилига бу иборани сўзма-сўз – **ты будешь лежать в глазах людей** деб таржима қилганда бадиият сийқалашган бўлар эди. Ю.Шомансур шу мисрани (**А твoй приют –oткрытая грoбница**) **Сенинг манзилгоҳинг очиқ мақбара** деб таржима қилади. Бу жумла ўзбек тилида ҳеч қандай маъно бермайди яъни сохта бирикма. Аслиятдаги “инсонлар кўзида яшайсан мангу” сўзларининг айнан ўзини таржима қилиш кифоя бўлар эди, аммо воситачи тил туфайли асл матн маъносига путур етган. Шунингдек аслиятдаги *grave* (қабр) сўзи рус тилига

⁴³ Носиров Қ. Бахрамандлик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. №14. 2011. Б.3.

кладбище, ўзбек тилига рус тилидан – *лаҳад* деб таржима қилинган. Биринчидан, *лаҳад* сўзини кладбище сўзига анолог сифатида қўллаб бўлмайдди, сабаби *лаҳад* исломга хос тушунча. Таржимон русча таржимадаги *кладбище* сўзига *қабримда, мозоримда* каби эквивалент танласа, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Агар таржимоннинг аслиятдан хабари бўлганда, сонет таржимасида миллий колоритдаги сўзларнинг қўлланиши камроқ кузатилган бўларди. Баъзида таржимонлар томонидан миллий колоритдаги сўзлар ва АТга хос удумларни тушунмаслик таржиманинг аслиятдан узклашувига, муаллиф қўллаган юксак услубнинг бузилишига сабаб бўлади. Алишер Навоийнинг шоҳбайти ҳисобланган “Қаро кўзим” матлаъси билан бошланувчи ғазални инглиз тилига таржима қилган таржимон Л.Кметюк шу ҳақиқатни эътибордан четда қолдиради ва натижада ғазал мисрасидаги бадийлик сийқалашиб тушунарсиз мазмун касб этиб қолади:

Таковарингга бағир қонидин хино боғла,

Итингга ғамзада жон риштасин расан қилгил.

Таковар, яъни тез юрар йўрға от мумтоз шеърятдаги анъанавий тимсоллардан. Ғазалларда маъшуқа отлик қиёфада чиройли назмий мисраларда тасвирланади. Севиклининг отига илтифот кўрсатиш орқали ўз муҳаббати ва садокатини изҳор қилиши барча мумтоз шоирларимиз учун умумий хусусият. Масалан, Навоий лирик қаҳрамони маъшуқа от елдириб, унинг ёнидан ўтиб кетишини, ҳижрон балосига яна мубтало бўлишини истамайди (Н.Жумаев шарҳи - Г.О.). Ошиқ ўзининг бағир қони от оёғига хино бўлишини, ғамзада жони маҳваш ёнида елиб юрган ити бўйнида арқон бўлишини орзу қилади. Хино боғлаш удуми Европа учун мутлақо ёт. Табиийки, инглиз ўқувчисига шоирнинг ёрга, отига “хино боғлаши”ни сўраганда, нимага ишора қилаётгани тушунарсиз туюлиши мумкин. Оёғига хино боғланган кишининг тез юра олмаслиги, инглиз ўқувчисига маълум эмас. Аммо ёр отига инсонга хос удумни бажартириш, ошиқнинг юрак бағридан олинган қонни ёрнинг отига хиноликка садқа қилишдек буюк ҳурмат, Шарқона севги ва илоҳий ишқни ўзга миллат ўқувчисига шундайлигича кўрсата олиш Навоий ғазалларидаги беқиёс жилони ёрқинроқ англаш имкониятини берарди. *Хино* сўзи транслитерация қилиниб байт сўнгида алоҳида изоҳ берилиши мумкин эди. Аммо бу байт қуйидагича таржима қилинган. 3-байт 1-мисрасининг инглизча таржимаси:

Splash the hooves your brave steed in me heart's blood.

(Сўзма-сўз таржимаси: Юрагимдан олинган қонни отингга сачрат.)

Бу таржимада хино қўйиш билан боғлиқ тасвир йўқ. Унда “юррак қони”ни ёр отига сачратиш сўралмоқда. Таржимон навоиёна мулоҳазани англамаса-да, ундаги тасвирни беришга иштиёқки кучлилигидан отни жайрон отга айлантиради. Дарҳақиқат, жайрон отнинг бадани қон сачрагандек туюлади. Хино эса отнинг оёқ қисмини бўяш учун ишлатилади. Бадий тасвир тиниқлигини таъминлаш учун бундай йўлдан бормасдан **хино** сўзига ва унинг нима сабабдан байтда қўлланаётганлигига алоҳида изоҳ бериб ўтилса, гўзал миллий колорит аънанаси таржимада акс этарди ва бу Навойнинг ўзига хос услубини ёрқинроқ намоён этган бўларди:

Bandage a henna* under your steeds feet,

And weave a leash for your dog from the tendons of my sad soul indeed.

Henna* – is a flower in dark red color which grows in Central Asia region and uses for medicine. The man who bandages henna the herb under his foot can't walk quickly. Poet asks his sweet-heart “to bandage henna under her horses feet” because after it one isn't be able to pass quickly, so than the lover could enjoy sweet time with his sweet-heart.

Таржимаси: Хино – тўқ қизил рангдаги гул бўлиб Марказий Осиёда ўсади ва табобатда қўлланилади. Шифобахш ўсимликни яъни хинони оёғига боғлаган киши тез юра олмайди. Шоир ўз севгилисидан ўз отининг оёғига хино боғлашини сўраяпти чунки бундай ҳолатда от тез ўтиб кета олмайди ва машук ўз севгилиси билан висолдан баҳраманд бўлади.

Ўқорида кўриб ўтилган қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳар бир миллат бадий тасвирни турлича қабул қилади ва тушунади. Таржимон бу каби тасвирий ифодаларни таржима қилишдан аввал таржимани ўқиган китобхоннинг маълумотни қабул қилиш даражаси ва тасаввур ҳосил қилиш эффеќти аслиятни ўқиганда пайдо бўладиган тасаввурга неча фоиз яқинлигини ақл тарозисига тортиб кўриши керак. Агар тасвирий ифодани тўғридан-тўғри таржима қилиш аслиятдаги тасаввурни бермаса ёки умуман акс маънони англатса, муаллиф мақсадидан келиб чиқиб, бу сўз ёки иборани таржима тилидаги бошқа бир компонент билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Миллатларнинг этник келиб чиқиши, урф ва удумларига дахлдор предмет номлари ва атамалар таржимада транслитерация қилиниши ва қисқача изоҳ илова қилиниши яхши самара беради.

7. МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТНИ БЕРИШ

Бадий таржима билан шуғулланувчи таржимон нафақат адабиётшунос ва лингвист балки диншунос, файласуф ва таржима қилинаётган тил вакилларининг этика ва эстетика қоидаларидан хабардор киши бўлиши керак. Раъно Файзуллаева “Ўткан кунлар” романини немисча таржимасини аслиятга қиёслар экан, баъзи сўзлар таржимаси орқали миллатимиз характериға оид ахлоқ нормаларининг бузилиб кетишини кузатади. Тўй кўни Кумушбиби нотаниш куёвга, ёвуз “душман”га узоқдан тик қарай олмайди хатто. Аммо у “душман” ёнига яқинлашгач, зиёли Қутидор ва Офтобойимдек мўминанинг тарбиясини кўрган Кумуш “душман”га ибo, одоб, кўрқув, нафрат, билан “ушламангиз” дейди. Бир жумланинг ўзида қизнинг шарму ҳаёси, феъли, одоби ва кўрқуви мужассам. Мазкур калима романининг немисча таржимасида “ласст нихт”, яъни “ушлама!” деб берилган. Диссертант Раъно Файзуллаева ҳам таржимашунос олима ҳам ўзбек аёли сифатида бу ходисадан астойдил даргазаб бўлади: *“Тўғри, Худо ўз рақиблари билан немис тилида сўзлашган дейдилар. У фонетик ва лексик жиҳатдан бирмунча дағал тил. Бироқ айни ҳолда немис воқеилиги эмас, балки ўзбек миллий турмуши чуқур лирик тўйғу билан нафис тасвирланган асар хусусида гап бораяпти-ку!”* Олиманинг фикрлари жуда ўринли Қодирийнинг сўз санъати ҳар бир деталда персонаж хулқидаги янгидан янги қирраларини очиб беришга асосланади. Масалан, романдаги Отабекнинг уйланиш хақидаги хабарни эшитган Кумушдан хавотири саҳнасини олайлик “Кумушнинг уйга келиб киргани ҳам унга сезилмай қолди. Ул қушлар қаби латиф товуш чиқамаслиқ қилиб гилам устидан юриб келди-да, секингина шамъ ёнига – Отабек қаршисиға ўлтурди. Унинг кўйнагининг чиқарган енгилгина шамоли билан ёниб турган шамъ “лоп” этди-да, кўришқандек, ўйнашқандек бўлди. Бу ҳолдан китоб устига муккадан кетиб ўтирғучи чўчиб кўтарилиб қаради. Қаршисида: Фузулий таъбирича, занадхони негадир кизариб, новаки мижғони

кўз ёшлари билан жуфтланган ҳалиги пари эди... Биринчи қарашдаёқ куткан ишининг тўғрилигига ишонди ва осийлар каби кўзини ерга тикди. Ул Кумушдан итобомиз сўзлар, аччиғ хитоблар кутар; биринчи итобдаёқ ота-она гуноҳига тавба қилишга ҳозирланар эди. Аммо иш ул куткунча чикмади. Кутилмаган жойда, гўёки уни бу оғир ҳолдан қутқармоқчи бўлгандек:

– Фузулий яхши китоб, – деди Кумуш, – мен ҳам ёлғиз қолган кезларимда бу китобдан бошимни ололмас эдим, сизамми?

– ...

Отабек гарангсираб қолган, ўзини овутмоқчи бўлган бу олийжаноб гўзалга нима дейишни билмас, қаердан сўз бошлашга хайрон эди...” Энди айтинг-чи, “андиша” сўзининг аниқ таржимасини топиб бўлмайдиган қайси хорижий тилда бу сахнани шундайлигича таржима қилиб бўлади? Европача фикрлайдиган бўлсак, ҳеч бир аёлнинг кўнглига (эри бошқасига уйланаётганини эшитгач) бу каби вазиятда қайсидир китобнинг ёмон-яхшилиги ҳақида суҳбатлашиш келмайди. Камига уйланаётган “эр ҳазратлари” ёнгинангда турган бўлсалар! Ғарб ўқувчиси айна дамда Кумушдан Отабекнинг сочларини битталаб юлиши ёки рус шаддод аёлларига ўхшаб това билан кулоқ чаккасидан “ўхшатиб” туширишини кутган бўларди. Бу дунёқараш масаласи! Зеро қаршилик шоира Комила Каромова шу мавзуга бағишланган бир шеърда:

Бўлса ҳамки у ою- офтоб

Ёстигин бўлишмас ҳеч мохтоб

деб ёзади. Бундай андиша, бундай шарму ҳаё, сабру матонат билан айтилган сўзларни XIX асрдан Қодирийнинг Кумуши забонидагина топиш мумкин. Юқорида олима бу асарни “Ўзбек миллий турмуши тасвири” деб атадилар сўзларига эътироз билдирмаган ҳолда мен бу асарни “XIX аср ўзбек миллий турмуши тасвири” деб таъриф берган бўлардим. Чунки европача фикрлаб, ўз миллийлигини шарму ҳаёсини, сўзлашиш одобини йўқотиб қўяётган бугунги “Кумуш”лардан “ушламангиз” калимаси ўрнига “ласст нихт!”ни эшитиб, таажжубга тушмайсиз. Негаки, бугунги кун қизлари бу асардан, турли шарм-ҳаёсиз сериаллар, фильмлар ва интернетдаги You TUBEларни кўрмаган ай-фон уёқда турсин, оддий “сотка” ишлатмаган оналаримиз ва момоларимиз севиб ўқигандек завқланмайдилар. Нега, деган савол туғилади. Бу дунёқарашнинг ўзгариши масаласи! Демакки, бир халқнинг дунёқараши турли даврларда

алмашиниб, ўзгариб турар экан, таржимон бир миллат адабиёт-тидаги нечанчидир асрда ёзилган асар қахрамонларининг одобахлоқ меъёрлари ва уларнинг чегарасини аниқлаш учун ўша халқнинг бутунги турмушидан андоза олиши ҳам тўғри эмас. Бу масалани ойдинлаштириш учун танланган асар билан тенг даврда нашр этилган ахлоқий-дидактик тематикадаги китоблар, бадиий-публицистик материалларни кўздан кечириши, бошқа асар бош қахрамонлари хулқи-атворидаги ўзига хосликларни таржима қилаётган асаридаги образлар билан қиёслаб ўрганиши керак.

Юқоридаги таржима таҳлили орқали биз таржимоннинг аслиятдаги баъзи сўзларни ўз тили, ўз миллати дунёқарашига мослаштирганининг гувоҳи бўлдик. Мазкур асарнинг рус тилига М.Сафаров таржимаси аслиятга анча яқин ва бу таржимада миллий менталитетни беришга ката эътибор қаратилган. Биз биламизки, Европа халқлари учун аёллар ва эркеклар ўртасида “сенсираш” нормал ҳодиса ҳисобланади. Расмийат юзасидан сизлаш ва яқин муносабатларда сенсирашни турли кинофильмларда, бадиий асарларда кузатганмиз. Хусусан, русларда аёллар орасидаги ўзаро муносабатларда ёши катта аёл ўзидан кичик ёшдаги аёлга “ты” деб мурожаат қилиши мумкин. Ва бу беҳурматлик ҳисобланмайди. Бир куни оддий кундалик ҳаётда содир бўлган воқеа сабаб дунёқараш масаласига енгил-елпи қараб бўлмаслигини англаб етдим: Деярли ҳар куни вилоят кутубхонасига қатнайман, у ерда икки ўзбек ва бир рус кутубхона ходималари менга галма-гал хизмат кўрсатишади. Рус қиз мендан 5-4 ёш кичкина (ўшанда шундай ўйлардим), ўзбек қизларнинг бири чамамда ҳам тенг, кейингиси 5-4 ёш катта. Мен хурмат юзасидан, табиийки, учаласига ҳам “сиз” (рус қизга “вы”) деб мурожаат қиляпман. Бир куни рус қиз ёнимга келиб: “Извините, почему вы все время обращаетесь мне на “вы”, я же 2 года моложе вас, или я выгляжу старше моего возраста?” – деди. Мен бир муддат жим қотдим-да: “Ты выглядеши намного моложе своего возраста я даже думала что ты 5 лет младше меня. Просто это восточное воспитание!” – дедим. Қошларини чимириб ёнимга келган рус қизи мамнун қиёфада узр сўради.

Дарҳақиқат, ўзбек аёллари ўзларининг ҳамтенгларига ҳам ёши кичикроқ қизларга ҳам “сиз”лаб мурожаат қилишади. Хеч бир тарбия кўрган маданиятли аёл дўконга кириб ўзидан бир-икки ёш кичикроқ сотувчи қизга: “Менга фалон нарсадан бир кило ўлчаб

бер” дея олмаса керак. “Мен кутубхонага нималарнидир излаш, ўрганиш учун келаман. Керакли адабиётларни топишда беминнат ёрдам бераётган хизматчи қизга “сен”лаб мурожаат қилсам, менга ёмон муносабатда бўлиши мумкин. Шу сабабдан мендан ёш эканлигини билсамда “сиз”лаб мурожаат қилганим маъкул!” – бу менинг ўзбегона дунёқарашим.

“Шу аёл ҳар куни кутубхонага келади. Ҳамма айтганларини топиб бериб, кўлимдан келганча ёрдам қилсам, нега менга “сиз”лаб мурожаат қилади? Ё ўзини мендан ёш ва гўзал ҳисоблайдими? У мендан 2 ёш катта экан! Наҳотки мен ундан қари кўринсам?” – бу рус кутубхоначи қизнинг дунёқарашини.

Бир қарашда жудда содда кўринган бу вазиятда бир олам маъно мужассамлашган. Бир хил маънони англатувчи бир сўз, ким учундир ҳурмат, илтифот, ким учундир камситиш ва ҳақорат бўлиб туюлиши мумкин. Демак, таржимон нафақат сўз устаси балки кучли психолог сифатида икки тилдаги миллат кишиларининг психологиясини ўрганиши шарт. Бадиий асардаги ҳар бир сўзнинг қайси лисоний муқобили таржимада ана шундай инъикос бўлиб қолмаслигини ўрганиб чиқиш лозим. Зарурат туғилганда аслият тилида нормал ҳисобланган, аммо таржима тилида китобхон менталитети ва дунёқарашини ҳазм қилмайдиган сўз ва жумлаларни асар мазмунидан узоқлашмаган ҳолда алмаштириш маъкул ечим саналади. Рус шоираси Марина Цветаеванинг лирик хиссиётларга тўлиб тошган гўзал бир шеърини ўзбек тилига таржима қилган Мирпўлат Мирзо айнан шундай йўл тутган:

П.Э.

Осыпались листья над Вашей могилой,

И пахнет зимой.

Послушайте, мертвый, послушайте, милый:

Вы все-таки мой.

Смейтесь! – В блаженной крылатке дорожной

Луна высока.

Мой – так несомненно и так непрележно,

Как эта рука.

Опять с узелком пойду утром рано

К больничным дверям.

Вы просто уехали в жаркие страны,
К великим морям.

Я Вас целовала! Я Вас колдовала!
Смеюсь над загробной тьмой!
Я смерти не верю! Яжду Вас с вокзала – Домой!

Пусть листья осыпались, смыты и стерты
На траурных лентах слова.
И, если целого мира Вы мертвы,
Я тоже мертва.

Я вижу, я чувствую, – чую Вас всюду,
– Что ленты от Ваших венков! –
Я Вас не забыла и Вас не забуду
Во веки веков.

Таких обещаний я знаю бесцельность,
Я знаю тщету.
– Письмо в бесконечность.
– Письмо в беспредельность. –
Письмо в пустату.

П.Э.

Қабрингиз устида кеч куз хазони,
Қиш яқин, шаксиз
Мени тингланг, марҳум, эшитинг жоним,
Сиз меникисиз.

Куласиз! – Кумуш ранг йўлнинг кифтида
Ой турар юсак.
Билсангиз, сиз менга кераксиз жуда
Бамисли юрак.

Шифохона сари тагин тугун-ла
Боргум мен шоша.
Сиз эса кетгансиз ўзга бир юртга,
Уммонлар оша.

*Мен сизни суярдим – юрагимда ўт!
Наҳот тақдир отди мени шу куйга?!
Ўлимга ишонмам! Йўлга қўзим тўрт,
Қайтингиз уйга!*

*Майли, куз тўлдирсин дилга гам-ангиз,
Мотам битигида сўзлар униқсин.
Дунё учун гар сиз ўлган бўлсангиз
Мен ҳам ўлгум, чин.*

*Тириксиз – кўряпман ушбу дам хатто,
Рухингизга мотам эмаску сарҳад, –
Сизни унутмагум, сақлагум ёдда
Абадул – абад.*

*Биламан, бу янглиз ваъдалар бари
Пуч ва бефойда.
Йўлларимиз кабидир соғинч хатларин
Манзилсиз жойга.*

(Мирпўлат Мирзо таржимаси)

Шеър таржимасини ўқир экансиз, “таржимон ҳам аёл киши бўлса керак” деб ўйлайсиз. Сабаби севгилиси қабри олдида турган аёл тўғёнлари, юрак бағрини куйдираётган ишқ ва армон гулханининг тафти шу қадар хароратлики, таржимани ўқиб ҳам бу оташдан юрагингиз куйиб қолиши ҳеч гап эмас. Энг муҳими, ундан эркак таржимоннинг овози эмас, аёл шоиранинг қалб ноласи эшитилади. Биз юқорида “сиз” ва “сен” ўртасидаги фарқ хусусида сўз юритдик. Шеърдаги марҳумга “вы” деб мурожаат этилиши, ўзбекча таржимада “сиз” кўринишида берилади ва Кумуш забонидаги “сиз қочқоқсиз” каби ёқимли қабул қилинади. Айрилиқ дарди ҳамма учун баробар, ўлим миллат, тил танламайди. Унинг асоратини тириклар бир хил ҳис этадилар. Таржимани ўқиб, ёридан ажралган ўзбек аёли тасаввурингизга келади. Беихтиёр уни юпатишга сўз кидирасиз. Аммо таржимон “**Я вас целовала!**” жумласини “**мен сизни ўпардим**”, “**Я Вас колдовала!**”ни эса “**мен сизни сеҳру-жоду қилардим**” дея сўзма-сўз таржима қилганда, ўзбек ўқувчисининг тасаввурисидаги маҳзун фаришта сиймоси бироз хиралашмасмиди? Ўзбекона дунёқараш аёлларнинг эр-хотинлик

муносабатларида устунлиги (яъни, аёлнинг эркакка нисбатан эркаловчи сўзларни қўллаши)ни ҳазм қила олмайди. Исломда эркакнинг интим муносабатлардаги устунлиги Одам Атонинг Момо Ҳаво тарафига биринчи бўлиб қадам ташлаган кундан шарият қонуни сифатида белгилаб қўйилган. Ўз навбатида, “ўпардим” калимаси аёл киши тарафидан айтилганида (гарчи хасми ҳалоллига нисбатан бўлса ҳам) ўзбек ўқувчиси наздида лирик қаҳрамоннинг маънавий қиёфасига бироз путур етиши мумкин эди. Севгилисини “сеҳру-жоду” қилиш эса ўзбекларда азалдан қораланиб нафратланиб келинган. Бунинг англаган таржимон мазкур жумлаларни шу қадар усталлик билан алмаштирадими, натижада лексик маъно йўқотилмайди қайтанга тасвир янада тиниқлашади: *Мен сизни суярдим юрагимда ўт!*

Юракда ўт билан суйиш *Я вас целовала, я вас колдовалага* нисбатан кўпроқ маъноларни англатади ва рецептор буни нормал қабул қилади.

Баъзан воситачи тилнинг иштироки бир-бирига қарама-қарши дунёқараш вакиллари бўлган таржимонлар ишини чалкаш кўчага олиб кириши мумкин. Бу эса аслиятга яқинлашувнинг пасайишига олиб келади. Қуйидаги У.Шекспирнинг 3-сонетини рус тилига аслиятдан таржима қилган С. Маршак баъзи мисраларни рус менталитетига мослаштиради:

*For where is she so fair whose unlearned womb
Disdains the tillage of thy husbandry?
Or who is he so fond will be the tomb
Of his self-love to stop posterity?*

Сатрости таржима:

*Қаерда у аёл мафтункор саналарди агар у бепушт бўлса?
Сенинг рўзгоринг хизматларини назарга шмай бош тортса?
Ёки шундай бир аҳмоқ борми ўлиб кетадиган,
Ўз ишқиди(кайфу-сафоси) учун авлоди давом этишини
тўхтатадиган?*

С.Маршак таржимаси:

*Какая смертная не будет рада
Отдать тебе не тронутую новь?
Или бессмертия тебе не надо
Так велика к себе твоя любовь?*

Ю.Шомансур таржимаси:

Масъум вужудини бағишлаб сенга

Қай дилбар қувонмас, топмас тасалло?

Мангуликни тисанд қилмайсан нега?

Ўзингга шунчалар қўйдингми бино?

Мазкур сонетда Шекспир дўстини оила куриб фарзанд кўришга, танноз хонимлар ортидан қувмасдан болажон аёлга уйланишга даъват этади. Сабаби ўша вақтда Европада аҳоли сони тобора камайиб борар, маишатга берилган кишилар уйланишга шопилмайдилар. Шекспир поэзиясидаги гўзал аёл – бу болажон аёл, рўзгор хизматларини жону дилдан бажарувчи қишлоқ аёли. Аслида Шекспир дунёқараши ўзбегона дунёқараш, яъни халқимизнинг аёлни болажонлиги, оёқ-қўли чаққонлиги учун улуғлаши ва баҳолаши билан уйғун эди-ку. Агар таржимон бевосита таржима қилганда буни муваффақият билан ифодалаган бўларди. Рус таржимони С.Маршак рус менталитетидан келиб чиқиб, рус китобхони учун “ҳазм” бўладиган таржима яратгани учун уни айблаб бўлмайди. Бироқ Маршак таржимасида аслиятдаги шекспирина фалсафа, аёл гўзаллиги ҳақидаги индивидуал тасвур ва тасвирий ифода ўз маъносини йўқотган. Рус таржимони умумий мазмундан келиб чиқиб, гаплар маъносини ўта ихчамлаштириб юборган. Бунга эса русча дунёқараш сабаб бўлган. Натижада шеър ўзининг аслиятдаги таъсирчанлигини йўқотган. Рус дунёқарашига ёт бўлган бу сонет аслиятдан ўзбек тилига таржима қилинганда эди, шубҳасиз, ўзбек китобхони Шекспир дунёқараши кўп жиҳатдан ўзбегона эканлигини кўрган ва Шекспирга янада меҳри ортган бўлар эди. Мазкур катрени таржимон Жамол Камол аслиятдан қуйидагича таржима қилган:

Қайси дилбар сенга қучогин очмас,

Қайси жонон кўрмас меҳрини раво?

Шунча худбинмисан ўзинг билан маст

Авлоддан ўлимни кўрасан авло?

Ҳар бир ёзувчи ва шоирнинг ўз услуби бўлгани каби таржимонлар ҳам ўз таржима услубига эга. Масалан, бир суҳбатда Ўзбекистон халқ шоири Жамол Камол аслиятдан У.Шекспир трагедиялари ва сонетларини инглиз тилидан ўзбекчага таржима қилиш жараёнида, бу асарларнинг рус тилидаги таржималари ҳам ёзув

столида туришини, баъзи ҳолатларда Шекспир шеърларидаги юқори пафосни таржимада акс эттириш учун буни аъло даражада удалай олган С.Маршак таржималарига ҳам суянишини айтди.

С.Маршак:

Какая смертная не будет рада

Отдать тебе не тронутую новь?

Ж.Камол:

Қайси дилбар сенга қучогин очмас,

Қайси жонон кўрмас меҳрини раво?

Кўриб турганимиздек гарчи таржима “инглиз тилидан қилинган” бўлсада, бу икки мисра Самуэл Маршак таржимасининг айнан ўзи. Унда аслиятдаги:

For where is she so fair whose unearred womb

*Disdains the tillage of thy husbandry? **

Сагроссти таржима:

Қаерда у аёл мафтункор саналарди агар у бенушт бўлса?

Сенинг рўзгоринг ҳизматларини назарга илмай бош тортса?

мисраларидаги мазмун, яъни муаллиф дунёқараши хатто “инглиз тилидан қилинган” таржимада ҳам умуман учрамайди. Аслият тилини биладиган таржимоннинг бундай тартибда иш тутиши, яъни бир катреннинг дастлабки икки мисрасини рус тилидан, кейинги икки мисрасини инглиз тилидан таржима қилиб, таржимага “аслиятдан қилинган” ёрлиғини ёпиштириб қўйиши маъқул ҳолат эмас. Чунки шекспирона пафосни аслиятдан тўлиқ таржима қилиб ҳам ўқувчига етказиб беришга ўзбек тилининг имкониятлари етарли. Таржима тилини билмасдан шароит тақозоси билан воситачи тил ёрдамига суянган таржимонларимиз ишлари кечиримли ҳолатдир. Чунки рус тилидан қилинган таржималар ўзбек китобхонларига жаҳон адабиётини танитишда илк қадам бўлган. Аммо аслиятнинг бор бадийлиги, шоир ёки ёзувчининг услубидаги ўзига хослик ва асарнинг фалсафий мазмунини англашда воситачи тилдан амалга оширилган таржимага кўп ҳам ишониб бўлмайди. Сабоби ҳар бир таржимон ўз таржима услуби ва ўз дунёқарашидан келиб чиқиб асар мазмунига баъзи ўзгартиришлар киритади. Яъни бир тилдан бошқасига таржима қилиш жараёнида аслиятдан 75% гина сақланиб қолади. Таржимада эса 25% таржимон услуби ва дунёқарашидан нимадир топилади. Мушоҳада қилиб кўрайлик, 75% аслиятни ўзида мужассам этган таржима яна бошқа бир тилга

таржима қилинса? Кейинги таржимон ҳам аслият вазифасини ўтаётган таржима матнини ўз тилига ўгиришда қайсидир ўринларни ўзгартиради, қўшади натижада аслият мазмуни яна 25%га камаяди. Қилинган таржиманинг тенг ярми ҳар хил тилдаги таржимонлар фантазияси маҳсули! Бу таржимадан муаллифнинг овозни эшитиш ниҳоятда қийин. Воситачи тил орқали таржима қилиш жараёнида муаллиф дунёқараши ва услубига талофот етиши ҳавфи юқори эканлигини эътибордан қочирмаслик лозим. Чунки воситачи тил таржимонининг дунёқараши ҳазм қила олмайдиган ҳолатлар кейинги (воситачи тилдан таржима қилувчи) таржимон аудиторияси томонидан ижобий қарши олиниши мумкин. Аслият таржимонининг услубини ўрганмай бу таржимага кўр-кўрона суяниш ярамайди. Масалан, олима М.Бақоева “С.Маршак таржималаридан фойдаланганда, жуда эҳтиёт бўлиш керак. Зеро Маршакнинг кўпгина таржимонлардан ажралиб турадиган ўз ўгириш усули бор. У сўзлар, гаплар мутаносиблигига кўп ҳам эътибор бермай, маттни яхлит ҳолда рус тилига ўгирган. Маршак таржималарини ўқисангиз бир холнинг гувоҳи бўласиз: гап ва сўзларни аслият билан таққосласангиз улар худди бошқа-бошқадек, лекин шеърни яхлит ҳолда идрок этсангиз, унинг аслиятга ҳар жиҳатдан мослигини ҳис этасиз. Бу услубдаги таржима ҳам ўзига хос маҳорат. Аммо С.Маршак таржималаридан воситачи сифатида фойдаланганда, худди шу нарса аслиятдан йироқлашувга олиб келиши мумкин, чунки Маршак таржималарини иккиламчи тилда озгина бўлса ҳам бошқача талқинига йўл берилса, аслият изидан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас.”

Демак, бадий таржиманинг яна бир талаби бу воситачи тил ёрдамидан имкон қадар воз кечиш. Бунинг иложи бўлмаган ҳолларда аслият таржимонининг ўгириш услубини ўрганишдир.

Таржимашунос олим Иброҳим Ғафуров И.А.Криловнинг “Волк и ягнёнок” (“Бўри билан кўзичок”) маозлини Чўлпон таржимаси билан қиёслар экан, таржимоннинг шарқона менталитетни ўйлаб қўллаган тадбирини кузатади:

“ – Ах чем я виноват?

– Молчи! Устал я слушать,

Досуг мне разбирать

Вины твой шенок!”

Чўлпонда:

“–Тақсир, менинг айбим нима?

– Жим тур энди кўп гапирма!

Суриштириб ўтиришга вақтим борми?

Таржимада аслиятда йўқ “таксир” деган ундалма пайдо бўлди ва “щенок” деган сўкиш тушиб қолди. Лекин, шунга қарамай, бу парчада аслиятнинг таҳдидли оҳанги ва пўписали ваҳимаси тўла сақланган. Таржима шоири ўз ўқувчисининг қабул қилиш, шарқона менталитетини ўйлаб, ёлвориб оҳангини кучайтириш учун “таксир” сўзини киритган”⁴⁴. Дарҳақиқат, Чўлпон Крилов масалани шу қадар маҳорат билан ўзбек тилига таржима қиладики, халқ орасида бу масал гўёки, “Крилов томонидан ўзбек тилида ёзилган” дек қабул қилинади. Хаттоки, баъзилар унинг таржима эканлиги ва таржимон Чўлпон эканлигидан ҳам беҳабар. Сабаби таржимада биринчи навбатда ўзбек ўқувчиларининг дунёкараши ва асарни қабул қилиш даражаси билан ҳисоблашилган. Шунингдек, аслият мазмуни ва масал жанрига оид қувноқ ритм ҳам бузилмаган.

У.Шекспирнинг “Ҳамлет” асари 1-парда биринчи сахнанинг сўнгида Бернардо, Хоратсио ва Марселнинг ўзаро суҳбати берилган. Улар Ҳамлетнинг отасининг арвоҳини учратганларидан сўнг бу сирли ҳодисадан ёш шаҳзодани огоҳ этмоқчи бўладилар. Шунда Хоратсио дейди:

Horatio: Let us impart what we have seen to night

Unto young Hamlet; for, upon my life,

This spirit, dumb to us, will speak to him.

Do you consent we shall acquaint him with it,

As needful in our loves, fitting our duty?

Сўзма-сўз таржимаси:

Келинг тунда кўрганимиздан

Ёш Ҳамлетни бохабар этайлик.

Ҳаётим хаққи, бизга жим қотган бу арвоҳ унга гапиргай.

Розимисиз шундай қилмогимизга, севгимиз, бурчимиз талаб этгандай.

Асар воқеаларидан бизга аёнки, Ҳамлетнинг энг содиқ дўсти Хоратсио эди. Боз устига Ҳамлетга нисбатан Хоратсионинг муҳаббат ва бурчи фуқаронинг қиролга нисбатан туйган садоқат ва бурч тушунчалари билан уйғун. Инглиз тилидаги *love*(севги) сўзи эр кишилар ўртасидаги дўстликда бемалол қўлланиши мумкин. Буни

⁴⁴ Гафуров И. Таржимашунослик мутахассислигига кириш. Т.: Мехридарё, 2008. Б.19.

биз Шекспир сонетларининг таҳлилларида кўплаб кузатдик. Рус тилида ҳам *любовь* сўзи икки жинс вакилларининг муносабатларида бирдек ишлатилади. Аммо ўзбек тилида эркак дўстга бўлган бу туйғуни *севги* деб таржима қилиш маънога таъсир қилади. Бу кўпгина чалкашликларни келтириб чиқариши мумкин. Мазкур парча рус тилига қуйидагича таржима қилинган:

Горацио:

То, что мы ночью видели, не скроем.

От молодого Гамлета; клянусь,

Что дух, немой для нас, ему ответит.

Согласны вы, чтоб ему сказали,

Как это нам велят любовь и долг?

(М. Лозинский)

Горацио:

Поставим принца Гамлета в известность

О виденном. Ручаюсь жизнью, дух,

Немой при нас, прервет пред ним молчанье.

Ну как, друзья, по- вашему? Сказать,

Как долг любви и переданность внушают! (Б.Пастернак)

Икки таржимада ҳам аслиятдаги мазмун аниқ ёритилган бўлиб, ўзбекча изоҳ беришни лозим топмадик.

Яна бир рус таржимони Н.Полевой эса бу нутққа ижодий ёндашади:

Горацио:

Сюда, и посоветуем о том: не должно ль

Нам всё сказать Гамлету? Может быть

Он с сыном станет говорить,

Ему откроет тайну появления?

А между тем – храните тайну!

Пусть сокровенным между нами будет

Явления царственного мертвеца.

Сўзма-сўз таржимаси:

Буёққа келинг, маслаҳат солайлик,

Айтишимиз керакмикин Гамлетга балким ҳаммасин

У ўғлига гапирар, ўз сирин очар.

Шу билан бирга, бу сирни сақланг !

Бу олийнасаб марҳумнинг таширфи

Орамизда қолсин.

Кўриниб турибдики, Н.Полевой аслият таржимасига ижодий ёндашиб, *As needful in our loves fitting our duty* (севгимиз ва бурчимиз буюрганидек) ўрнига қахрамон нутқида учрамаган: *А между тем храните тайну! Пусть сокровенным между нами будет явление царственного мертвеца* жумласини таржимага киритади. Таржимон бу оркали Хоратсионинг характеридаги дўстга садоқат қирраларини очиб бера олган. Аммо асар аслиятида бу “сирли ҳодиса” ҳақида сўз очмасликни дўстларидан Хоратсио эмас, балки Ҳамлетнинг ўзи илтимос қилади ва хатто уларни қасам ичишга мажбур қилади. М.Шайхзода эса бу парчани куйидагича таржима қилади:

*Горацио: Кўрганларни шаҳзода Ҳамлетга айтсак,
Аминманки, бизга лол келган бу арвоҳ
Ҳамлетга учраб қолса, қиради тилга.
Дўстлар, қани, не дейсиз? Унга севгимиз
Биздан шундай қилишни этмасми талаб?*

Мақсуд Шайхзоданинг рус тилидан қилинган таржимаси Н.Полевойнинг аслиятдан қилинган таржимасига нисбатан аслиятга адекват, бироқ сўнги икки мисра: *Дўстлар, қани, не дейсиз? Унга севгимиз, Биздан шундай қилишни этмасми талаб?* Мисралари ўзбек тилида бироз ғализ қабул қилинади. Бунга эса *Love-love* нинг ўзбек тилидаги таржимаси *севги* сўзининг дўст сўзига бироз “ёпишмагани” дир. Асарни аслиятдан таржима қилган Жамол Камол таржима жараёнидаги сўз қўллаш нозиклигини тўғри англайди ва аслият мазмунидан воқифлиги сабаб бу жумлани асарнинг асосий мазмунидан четга чикмаган ҳолда куйидагича таржима қилади:

*Хоратсио: Нима дейсиз ёш Ҳамлетни этсак хабардор –
Бунда содир бўлган сиру синоатлардан.
Бизга соқов бўлиб оғиз очмаган арвоҳ
Шаҳзодага асрорини сўйлағай, илло.
Нима дейсиз шуни бир-бир баён айласак,
Дўстлик бурчимизни бўйла аён айласак?*

Жамол Камол таржимаси, аслият ғоя ва мақсадини аниқ кўра олиш билан бирга, ўзбек китобхони дунёқарашини ҳам назардан четда қолдирилмагани билан М.Шайхзода таржимасидан устун туради. Таржимоннинг бундай ютуққа эришишининг асосий омили

муаллифнинг симпатиясидан бохабарлик, аслият тилини билиш ва таржимонга хос бўлган шоирона маҳоратдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, бадий асар таржимони асарнинг таржима тилида қандай қабул қилиниши ва таржима китобхон дунёқарашига нечоғлик мослигини эътибордан қочирмаслиги лозим. Керакли ўринда аслиятдаги баъзи сўз ва иборалар (мазмунни сақланган ҳолда) рецептор дунёқарашидан келиб чиқиб ўзгартирилиши асар мазмунини чуқурроқ англашда хизмат қилади. Таржима жараёнида кўчма маънода келган кўп маъноли сўзларнинг ҳар битта маъноси алоҳида ўрганиб чиқилиб улар орасидан контекстга яқин биттасини таржимада берилиши аслият матнини тўғри қабул қилишга ёрдам беради.

8. ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИ ТАРЖИМАДА БЕРИШ

“Таржима қилиниши мушкул тил бирликлари” шкаласида салкам биринчи ўринда турувчи тил бирликлари бу – фразеологизмлар ҳисобланади⁴⁵. Таржимашунос олимлар АТдаги фразеологик бирликларни қуйидаги уч гуруҳга ажратиб ўрганашни ва ТТга ўгиришни тавсия этадилар:

1. Бутунлай мувофиқлик.
2. Қисман мувофиқлик.
3. Мувофиқликнинг йўқлиги (ёки номувофиқлик).

Таржимада фразеологизмларнинг берилиши, асосан, эквивалентликнинг биринчи типига хос ҳисобланади, яъни бу таржимада асосий мақсад коммуникация мақсадининг таржимада тўлиқ сақлаб қолиш ҳисобланади. Фразеологик бирликларни таржимада беришда қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- Сўзма-сўз таржима;
- Анологик таржима;
- Изоҳли таржима;

1. Бутунлай мувофиқлик – бир тилдаги фразеологик бирикмаларнинг иккинчи тилда турғун эквивалентининг мавжудлиги.

- Масалан:
1. Black frost /фразема/ – қора совук
 2. To bring oil to fire /идиома /– алангага ёғ қуймоқ

⁴⁵ Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. М.: Международные отношения, 1980. С.179.

3. To lose one's head /идиома /– бошини йўқотмоқ

4. From head to foot /идиома /–бошдан оёғигача

Мувофиқликнинг бу турига хос хусусиятлар:

1. Лексико-семантик, морфологик ва синтактик составнинг мувофиқлиги.

2. Коммуникация мақсадининг сақлаб қолинганлиги.

3. Ахборотни тасвирлаш усулининг бир хиллиги.

2. Қисман мувофиқлик – бир тилдаги фразеологик бирликлар (ФБ)нинг бошқа тилда тўла муқобил вариантынинг йўқлиги ёки, ёки ФБнинг ТТда қисман муқобил вариантынинг мавжудлиги.

Масалан: To fish in **troubled** waters /идиома / – лойқа сувда балиқ тутмоқ

To **agree** like cats and dogs /фразема / – ит ва мушукдек яшамок

To keep one's **head** /идиома/ – ўзини йўқотмаслик

Баъзида А тилдаги фразеологик бирикма Б тилда қисман мувофиқ В тилда эса бутунлай мувофиқ келиши мумкин. Масалан: From head to foot – рус тилига – *с ног до головы* – деб таржима қилинади. Русчадан ўзбек тилига ўтирилиш жараёнида шу ибора учраса, уни – *бошдан оёқ* – деб ўзбек тилига таржима қилинади. Демак, кўриниб турибдики, инглиз тилидан рус тилига қисман мувофиқ келувчи фразеологик бирикма инглиз тилидан ўзбек тилига бутунлай мувофиқ таржима қилиниши мумкин экан.

4. Мувофиқликнинг йўқлиги – АТдаги ФБнинг ТТэквивалентларининг умуман учрамаслиги ва мазкур бирликлар таркибида АТ га мансуб (эквивалентсиз лексик бирикмалар) реалияларнинг учраши. Бу каби ФБ эквивалентсиз лексикани бериш усулларида ҳисобланган :

А. Сўзма-сўз таржима

Б. Аналогик таржима

В. Изоҳли таржима

усуллари ёрдамида таржима қилиниши мумкин.

А. Сўзма-сўз таржима. Бу усулда фразеологик бирлик сўзма-сўз таржима қилинади ва таржима жараёнида ТТдаги миллий колоритга ҳос сўзлардан фойдаланилмайди.

1. To call things by their true names /идиома/ ҳар нарсани ўз номи билан атамоқ.

2. The arms race /фразема / қуролланиш пойгаси.

3. Cold war / идиома / совуқ уруш.

Мувофиқликнинг бу турига хос хусусиятлар:

1. Таржимада лексик-синтактик морфологик таркибнинг сақлаб қолиниши.

2. Таржимада коммуникация мақсадининг сақлаб қолинганлиги.

3. Таржимада тасвир усулининг сақлаб қолинганлиги.

Б. Аналогик таржима. ФБ таркибида миллий колоритдаги сўзлар ёки бир миллатга хос бўлган тасвирий ифодалар учраганда ТТдан бирор ФБ анолог сифатида танлаб олинади ва таржимада берилади. Масалан, бўлмайдиган воқеа-ҳодиса тасвирланганда немис тилида – **wenn die Hunde mit dem Schwanz bel-len** (қачонки, итлар думлари билан аккилласалар) ибораси қўлланса, инглизларда – **when the moon turns green cheese** (қачоки, ой яшил пишлоққа айланса) ибораси анолог сифатида танланади. Рус тилига бу ибора – **когда рак свистнет на горе и рыба запоет** (қачон тоғда қисқичбақа хуштак чалса ва балиқ куйласа) тарзида таржима қилинади, болгар тилида мазкур иборага стереотип бўлган – **хотя бы кога се покачи свиня с жълти чехли на круша** (қачонки, чўчка сариқ шатакда нокка сакраса) ибораси мавжуд бўлса, ўзбек тилига бу иборага анолог сифатида “туянинг думи ерга текканда” иборасини танлаш мумкин.

9. ҲАМОҲАНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ✓

Бадий таржимада энг кўп учрайтиган ички лингвистик муаммо бу когнитив – диссонансдир. Когнитив диссонанс – муסיқий номуқобиллик деб таржима қилинади. Аммо когнитив диссонанс фақатгина таржимада оҳангнинг бузилиши натижасида ҳосил бўлмайди. Когнитив диссонанснинг кўплаб турлари ва даражалари мавжуд. Когнитив диссонансни, асосан, аслиятдаги ахборотни таржима қилиш жараёнида юзага келадиган чекловлар ҳосил қилади. Биз юқорида таржима прагматикаси, миллий менталитетга оид сўзлар, стилистик характердаги тасвирий ифодаларни таржима қилиш жараёнида учрайдиган муаммоларни кузатдик ва қиёсий таҳлил қилдик. Юқоридаги муаммоларни имкон қадар бартараф қилиш когнитив диссонанс даражасини пасайтиради. Диссонанс

хосил қилувчи асосий фактор бу индивит учун ахамияти катта бўлган когнитив диссонансни юзага келтирган элементларнинг (яъни аслиятдаги тасвир, оҳанг, стилистик бўёқлар) таржимада кам учраши бўлиб, бу АТ ва ТТ орасидаги диссонанс даражасини оширади.

Шеърый таржимада когнитив диссонансни бартараф этиш учун шеърятда кенг қўлланувчи фонетик эвфонияларни таржимада қайта яратиш яхши самара беради. Матн мазмуни, ғоясини ифода қилишда маълум товушлар тингловчи руҳиятига таъсир қилиб, баъзан ғам-ғуссани хис қилишга мажбур этса, баъзан уларда қувноқ кайфиятни уйғотиши мумкин. Фонетик услубий воситалар сирасига фонетик аллитерация, ассонанс, ономатапия каби услублар кирадики, шеърятда шоир лирик қахрамоннинг ички кечинмаларини бу усуллар орқали китобхонга етказишга ҳаракат қилади.

Аллитерация – ундош товушларнинг такрори. Шеърятда аллитерация шиддаткор, тезкор руҳий ҳолатни ифодалаш учун қўлланади. Бу усулда руҳиятни бериш мақсадида бир неча товушлар танлаб олиниб, улар иштирокидаги сўзлар шеърда кўп қўлланиши мумкин. Олима Д.Султонова Брауннинг “The Pied Piper of Hamelin” поэмасидан парчасида аллитерациянинг берилишини қуйидагича таҳлил қилади: Бу парчада каламушларнинг шаҳарни шоша-пиша тарк этишлари тасвирланган.

*And the muttering grew to a grumbling
And the grumbling grew to a mighty rumbling,
And out of the house the rats came tumbling,
Great rats, small rats, lean rats, brown rats,
Brown rats, black rats, gray rats, tawny rats ...*

(Browning)

Олдинги уч мисрада [gr], [br] ва титровчи товуш, сонор товуш [r] нинг такрорланиб келиши шовқин – суронни ифода этишда хизмат қилган. Тўртинчи ва бешинчи мисраларда “rats” сўзининг 9 марта такрорланиши, каламушларнинг саросимада қолишганларини ифодалайди⁴⁶.

Таникли ўзбек шоири Эркин Воҳидов қаламига мансуб:

*Қаро қошинг, қалам қошинг,
Қийиқ қайрилма қошинг қиз
Қилур қатлимга қасд қайраб
Қилич қотил қарошинг қиз.*

⁴⁶ Султонова Д. Шеър ва таржима. Самарқанд, 2009. Б.25

Шоир яратган ритм [қ] товушининг такрори асосида яратилган бўлиб, лирик қахрамоннинг кечинмаси, яъни қизга нисбатан гинаси ушбу парчада чиройли ифодалаб берилган. Аллитерация қўлланган шеъринг парчаларни инглиз тилига таржима қилиш жараёнида бу усул(аллитерация)ни таржимада берилиши биров мураккаб жараён. Чунки аслиятдаги танланган маълум жанрли ундошлар таржимада жангсиз ундошларга айланиб қолиши мумкин. Баъзида таржимонлар аллитерация усули қўлланган шеърни таржимада бошқа шеъринг усулда ўгириб шеър руҳиятини бузиб юборишлари мумкин. Масалан, рус таржимони ва шоираси Р.Казакова томонидан ўзбек шоири Шукрулло каламига мансуб шеърлар таржимасида шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Шукруллонинг куйидаги тўртликка назар ташласак:

Сен қилгани ҳар ким қилар, кибрланиб нетасан!

Ҳалқ мақтаса хизматингни, муродинга етасан.

Ўз-ўзинга етмоқ бўлиб кўкка қанча сакрасанг,

Фақатгина ерни ўйиб, шунча тубан кетасан.

Р.Казакова эса буни куйидагича таржима қилади:

Похвала, похвала, похвала...

Закружила, как лист, – ветер осени.

Позвала, за собой повела,

Поводила лишь за нос и бросила!

Очир кўриниб турибдики, таржима шеърдаги руҳият ва гоё Шукруллоникидан анча узоқ. Тўртликда камтаринликка даъват, беминнат хизмат улуғланмоқда. Таржимада эса хушомадга таъриф берилмоқда. Ўзбек шоири тўртликдаги шарқона насихат руҳи сўниб, фалсафий мушоҳада кўринишини олган. Шеър муаллифи аллитерациядан фойдаланган бўлса, таржимон аслиятда учрамайдиган анафора (ҳар бир сатр бошидаги сўзларнинг такрорланиши) усулидан фойдаланиб, аслият ритми ва руҳиятини бузиб юборган. Натижада эса когнитив диссонанс юзага келган. Онда-сонда учрайдиган ана шундай ҳодисалар таржимон масъулияти тўғрисида жиддийроқ фикр юритишга ундайди. Таржимон аслият гоёси ва мазмунини теран таҳлил қилиб, асар руҳиятини таржимада бериш йўллари излаши лозим. Шоир овози ҳамда услубини сақлаш уни юзага чиқарувчи асосий омилдир. Базида эса таржимонлар АТдаги шиддаткор руҳиятни таржимада акс эттириш учун аслият матнида учрамайдиган аллитерациядан фойдаланадилар. Аммо баъзида ху-

шоҳанглик яратилиши эвазига маъно ва мантиққа зарар етиши ҳам мумкин. Масалан, Ю.Шомансур Шекспирнинг 19-сонетини таржима килар экан, унинг вақт бешафқатлигидан норозилик ва унга нисбатан исённи ўзида жамлаган шиддаткор руҳда ёзилганлигини чуқур англайди ва ана шу руҳиятни таржимага кўчириш мақсадида қ товушига урғу бериб, уни кучайтиришга ҳаракат қилади ва имкон қадар қ ҳарфи билан бошланадиган сўзлар тизмасини шакллантиради:

*Шернинг панжасини қирқ, майли, замон,
Сугур қоплонларнинг қозик тишини.
Мавжудотларни кул қил майли қил тўзон,
Ўз қониди ёндир қақнус қушини.*

Бу таржима ҳақида Барот Бойқобилов шундай дейди: “Таржимон маҳорати шундаки, ҳеч ким ушбу сонетни рус тилидан қилинган таржима деб ўйламайди, балки ўзбек тилида ёзилган сонет сифатида қабул қилади... Чунки таржимон сонетнинг асл моҳиятини чуқур идрок этган ҳолда унинг бутун руҳиятини сақлаб қолади ва шекспирона куйлайди...”⁴⁷ Таржимон *Қирқ, қоплон, қозик, қил, қониди, қақнус, қуши* каби сўзлар орқали вақт билан мардонавор жангга шайланган лирик қаҳрамон руҳиятини таржимада қайта тиклайди.

Ю.Шомансур 19-сонетни русчадан ўгирган. Гарчи таржима аслиятга руҳият жиҳатидан мувофик бўлса-да, уни бутунлай адекват деб бўлмайди. Таржимада руҳият ва маъно уйғунлигини бирдек ушлаб туришнинг иложи бўлмаган. Бунга унинг аслият тилини билмаслиги ва русча таржимага асослангани сабаб бўлган бўлиши мумкин. Русча таржима муаллифи С.Маршак *Devouring Time, blunt thou the lion's paws* мисрасини *Ты притупи, о время, когти льва* тарзида ўгирган. Ю.Шомансур *Шернинг панжасини қирқ, майли, замон*, деб таржима қилади. Бир қарашда шернинг панжасини “қирқиш” ва “ўтмаслаштириш” ўртасида катта тафовут йўқ. Аммо вақт ғилдираги айланаверар экан, бир кун келиб у ваҳший шернинг панжаларини қирқмайди, балки тирноқларни ўтмаслаштиради, мустаҳкам тишларини тўқади ва ёшлигидаги шафқатсизлик аста-секин сўниб боради деган мантиқий мулоҳазани ҳисобга олиш лозим. Мисрада *ўтмаслаштир* сўзи ўрнига *қирқ* қўлланган. Руҳият ва оҳанг яратилш мақсадида ғоя ва маъно бой берилган. Албатта,

⁴⁷ Бойқобилов Б. Сонет мулкига саёҳат // В.Шекспир. Сонетлар / Русчадан Ю.Шомансур таржимаси. Т.: Адабиёт ва санъат, 1978. Б. 181.

Ўзбек тилидаги таржимага *ўтмаслаштир* сўзини киритиш, шубҳасиз, оҳанг ва руҳиятга путур етказган бўлар эди. Агар таржимон аслият матни билан иш кўрганда эди, бу сўзни вазифавий эквиваленти билан алмаштириб руҳ ва маъно уйғунлигига эришган бўлар эди. Мазкур сонетни аслиятдан таржима қилган Жамол Камол айнан шундай йўл тугган (*Шернинг тирноғини синдир, эй замон!*). Жамол Камол шеърдаги жарангдор оҳанг ва исёнкор руҳни сақлаб қолиш мақсадида аслиятдаги *ўтмаслаштир* сўзини *синдир* сўзига алмаштиради. Мазмунни йўқотмаслик учун эса *панжа* сўзини *тирноқ* сўзи билан ўзгартиради. Натижада аслият мазмуни ва руҳияти тенг равишда таржимада ўз аксини топган. Аллитерация инглиз адабиётида асосан мақолларда, асарларнинг номланишида кўплаб учрайди: *Sense and Sensibility* (J. Austin), *Pride and Prejudice* (J. Austin) *The school for Scandal* (Sheridan).

Ассонанс – унли товушларнинг такрорланиши. Айнан бир хил ёки оҳангдош унли товушларнинг муайян мисра, банд, шеър давомида тез-тез такрорланиши “ассонанс” дейилади⁴⁸:

*Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур
Не ажабким сарвинозим ўн саккиз ёшиндадур,
Деса бўлгайким яна ўн саккиз йил ҳусни бор
Ўн саккиз ёшинда шунча фитнаким бошиндадур.*

Бу ғазалда ў, и, о унли товушлари кетма-кет такрорланиб келиб ғазалнинг жарангдорлиги ва такрорланмас оҳангини яратган.

Ассонансда фақат бир унлининг такрори ҳам кузатилиши мумкин:

*Олти ойга олма отар Ойбодом
Ойботарда йиглаб ётар Ойбодом
Ойқизларнинг ойпариси Ойбодом... (Э.Шукур)⁴⁹*

Инглиз шеъриятида баъзида аллитерация ва ассонанс бир-галикда қўлланиши мумкин. Масалан қуйидаги тез айтишда [p] ундоши, [i] ва [e] товушлари такрори кузатилади:

*Peter Piper pickled a peck of pickled pepper
A peck of pickled pepper Peter Piper picked.
If Peter Piper pickled a peck of pickled pepper
Where is a peck of pickled pepper Piter Piper picked?*

⁴⁸ Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. Т.: Ўқитувчи, 1995. Б.180.

⁴⁹ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева А. Адабиётшунослик терминлари луғати. Т.: Фан, 2010. Б. 39.

Бу тез айтишда [p] товуши 35 марта, [i] 29 марта, [e]14 марта такрорланган. Мазкур товушларнинг такрорланиши тез айтишда қувноқ хушоҳанглик кайфиятини уйғотади.

Ономатания – товушга тақлид қилиш. Шеъринг ва насрий асарларда маълум товушларга тақлид сифатида баъзи товушлар бирикмалари қўлланади. Масалан: ding-dong, ping-pong, chukoo ва ҳхз каби.

*Here the sledges with the bells, silver bells,
What a world of merriment their melody fortells,
How they tinkle, tinkle, tinkle
In the icy air night...*

(E.Poc)

10. ГРАММАТИК КАТЕГОРИЯЛАРНИ БЕРИШ

Бадий таржимада энг кўп учрайдиган ҳодиса бу – грамматик номувофиклик муаммосидир. Инглиз ва ўзбек тилларида грамматик категорияларнинг 1) табиий номувофиклик; 2) сунъий номувофиклик каби икки типи мавжуд. 1-типта грамматик номувофикликнинг 3 тури (морфологик номувофиклик, синтактик мувофиклик ва синтактик қисман мувофиклик каби турлари) учрайди. Табиий номувофикликни бир оилага мансуб бўлмаган икки тилдаги грамматик категориялардаги ўзаро фарқ (Масалан, туркий тиллар ва славян тиллари) юзага келтиради. Сунъий номувофикликни воситачи тил таржимони (эътиборсизлик оқибатида) юзага келтиради.

1. Табиий номувофиклик. Инглиз ва ўзбек тилларини қиёслайдиган бўлсак икки тилдаги грамматик категориялар морфологик ва синтактик номувофикликни келтириб чиқаришини кузатиш мумкин. Масалан, инглиз тилидаги кишилик олмошлари ўзбек тилида суффикслар орқали ифодалаб берилиши мумкин.

My book - менинг китобим

Your book - сенинг китобинг

His book - унинг китоби

Инглиз тилдан таржима жараёнида олмошлар ўрнини суффикслар эгаллаши табиий номувофиклик ҳисобланади. Бир морфологик бирлик ўрни суффикс орқали тўлдирилади ва таржима

меъёри сақланади. Аммо инглиз тилида ўзбек тилида таржимаси йўқ бўлган тасодифий номувофик сўзлар учрайдики, уларни таржимада беришда ҳам суффикс ҳам кишилик олмоши бирдек ишлатилиши натижасида сўзлар миқдори мувозанати бузилиши мумкин. Масалан:

My pet – менинг севимли жониворим.

My sweet heart – менинг севикли ёрим

My rep-pall – менинг хат ёзишадиган ўртоғим

Шеърый асарлар таржимасида номувофикликнинг бу тури ритм бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Табийй номувофикликни сўзларнинг синтактик тузилишида ҳам кузатилиши мумкин. Бунда икки тилдаги гапларнинг синтактик тузилиши бутунлай мувофиқ келиши мумкин: He played – у ўйнади (шахс, сон ва замонда мослашув), қисман мувофиқ келиши: House plan – уй плани (таржимада қаратқич келишиги кўшимчаси мавжуд) ёки умуман, мувофиқ келмаслиги (I have not any papers for you – Менда сизга бирорта ҳужжат йўқ (таржимада кўплик кўшимчасининг тушиб қолиши).

Грамматик категориялар мувофиқлиги лингвистик адекватликни таъминлашда муҳим компонентлардан бири ҳисобланади. Аммо икки тил орасида грамматик категорияларнинг номувофиқлиги кўплаб топилади. Масалан, ўзбек тилидаги кўзойнак сўзи инглизчага glasses, қайчи сўзи эса scisers деб, пиёз сўзи onions деб кўплик формада таржима қилинади. Масалан, қуйидаги гап таржимасида кўплик катеориясисиз ҳам кўпликдаги отларни тушуниш мумкин: He went out, leaving the five copper coins on the table / У беш дона мисс тангани столчада қолдириб чиқиб кетди.

Ўзбек тилида беш дона сўзининг ўзиёқ соннинг кўплик формасини ифодалайди ва дона сўзи билан кўплик кўшимчаси бирга қўлланмайди.

The enemy's ears_ewerywhere (p.66). Эрнест Хеменгуэйнинг “Алвидо, қурол” асаридан олинган ушбу парчадаги ears рус тилида ушы деб берилса, ўзбек таржимони И.Ғафуров томонидан Душманнинг кулоғи ҳар ерда бор (Б.77) деб таржима қилинади. Сабаби, инглиз тилида кўплик категориясида қўлланувчи ears, eyes, eyelids каби сўзлар ўзбек тилига қулоқ, кўз, киприк тарзида таржима қилинади.

Шунингдек, инглиз ва ўзбек тилларидаги феъл замонлари категорияларининг бир-бирига номувофиклиги таржимондан хуш-ёрликни талаб этади. Масалан: *У ҳар шанба кинога борарди* жумласи *Every Saturday he went to the cinema* деб таржима қилинади. Ва **бормоқ** феъли ноаниқ замон шаклида ишлатилади. *When he had finished his work last night, he went to the cinema* гапида ноаниқ замонда ишлатилган **went** аниқ ўтган замон шаклида таржима қилинади: *Кеча кечқурун ишларини тамомлагач, у кинога борди*. Иккала гапда бир феъл икки хил таржима қилинмоқда. Инглиз тилида икки хил(род) яъни икки жинс вакилларига нисбатан бирдек қўллаш мумкин бўлган сўзлар мавжудки, уларни таржима қилишда таржима тилидаги от ясовчи қўшимчалардан фойдаланилади. Масалан: *writer*-адиб, адиба. Бу каби сўзларни ўзаро қиёслаш, рус тилига нисбатан ўзбек ва инглиз тилларида грамматик-семантик мувофиқлик кўпроқ учрашини кузатиш мумкин.

teacher	ўқитувчи	учитель, (учительница)
student	талаба	студент, (студентка)
cook	ошпаз	повар, (кухарка)
artist	санъаткор	артист, (артистка)

Кўриб турганимиздек, род категориясидаги номувофиклик инглиз ва ўзбек тилида бир мунча паст. Таржима жараёнида икки жинс вакиллари учун ишлатиладиган отлар қўлланганда таржимон кейинги контекстлардаги (he-his-him-himself ёки she-her-herself) каби олмошларнинг иштирокига қараб бу отларнинг эркак ёки аёл кишига нисбатан қўлланишини аниқлаб олиш мумкин.

2. Сунъий номувофиклик. Номувофикликнинг бу тури, асосан, воситачи тилнинг беминнат хизмати ҳосиласи ҳисобланади. Масалан инглиз тилидан рус тилига таржима қилинган бадиий асарларни ўзбек тилига таржима қилишда рус тилидаги мужской ва женский родда бир хил қўлланувчи сўзлар аслиятга грамматик номувофиқ жумлаларнинг ҳосил бўлишига ва образларнинг алмашиб кетишига фаол хизмат қилган.

Шекспир сонетларини рус тилидан ўзбекчага ўттирган Ю.Шомансур таржималарида ана шундай аслиятга грамматик номувофиклик кўплаб кузатилади. Масалан, 20-сонетнинг биринчи

ва иккинчи катренлари таржимасида аслият мазмуни ва оҳанги бир хил сақланган. Биринчи банд сонетнинг асосий мазмунини очиб берган бўлса, иккинчи бандда дўстга оид хислатларни, бир-бир санаб ўтиш натижасида воқеалар ривожлантирилади ва ўқувчини асосий муаммо сонетнинг кульминацияси томон етаклайди. Сонетдаги энг асосий нуқта – учинчи катрен ҳисобланади. Ўзбек тилидаги таржимада бир текисда кетаётган воқеалар ривожини ана шу кульминацион нуқтага келиб издан чиқиб кетган ва ўз мазмунини йўқотган:

*And for a woman wert thou first created;
Till Nature, as she wrought thee, fell a-doting,
And by addition me of thee defeated,
By adding one thing to my purpose nothing.*

Сўзма-сўз таржимаси:

*Сен азалдан аёллар учун яралгансан;
Токи табиат сенга улар билан бўлишни буюрган экан,
Мени сенинг висолингга етолмай мағлуб қилади
Ва мақсадларимни пучга чиқаради.*

Русчада:

*Тебя природа женщиною милой,
Задумала, но страстью пленена.
Она меня с тобою разлучила,
А женщин осчастливила она.*

(С.Маршак)

Ўзбекчада:

Зувалангни аёл қилиб қорган чоғ
*Табиатнинг ўзи ёнмиш мажнунвор.
Ўртамизга ташлаб айрилиқ, фироқ
Аёллар зотини этмиш бахтиёр.*

(Ю.Шомансур)

III банднинг **Зувалангни аёл қилиб қорган чоғ, табиатнинг ўзи ёнмиш мажнунвор** мисраларида адресат аёл киши эканлиги ҳақидаги фикр юзага келади. Аммо III банднинг сўнгги 2 мисраси, яъни **Ўртамизга ташлаб айрилиқ, фироқ аёллар зотини этмиш бахтиёр**ни ўқиб яна хайратланасиз, агар маҳбубага бағишланган бўлса, нега у билан айрилиш, аёллар зотини бахтиёр этади? Сўнгги иккиликда нима назарда тутилган? Таржима матнини ўқиган китобхон сонет ғояси ва у кимга бағишланганлигига мутлақо тушунмай, “Шекспирга тишим ўтмади шекилли?” дейиши ҳам ажаб эмас. Аслини олганда эса, бу сонет эркак кишига, яъни шоирнинг

дўстига аталган. Шекспир шеъриятида таржимонларни чалкашти-
рувчи ва асарнинг умумий ғоясидан узоқлашувга олиб келувчи бир
хусусият борки, бу маҳбуб образидир.

Шекспир назмидаги дўстлик, бизнинг халқимиз тушунчасидаги
дўстликдан бир мунча фарқ қилади. Бу дўстлик шу қадар ило-
хийки, шоир дўстини баъзида аёл зотидан устун кўяди. Шекспир
сонетларидаги дўст образи атрофида борадиган баҳслар шу қадар
қизгинки, баъзида “шоирда аёлга нисбатан эркак кишига кўпроқ
мойиллик бўлган” кабилидаги эҳтиمولлар келиб чиқади. Аммо
шоирнинг таржимаи ҳоли билан танишиш бу фикрларнинг куруқ
уйдирма эканлигини, бу каби тахминлар шоир лирикасидаги ру-
ҳият ва ғояни, шеърлардаги поэтик услуб ва бадиийликни тушун-
маслик оқибатида юзага келганлигини тасдиқлайди. Шоир ўз дўс-
тини шу қадар эъзозлайдики, унинг гулдёк умри аёллар билан
маишатбозликдан совурилаётганлигидан гина қилади. Дўстга
нисбатан илоҳий туйғуни сезиш, уни рашк қилиш, дўст учун жафо
чекиш ўзбек таржимони томонидан нотўғри тушунилган. Шекспи-
рона дўстликни Алишер Навоий талқинидаги дўстлик тушунчаси
билан такқослаш мумкин. Алишер Навоий кўп ўринларда дўст-
ларини “ёр” деб атаydi. Масалан, шоир яқин дўсти Шайхим
Сухайлийга “ёри азиз” деб мурожаат қилади. Навоий “*Ёр улдир-
ким, тили, кўнгли онинг бўлса бир, Ким тили ўзгаю кўнгли ўзга, ул
ёр эмас*” деб таъриф беради. Сонетнинг русча таржимасида худди
шу руҳият сақланган, рус ва инглиз тилларининг умумий лисоний
хусусиятларидан ҳисобланмиш род категорияси таржимада қўл
келган. Ўзбек таржимони эса, табиийки, асарнинг умумий ғоясидан
беҳабар равишда уни сатрости таржима қилади ва айрим ўрин-
ларда, баъзи русча сўзларнинг ўзбекча таржимаси асосий мазмун-
нинг очиб берилишида семантик жиҳатдан номутаносиб эканли-
гига унчалик эътибор бермайди. Масалан, рус тилидаги *Друзей
пленяет и разит подруг* мисраси, *Дўстларинг асиру дугоналар
лол тарзида* таржима қилинган. *Друзей – дўстларинг* бу тушунар-
ли ва аниқ таржима, аммо *подруг-дугоналар* лексик-семантик жи-
ҳатдан шеърдаги мазмунга мувофиқ келмайди. Сабаби, дугона
сўзини ўқиган ўзбек китобхони “сонетда аёл киши васф этилган”
деган фикрга келади. Инчунун, ўзбек адабий тилида аёл кишининг
ҳам дўсти, ҳам дугонаси бўлиши мумкин. Аммо эркак кишида

дугона бўлмайди. Рус тили шу жиҳатдан инглиз тили билан яқинки, *подруга* сўзини эркакнинг аёл ўртоғига нисбатан ишлатиш мумкин.

Рус таржимони асарнинг умумий ғоясидан келиб чикиб, аслиятдаги *Much steals men's eyes and women's souls amazeth.* (яъни эркакларнинг нигоҳида ва аёлларнинг қалбидасан, улар сенга қараб завкланади) мисрасини *Друзей пленяет и разит подруг* тарзида таржима қилган. Рус таржимони аслиятга мазмун жиҳатдан яқинлашган, аммо ўзбекча таржимада рус ва ўзбек тилларидаги номуносибликлар туфайли асардаги умумий мазмундан чекиниш содир бўлган. Учинчи банднинг биринчи мисрасида ҳам худди шу хато такрорланади: *Зувалангни аёл қилиб қорган чоғ* рус тилидаги *Тебя природа женщиною милой Задумала, но страстью пленена* нинг айнан таржимаси бўлиб, мазкур мисра рус тилида бутунлай бошқа мазмун касб этади, яъни - *аёл кишидаги назокат аммо ундан кучлироқ эҳтирос сенга табиат томонидан инъом этилган* каби маъно англашилади. Бу мисранинг аслиятдаги мазмунидан беҳабар ҳолатда русчадан сўзма-сўз ўгириш натижасида содир бўлган. С.Маршакнинг аслиятдаги умумий ғояни бошқа мисраларда очиб бериш ва оригинал нусхадан фарқ қиладиган тасвирий ифодаларни қўллашга уринган. Ўзбекча таржимада бунинг фарқига бормай эргашилгани маънонинг нотўғри чиқишига сабаб бўлган. Сўнгги иккиликдаги муаммонинг ечими эса тушунарсиз бўлиб қолган.

*But since she prick'd thee out for women's pleasure,
Mine be thy love and thy love's use their treasure*

Сўзма-сўз таржимаси: Табиат токи сени аёллар роҳати учун яратган экан, Севгинг меники севгингдан фойдаланиш севилиш уларники бўлсин.

Пусть будет так, но вот моё условие:

Люби меня, а их дари любовью (С.Маршак)

Майли шундоқ бўлсин, шартим шул сенга,

Уларни севгину, меҳр қўй менга (Ю.Шомансур)

Учинчи банд таржимасидаги чалкашлик оқибатида сўнгги иккилик қуйидагича мазмун касб этмоқда: Маъшуқа ўз дугоналарини севиши, аммо шоирга меҳрини бериши керак. Аслиятда эса шоир дўстига энг мақбул йўлни-аёлларни севиб, дўстдан ҳам кўнгил узмасликни уқтирган эди. Афсуски, сонет таржималарида бундай ҳолатлар талайгина:

Аммо ўтмишимни топиб сен – ёрдан,
 Қисматимни оқлаш учун тайёрман (30-сонет, 40-бет)
 Лойиқ сўз топмадим, сенга – ёримга,
 Пок ишқни қадрлаш бўлса гар мурод (26-сонет, 36 -бет)
 То сенинг ишқинг бор, ишқинг ёди бор, -
 Жамики шоҳлардан қудратлиман, ёр (29-сонет, 39-бет)
 Сени қандай қилиб мадҳ этай, қумрим,
 Ахир бир вужудмиз, бир жсонмиз икков (39-сонет, 51-бет)
 Сенинг қиёфангда кўриб ўзимни,
 Ёзга қиёслайман жсоним кўзимни (62-сонет, 78-бет)
 Бир эҳсондай экан ишқинг, ардогинг,
 Лойиқ хизмат билан қозонмабман, ёр (87-сонет, 105-бет)
 Дилбаримнинг қалбин тинглайман, холос,
 Қолган бутун борлиқ ўлик, беовоз (112-сонет, 134-бет)
 Бераҳмлиқ қилган бўлса дилбарим,
 Бу менга сабоқдир, тобланиб гамда (120-сонет, 142-бет)

Бундай ҳолатларда шеърый таржимада воситачи тил хизма-
 тидан умуман фойдаланмаган маъқул деган хулосага келасан,
 киши, Шекспирнинг 81-сонети таржимасида С.Маршак *Тебе ль
 меня придётся хоронить, Иль мне тебя –не знаю, друг мой
 милый; Твой образ не исчезнет за могилой* тарзида сонетда
 куйланган дўстга нисбатан қалбдан кечаётган ўй-фикрлар, ўлим ва
 умрбоқийлик ҳақидаги фалсафий қарашларини тўғри бера олган.
 Русча таржимандаги “мой друг” Ю.Шомансур таржимасида
 “дилдорим”га, твой образ” “рухсоринг” га айланиб кетган:

*Сен, балки, тупроққа кўярсан мени,
 Балки мен қолурман бўзлаб, дилдорим .
 Билмадим. Аммоки, умринг ипини
 Ажал узганда ҳам, ўчмас рухсоринг.*

Биз бу каби таржималарда аслият билан узоклашувнинг саба-
 бини фақат воситачи тилда эмас, балки таржимоннинг асар умумий
 ғояси ва муаллиф руҳияти билан яқиндан таниш бўлмаганида ҳам
 деб биламиз. Бу каби ҳолатни 19, 66, 62, 112, 120-сонетлар тар-
 жималарида кузатиш мумкин.

Таржимон Ю.Шомансур сонетларни ўзбекчага ўгира туриб,
 шоирнинг руҳияти ва ўша давр муҳити билан яқиндан таниш эмас-
 лиги ёхуд Шекспир сонетлари ҳақидаги тарихий хроникалардан
 беҳабарлиги сабабли айрим таржималарда турли чалкашликларга

йўл қўйган. Олима М.Бақоева С.Маршак таржималаридан воситачи сифатида фойдаланиш жараёнида нимага эътибор қаратиш лозимлигини куйидагича изоҳлайди: "С.Маршак таржималаридан фойдаланганда, жуда эҳтиёт бўлиш керак. Зеро, Маршакнинг қўпгина таржимонлардан ажралиб турадиган ўз ўгириш усули бор. У сўзлар, гаплар мутаносиблигига қўп ҳам эътибор бермай, матнни яхлит ҳолда рус тилига ўгирган. Маршак таржималарини диққат билан ўқисангиз, қизиқ бир ҳолнинг гувоҳи бўласиз: гап ва сўзларни аслият билан таққосласангиз, улар худди бошқа-бошқадек, лекин шеърни яхлит ҳолда идрок этсангиз, унинг аслиятга ҳар жиҳатдан мослигини ҳис этасиз. Бу услубдаги таржима ҳам ўзига хос нодир маҳорат. Аммо С.Маршак таржималаридан восита сифатида фойдаланганда, худди шу нарса аслиятдан йироқлашувга олиб келиши мумкин, чунки Маршак таржималарини иккиламчи тилда озгина бўлса ҳам бошқача талқинига йўл берилса, аслият услуги зидан чиқиб кетиши ҳеч гап эмас⁵⁰.

Яхши тасаввур қилиш мумкин, Ю.Шомансур Шекспир сонетларини ўзбекчага ўгириш чоғида аллақачон русча таржимада ўзгаришга учраган сонетлар вариантга асосланмасдан бошқа иложи ҳам бўлмаган. Шунинг ўзи учинчи тилга ўгириш ишларида аслиятдан узоклашишга кенг йўл очиб берувчи биринчи омилдир. Иккинчи салбий омил, бу – воситачи тилнинг таржима жараёнида учинчи тил учун етакчи тилга айланиб қолишидир. Бу жараёнда, таржимон кўшлаб тўсиқларга учрайди. Сабаби, лингвистик жиҳатдан ўзбек ва рус тили бир-биридан маълум ўлчовларда фарқ қилади. Рус тилидаги "род" категорияси инглиз тилига мос. Аммо ўзбек тилида бундай категория йўқ. Шу сабабдан таржимон баъзи сонетлар таржимасида аёл ва эркак образлари ўртасида чалкашиб кетади. Натижада, дўст образига бағишланган туркум сонетлар (яъни 1-126 гача) орасида маъшуқа образига бағишланган ва аслият билан умуман мос келмайдиган сонетлар таржимаси пайдо бўлган. Бевосита аслиятдан қилинган таржималарда юқоридаги каби нуқсонлар ўз-ўзидан барҳам топади.

Таржимада грамматик категорияларининг номувофиклиги (сунъий номувофиклик) аслият услуги, оҳанги, тасвирий ифодаларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Исталган таржимани

⁵⁰ Бақоева М.Қ. Англия ва АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърини таржима ва киёсий шеършунослик муаммолари. Филол. фанлари д-ри ... дисс. Т., 2004. Б. 34.

аслиятга яқинлик даражасини аниқлаш учун дастлаб АТ ва ТТдаги от, сифат, феъл ва равишлар сонини ўзаро қиёслаш натижасида таржимада мазкур сўз туркумига оид сўзларнинг камайиши кузатилса, мазкур таржимада образлар, тасвирий ифодалар, ва услуб бузилиши мавжуд бўлади. Матнни лингвистик таҳлил қилиш услуб бузилишига олиб келган омилларни аниқлашда қўл келади. Қуйида В.Шекспирнинг 3-сонети аслияти ва рус тилидан ўтирилган ўзбекча таржимани қиёслаб кўрсак. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, воситачи тил ёрдамида қилинган таржимани қиёсий анализ қилишда ўзбекча (рус тилидан ўтирилган) матн ва аслият матнини ўзаро чоғиштириш – бадий матн қонуниятларига зидлиги, ўзбекча таржимани у асос қилиб олинган русча таржима билан қиёслаш кераклигини тўла англаган ҳолда қуйидаги таҳлил усулини қўллаш мумкин. Юқорида айтиб ўтганимиздек, таҳлилдан мақсад воситачи тил орқали қилинган таржиманинг аслиятга адекватлик даражасининг дастлабки тапхисини қўйиш. Яъни қуйида таржимани таҳлил аспектига бўлиб аслиятга чоғиштирмасданок унинг қийматини аниқлашнинг оддий усулини кўриб ўтаемиз. Сатр ва мисралар парчаланиб таркибий қисмларга ажратилади ва уларнинг қиёсий сарҳисоби олинади. Гап қурилиши ва икки матн ўртасидаги лексик-семантик хусусиятларнинг бу тарзда таҳлил этилиши қоидадан мустасно бир ҳолат бўлиб, бу таҳлил воситачи тил ёрдамида қилинган таржималарнинг аслиятга нечоғлик адекватлиги ва асарни қайтадан таржима қилиш зарурати бор ёки йўқлигини анализ қилишда қўл келади. Ҳамонки, шартли мустаснога йўл қўйилар экан, яна бир “формал” уринишга журъат этилади. Сатр ва ундаги сўз туркумларининг тартиб рақамларини қайд этган ҳолда, умумий сонини сарҳисоб қилаемиз. Таҳлил жараёнида матнлар орасидаги семантик мувофиқликни аниқлаш учун ҳар бир сатрга аслиятнинг қисқача мазмуни илова қилинади:

I. 1. Look in thy glass and tell the face thou Viewest

Сўзма-сўз таржимаси: Ойнага қарагин ва ўзинг кўрган чехрага айт) Таржима: *Кўзгуда намоён ажиб титмослинг.*

2. Now is the time that face should form another

Сўзма-сўз таржимаси: Ана ўша чехра бошқа бирини яратиш пайти келди.

Таржима: *Шу кўркни қайтадан этмасанг пайдо*

3. Whose fresh repair if now thou not renewest

Сўзма-сўз таржимаси: Кимки ёш бўлса ва ҳозир ўз ёшлигини яна яратмаса.

Таржима: *Бузасан табиат берган камолин*

4. Thou dost beguile the world unbless some mother

Сўзма-сўз таржимаси: Дунёни алдаб, бирор онани (аёлни) унга берилган илоҳий қудратдан мосуво қиласан.

Таржима: *Аёлни ҳимматдан этасан жудо.*

II. 5. For where is she so fair whose unearned womb

Сўзма-сўз таржимаси: Қаерда у аёл гўзал саналади, агар у бепушт бўлса.

Таржима: *Масъум вужудини бағишлаб сенга,*

6. Disdains the tillage of thy husbandry?

Сўзма-сўз таржимаси: Сенинг рўзғоринг юмушларини назарига илмай бош тортса?

Таржима: *Қай дилбар қувонмас, топмас тасалло?*

7. Or who is he so fond will be the tomb

Сўзма-сўз таржимаси: Ёки шундайин аҳмоқ ким бор ўлиб кетадиган.

Таржима: *Мангуликни писанд этмайсан нега?*

8. Of his self-love, to stop posterity?

Сўзма-сўз таржимаси: Ўз кайфу сафосини деб авлодидан воз кечадиган.

Таржима: *Ўзингга шунчалар қўйдингми бино?*

III. 9. Thou art thy mothers glass and she in thee

Сўзма-сўз таржимаси: Сен (фарзанд) онанинг кўзгусисан у сенда.

Таржима: *Оналар кўзида ҳусну жамолинг*

10. Calls back the lovely april of her prime

Сўзма-сўз таржимаси: Ёшлигининг гуллаган сеvimли апрель ойларини қайта чорлайди (яъни ёдга олади).

Таржима: *Ўтиб кетган апрель кунлари мисол.*

11. So thou through windows of thine age shall see

Сўзма-сўз таржимаси: Сен ҳам шу ёшингда ўша деразадан кўрасан (яъни фарзанднинг кўзи)га боқиб.

Таржима: *Сенинг ҳам қаригач шу бўлур ҳолинг*

12. Despite of wrinkles this thy golden time

Сўзма-сўз таржимаси: Ажинли қиёфанг билан ўша олтин даврларингни.

Таржима: *Сенинг ҳам қаригач, шу бўлур ҳолинг.*

IV. 13. But if thou live remembered not to be

Сўзма-сўз таржимаси: Лекин сен эсланмасан яшасанг

Таржима: *Зеро ўтсанг умр қўшмай умрга*

14. Die single, and thine image die with thee.

Сўзма-сўз таржимаси: Ёлғиз ўл ва сенинг сиймонг ҳам сен билан бирга ўлади.

Таржима: *Сен билан чирийди ҳуснинг ҳам гўрда.*

Аслият ва ўзбекча таржима орасидаги сўз туркумларининг иштироки куйидаги формада берилади. Бунда 1-устун аслият, 2-устун таржима. Қавс ичида тушиб қолган сўз туркумларининг сони берилган.

- 1) 7:5(2) 5) 6:4(2) 9) 7:5(2) 13) 5:5(0)
2) 6:5(1) 6) 4:4(0) 10) 5:3(2) 14) 6:4(2)
3) 7:3(4) 7) 5:4(1) 11) 7:4(3)
4) 6:4(2) 8) 4:4(0) 12) 5:5(0)

Солиштирув натижасида ҳаммаси бўлиб аслиятда мавжуд 21 та сўз туркуми воситачи тил ёрдамида қилинган шеърый таржимада йўқлиги маълум бўлади. Куйида аслиятдаги сўз туркумлари умумий сонининг таржимада камайиб боришини жадвалда кузатамиз:

Сўз туркумлари	Аслият	Ўзбекча таржима
Noun (от)	22 та	11 та.
Verb (феъл)	17 та.	12 та
Pronoun (олмош)	29 та.	14 та.
Adjective (сифат)	8 та.	3 та.
Adverb (равиш)	1 та.	-
Preposition (предлог)	9 та.	-
Conjunction (боғловчи)	3 та.	-

Кўриниб турибдики, таржима жараёнида сўз туркумларининг миқдори камайиб кетган ва бу услубнинг бузилишига олиб келган. Ҳар бир қатордан 4-5тадан сўз туркуми тушиб қолган. Таъкидлаш жоизки, таржима жараёнида табиий номувофиклик ҳам кузатилади ва бу олмошларнинг тушиб қолишида намоён бўлади. Масалан,

инглиз тилидаги *thou* - сен олмоши ўзбек тилида феъл таркибида суффикс кўринишида келиши мумкин:

But if thou live remembered not to be

Таржимада эса:

Зеро, ўтсанг умр кўшмай умрга

Таржима жараёнида табиий равишда инглиз тилидаги *thou* олмоши ўтмоқ феъли таркибида келаётган **-са** (шарт майли ясовчи) + **нг** (шахс-сон) суффиксларининг қўшилишидан ҳосил бўлган – **санг** кесимлик кўшимчасига айланмоқда. Сўз туркумларининг қиёсий сарҳисобини олишда, инглиз тилидаги баъзи олмошларни ўзбек тилига ўтириш жараёнидаги формал жихатдан ўзгариб кетиши, яъни сўзнинг таржимада кўшимча кўринишини олиши эътиборга олинди ва бу кўшимчалар мустақил олмошлар қаторида ҳисобланди. Сунъий номувофиклик асосан феъл, сифат, равиш каби сўз туркумларининг тушиб қолишида намоён бўлади. Феълларнинг камайиб кетганлиги аслиятдаги воқеа-ҳодисаларнинг таржимада саёзлашувига, гап услубининг бузилишига олиб келса, сифатларнинг камайиб кетиши муаллиф томонидан ишлатилган ташбеҳларнинг камайишига олиб келади. Шейрий таржима жараёнида муаллиф услуби ва шейрнинг поэтик хусусиятларини очиб берувчи муайян сўз туркумлари мавжудки, таржима жараёнида уларни бой бериш адекватликнинг бузилишига олиб келиши ҳеч гап эмас.

Агар сонет ва унинг таржимасини синтактик таҳлил қилсак, таржиманинг ютуқ ва нуқсонлари янада яққол намоён бўлади. Бу сонет синтактик қурилишига кўра кўшма, содда ва ёйиқ гаплардан иборат:

1-банд: 2 та эргашган кўшма гап, 1 та мураккаб шарт эргаш гапли кўшма гап дан иборат.

1) Эргашган кўшма гап: Look in thy glass and tell the face – бош гап thou viewest – аниқловчи эргаш гап. Бу гапда the face – аниқланмиш.

1-қатордаги икки содда гап *and* (ва) боғловчиси ёрдамида бириккан

2) Эргашган кўшма гап: Now is the time – бош гап, *that*-боғловчи, face should form another – аниқловчи эргаш гап.

2-қатордаги эргаш гап бош гапга *that* олмоши ёрдамида эргашган.

3) Шарт эргаш гапни қўшма гап: Whose fresh repair if now thou not renewest, Thou dost beguile the world unblesse some mother.

Мазкур гапда 3- ва 4- қаторлар *if* (агар) сўзи орқали ва боғланиб турибди. Бу иккала қатор битта мураккаб қўшма гапни ташкил этган бўлиб, уларни ажратиш мумкин эмас. Улар қуйидаги таркибий қисмларга бўлинади:

Шарт эргаш гап: If now thou not renewest

Аниқловчи эргаш гап: Whose fresh repair;

Тўсиқсиз эргаш гап: Thou dost beguile the world

Бош гап: Unblesse some mother.

Таржимада биринчи мисрадаги 1 та боғловчисиз боғланган қўшма гап 1- мисрани 2-, 3-, 4- мисралар билан ўзаро маъно жиҳатдан боғламоқда:

1. Кўзгуда намоён ажиб тимсолинг,
2. Шу кўркни қайтадан этмасанг пайдо.
3. Бузасан табиат берган камолин,
4. Аёлни ҳимматдан этасан жудо.

Шекспир сонетларини бошқа шоирларнинг сонетларидан икки белги орқали ажратиб олиш мумкин. Бу гапларнинг мураккаб қурилиши ва уларнинг сонет қондасига хос қофияланиши билан боғлиқ. Қоидага асосан: 1 ва 2, 3 ва 4, 5 ва 6, 7 ва 8 ва ҳоказо мисралар кетма-кетликда қофияланиши ва маъно жиҳатдан боғланиши шарт. Аммо 2 ва 3, 6 ва 7 мисраларининг ўзаро қофияланиши ёки шунга ўхшаш боғланишлар, шу бандлардаги гап бўлақларининг бошқаларига ўтиб кетиши сонет қондасига зид ҳисобланади ва бундай кўринишдаги сонетлар умуман учрамайди. Аммо таҳлил этилаётган сонет таржимасида 1-бандга 2-3-4 бандлар боғланган. Бундай эътиборсизлик рус тилидаги таржимада ҳам кузатилади:

1-банд:

1. Прекрасный облик в зеркале ты видишь,
2. И, если повторить не поспешишь.
3. Свои черты, природу ты обидишь,
4. Благословенья женщину лишишь.

2-банддаги тўлдирувчи 3-бандни бошлаб бермоқда.

Таржимада бу каби камчиликлар билан бир қаторда аслиятга стилистик адекват ўгирмалар ҳам учрайди масалан мазкур сонетнинг тўртинчи банди таржимасида аслиятдаги гап қурилиши сақлаб қолинган.

4-банд таржимасининг гап қурилишида аслиятга адекватлик мавжуд.

1 та шарт эргаш гапли қўшма гап:

But if thou live remembered not to be

Die single and thine image dies with the

Шу банднинг таржимаси:

Зеро ўтсанг умр қўшмай умрга,

Сен билан чирийдди ҳуснинг ҳам гўрда.

Таржиманинг гап қурилиши аслиятга мос шарт эргаш гапли қўшма гапдир.

Юқорида таҳлилларнинг натижасида айтиш мумкинки, услуб, гап қурилмасининг ўзгариб кетишга таъсир кўрсатувчи омиллар кўп. Таржимада лингвистик ёндашув ҳам шоирнинг услубини сақлаб қолишга имконият беради. Воситачи тил орқали қилинаётган таржимада буни амалга оширишнинг имкони йўқ. Шундай экан, бевосита таржима – ўзбек таржимачилик соҳаси ривожини таъминловчи ягона йўлдир. Юқорида кетма-кетлик билан аслият ва ўзбекча таржима матни қиёслар эканмиз, қуйидаги хулосага келиш мумкин: биринчи банд таржимасида сўзлар сони аслиятдагидан кам. Албатта, таржима жараёнида табиий омиллардан ҳисобланмиш инглиз тилидаги олмош ва предлогларнинг мустақил сўз сифатида ишлатилиши ва ўзбек тилида қўшимча кўринишида берилиши ҳам бунга сабаб бўлиши мумкин. Аммо рус тилининг таъсири шу қадарки, у инглиз тилидаги баъзи бир сўзларнинг грамматик тўғри таржима қилинишига йўл қўймаган. Масалан, биринчи мисра рус тилига: *Прекрасный облик в зеркале ты видишь* деб таржима қилинган. Аслиятда *look- қара- смотри* таржимада - *видишь* га айланган. Шундоқ ҳам ўзгариб бўлган бу сўзни ўзбек таржимони – *намоён* деб келтиради. Натижада эса, аслиятдаги *Look in the glass* (Кўзгуга боқ) мисраси ўзбек тилига *кўзгуда намоён* тарзида ўгирилади. *Look* сўзи аслиятда гапга буйруқ оҳангини берган эди, ўзбекча таржимада эса дарак гапни яшашга хизмат қилган. Ушбу бандни аслиятдан бевосита ўгирган Жамол Камол *Кўзгуга кўз солиб сувратингга* боқ деб таржима қилар экан, муаллиф услуби ва гапнинг мақсадга кўра тури – буйруқ оҳангини таржимада қайта яратишга муваффақ бўлади. Шекспир шеърларидаги ўзига хос юксак ифода услуби шундаки, у оддийликдан қочади. Масалан, юқоридаги мисрани шоир оддийгина қилиб: *Сенинг фарзанд кўрадиган*

вақтинг бўлди деб қўя қолиши мумкин эди, аммо Шекспир бундай қилмайди бунга икки нарса йўл қўймайди: 1. Оддий услубдан қочиш; 2. Дўстни аяш. Биринчи сабаб тушунарли, агар Шекспир гап қурилишини бошқача услубда тузганда эди, унинг ижод намуналари абадиятга дохил бўлмасди балким. Шоир Шекспирнинг поэтик услубининг шаклланишида драматург Шекспирнинг хизмати катта. У ўз шеърларида ҳам гўёки режиссёрга айланади, яъни воқеалар сценарийсини тузади: *Кўзгуга кўз солиб сувратингга боқ; Энди бу тимсолни такрорлаш лозим (Ж.Камол таржимаси)* сингари. Иккинчи сабаб, у ўз дўстига бўлган ҳурмати шу қадар юқорики, у дўстининг кўнглини қолдиришдан, кўнглига дарз етишидан чўчиган. Ҳатто ҳақиқатни ошкор этишда ҳам дўстга чексиз ҳурмат билан муомала қилган. Яъни дўстни тўғри йўлга бошлаш мақсадида уни ўз-ўзига танқидий баҳо беришга ва хатосини англашига ундаган. Бу ўринда таржимоннинг ишини “лексик трансформациялардан **тушириб қолдириш** методини қўллагандир балки” деб оқлаб бўлмайди чунки **тушириб қолдириш методи** қачонки, аслиятдаги услуб бузилмаслиги аниқ бўлганда ва **содда нутқни яратиш** мақсадида қўлланади ва асосан, уюшиқ бўлақлардан бири, боғловчилардан бири, ўзлик олмошларидан бирини тушуриб қолдирилиши билан амалга оширилади. Аммо феълларнинг тушириб қолдирилиши ва мумтоз юксак услубнинг бузилишини “таржима трансформацияси” деб атаб бўлмайди чунки трансформацион методларининг вазифаси аслиятдан узоқлашув эмас балки яқинлашувдир. Сонетнинг иккинчи катрени русча таржимасидаги ўзгартириш ўзбек тилида ҳам маъно ва услубнинг бузилишига сабаб бўлган. Иккинчи банднинг *For where is she so fair whose unequalled womb* (Бепушт аёл қачон гўзал саналган) мисраси русчага – *Какая смертная не будет рада* деб таржима қилинган. Муаллиф кўзлаган мақсад, яъни – фарзанд кўрмайдиган аёлни гўзал деб бўлмаслиги русча таржимада учрамайди. Бундан хабарсиз ўзбек таржимони ушбу мисрани *маъсум вужудини бағишлаб сенга* деб таржима қилган. Шекспир поэзиясидаги гўзал аёл бу – болажон аёл, рўзгор хизматларини жону дилдан бажарувчи қишлоқ аёли. Аслида Шекспир дунёқарашини ўзбекона дунёқараш, яъни халқимизнинг аёлни болажонлиги, оёқ-кўли чакқонлиги учун улуғлаши ва баҳолаши билан уйғун эди-ку. Агар таржимон бевосита таржима қилганда буни муваффақият билан ифодалаган бўларди. Рус

таржимони С.Маршак рус менталитетидан келиб чиқиб, рус китобхони учун “ҳазм” бўладиган таржима яратгани учун уни айблаб бўлмайди. Бироқ, Маршак таржимасида *Disdains the tillage of thy husbandry* (рўзгоринг юмушларидан бош тортадиган) *Or is he so fond will be the tomb; Of his self – love to stop posterity?* (Ёки ким у аҳмоқ, ўз севгиси учун авлодини тугатишга йўл кўядиган, яъни фарзанд кўришни хохламайдиган хотин билан яшаб ўтадиган) мисралари русча таржимада ўз маъносини йўқотган:

Какая смертная не будет рада

Отдать тебе не тронутую новь?

Или бессмертия тебе не надо-

Так велика к себе твоя любовь?

Кўриниб турибдики, рус таржимони умумий мазмундан келиб чиқиб гаплар маъносини ўта ихчамлаштириб юборган. Бунга эса русча дунёқараш сабаб бўлган. Натижада эса шеър ўзининг аслиятдаги таъсирчанлигини йўқотган. Рус дунёқарашига ёт бўлган бу сонет аслиятдан ўзбек тилига таржима қилинганда эди, шубҳасиз ўзбек китобхони Шекспир дунёқарашини кўп жиҳатдан ўзбекона эканлигини кўрган бўлар эди.

Шундай қилиб, матнни лингвистик таҳлил қилиш шеърини таржима ишларида дастлабки босқич бўлиши адекват таржима яратишнинг муҳим заминидир. Бевосита оригиналдан ўтирилаётган матннинг бошқа тилларга, жумладан, рус тилига қилинган таржимаси устида танқидий қиёсий таҳлил ўтказиш ўзбекча таржиманинг адекват чиқишига амалий кўмак беради. Аммо баъзи таржимашунослар ишида таржиманинг грамматик муаммолари таҳлил қилинганда таржимон ишига нообъектив ёндошувни кузатиш мумкин. Масалан, Раҳимжон Каримов ўз тадқиқотида Бобурнинг машхур ғазали матлаъси таржимасини куйидагича таҳлил қилади:

“Чархнинг мен кўрмаган жабру жафоси қолдимۇ?

Хаста кўнглум чекмаган дарду балоси қолдимۇ?

Лейден-Эрскин таржимаси:

(Turki)- There is no violence injury of fortune that

I have not experienced;

This broken heart has endured them all. Alas!

Is there one left that I have not encounterd ?

Ўзбекчаси: *Омаднинг ҳеч қандай ёвузлик ва жароҳатларин мен тажрибада кўрмадим.*

* *Бу шикаста юрак уларга чидади. Афсус! Мен ҳисобга олмаган яна биттаси қолганмиди?*

Лейден-Эрскин таржимаси ҳам асосий матн мазмунидан анча узоқлашган ва натижада шеърдаги асосий ғоя инглиз ўқувчиларига асл нусха ҳолатида етиб бормаган⁵¹”. Тадқиқотчининг мазкур матлаънинг инглизча таржимасига берган юқоридаги тавсифида бироз чалкашлик бор. Лейден-Эрскин таржимаси:

*There is no violence injury of fortune that
I have not experienced;*

Кўриб турганимиздек, инглизча таржимада инкор маъносини берувчи икки сўз иштирок этган: – *no* (инкор; “йўқ”, “ҳеч қандай” маъноларида ишлатилади) ва феълга инкор маъносини берувчи – *not* юкламаси. Гапдаги икки инкор жумла маъносини тубдан ўзгартиради. Агар *to have experience* (тажрибада ўтказмоқ) феъли олдидан –*not* юкламаси олиб ташланса, *There is* оборотидан кейин келган *no* инкори, тадқиқотчи таржима қилгани каби мазмунни берар эди, чунки бу инкор гапнинг иккинчи қисмидаги феълга ҳам тегишли.

*There is no violence injury of fortune that
I have experienced;*

Аммо гапда –*not* юкламаси борлиги туфайли бу шеър мазмуни куйидагича бўлган:

Омаднинг ҳеч қандай ёвузлик ва жароҳатлари йўқки,

Қайсики, мен тажрибамда кўрмаган бўлсам (яъни шоир демокчи бўлганидек, ҳаммасини бошдан кечирганман). Албатта, тадқиқотчининг ишида ҳолис ёндашув ва илмий асосланган ҳулосалар талай, бу ишдаги таҳлиллар нотўғри деган фикрдан йироқмиз, аммо майда чалкашликлар сабаб таржимада адекватликка эришган таржимон меҳнати қадрининг пасайиши нотўғри таҳлилинг оқибатида юзага келиши таржимашунослик фани учун маъқул ҳолат эмас. Зеро, таржимашунос олим Ғайбулла ас-Салом деган эди: “...таржимонда ёзувчи ва танқидчи, актёр, рассом, бас-такор ва олим меҳнатидан нимадир бор. Бу шундан иборатки, таржимон лингвист бўлиб лисоний манбани таҳлилдан ўтказди, актёр сингари бировнинг қиёфасига киради ва айни вақтда ўзлигини сақлайди, ўзи ўгираётган нарсага ва, айниқса, ўз меҳнатига тан-

⁵¹ Каримов Р. “Бобурнома”даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили: Филол. фанлари номзоди ... дисс. Т., 2003. Б. 47-48.

қидий назар билан қарайди, таржима қилинаётган аслиятни яхлит ҳолда ҳамда бўлақларга бўлиб бир неча маротаба (керакли жойда овоз чиқариб!) ўқийди, “ўлик” матн орасидан муаллифнинг жонли сиймосини ва қалбини кидиради. Хуллас, гап орқасидан қувмайди, балки маъно, куй, оҳанг, бўёқ излайди”. Шундай экан, заҳматлар эвазига ўтирилган асарлар таржимасига объектив баҳо бериш, “зар қадрини” билган заргарларга хос ишдир.

Таржимашунос олим Иброҳим Ғафуров ўз мақоласида шундай дейди: Ўн йилдан бери “Жаҳон адабиёти” журнали чиқади. Қанчадан-қанча жаҳон адабиётининг жуда қимматли намуналари ўзбек тилига ағдарилди. Лекин уларнинг таҳлили йўқ⁵². Ҳақиқатдан ҳам таржима таҳлили ва танқиди қилинажак таржималарга услубий йўриқ вазифасини ўтайди. Бир асар таржимаси таҳлилининг матбуотда эълон қилиниши, ундаги камчиликларининг очиб берилиши натижасида таржимонлар қайта-қайта ўша асарни таржима қилиб мукамал таржима вариантларини яратганликлари бизга тарихдан маълум. Таржима таҳлилида адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан бирдек ёндошув яхши самара беради. Аммо бугунги кунда “таржима таҳлили ва танқиди” мактаби етарлича шаклланмаган. Таржималарнинг аслиятга яқинлиги кўп жиҳатдан грамматик категорияларнинг мувофиқлиги, бадий яқинлик, оҳанг ва маъно уйғунлиги билан боғлиқ. Таржимада сунъий номувофиқлик асосан воситачи тил орқали амалга оширилган таржималарда кўпроқ кузатилади. Грамматик категорияларнинг номувофиқлик даражасини аслиятдан таржима қилиш йўли орқали бартараф этиш мумкин.

11. ОҲАНГ, ҚОФИЯ ВА ВАЗНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ

Шеър руҳини таржимада акс эттириш, биринчи навбатда, аслият оҳангини адекват ифодалаш билан боғлиқ. Оҳанг, маълумки, ритм орқали юзага чиқади. Ритм адекватлиги эса, таржимачилик ишидаги энг мураккаб жараёндир. Инглиз силлабик ва ўзбек шеъриятидаги бармоқ вази бир маънога эга бўлса-да, ритмикаси орасида катта фарқ бор. Бу ўзбек ва инглиз фонетикаси билан боғлиқ

⁵² Ғафуров И. Таржимада аниқлик керак эмасми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Т., 2010. № 8. Б.3.

бўлиб, ўзбек тилида ургуниги ўтроқлиги, англиз тилида сўз ургуни кўчувчан бўлгани сабабли силлабик тизимдаги шеърлар мисраларида ургулар ва пауза ўзбек тилидагидек тартибга бўйсунмайди. Шу боис англиз ва ўзбек бўғин тизимларидаги шеърлар ритми ва таъсири ўзаро мутаносиб эмас, таржимада бу тизимлар бир-бирининг ўрнини боса олмайди. Олиманинг фикрича, англиз классик ритмини ўзбекча таржимада ҳамма вақт ҳам қайта яратиш мумкин эмас. Айниқса, икки бўғинли стопалар (ямб, хорей) ва уч бўғинли стопалар (анapest, амфибрахий, дактиль)дан ташкил топган вазнларнинг ички фарқини, яъни ямб ва хорей ёки анapest, амфибрахий ва дактиль мисралари ритми орасидаги фарқни ўзбек тилида қайта тиклаш қийин. Шундай бўлса-да, унга яқин оҳангни яратиш мумкин⁵³. Аммо ўзбек мумтоз шеърини намуналарини англиз тилига қандай таржима қилиш мумкин? Арузда ёзилган ғазал англиз силлабик-тоник шеърини системасидаги бирор бир вазнда таржима қилинса, ўзининг мусиқийлиги ва таъсирчанлигини йўқотади. Сабаби, ҳижоларниги чўзиқ-қискалиги асосида шакллантирилган арузий рикн англиз стопасига умуман мос келмайди. Унда Навоийнинг буюк сўз санъаткори эканлигини англиззабон халқларга кўрсатиш ва асарларининг англиз китобхони томонидан севиб ўқилишига қандай эришиш мумкин? Навоий ғазалиётини арузсиз тасаввур қилиш, мусиқийликдан холи таржимасини англизларга тақдим этиш қутилган натижани бермайди. Л.Кметюк томонидан амалга оширилган *Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади* мисраси билан бошланувчи ғазал таржимасида формал жиҳатларга эътибор қаратилган бўлса-да, оҳангга аҳамият берилмаган. Эркин шеърга айланган ғазал ўзининг жозибасини йўқотган. Ушбу “Келмади” радибли ғазалнинг англизча таржимасида *did not come*, яъни *келмади* феъли ўтган замон инкор формасининг такрорланиб келиши натижасида радиф қайта яратилган:

Though she had promised, that night my willowy beauty did not come,

That night, till the very dawn, sleep did not come.

My suffering drove me to scan the road again and again,

But though my heart was about to break, the frolicsome one did not come.

Кўриниб турибдики, англизча таржимада радифдан олдин келувчи кофиядош сўзнинг ўзи йўқ. Ғазалдаги мусиқийликни

⁵³ Бақоева М. Англиз ва АҚШ адабиётидан ўзбек тилига шеърини таржима ва қиёсий шеършунослик муаммолари: филол. фанлари д-ри ... дисс. Т., 2004. Б. 131.

таъминловчи узун-қисқа бўғинлар нисбатига риоя қилинмагани сабабли оҳанг таржимага кўчмаган.

Европа сонетларининг қатъий шакли уларни таржима қилувчилар учун асос бўлган ва шунинг натижасида чет тилларига таржима қилинган сонетлар ўз вазни ва қофияланишига эга. Албатта, ғазаллар бу жанрдан фарқли ўларок, турли шароитда ўсиб-ўзгариб боровчи хусусиятга эга. Аммо унинг ўзгармас формал хусусиятлари борки, чет тили, хусусан, инглиз тилига мазкур қонуниятларга риоя қилган ҳолда таржима қилиниши, инглиз мутаржимлари учун ғазал жанрини тўғри тушунишга ёрдам беради. Аруз вазни инглиз халқига батамом бегона оҳангга эга бўлгани туфайли охириги даврларгача арузда ёзилган шеърни инглизтилли халқлар қабул қилмайди, деган фикр мавжуд эди. Бироқ бугунги даврда инглиз тилида яратилган ғазалларнинг пайдо бўлаётгани туркий адабиётни тарғиб этишга яхши замин тайёрламоқди. Америка ғазалнавис шоирлари ижодини ўрганиш шуни кўрсатадики, инглизча ғазалларда жанрий талабларга структурал жиҳатдан тўлиқ амал қилинади: қофия ва радиф, бўғинлар миқдори, тахаллус қайди ва энг асосийси, лирик оҳанг таъминланади. Буни Диана Аверил қаламига мансуб ғазалда ҳам кўриш мумкин:

Sleep of Leaves

In fall woods-water, a woman tastes sleep of leaves

Father's green death – eyed closed in a waste:

sleep of leaves.

Like koi, the red-gold of maples swims in wet grass.

She wishes fish would not be in haste: sleep of leaves.

Her baby's sweat smells of milk: rain clings to the fern.

Nursing, baby curves into the chaste sleep of leaves.

Seed-winds play with her baby's dandelion

Seed-play can't reach her father's hair encased sleep of leaves.

Absorbed in poems, her baby's cry pulls her out.

Diane can't live long in the laced sleep of leaves.⁵⁴

⁵⁴ Ravishing disunities. Edited by Agha Shahid Ali. Real English ghazals. New England Hanover and London.: Wesleyan University Press, 2000. P.20.

Ҳазалда арузнинг қатъий қоидаларига риоя қилинмаган бўлса-да, арузий оҳанг таъминланган. Инглиз ғазалларининг барчасида шу ҳолатни кўриш мумкин. Демак, бундан хулоса қилса бўладики, инглиз тилидаги жумла тузилиши ва грамматик қурилмаларнинг аруз қоидаларига бўйсунмаслиги туфайли аруз вазнини инглиз тилида тўлиқ қайта яратиш мумкин эмас. Аммо арузий оҳангни таъминлаш мумкин. Таржимон Л.Кметюкнинг навбатдаги таржимасида арузий оҳангни беришга бўлган кучли интилишни кўриш мумкин:

Ҳазал⁵⁵:

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум санго,

Не балолиғ кун эдиким ошно бўлдум санго.

Ҳар неча дедимки, кун-кундан узай сендин кўнгил,

Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санго.

Ҳазрат Навоийнинг "...бўлдим санго" радифли ушбу ғазалидан парча арузнинг рамал баҳрида ёзилган бўлиб, уни ўз рукни (фоилотун, фоилотун, фоилун) бўйича ўқилганда, ғазалдаги ҳижоларнинг чўзиқ-қисқалиги аниқ эшитилади.

Таржима:

Dreaming of your beauty has wasted me away,

What an unfortunate day that was when I fell in love with you.

How many times, day in day out, did I tell myself to forget you,

But alas, from day to day ever more and more I love you.

Л.Кметюк мазкур ғазални инглиз тилига таржима қилар экан, дастлаб арузий оҳангни яратишга ҳаракат қилган. Ҳазалнинг биринчи мисраси таржимасида бунга эришган ҳам. Шартли равишда бу мисрани қуйидагича аруз ҳижоларига ажратиш мумкин:

Dreaming of| your beauty| has wasted| me away,

-V - - -V - - -V - - -V -

Инглизча *Dreaming* сўзидаги биринчи бўғиннинг чўзиқ ўкилиши, бу бўғиннинг арузда бир чўзиқ ва бир қисқа (-v) ҳижога ажратиш имкониятини берган. Шунингдек *your* сўзидаги *r* ундоши ўқилмасдан *йо* товушининг чўзиб ўкилиши, бу сўзни ҳам бир чўзиқ, бир қисқа (-v) ҳижода ифодалаш имконини беради. *Beauty-*сўзидаги *у* тактеънинг охирида келгани учун чўзиқ (-) ҳижода талаффуз этилиш имкониятини берган. Яна бир муҳим жиҳат, инглиз китобхонининг бу таржимани қандай интонацияда ўқишини эъти-

⁵⁵ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. Т.: Фан, 1988. Т.3. Б. 37.

бордан четда қолдирмаслик лозим. Агар китобхон табиий равишда бу таржимани инглиз силлабик-тоник системасига татбиқ этиб, урғули ва урғусиз бўғинларнинг алмашинувига мувофиқ ритмга солиб ўқиса, ғазал оҳангини мутлақо ҳис этмайди. Чунки бир инглиз стопаси аруздаги рукн тақтеси сингари маълум урғули турокдан кейинги турокчага бўлган бўғинларни ўз ичига олмайди, яъни бир стопада кетма-кет урғу олган бўғинлар учраши ҳам мумкин.

Бир мисранинг арузга гушиши қолган мисраларда ҳам шундай муваффақиятга эришиш мумкин дегани эмас экан:

What an unfortunate day that| was when I| fell in love| with you.

- V - - - V - - - - - - - V - - - -

How many times, day in day| out, did I| tell myself| to forget you,

- V - - - V - - - - V - - V - - - - V - -

But alas, from| day to day| elver more and more I love you.

- V - - - - V - V - - - - - - - -

Кўриниб турибдики шеърый вазндаги оҳанг, ритм ва қофияланиш бузилган. Бунга икки тил грамматик қурилишидаги муайян фарқлар тўсқинлик қилган. Таржимада аслиятда бўлмаган предлог, артикль, ёрдамчи ва модал феъллар ҳисобига ҳижола меъёрдан ортиб кетиши натижасида рукн бузилиши кузатилади. Масалан, *не балолиг* тўрт ҳижоли бирикмаси таржимада *what an unfortunate* – беш бўғинли бирикмада таржима қилиниши мумкин. Ўзбек тилида учрамайдиган *an* – ноаниқ артикли, таржимада битта ҳижо кўпайишига хизмат қилмоқда. Иккинчи ва учинчи мисраларда рамал баҳрининг умумий шакли ўзгарган яъни, мазкур мисраларда тақтелар сони учдан ортиқ. Мисралардаги ҳижолаарнинг борган сари ўсиб бориши монотонликни келтириб чиқарган. Шунингдек 2-, 3-, 4-мисраларнинг *you* ўта чўзиқ бўғин билан якунланганлиги, аслият ритмини ҳосил қилувчи а-а-а-б тарздаги қофияланишга путур етказган. Биринчи мисрада аруз формасини қайта яратишга муваффақ бўлган Л.Кметюк кейинги сатрларда оддий шеърый шаклни ҳам саклаб қололмаган ва таржимани *free verse* – эркин шеър тарзида давом эттирган. Инглиз тили фонетикаси ва гап қурилиши катъий шаклга эга бўлгани учун туркий поэзиядаги каби гап қурилишида эркинлик (Масалан, шеърятда эга-кесимнинг ўрин алмашиши, инглиз тилида феълларнинг то инфинитиви билан келиши каби ҳолатларга эга эмаслиги) йўқлиги бу тилга қилинган таржи-

манинг арузга тушириш эҳтимолини чеклаб қўяди. Аммо, юқорида зикр этилганлардан маълум бўладики, арузий оҳангга яқинлашиш имконияти мавжуд. Бунда арузда талаб этиладиган очик ва ёпик ҳижолар ўртасида мутаносибликка риоя қилиш, тақтиъларнинг миқдорий нисбати ўзаро тенг бўлиши ва ҳижоларнинг мавжуд рукнда белгилаб қўйилган ҳижолар сонига имкон қадар тенглашиши талаб этилиши лозим. Буни яхшироқ тасаввур қилиш учун, аввало, қуйида оҳанг жиҳатдан чўзиб ўқилувчи ҳижоларни шартли равишда урғу белгиси (') билан ажратиб кўрсатамиз:

*'Кўргали ҳус 'нингни зору 'мубтало бўл 'дим санго,
'Не балолиг 'кун эдиким 'ошно бўл 'дум санго.
'Ҳар неча де 'димки, кун –кун 'дан узай сен 'дин кўнгил,
'Ваҳки, кун –кун 'дин батаррак 'мубтало бўл 'дум санго.*

Мазкур белгидан кейин турган бир ҳижо баландроқ пардада талаффуз этилади масалан: *'Кўргали сўзида – Кўр, сен'дин – сўзидаги дин* ҳижолари баланд интонацияда ўқилади. Шартли белги орқали ажратиб кўрсатилган ҳижолардан кейин келаётган бўғинга урғу тушиши ва чўзиқроқ талаффуз қилиниши ғазал ритмини келтириб чиқаради. Диққат билан қаралса, рукннинг биринчи чўзиқ ҳижоси, яъни **фо** га рукн урғуси тушаётганини кузатиш мумкин. Демак, рукндаги ҳар биринчи ҳижо урғу олади. Кейинги уч ҳижо урғусиз. Ҳар бир янги урғу янги тақтиъни бошлаб беради:

'-V -- | '-V -- | '-V -- | '-V --

Энди баъзи услубий ўзгартиришлар киритиб, Л.Кметюк таржимасини аслият ритмига яқин янги вариантини яратамиз:

*'Dreaming 'of { your 'beauty { 'has wasted { 'me away,
'What an un'for {tunate 'day that { I fell in 'love { along the
way {*

How 'many {times day in 'day out { I 'told myself to forget {.

But alas the 'love I feel { is 'more than the word love { can say.

Арузий оҳанг, ритм ва қофияланишга маълум миқдорда мувофиқ тушган бу таржимада аслият оҳангини ифодалаш мақсадида баланд пардада ўқилувчи ҳижоларга шартли равишда урғу белгиси ва синтагмани илова қилдик. Таржимада бу каби йўл тутиш Шарк шеърляти оҳангини Ғарб ўқувчисига етказишда яхши самара беради. Бармоқ вазнидаги шеърларни инглиз силлабо-тоник системасида ифода этганда бу усулни қўллаш шарт эмас. Гарчи инглиз фонетикаси қонун-қоидасига кўра предлог, ёрдамчи феъллар ва

хқлар урғу олмаса-да, арузий мусиқий оҳанг таржимада оҳангни ифодалаш учун *of* предлоги ва *has* ёрдамчи феълига урғу қўйишини такозо этади. Мисрадаги *of* предлогидан кейин келган синтагма ҳам шу мақсадда инглиз тили қондасидан мустасно равишда қўлланилиши мумкин. Аммо аруздаги хос оҳангнинг мураккаблиги ва инглиз шеърининг тизимига номуносиблигининг ўзиёқ юқоридаги усулни қўллашни такозо этади. Зеро инглиз китобхонида Шарқ ғазали мусиқийлигини ҳис қилиш инстинкти пайдо бўлишининг илк босқичларида бу тадбир ижобий натижа бериши мумкин.

Навой рубойларини инглиз тилига таржима қилиш ишлари ташаббускорларидан бири истеъдодли таржимон К.Маъмуровдир. Албатта, рубой шаклий хусусиятлари ва ички қофияланиши жиҳатдан ғазалдан фарқ қилиб, вазн қўлланиши жиҳатидан соддароқдир. Шу маънода К.Маъмуров унинг оҳангини таржимага аниқ кўчира олиш, туркий рубойлар жарангини инглизча янграйтиш имкониятини топган.

*Жондин сени кўп севармен, эй умри азиз,
Сондин сени кўп севармен, эй умри азиз.
Ҳар неники севмак ондин ортуқ бўлмас,
Ондин сени кўп севармен, эй умри азиз*⁵⁶.

К.Маъмуров таржимаси:

*I love you more than my soul, oh, my dear,
I love you more than all numbers, oh, my dear,
Loving anything can not be more than that,
I love you much more than that, oh, my dear*⁵⁷.

Рубойнинг инглизча жаранги ҳам айнан шарқона оҳангга эгаки, бундай шеърлар инглиз лирикасида учрамайди. Бу каби гўзал таржимани қуйидаги рубой мисолида ҳам кузатамиз.

*Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудогинг яхши.
Энг бирла менгинг яхши, сақогинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошдин-аёғинг яхши*⁵⁸.

Инглизча таржимаси:

*Your eyes and brows are good, eyelids are good,
Your appearance and words are good, your lips are good,*

⁵⁶ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. Т.: Фан, 1988. Т.3. Б. 572.

⁵⁷ Уммондан дурлар. Ғазаллар, ҳикматлаър, рубойлар. Таржималар тўплами / Таржимон К.Маъмуров. Т.: Шарқ НМАК, 2000. Б.142.

⁵⁸ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. Т.: Фан, 1988. Т.3. Б. 588.

*Your cheeks with marks are good, chins are good,
Shall name one by one, you are good from head to foot*⁵⁹.

Аслиятдаги отларнинг уюшиб келиши таржимага ҳам кўчган. Таржимон радифдан олдин келган қофиядош *қабогинг, дудогинг, сақогинг, аёгинг* сўзларини инглиз тилида *eyelids, lips, chins* сўзлари билан бериб, тил имкониятидан келиб чиққан, натижада ўзаро оҳангдошлик ҳосил қилишга интилган ва бунга эришган. Таржимада рубоий оҳанги тўлиқ сақлаб қолинган ва инглизча бўёқдорликдан холи. Инглиз поэзиясида аруз бўлмаганидек, ўзбек шеърлятида ҳам ямб йўқ. Бундай қараганда, ямб билан аруз ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бир-биридан йироқ бўлган икки шеърлий система ва анъанани “омухта” қилишда таржимон журъат билан қалам сурган. У инглиз ямбига асл нусхадаги ихчамлик ва эмоционалликни сақлай оладиган, янги оҳанг берувчи радифли қофия киритган. Натижада эса қандайдир учинчи – она тили ва бўлак тилдаги шеърлий унсурлар омухтасидан иборат назмий муштараклик барпо этилган.

“Ўпай” радифли рубоий таржимасига ҳам оҳанг ва жарангдорлиги жиҳатидан шарқона услубнинг ғарбча жаранги дея баҳо бериш мумкин:

*Дедим зақонинг тутуб, сақогингни ўпай,
Кўз қошингга суртубон қабогингни ўпай,
Гулдек юзунг ислабон, дудогингни ўпай,
Йўқ, йўқ, йўқ, агар десанг аёгингни ўпай*⁶⁰.

Инглизча таржимаси:

*I said, holding by your chin your cheeks I kiss,
Licking your eyes with eyelids your brows I kiss,
Smelling your rosy cheeks your lips I kiss,
If you say: No, No, No, your foot I kiss*⁶¹.

Таржима шу даражада аниқ ва тушунарли чиққанки, инглизча матнданоқ Навоий оҳанги сезилиб туради. Ошиқнинг ёр лаби, ёноқлари, кўзу-қошларидан ўпиш орзуси ва бу орзуга эришолмаса, яъни маънан баландда турган маъшуқа рухсат бермаса, ҳеч бўлмаса, оёғидан ўпиш ва ёр васлига қониш илоҳий ва мажозий ишк савдоси дардига малҳам бўлиши иккала матнда (аслият ва тар-

⁵⁹ Уммондан дурлар.

⁶⁰ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. Т.: Фан, 1988. Т.3. Б. 586.

⁶¹ Уммондан дурлар.

жимада) бирдек тушунари ва чиройли ифода этилган. Рубойида қўлланган саволу жавоб санъати ҳам таржимада қайта яратилган. Албатта, таржимада оҳанг муҳим. Ўзига хос жарангга эга лирик жанр чет эл китобхонида кўпроқ қизиқиш уйғотади. Қўшиқ мисолида айтадиган бўлсак, унинг матнидан кўра биринчи навбатда ёқимли оҳанги эътиборни тортади. Навоий ижодиётини инглиз тилига таржима қилишда мусиқийлик, оҳанг энг биринчи ўринга қўйилиши зарур деб ўйлаймиз.

Арузда ёзилган ғазал ёки рубойи инглиз силлабик-тоник шеърий системасидаги бирор бир вазнда таржима қилинса, ўзининг мусиқийлиги ва таъсирчанлигини йўқотади. Ғазалнинг умумий ритми ва оҳангининг таржимада сақлаб қолиниши кўп жиҳатдан шу ғазалнинг аруз баҳридаги тақтеълар миқдорига боғлиқ. Ғазал таржимасидаги оҳангни инглиз китобхони осон илғаб олиши учун таржиманинг арузий оҳангда ўкилиш тартиби транскрипция ва тонограммада илова қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

12. ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАРНИ ҚАЙТА ЯРАТИШ

Шеърий асарлар таржимасида яна бир муҳим муаммо шеърий санъатларни қайта яратиш масаласидир. Шарқ мумтоз шеъриятини оладиган бўлсак, мумтоз ғазалиётимизнинг бор жилоси такрорланмас оҳанг ва шеърий санъатларнинг иштироки сабаб эканлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Тўпلامдан ўрин олган “Қизил, сориг, яшил” радифли ғазал матлаъси куйидагича:

When my beauty decks herself in red, yellow and green

My sighs go flying like sparks of red, yellow and green

Ушбу байт Навоийнинг :

Хилъатин то айламыш жонон қизил, сориг, яшил,

*Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил*⁶².

байтининг таржимасидир. “Қачонки менинг гўзалим ўзини қизил, сарик, яшил билан безаса, менинг оҳим ҳам қизил, сарик, яшил учкунлар каби учини бошлайди” деб сўзма-сўз таржима этиладиган байтда аслиятдаги бадий тасвир аниқ узатилган. Аммо Ғарб китобхонига байтдан завқланиш учун яна нимадир етишмайди. Назаримизда, бу Навоий маҳоратидан таъсирланиш ҳисси йўқ. У байт

⁶² Алишер Навоий. Фавойид ул-кибар. МАТ. 20 томлик. Т.: Фац, 1988. Ҷ.3. Б. 264-265.

замиридаги кучли дардни идрок эта олмайди. Навоий байтларида кўплаб санъатлар қоришиқ келади. Уларни шарҳлаб кетиш Навоий маҳорати, буюклигининг тарғиботи сифатида жуда долзарбдир. Юқоридаги байтга изоҳ сифатида бир неча санъатларнинг ишлатилганлиги кўрсатиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлган бўларди. Навоий айтмоқчи, унинг махбубаси қизил, сарик, яшил рангли либосда кўринса, бундан ишқи ўртанган ошиқнинг охи қизил, сарик ва яшил тусда осмонга бўралаб кўтарилади. Шоир охи мисоли гулхандан кўтарилаётган шуъладек. Маълумки, гулхан шуъласи турли рангларда жилоланади. Бу ерда шоир калб оташининг шундай кучли эканлигини ифодаламоқдаки, ундан кўтарилган оҳ-фиғон бамисоли гулхан устида товланаётган шуълага менгзалади. Бу ташбих санъатидир.

Шоир бўғзидан нафаснинг оловланиб чиқиши шу даражада ғайритабиийки, тасаввурга сиғмайди. Бу муболаға “ғулув” санъатига мисолдир. Шу билан бирга, шоирнинг фикрини аниқ-равшан ҳис этиш имконини беради. Шундай экан, Навоий ғазали таржимаси ёнида муайян изоҳлар берилса, шоирнинг маҳорати, ғазал ғояси ўқувчига равшан бўлади. Изоҳлар устида ишлаш таржимон учун ўз хатоларини кўриш имконияти ҳамдир. Буни куйидаги мисол воситасида кўрсатиш мумкин:

2-байт:

*I have cultivated the desert of love so the hot breath of my sighs
Has turned the barrenness into a flowering red, yellow and green.*

Ушбу байтнинг аслияти куйидагича:

*Гулхан этдим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳар он қизил сориг, яшил.*

Бу байтда ҳам ғулув ишлатилмоқда. Инглизча таржимада “Мен ишқ саҳросига ишлов бердим, шундай экан, менинг қайноқ нафасимдан яланглик гуллаб яшнаётган қизил, сарик, яшилликка айланади” дейилиши ўқувчида Навоий байтини тескари тушунишга хизмат қилади. Аслида Навоий “менинг оҳим шу даражада кучлики, у гармсел мисолидир. Саҳрода гармсел шундай чанг-тўзон кўтарадики, унинг гирдобиди қолган одам улкан чанг оқимининг куёш шуълалари таъсирида турли рангларда жилоланишини кўради, гўё бутун саҳро назарида турли ранглар билан қоплангандек туюлади” демоқчи бўлади. Бу ўхшатиш Навоийнинг юксак бадиий маҳоратига далилдир. Бундан ташқари, Навоий байтлари мақтаъ-

дан олдин келувчи шохбайтгача изчил ривожланиб боради. Таржимада ана шу изчиллик кўзга ташланмайди. Биринчи байтдаги оҳ билан иккинчи байтдаги гармселнинг боғлиқлик даражаси ифодаси, ҳис-ҳаяжоннинг яна бир пардага кўтарилганлиги сезилмай қолган. Таржимада байт маъноси сийқалаштирилиб, “сахрога ишлов бериб, уни гуллаб-яшнаган воҳага айланттирилгани” баён этилган. Самум, яъни гармсел образи бутунлай таржимада тушиб қолган. Байтда ишлатилган “ғулув” санъати “таблиғ” санъатига айланиб қолган. Таблиғ – муболаганинг энг куйи, заиф даражаси бўлиб, ишонса бўладиган туридир. Ошиқнинг сахрога ишлов беришини ва уни гулзорга айланттиришини тасаввур қилиш мумкин, гарчи у ишқ сахросини назарда тутган бўлса ҳам. Бундан шундай хулоса қилса бўладики, таржимон мумтоз бадиият сирлари, Шарк бадий санъатлари борасида тегишли маълумотга эга бўлиши лозим.

3-байт:

When I recall your grace, the mirror of your soul reflects

*As from the strained glass mosaic of my window the colors red,
yellow and green...*

Навоий байти оригиналда куйидагича янграйди:

Шишадек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидан,

Тобадоннинг аксидек алвон қизил, сориғ, яшил.

Байт мазмунидан англашилишича, ошиқ маъшуқасининг бекиёс гўзаллигига шунчалар мафтунки, уни эслаганда тобадон, яъни ўрта асрларда Шарк ўлкаларида дераза ўрнини ўтаган туйнук шишасидан қоронғу уйга тушаётган куёш нурлари турли рангларда жилолангани мисол қалбига оқиб кираётган ҳусн тасаввури ранг-баранг рангларда товланади. Шиша ва тобадон, кўнгил ва тобадон акси зоҳир бўлган макон, гулзор ва алвон ранг-баранглик, ҳусн ва қизил, сариғ, яшил ранглар бир-бирига мутаносиб равишда “ташбихи малфуф” санъатини намоён этади.

Таржимадан куйидагича маъно англашилади: Қачонки мен сенинг ҳуснингни ёдга олсам, сенинг руҳинг акси кўринар, худди деразанинг рангли ойналаридан тушаётган қизил, сариқ ва яшил ранглар акси каби.

Таржимон байтнинг маъносини ўз тилида тушунарли етказиб бериш мақсадида муносиб ифода шаклини танлаган. Нур ранг-баранглигини янада аниқ чизиб бериш мақсадида ғарбликлар архитектурасида маълум бўлган “мозикали дераза”дан фойдаланади.

Таржимоннинг ижодий ёндашувини маъқуллаш мумкин. У ҳолда байт мазмунига путур етказмасдан “кўнгил шишаси ва тобадон” мутаносиблиги адекватлигини таъминлаш ҳақида ўйлаб кўриш керак эди. Ўшанда шарқона ташбиҳ санъати инглиз тилида қайта яратилган бўлар эди.

4-байт:

*The very thought of your face, of the dark shadow above the lip,
Makes the world sparkle a bright red, yellow and green.*

(Сўзма-сўз таржимаси: “Юзингдаги энг мукамал нуқта – бу лабинг тепасидаги қора соя бўлиб, бутун дунёни қизил сариқ ва яшил нурга тўлдиради”)

Аслият:

*Оразу холинг била хаттинг хаёлидан эрур,
Кўзларимнинг олдида даврон қизил, сориғ, яшил.*

Ёр гўзаллиги ва ошиқ беҳаловатлиги васфи шу байт билан ниҳоясига етади. Таржима маъно ва руҳият жиҳатидан аниқ адекватлик касб этган. “Хол”ни қора сиёҳга қиёслаб таржимон ўз тилида муносиб бадий муқобил топа олган. Байтда тилга олинган Шарқ гўзали васфининг асосий компонентлардан бири - “хат”, яъни ёр лаби устидаги “чизик” (нозик қора мўй) образи таржимада тушиб қолган. Бунинг сабаби таржимоннинг ушбу нозик тасвир объектга аҳамият бермаганида ёхуд уни инглиз тилида қайта яратиш муаммо бўлганида бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда уни қайта яратишга уриниш ва ҳеч бўлмаганда изоҳ воситасида ўқувчига тушунтириб кетиш зарар қилмасди. 4-байтда Навоий конкрет инсоний белгиларда заминий гўзал суратини чизади. Бундан ғазал фақат зоҳирий ишқ тавсифига бағишланган деб ўйлаш юзакилик бўлади. Кейинги байтларда зоҳирий маъно билан бирга ботиний, яъни тасаввуфий талқинга имконият яратилади:

5-байт:

*Pour red wine into a golden goblet in Spring,
For where else are combined in such a harmony the colours red,
yellow and green.*

Аслият:

*Лаългун май тутқил олтин жом бирлан сабзада,
Ким булардин яхши йўқ имкон қизил, сориғ, яшил.*

Турфа шуларар ила лим тўла кўнгилнинг муроди эса ваҳдат майи. Киши ҳали ёш (сабза) экан, олтин (асл) жомда лаългун май –

ҳақиқий ишқ ва эътиқод шаробини ичса, на хуш? Борлик турфахиллиги, сир-синаотига ошно бўлишнинг бундан яхшироқ имкони бўлурми?

Аслиятдаги *сабзада* сўзи, таржимада *in Spring*, яъни баҳорда деб ўтирилган. Албатта, *сабза* сўзининг кўплаб маънолари мавжуд, у “яшиллик”, “баҳор”, “яшариш” маъноларини ҳам беради, аммо ғазалда ёшлик назарда тутилган. Бу сўз *in spring* тарзида келтирилганда инглиз ўқувчиси ундан мурод ёшлик эканлигини англаши учун изоҳ лозим бўлади. Бадийий санъатлар тўғрисида маълумотга эга бўлмаслик, кўп ҳолатларда, таржима маъносининг бузилишига олиб келади. Масалан, куйидаги

Фақр аро беранглик душвор эрур беҳад, валеқ,

Ҳирқада тикмақ эрур осон қизил, сориг, яшил. -

байти таржимасидан англашилган маъно жуда ғариб:

The poor can hardly afford clothing even of a single shade,

Still they can easily sew into their robes stripes of red, yellow and green.

Сўзма-сўз таржимаси: Камбағаллар ёлғиз ўзларинигина кийим билан зўрға таъминлайдилар, шунинг учун улар хирқа, яъни чакмонларига қизил, сариқ ва яшил ямоқларни осонлик билан тикадилар.

Аслиятда “муқобала”, яъни қаршилангириш санъати қўлланган бўлиб, бир-бирига зид тушунчалар орқали, муайян ғояни таъкидлаш, таъсирчан ифодалаш учун қўлланилган. Таржимон “фақр”даги “беранглик” ва хирқадаги “ранг-баранглик” тушунчалари ўртасидаги зиддиятга эътибор бермагани учун байт маъносини жўнлаштириб юборган. Натижада таржимада навоиёна чуқур фалсафий ҳикматга эга шоҳбайт оддий мулоҳазага ва маъносиз шеърга айланиб қолган. Фақр – суфийлик мартабасидаги бир мақомдир. Абдураҳмон Жомий фақрни икки турга бўлади: расмий ва ҳақиқий. Расмийси, баъзи машоих халқни анбиёлар йўлига эргаштиришда халқни фақир суратида тарғиб этадилар. Уларнинг бирор мулки бўлмай, ростдан ҳам фақирликда яшайдилар. Ҳар қанча давлати бўлса ҳам, ҳар қандай шароитда ҳам мол-дунёга берилмасдан яшган одам ҳақиқий фақирдир (беранглик шунга ишора). Инсон нафс исканжасидан халос бўлар экан, Илоҳий моҳиятни чуқуроқ идрок эта бошлайди. Зоҳирдаги фақр аломати бўлмиш турли ямоқли либос ботинан фақирга айланганлик далолати эмас, дейди Навоий. Шу боис унинг еттинчи байти мактаъда келтирилади.

7-байт:

*Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.*

Инглизча таржимаси:

*I say, Navoiy, seek no longer for brilliant gold, scarlet and green colors,
For the flowers of your poetry have tinged this divan red, yellow and green.*

Сўзма-сўз таржимаси: Эй Навоий, олтин қизил ва яшил рангларни қидирма, сенинг шеърятинг гулларидан бу девонинг қизил, сариқ ва яшилга бўялди.

Навоий ғазаллари таржималарини кузатар эканмиз, мутаржимлар, асосан, шоирнинг фалсафий мазмундаги ички ва ташқи маъно касб этган, шарқона шеърый санъатларни ўзида мужассам этган ғазаллари таржималарида бироз оксаётганликларининг гувоҳи бўламиз:

*Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач*⁶³.

Шоир гўзалнинг юздаги зулфини “анбарафшон” этиши, яъни атир сепиб тараши унинг хуснига хусн қўшишини таъкидламоқда. Ўз сўзини кучайтириш мақсадида шамнинг “тори”, яъни ўртасидаги пиликни “паришон” қилиш, яъни титганда янада кучлироқ шуъла таратишини мисол қилиб келтиради. Ушбу байтда таносиб санъати қўлланган. Жамъ санъати ҳам мавжуд. Жамъ - нарса ва тушунчаларни бирон белги бўйича байтда жамлаб, улар ўртасидаги муносабат асосида бирон образли фикрни ифодалаш санъатидир⁶⁴. Шоир биринчи мисрада хусн ва шамъ, зулф ва торни ташқи гўзаллик белгиси сифатида жамлайди. Шоир бу рамзларни ёр гўзаллигининг тасвири учун ишлатган.

Шу байтни инглизча таржимасида кўрамиз:

*Your beauty shines brighter when you tresses fall free, breathing
the scent of ambrosia...
So candle burns brighter when the treads of the wick have been
loosened.*

Сўзма-сўз таржимаси: Сенинг гўзаллигинг янада ёркинроқ ифода топади агар сен сочларингни эркин ташлаб, муаттар ҳидларни таратиб юрсанг... Шамъ ҳам ёркинроқ ёритади агар пиликнинг фаолияти тугатилса (яъни, пилик тугаса).

⁶³ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. Т.: Фан, 1988. Т.3. Б. 98.

⁶⁴ Ҳожаҳмедов А. Шеърый санъатлар ва мумтоз кофия. Т.: Шарқ, 1998. Б.93.

Инглизча таржимада гапнинг маъно жихатдан тури ўзгариб кетган. Аслиятда шоир ёрени кўз олдига келтириб, унинг гўзаллигини мадҳ этмоқда. Аммо таржимада, *your beauty* - (“сенинг гўзаллигин”) дея ёрга мурожаат этилиши ва “сен сочларини ёйганда ва хушбўй хидлар таратиб юрганингда чиройлироқ кўринардинг” деб маслаҳат берилиши, гапнинг семантик, синтактик ва услубий қурилишини ўзгартириб юборган. Ёр ҳақидаги хаёл ёрга мурожаат тусини олган. Шам пилигини титиб, тўзғитганда яхшироқ ёниши билан боғлиқ ҳодиса инглиз тилига нотўғри ўтирилиб, мантик бузилган. Чунки пилик тугаганда шам яхшироқ ёниш ўрнига ўчиб қолади. Таржимада биринчи ва иккинчи байтни ўзаро боғлаш учун *so* (“шундай қилиб”) ўрнида *as* (“гўё; дек; дай”) ишлатилса, адекватлик сари қадам қўйилган бўлар эди. Шунингдек, ушбу байт таржимасидаги баъзи олмошлар ва сўзларга қуйидагича ўзгартириш киритилса, таржима аслиятга яқинроқ чиқарди:

Her beauty shines brighter when she tresses fall free, breathing the scent of ambrosia...

As the candle burns brighter when let off the leash of wick.

Сўзма-сўз таржимаси: Унинг гўзаллиги ёркинроқ ифода топади, сочларини эркин ёйиб, хушбўй хидлар таратиб юрганда. Худди шам пилигини тортиб қўйганда яхшироқ ёнгани каби.

Кейинги байтни кузатамиз:

Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг,

Ё юзунгга тегди қонлар бизни қурбон айлагач?

Шоир маъшуқаси жамолига хайрат ила боқиб, қурбон бўлмоқда. Ва бу гўзалликнинг сабаби ёр юзини гуллар билан безаганидами? Ёки ошиқ қурбон бўлаётганда ундан сачраган қонлардан қизил бўлганми, деб савол бермоқда. Шу ўринда шоир шибҳи ҳусни таълил⁶⁵ санъатини қўллаган. Чунки маъшуканинг юзи атрофидаги гулни қонга ўхшатган ҳолда унинг ёр чеҳрасига тегиш сабабини қатъий қилиб эмас, балки гумон қилиб айтади. Айни дамда бу байтда мадҳ санъатининг ўзига хос кўринишларидан бўлган “таъкид ул-мадҳ бимо йашбаху-з-зам” санъати мавжуд. Ушбу санъат турида бирор айбни кўрсатиш орқали объект макталади. Юқоридаги байтда шоир ёрни жаллод, қотил деб айблаш асносида унинг гўзаллигига ишора қилмоқда, уни мадҳ этмоқда. “Қурбон бўлмоқ”-нинг маъноси мусулмон киши учун тушунарли. Шунингдек, ушбу

⁶⁵ Шубҳали чиройли сабаб / А.Ҳожиаҳмедов. Шу манба. Б. 28.

байтда қурбонликнинг тиф билан бажариладиган маросим ва бунда қон сачрашига ишора этилмоқда. Мазкур маъно инглиз тилига таржима қилишда ҳисобга олинмагани оқибатида қуйидагича ноаниқлик келиб чиққан:

Have you adorned your beauty with flowers for the sacrificial rite

Or has your beauty been enhanced by the blood you were spattered with when you sacrificed us?

Сўзма-сўз таржимаси: “Сен ўз гўзаллигингни қурбонлик маросими учун гуллар билан безатдингми, Ёки сенинг гўзаллигинг бизни қурбонлик қилгандаги қондан кучайиб кетдими (яъни гўзаллашдими?)”

Аслиятда ошиқ ёрига уни кўриб қурбон бўлганлигининг сабаби сифатида гўзал юзнинг мафтункорлигини янада оширган қизил гулларга ишора этган бўлса, таржимада эса маъшуқадан қурбонлик маросими ўтказиш учун “гуллар билан безатдингми?” дея сўралади. Бундай талқин инглиз ўқувчисига “Шарқда ошиқ ва маъшуқа ўртасида қандайдир қурбонлик маросими ўтказиладики, бунинг учун қиз гуллар билан безаниши керак бўлади” деган фикрни пайдо қилиши эҳтимолдан холи эмас. Шу ўринда “қурбонлик” фақат ёр учун қилинади, деган тушунча ҳам юзага келади. Бу эса, ғазалдаги юксак бадийятнинг саёз талқин этилишига олиб келади. Таржимоннинг нотўғри йўлдан бориши натижасида шоир қўллаган “шибхи ҳусни таълил” санъати таржимада учрамайди. Мазкур байтда “қурбонлик маросими” (sacrifice) жумласи ва унинг нима сабабдан байтга киритилганлиги қисқача изоҳда бериб ўтилмаса, инглиз ўқувчисига у қадар тушунарли бўлмаслиги мумкин. Биринчи мисрадаги *for the sacrificial rite* (қурбонлик маросими) жумласини *when you sacrificed us?* тарзида ўзгартирилса, Навоий қўллаган шеърий санъат таржимада қайта тикланади:

Have you adorned your beauty with flowers when you sacrificed us,

Or has your beauty been enhanced by the blood you were spattered with when you sacrificed us ?

Сўзма-сўз таржимаси: Бизни қурбон қилиб чиройингни гуллар билан безадингми, Ёки сенинг гўзаллигинг сачраган қондан кучайиб кетдими бизни қурбонлик қилганда?

Ҳар бир таржима тил имкониятлари ва мезонлари даражасида амалга оширилади. Маънони сақлаб қолишга уриниш оҳангни, бадийятни қайта яратишга уриниш қофиянинг бузилишига сабаб бў-

лиши мумкин. Албатта, таржимоннинг мумтоз адабиётимиз дурлари саналмиш Навоий ғазаллари таржимасига қўл уриши, яъни "Навоий панжасига панжа уриши" фахрли. Таржималарга назар солсангиз, мутаржим Л.Кметюк ғазалнинг умумий ғоясини бериш мақсадида ўз тилида турли эквивалентлар қидирганлиги ва тинимсиз изланганлигини сезасиз. Аммо таржимон аслиятни ўзи тушуниб олиш билан бирга, бу тушунчаларни ўқувчилар онгига сингдиришнинг йўлини излаши керак. Бу жараён учун неки талаб қилинса, чорасини кўриш унинг чекига тушади. Энди яна бир ғазалга назар ташласак:

1-байт (матлаъ):

*Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилгил,
Кўзум қаросида келу мардум киби ватан қилгил*⁶⁶.

Байтларнинг мазмунини теран тушуниш бадий санъатларни қайта яратишнинг асосий омилдир. Юқоридаги байтда зоҳирий, дунёвий моҳиятга кўра, лирик қаҳрамон висол илинжида маҳбубага илтижо қилаётир: "Қора кўзли гўзалим, келсанг-чи, мурувват ва вафо йўлини, одамийлик расмини тутсанг-чи". Одамнинг кўз қорачиғида кўз гавҳари жойлашган бўлади, кўз мана шу гавҳар воситасидагина борлиқни кўра олади. Ана шу табиат қонунини назарда тутиб, шоир иккинчи мисрада яна илтижо қилади: "Кўзимнинг қорачиғида гавҳар каби ватан тутсанг-чи, токи мен кўзим ёришиб, олам гўзалликларидан баҳраманд бўлсам."

Л.Кметюк шеърий парчани инглизчага қуйидагича таржима қилган:

*Come my dark eyed one come and show your kindness,
Weave a nest for yourself, in the depth of my pupils.*

Сўзма-сўз таржимаси: Кел, қора кўзлигим кел ва инсонийлигингни кўрсат, Кўзларимнинг қорачиғида ўзинг учун ин тўқиб ол.

Адабиётшунос олим Нусрат Жумахўжа "Қаро кўзум..." ғазалининг қиёсий таҳлили" мақоласида ғазалнинг муфассал шарҳини баён қилган. "Қаро кўзум" ундалмаси икки хил, илоҳий мазмунда Аллоҳни, дунёвий маънода эса севикли гўзал маҳбуба, ёр, дўстни англатади. *Мардум* сўзи эса машҳур икки маъносида, ушбу байтда ҳам собит: 1) одам, одамлар, халойиқ; 2) кўз қорачиғи – гавҳари (*мардумак*, *гавҳарак* шаклида ҳам қўлланади). *Мардумлуғ* – одамгарчилик, инсонийлик, мурувват, марҳамат, лутф – илтифот,

⁶⁶ Алишер Навоий. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. 20 томлик. Т.: Фан, 1988. Т.3. Б.297.

рахм – шафкат, инсонпарварлик. *Мардум* ва *мардумлуғ* орасида шакл ва маъно муносабати асосида тажнис санъати яратилган. Мисраларнинг *қаро кўзум* ва *кўзум қаросида* бирикмалари билан бошланишида тарду акс (терс такрор) санъати мавжудки, бу эҳтиросли назмий оҳангни юзага чиқаришда муҳим эстетик хизмат ўтаган⁶⁷.

Кўриб турганимиздек, иккинчи мисра таржимаси тўлақонли аслиятни очиб бера олади, яъни ғазалдаги ошён, истиқомат маъноларини англаувчи *ватан* сўзига маъно жиҳатдан мос эквивалент *nest* (“ин”) сўзи қўлланган, яъни “кўзларимнинг тубида ўзингга ватан, ин қилиб олгин” маъносининг англашилиши аслиятга мувофиқ тушган. Таржимадаги бу мисрани ботиний ва зоҳирий жиҳатдан таҳлил қилсак, ҳар иккала маъно сақланиб қолганлигини кўрамиз.

Аслиятда, ошиқ Гўзалдан мурувват ва вафо йўлини тутишни, одабийликни одат қилишини сўрайди (*фан қилмоқ* – одат (касб) қилмоқ).

Ҳар иккала сўзнинг қўшилуvidан юқоридаги маъно ҳосил бўлган ва бунда дунёвий жиҳатдан ошиқ ўз маъшуқасига “энди узоқ айрилиқдан сўнг одамгарчилик қилиб, вафо қилишни сўрайди. Сўфиёна талқин этилганда эса илтижо, жамол орзуси, яъни Аллоҳнинг лутфу эҳсони тажаллисидан умидворлик. Сўфий учун ўз нигоҳида, қорачиғида илоҳий нур жилваланиши, оламни шу муборак нур орқали кўриш олий бахт. Аммо таржимада *фан қилгил* ундалмаси ўрнига *show your kindness* (олижаноблигини кўрсат) буйруқ гапи берилган. Ваҳоланки, ошиқ ёр васлига ега олмай гиналаб, маъшуқадан инсоний олижаноблик, сўфий эса Аллоҳдан васлидан бенасиб қилмасликни сўрайди. Таржимада қўлланган эквивалент бунга қарама-қарши маъно касб этган. Маъшуқанинг олижаноб эмаслигидан изтироб чекаётган ошиқ ва Аллоҳнинг назаридан четда қолаётган сўфий таржимада учрамайди.

Навий байтда Шарқ бадий санъатларидан тарду акс (қаро кўзум ва кўзум қаросида), тажнис санъатидан (*мардум* ва *мардумлуғ*) унумли фойдаланади. Таржимада шоир фойдаланган шеърий санъатлар Шарқ шеърияси учун характерли эканлигини ҳисобга олиб, уларнинг таржимада учрамаслигини табиий ҳол деб баҳолаш мумкин. Аммо байтлар орасидаги қофиядошликнинг йўқ-

⁶⁷Н.Жумаҳўжа. Сатрлақ силсиласидаги сеҳр. Т.:1996. Б. 21

лиги ғазал оҳангининг услубий жиҳатдан бузилишига олиб келган. Ушбу байтни қуйидагича таржима қилганда таржимада адекватлик юзага келган бўлар эди:

*Come my dark eyed one come and learn then kindness
In the depth of my pupils, weave for yourself a nest*

2-байт:

*Юзунг гулига кўнгил равзасин яса гулшан,
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилгил.*

Н.Жумаҳўжанинг кузатишлари айти биз тадқиқ этаётган мавзуга бевосита дахлдор бўлгани учун, уларга яна мурожаат этамиз: Мазкур байтда тасвир анча содда ва муайян, бироқ бу байт ҳам бир қанча рамзий иборалардан таркиб топган бўлиб, уларни шарҳламадан мазмун-моҳиятини англаб етиш қийин: 1. *Юзунг гули* - зоҳирий маъноси – “ёр чехраси”. Ботиний маъноси – “Хақ жамоли”. 2. *Кўнгул равзаси* – кўнгил боғи, инсон руҳият олами. 3. *Қадинг ниҳоли* ёрнинг ниҳолдек қадди-қомати, *жон* сўзи таркибидаги (араб ёзувида) *алиф* ҳарфи, илоҳий маъшуқ қомати. 4. *Жон гулшани* ошиқнинг вужуди, бағри, *алиф* (1) ҳарфининг маскани бўлмиш *жон* сўзи – манзурнинг жавлонгоҳи.

Биринчи мисра “сенинг юзинг менинг кўнглим боғида гул очсин” маъносидаги висол илинжини таъкидлаб келади. Шунингдек, бу мисрада биринчи байтнинг мантикий давоми ҳам англашилиб турибди. Маълумки, кўз – кўнгилнинг ойнаси. Ёр жамолига муясар бўлган кўнгил ёришади. Кўз қорачиғида макон қурган ёр жамоли чуқур томир ёзади, кўнгилда акс-садо беради, кўнгил боғида ишқ чечаклари гуллайди, бўстонга айланади. Шунинг учун лирик қаҳрамон “Сенинг алифдек қоматинг ниҳоли менинг жони дилим боғида яшнасин ва юзинг гули бу боғни гулшанга эвирсин, ” - дея илинж-илтижо изҳор этмоқда⁶⁸.

2-байт 1-мисрасининг инглизча таржимаси:

Turn the garden of my heart into a flowerbed, for the blossom that is your face,

Таъкидлаш лозимки, мазкур мисра сўзма-сўз таржимада аниқ ифода этилган: Юзингдаги гулгун яшнашингдан кўнгил боғимни гулзорга айлантир.

Таржимон аслиятдаги мазмунни маҳорат билан сақлаб қолган, шу байтдаги иккинчи мисрада араб ёзувигагина хос бўлган ҳарфий

⁶⁸ Жумаҳўжа Н. Ўша асар. Б. 23.

санъат, ташбиҳи измор, яъни яширин⁶⁹ ташбиҳ қўлланган. *Жон* сўзи уч арабий ҳарфдан, яъни “жим”, “алиф”, “нун” дан иборат. Алиф ҳарфи жоннинг ичида (марказида) жойлашган. Бу ерда чаманнинг ичида экилган ниҳолга ўхшатиш мавжуд:

Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилгил.

Кўриниб турибдики, бундай сўз ўйинини инглизчада бериш қийин. Инглиз тили роман-герман оиласига мансублиги ва ёзувнинг туркий имло қоидаларига мос тушмаслигини ҳисобга олиб, инглиз тилида бу санъатнинг қўлланмаслиги таржима хатоси ҳисобланмайди. Шунинг учун бундай ҳолларда мисранинг шарҳи ҳаволада берилиши мақбул ечимдир. 2-байтнинг 2-мисраси:

And the rest your slender form so like the sapling in the garden that is my heart

Сўзма-сўз таржимаси: Қолган чирой⁷⁰ни худди кўнглим боғида ниҳол каби ростлагин.

Бу мисра грамматик жиҳатдан ҳам аслиятга мувофиқ, байтдаги икки мисра *and* (ва) боғловчиси билан боғланган. Гапнинг маъно жиҳатдан тури – буйруқ оҳангидаги гап ва бу гап таржимада ҳам ўз грамматик шаклини сақлаган. Биз юқоридаги аслиятда шу мисрада ташбиҳ санъати қўлланганлигини кузатдик. Алифнинг ниҳол – қадга ишора қилиниши, ёрнинг жон гулшанида қаддини тик тутиши, яъни алифдек тик қадди-қомати билан туриши кўзда тутилган. Инглиз тилидаги *form* сўзининг ишлатилиши бунга жуда мос келади:

Form сўзи асосан икки хил маънони билдиради:

1) от (*shape, aspect*) кўриниш, шакл, қад-қомат;

2) феъл (*to form*), яъни бир кўринишга келтириш, тартибга солиш.

Мисрада *form* сўзи *in* предлоги билан берилган бу ҳолатда сўз “қаддини бирор ерда ростламоқ” маъносини беради. Масалан: *The troops were formed into line.*⁷⁰ *Солдатларни бир чизикда ростлашди.*

Таржимоннинг *form* сўзини қўллаши Навоий кўзда тутаётган “Қадди қоматни тик тутиб, кўнгил боғида кўним топиш”ига мос тушади.

3-байт, 1-мисра:

⁶⁹ Ташбиҳи измор (яширин ўхшатиш). Бу хил ташбиҳда шоирнинг диққати бошқа нарсага қаратилгандек туюлади-ю, ammo унинг асл мақсади ўхшатиш бўлади. Қаранг: Хожиаҳмедов А. Шеърлий санъатлар ва мумтоз қофия. Т.: Шарқ НМАК, 1998. Б. 20

⁷⁰ Oxford. English - Russian dictionary. – Бишкек: Туркистан, 2000. P. 234.

Таковарингга бағир қонидин хино боғла,

Итингга гамзада жон риштасин расан қилгил.

Таковар, яъни тез юрар йўрға от мумтоз шеърятдаги анъанавий тимсоллардан. Ғазалларда маъшуқа отлиқ киёфада чиройли назмий мисраларда тасвирланади. Севиклининг отига илтифот кўрсатиш орқали ўз мухаббати ва садоқатини изҳор қилиши барча мумтоз шоирларимиз учун умумий хусусият. Масалан, Навоий лирик қаҳрамони маъшуқа от елдириб, унинг ёнидан ўтиб кетишини, ҳижрон балосига яна мубтало бўлишини истамайди (Н.Жумахўжа шарҳи - Г.О.). Ошиқ ўзининг бағир қони от оёғига хино бўлишини, гамзада жони маҳваш ёнида елиб юрган ити бўйнида арқон бўлишини орзу қилади. Хино боғлаш удуми Европа учун мутлако ёт. Табиийки, инглиз ўқувчисига шоирнинг ёрға, отига “хино боғлаши”ни сўраганда, нимага ишора қилаётгани тушунарсиз туюлиши мумкин. Оёғига хино боғланган кишининг тез юра олмаслиги, инглиз ўқувчисига маълум эмас. Аммо ёр отига инсонга хос удумни бажартириш, ошиқнинг юрак бағридан олинган қонни ёрнинг отига хиноликка садқа қилишдек буюк хурмат, шарқона севги ва илоҳий ишқни ўзга миллат ўқувчисига шундайлигича кўрсата олиш Навоий ғазалларидаги беқиёс жилони ёрқинроқ англаш имкониятини берарди. *Хино* сўзига байт сўнгида алоҳида изоҳ бериш мумкин эди. Аммо бу байт қуйидагича таржима қилинган:

3-байт 1-мисрасининг инглизча таржимаси:

Splash the hooves your brave steed in me heart's blood.

Сўзма-сўз таржимаси: Юрагимдан олинган қонни отингга сачрат.

Бу таржимада хино қўйиш билан боғлиқ тасвир йўқ. Унда “юррак қони”ни ёр отига сачратиш сўралмоқда. Таржимон навоиёна мулоҳазани англамаса-да, ундаги тасвирни беришга иштиёқи кучлилигидан отни жайрон отга айлантиради. Дарҳақиқат, жайрон отнинг бадани қон сачрагандек туюлади. Хино эса отнинг оёқ қисмини бўяш учун ишлатилади. Адекватликни таъминлаш учун бундай йўлдан бормасдан *хино* сўзига ва унинг нима сабабдан байтда қўлланаётганлигига алоҳида изоҳ бериб ўтилса, гўзал миллий колорит анъанаси таржимада акс этарди ва бу Навоийнинг ўзига хос услубини ёрқинроқ намоён бўларди.

3-байтнинг 2-мисраси:

Итингга гамзада жон риштасин расан қилгил.

Маълумки, ит – инсоннинг ҳамроҳи, унинг кўрикчисидир. Шоир, шу маънода, унга ҳавас қилади. Навоий ўзини ўша ит ўрнида, ҳеч бўлмаса бўйнидаги арқони бўлишни хоҳлайди.

Инглизча таржимаси:

*And weave a leash for your dog from the tendons of my sad soul.*¹⁴

Мисранинг инглизчага сўзма-сўз таржимаси қуйидагича: Зада қалбим тўқималаридан итинг учун арқон қил.

Бу мисралар семантик жиҳатдан аниқ таржима қилинган. Итга илтифот қилиш нафақат Шарқ, балки Ғарбда ҳам мавжуд. *Love me love my dog* инглиз халқ мақоли (“Мени севсанг, итимни ҳам сев”)да *my dog* рамзий маънода қулланган бўлиб: 1) “ёмон одатларимни ҳам сев”; 2) “менга тегишли бўлган ҳамма нарсани сев” маъносини англатади. Ушбу ибора орқали Навоий ғазалидаги образ (яъни ёрнинг итига илтифот) Ғарбда ҳам соған инсонига бўлган ҳурмат ифодасидир. Бу орқали Шарқ ва Ғарб лирикасининг уйғун семантик жиҳатлари намоён бўлади. Шу байтнинг француз тилига қилинган таржимаасини таҳлил қилар экан Абдумурод Кўчибоев шундай дейди:

“Ton cheval sera tient par le sang de moncoeur,
Et ton chien sera lie par Vme si triste.

Мазмуни: Сенинг отинг менинг юрак(бағрим) қоним билан бўялди, итинг эса ғамзада жоним билан боғланди.

Аслият ва таржима матнлари изоҳини солиштирсак, таржимада жон талвасасидаги ошиқ йигитнинг нолаю илтижоси ва юқорида баён қилинган мажозий маъно сезилмайди. Бундай маънони тушуниш учун эса, француз китобхони изоҳга муҳтож. Акс ҳолда у ғазал замиридаги юқоридаги талқинни англай олмайди.” Кўриб турганимиздек, французча таржимада ҳам Навоий қўллаган “хино боғлаш”нинг сабаби ойдинлашмаган. Яъни ўзбек таржимони Муродхон Эргашев ҳам ғарбий ҳамкасби Л.Кметюк хатосини такрорлаб ёр отини “бўяш” билан кифояланган.

4-байт:

*Фироқ тоғида топилса тупроғим, эй чарх,
Ҳамир этиб, яна ул тоғда кўҳкан қилгил.*

Кўҳкан “тоғ қазувчи” деган маънони англатади. Фарҳод Шириннинг юртига бориб, тоғни қазиб сув чиқаргани учун ҳам кўҳкан лақабини олган. Шунингдек, “фироқ, рашк, ҳажр, оҳ ила

дард” Фарҳод номини англатади. Ушбу байт инглизчага моҳирона ўтирилган.

Таржимаси:

*O Heaven, if at the foot of the mountain of separation my dust is discovered,
Knead it into the dough and sculpt from it powerful stone mason.*

Таржима барча мезонларга мос адекватлик мавжуд.

Сўзма-сўз таржимаси: О фалак, ёлғизлик тоғида тупроғим топилса, Ундан хамир қоринг ва яна бир кучли тоғ қазувчи ясанг.

5-байт:

Юзинг висолига етсун десанг кўнгилларни,

Сочингни бошдин-оёғ чин ила шикан қилгил.

“Бир қарашда бу байтда мураккаб ибора ва тимсоллар йўқ”, дейди ушбу байт талқинида Н.Жумаҳўжа, “масалан, юз дунёвий маъшуқа чехрасини, айни пайтда Аллоҳ ҳусн-жамолини англатади... Кейин кўнгиллар деганда ошиқлар образи тушунилади... Мутолаада мухлисни чин ила шикан сўзлари кўпроқ ўйлантиради. Ўзаро маънодош бу форсий сўзлар ўрам-ўрам, ҳалқа-ҳалқа, занжирсимон-силсилавий, қат-қат, печу тобли, қармоқсимон, илгаксимон сифатларини маъшуқа сочларига нисбатан ифодалаётир... Ғазалдаги маъшуқа образи – бениҳоя юксак, улуғвор, етишиб бўлмас сиймо. Ошиқ кўнгиллар эса хокисор ва нотавон. Ошиқ кўнгиллар билан маъшуқа жамоли оралиғида соч – поёнсиз ҳижрон тимсоли ётибди. Шунинг учун лирик қаҳрамон маъшуқадан мадад сўрайди: “Агар ошиқларингга раҳминг келса, улар висолингдан баҳраманд бўлишини истасанг, сочингни бошдин-оёғ қармоқ, илгак ва ўрамлар каби жингалак қил, токи афтода ошиқларинг шу “чин” ила “шикан”лар воситасида оёғингдан бошингга кўтарилисин, “юзинг висолига етсун”. “Чин ила шикан” образлари орқали Ҳақнинг дийдорини излаб сўфийлар босиб ўтадиган сўфийлик сулуки силсилалари назарда тутилган бўлса ҳам ажаб эмас”⁷¹. Таржимада чин ила шикан қилгил бирикмаси орқали “сочни жингалак қилиш” маъноси берилган бўлиб, ўқувчида фақат “маъшуқа сочларининг узунлиги ва ошиқ кўнгулларга яхши кўриниш учун сочни бошдин-оёғ жингалак қилиш” ҳақида тасаввур пайдо бўлади.

Байтнинг инглизча таржимаси:

*If you wish to encapture hearts in loving with you,
Curl your long hair into ringlets.*

⁷¹ Жумаҳўжа Н. Ўша асар. Б.28.

Сўзма-сўз таржимаси: Агар кўнгуллар сени кўргач, уларнинг севгида маҳв қилинишини истасанг, узун сочларингни бутунлай жингалак, гажак қилиб ўраб чик.

Бу ўринда *ringlet* (“жингалак”, “гажак”) “чин ила шикан қилмоқ” бирикмасининг маъносини тўлиқ очиб бера олмайди. Аслиятдаги “бошдин-оёқ” сўзлари ҳам таржимада учрамайди. Бу сўзларнинг тушиб қолиши маъшуқа сочларига берилган сифатнинг йўқолишига олиб келган. Сочни бошдан-оёқ жингалак қилишдан мақсад ҳам ёрқин ифода этилмаган. Байтнинг биринчи мисраси эса аслиятга зид. Ҳазалда, юқорида таъкидланганидек, ёр васлига етишишга зор ошиқлар (яъни ёрнинг ишқида аллақачон адо бўлганлар) нинг ноласи баён этилса, таржимада ёрга уни севиб қолишлари истаса, сочларини жингалак қилиш маслаҳат берилмоқда. Бу ўринда *If you wish to encapture hearts in loving with you* ни *If you wish your lovers getting meet with your face* га алмаштира, адекватлик юзага келган бўлар эди. Шунда байт инглизчада куйидаги кўриниш касб этган бўларди:

*If you wish your lovers getting meet with your face,
Curl your hair up to down into rod like chains.*

Сўзма-сўз таржимаси: Агар ошиқларингнинг чеҳранг билан кўришишларини истасанг, сочларингни бошдин-оёқ қармоққа ўхшаш занжирдек товлаб чик.

6-байт:

*Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монёъ,
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилгил.*

Олтинчи байтда шоир *боғбон* ва *боғ* сўзларини рамзий – яратувчи ва борлиқ маъносида қўллайди. Мехрсиз маъшуқа жамолига етишиш орзусида умри хазонга соврилишига ишора қилади. Боғбон ўз боғини ҳар қандай хавф-хатардан муҳофаза қилиши мумкин, аммо ёвга қарши боғ томига игна қадаб чиқса ҳам, табиат қонуни бўлмиш “хазон лашкари”, яъни фано вақти яқинлашгач, ташриф буюрувчи ўлимдан асрай олмаслигини таъкидлайди. Бу лирик чекиниш орқали шоир, ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақида фалсафий мушоҳада юритади ва байт еттинчи байт билан узвий боғланган. Таржимада бу байт маъносининг бутунлай аксини кўриш мумкин.

Таржима:

*There is little the gardener can do stop the advance of the fall,
Should he even spike the roof of his garden with pine needles.*

Сўзма-сўз таржимаси: Салкам бир боғбон борки, у хазон тўкилишини тўхтата олади. Ҳатто боғи томига арча игнасини қадаб чиқишга тўтри келса ҳам.

Кўриб турганимиздек, бу аслиятга мутлақо терс таржима бўлиб, инглиз ўқувчисига ғалати таассурот қолдириши аниқ. Чунки таржима кейинги байт таржимаси билан аслият семантикаси нуктаи назаридан умуман боғланмайди. Шоирнинг нимага ишора қилаётгани мавҳумлигича қолмоқда. Шоирнинг “ёр васлига ета олмай умри хазон бўлиши мумкинлиги” ва кейинги 7-байтда айтилганидек “агар шу йулда вафот этиб кетса, маъшуканинг юзидаги тер “гулоб” билан ювилса, хазон бўлган умрига афсус чекмаслиги, сабаби, ўлимдан сўнг, кеч бўлса-да, ёр васлига етгандек ўзни ҳис қилиши” ҳақидаги гўзал тўқималар ўқувчи учун тушунарсиз ҳолатга келиб қолган. Шу байтни қуйидагича таржима қилинса, таржимада адекватлик юзага келади:

*There is not the gardener who can stop advance of the fall,
Even spiking the roof of his garden, with pine needles all.*

Сўзма-сўз таржимаси: Боғи томига арча игналарининг барини қадаб чиқса ҳам, хазон тўкилишини тўхтатишга қодир боғбон йўқ.

Кейинги байт юқоридаги лирик чекинишни давом эттирмоқда.

7-байт:

*Юзида терни кўриб ўлсам, эй рафиқ, мени
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилгил.*

Яна Н.Жумаҳўжа талқинига мурожаат этамиз. Байтда шоир тирикликнинг омонат ва ғаниматлиги, ўлимнинг муқаррарлиги ҳақида ўй сурган эди. Шундай маҳзун кайфиятдаги лирик қаҳрамоннинг армони битта – маъшуқа висоли. Биринчи мисра мазмуни “юз” ва тер” образлари орқали ифодаланган эди. Иккинчи мисрада бу образларга мувозий равишда “гулоб” ва “гул барги” образлари қўлланади. Гулоб маъшуқа юзидаги тер тимсоли бўлса, гул барги юзнинг рамзи. Ошиқ маъшуқа теридан тайёрланган гулоб да чўмилтирилиш ва унинг гул юзига бурканиш учун ўлимдан сўнгги висолни орзу қилади. Бу мураккаб рамзий ифодаларга таржима жараёнида қисқача изоҳ бериб ўтиш жоиз. Инглизча таржимада “эй, рафиқ”, яъни дўстга мурожаат *O my friend* (“О дўстим”) ундалмаси билан берилган. Муаллиф гапи дўстга қаратилиб, таржима қилинган:

O my friend, should I suddenly die at the sigh of perspiration on your face...

Сўзма-сўз таржимаси: О дўстим, сенинг юзингдаги терни кўриб, агар тўсатдан ўлиб қолсам...

Кўриб турганимиздек, *your* (сенинг) эгалик олмошининг қўлланилиши орқали гўё ошиқ дўстининг юзидаги терни кўриб, бандликни бажо келтиришини айтаётгандек маъно вужудга келган. Аслиятда эса шоир *юзида* деганда маъшука юзини назарда тутган. Н.Комилов ушбу ғазални таҳлил қилар экан, *тер* сўзи воситасида вужудга келиш эҳтимоли бўлган барча ишора ва ифодаларнинг мазмунини аниқ мисоллар ёрдамида санаб ўтади ва шундай хулосага келади: “Хулласи калом, байт мазмунини бундай баён этиш мумкин: Ёр юзидаги тер томчиларидан ҳосил бўлган муборак сув - гулоб билан ювгин-да, ўша гўзал юзни эслатувчи гул баргларига ўраб кўмгин”. Бу айни вақтда ошиқнинг армони ва “Қаро кўзим” ғазалида қуйланган садоқат ғоясининг чўққиси!”⁷². Агар таржимадаги *your* эгалик олмошининг ўрнига *her* – унинг (аёл киши учун) эгалик олмоши ишлатилса, таржима аслиятдаги айни маънони очиб берарди:

O my friend, should I suddenly die see perspiration on her face...

Сўзма-сўз таржимаси: Э, дўстим, унинг юзидаги терни кўриб тўсатдан ўлсам...

7-байт 2-мисрасининг инглизча таржимаси қуйидагича:

Bath me in rose water and lay me to rest in a shroud made of rose petals.

Сўзма-сўз таржимаси: Мени гул сувида чўмилтиринг ва гуллардан ясалган саван (Европада ўликлар ётқизиладиган гул билан безатилган тобут) га ётқизинг.

Иккинчи мисра семантик жиҳатдан аслиятга мос, аммо *rose water* ва *rose petals* сўзларига изоҳ берилса, ғазал маъносини аниқроқ англашга хизмат қилади.

Ғазалнинг мақтаъси:

Навий, анжумане шавқ жон аро тузсанг,

Анинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилгил.

Байт мазмун-маъносини шундай тушуниш ва шарҳлаш мумкин: “Жон” марказида “алиф” турсагина, жон бўлади. Алиф эса Аллохнинг яққаю яғоналигини билдирувчи тимсолдир. Агар Аллох

⁷² Комилов Н. Тасаввуф. Иккинчи китоб. Т.: Адабиёт ва санъат, 1999. Б. 98.

васли (Уни англаш) дан завқ олмоқчи бўлсанг, жон (инсон ва қои- нот руҳи) маркази ва манбаси бўлган Аллоҳни қалбинг марказига қўй”. Байтнинг зоҳирий маъноси шундай тасаввурга асосланади: Анжуманда шам ёқилади. Агар сен шавқ анжумани ташкил этмоқ- чи бўлсанг, жоннинг бошоғли ўқини марказга қўйиб уни шам сифатида ишлат. Демак, жоннинг ўқи шамдек ёниб атрофни ёритиш хусусиятига эга экан (Н.Жумахўжа талқини – Г.О.).

Инглизча таржимаси:

Navoi, if you can put your heart all into a bouquet of joy,

Pick a sheaf of water of wheat and touching a flame to it let this candle be the revelation of the nosegay.

Сўзма-сўз таржимаси: Навоий агар сен юрагингни шод- хур- рамлик гулдастасига қўя олсанг, Буғдой бошоғин йиғину ундан гулхан қил ва бу шамнинг гуллар боғламида очилишига руҳсат бер.

Кўриниб турибдики, ушбу мисра инглиз тилига аниқ, семантик жиҳатдан тўлиқ таржима қилинган.

Кўплаб таржималарда кўриниб қоладиган кусурлардан бири - истилоҳлар, тарихий номлар ва оригинал матн мансуб бўлган халқ менталитети, қадриятларига хос бўлган элементларнинг таржима қилмасдан қолдирилишидир. Масалан, *I desire, O Hizr, to make a pilgrimage of the soul to Kaaba*⁷³ деб таржима қилинган мисрани ўқиган инглиз китобхони ўзининг ғарбона дунёқарашидан келиб чиқиб лирик қаҳрамоннинг қандайдир “Hizr”га мурожаати моҳия- тини тушунмайди. Шунингдек, баъзи ғазалларда учрайдиган маш- хур тарихий шахслар, адабий қаҳрамонларнинг номлари нотаниш бўлгани боис Ғарб китобхони ушбу таржимадан тўлиқ қониқмайди.

Алишер Навоий асарларининг классик услуби ва оҳангини бошқа тилда қайта яратиш учун ўша тилнинг Навоий замонасига параллел давридаги архаик сўзлар луғатидан фойдаланиш самарали натижа беради. Масалан, Навоий ғазалиётини инглиз тилига ўгиришда, унга даврий жиҳатдан мувофиқ келувчи Шекспир асар- лари лексикасидан фойдаланилса, юксак услуб, давр руҳияти тар- жимада ёркинроқ ифода этилиши мумкин.

Алишер Навоий бадииятини чет тилида аниқ акс эттиришнинг икки йўли мавжуд: 1. Инглиз таржимонида Навоийни ҳис этиш инстинктини шакллантириш лозим. Бунинг учун кенг тармоқли

⁷³ Уммондан дурлар. Т.: Шарҳ НМАК, 2000. Б. 113.

ишларни амалга ошириш (Навоий асарларининг инглизча изоҳли луғатлари, Навоий асарлари образларининг генезиси, Шарқона шеърини санъатлар, оҳанг ва қофия ҳақидаги илмий адабиётларнинг инглизча таржималарини яратиш, атоқли навоийшуносларнинг Навоий ғазалларига берган шарҳларини тўплаб таржима қилиш) лозим. 2. Инглиз таржимонлари навоийшунослар билан ҳамкорликда иш юритишлари лозим. Шундагина Навоий бадииятини бус-бутунлигича чет тилида тарғиб этиш мумкин.

13. ТАБДИЛ (ТРАНСФОРМАЦИЯЛАР)НИ АМАЛГА ОШИРИШ

Асосий табдил усуллари қўйидагилар:

1. Қайта куриш.
2. Алмаштириш.
3. Кўшиш.
4. Тушириб қолдириш.
5. Лексик-семантик алмашинувлар.

Баъзида таржима трансформациялари бир таржима асарларда қўшалок учраши мумкин. Бундай ҳолатлар комплекс трансформация деб аталади.

Қайта куриш. Маълумки, инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилиш жараёнида гап бўлақларнинг тартиб алмашади. Чунки инглиз ва ўзбек тилидаги гапларнинг тартиби бир хил эмас масалан:

1	2 3	4
A suburban train / was derailed / near London /last night.		
4	3	

1

**Кеча кечқуриш / Лондон яқинида / шаҳар ташқарисига
катновчи**

2

поезд / рельсдан чиқиб кетди.

(1, 2, 3, 4 рақамлари гап бош бўлақлари ва иккинчи даражали бўлақларнинг аслиятдаги ва таржимадан тартибини билдиради). Бу ҳодиса таржима жараёнида энг кўп учрайди. Бу гапда асосий информация “поезднинг рельсдан чиқиб кетганлигидир. Ўзбек тилида асосан диққат марказидаги ахборот гапнинг охирига иккинчи даражали маълумотлар (вақти, хил-хусусияти)гапнинг бошига жойлаштирилади. Таржимон биринчи навбатда диққат марказидаги маълумот қайси эканлигини(яъни поездинг рельсдан чиқиб кетганлиги ҳақидаги хабар муҳимми ёки воқеа жойи яъни Лондон яқинида шу ҳодиса содир бўлганлиги ҳақидагиси) аниқлаб, шунга асосан таржимада гап структурасини қайта қуради. Агар аслият матнида воқеанинг айнан Лондон яқинида содир бўлганлиги муҳим бўлса, уни қуйидагича таржима қилиш мумкин:

И

Кеча кечкурун /шаҳар ташқарисига қатновчи поезд / Лондон
яқинида / 2

рельсдан чиқиб кетди.

ёки воқеанинг кеча содир бўлганлиги диққат марказида турган
бўлса:

3

1

4

Лондон яқинида /шаҳар ташқарисига қатновчи поезд/ Кеча
кечкурун

2

/рельсдан чиқиб кетди

Агар матнда диққат эътибор бу воқеа поезднинг рус тилига
тепловоз, элиқтричка, шаҳар ташқарисига бўлса. Юқоридаги
биринчи таржима варианты танланади.

1

2

3

2. He | wipped off | the bar. |

1

3

2

У | пештахтани | артиб куйди. | Эрнест Хемингуэй
“Farrewell to arms”

Демак, ўзбек тилига таржима қилишда қайси ахборот ўша
контакт учун муҳум бўлса, ўша маълумот гапнинг охирига, яъни
эга ва кесимнинг яқинига жойлаштиради. Маълумотнинг муҳим-
лик даражасини таржимон изчил ўрганади.

Алмаштириш кенг тарқалган усул бўлиб, сўздан бўлаклари,
гап бўлақларига алмаштириш усулидир. Алмаштиришнинг иккита
усули мавжуд: а) сўз формаларини алмаштириш; б) гап бўлак-
ларини алмаштириш.

Биринчи усул сўз формаларини алмаштирилиши яъни сўзларни
ясовчи қўшимчаси қўшимчалар, бирлик ва кўплик қўшимчалар-
нинг таржимада берилишини юқорида кузатдик.

Лексик алмашинувнинг иккинчи усули бу гап бўлақларини
алмаштириш. Лексик аламашнувнинг энг содда усулларидан бири
отларни олмошлар билан алмаштиришдир. Алмаштириш усулини
таржимада қўллашдан мақсад содда ва равон нутқни шаклланти-
риш, аслият мақсадини одинлаштириш. Бу усулда мантидаги отлар
таржимада олмошга ёки феълга алмашиши мумкин. Масалан:

Ўрик гулларини кўзимга суртдим,

Лабларимга қўнди капалак,

Димоғимда ҳаётнинг иси. (Фарида Афрӯз. Тасбеҳ. Rosary)

I touched the flowers of an apricot,
Butterflies landed on my lips,
I can smell the fragrance of life.

(Валентина Ли таржимаси.)

Димоқ – от, таржимада can smell – (хидлай олмоқ) тарзида феълга айланган. Қуйидаги учликда ҳам шундай ҳодисани кузатиш мумкин:

Дўстни фақат ўзинг топасан,
Душман эса ўзи келади.

Икковисиз яшаб ҳам бўлмас. (Фарида Афрӯз. Тасбеҳ. Rosary)

You find friends on your own,
But enemies come by themselves,
We can't live without both of them.

(Валентина Ли таржимаси.)

Таржимада шахси номаълум гап шахси маълум гапга айланмоқда. Аслиятда учрамаган we (биз) олмошининг пайдо бўлиши, аслият мазмунини аниқроқ англашга ҳизмат қилган.

Инглиз тилидаги – er суффикси билан ясалувчи отлар таржимада феълга айланиши мумкин.

I'm quite a heavy smoker, for one thing... (J. Salinger the **Catcher in the Rye**). *Биринчидан, мен буг машинасига ўхшаб чекаман.*

I'm very rapid packer. – *Мен одамлар билан тез кириша оламан.*

He is a poor swimmer. – *У ёмон сузади.*

She is no good as a letter-writer. – *У хат ёзишни билмайди.*

Содда гаплар баъзида таржимада мураккаб гапга айланиши мумкин.

I like watching her dance (G. Greene, **The Quiet American I, III**) *Мен унинг қандай рақсга тушишини томоша қилишни ёқтираман.*

Баъзида мураккаб гаплар таржимада содда гапга айланиши мумкин.

Look in thy glass and tell the face thou Viewest – Кўзгуда намоён ажиб тимсолинг. Аммо бу каби алмаштириш муаллиф услубининг бузилишига олиб келади ва уни таржима трансформацияси деб атаб бўлмайди (3.4 Таржимада грамматик категорияларнинг узатилиши). Таржимада қўлланувчи бу трансформациянинг қўплаб турлари мавжуд. Масалан: боғловчи гапларнинг боғловчисиз гапларга айлантирилиши – **So I opened my suitcase and took out a clean shirt and then I went in the bathroom and washed and changed my shirt – Чемодонни очдим, тоза кўйлакни олдим ванна хонага кирдим ва ювдим.** Бу усулни қўллашга асос ўзбек бадий тилида сўзлар такрорига йўл қўйилмаслигига сабаб бўлади.

Кўшиш усули таржимада рецептор учун номалум ахборотни аниқлаштириш мақсадида қўлланади. **Масалан: Алишер Навоий 1441 йилда туғилган. У 5 ёшида Мавлоно Лутфийнинг эътиборига тушган.**

A. Navoi was born in 1441. When he was 5 he was noticed by great Turkish poet Movlono Lutfiy. Баъзида кўшиш методи таржимоннинг бадий ифода услубига ҳос бўлиши ҳам мумкин.

Масалан: *1.The sail was patched and looked like the flag of defeat (The Old Man and Sea.E.Hemingue. p.7.)*

Дағал матодан тўқилган елкан **ямалавериб, ола-куроқ бўлиб кетган, ўроғлик ҳолда яксони чиққан полкнинг яловига ўхшарди** (И.Ғафуров таржимаси. Чол ва денгиз. E.HeminGue.б.7.)

I am a strange old man

(The Old Man and Sea.E.Hemingue.p.9.)

Менми? Менинг зувалам ўзи **бонқача усулда** узилган.

(И.Ғафуров таржимаси. Чол ва денгиз. E.Hemingue .б.9.)

Шекспир сонетларини таржима қила туриб, Ю.Шомансур таржимага аслиятда ва русча таржимада умуман учрамайдиган “дилбарим, ёрим, жоним, кумрим, дилдорим” каби сўзларини қўшади.

Аммо ўтмишимни топиб сен – ёрдан,

Қисматимни оқлаш учун тайёрман (30-сонет, 40-бет)

Лойиқ сўз топмадим, сенга – ёримга,

Пок ишқни қадрлаш бўлса гар мурод (26-сонет, 36 -бет)

То сенинг ишқинг бор, ишқинг ёди бор, -

Жамики шоҳлардан қудратлиман, ёр (29-сонет, 39-бет)

Сени қандай қилиб мадҳ этай, кумрим,

Ахир бир вужудмиз, бир жонимиз икков (39-сонет, 51-бет)

Сенинг қиёфангда кўриб ўзимни,

Ёзга қиёслайман **эсоним** кўзимни (62-сонет, 78-бет)

Дилбаримнинг қалбин тинглайман, холос,

Қолган бутун борлиқ ўлик, беовоз (112-сонет, 134-бет)

Бераҳмлиқ қилган бўлса **дилбарим**,

Бу менга сабоқдир, товланиб гамда (120-сонет, 142-бет)

Тушириб қолдириш. Қўшиш методига тамомила тескари усул бўлиб, таржима аслиятдаги қўшма синонимлардан бири, иккита бир хил маънони англатувчи сўзлардан бирининг тушиб қолишидир.

Масалан: *Have you heard about Tom.*

He is building his own house (Grammar in use 2p).

Ушбу гапни қўйидагича таржима қилиш мумкин.

Том ҳақида эшитдингизми, у ўзига уй қураяпти.

Ўзбекча таржимада **own** - шахсий сўзи тушиб қолаяпти.

Қуйида бу усулга оид бир қанча мисолларни кузатамиз:

- How much have you done?

- *It's all **done**, Aunt.* (M.Twain. p-7)

- Нечтасини бажариб бўлдинг?

- Ҳаммасини, хола.

There was a song in every heart, cheer in **every** face, and a spring in **every** step.

(M.Twain p-11)

Ҳар юракда кўшиқ, юзларда қувонч, қадамларда баҳор ифори бор эди.

Tom screamed **with** laughter.

(M.Twain p-10)

Том қийқириб кулди.

There is no dubt **about** it (M.Twain p-7)

Бунга шубҳа йуқ.

Boys and girls were always there waiting their turn, resting, trading playthings, quarrelling, **fighting**.

(M.Twain p-12)

Болалар ва кизлар доим у ерда навбат кутишар, ўйинчоқларни алаштиришар, ва жанжаллашишарди.

She told me to attend to my *own* business.

(M. Twain. p-12)

У ишимни диққат билан кузатишини айтди.

At this *dark and* hopeless moment an idea burst out *him*.

(M. Twain. p-13)

Бундай тушкун вазиятда бу ғоя уни онгида чакнади.

He and the doctor were struggling *together* trampling the grass and tearing up the ground with their heels.


(M. Twain. p-37)

У ва доктор ўрни янчиб ташлашга ва товонлари билан тупроқни вайрон қилишга уринишарди.

ЛЕКСИК-СЕМАНТИК АЛМАШИНУВЛАР


А. Конкретлаштириш

Инглиз тилида шундай унверсал сўзлар борки уларни конкрет вазиятларда конкретлаштириб таржима қилиш мумкин. Масалан: go сўзи вазиятга қараб: бормок, тўламоқ, кетмоқ, учмоқ тарзида конкретлаштириш мумкин.

I go (to)  Tashkent – Мен Тошкентга жўнаяпман.
School – Мен мактабга бораман.
Home – Мен уйга кетдим.

Come – сўзи контекст мазмунидан келиб чиқиб.

Come – етиб келмоқ, учиб келмоқ, мос келмоқ, тўғри келмоқ (яъни мажбурият юзасидан) каби.

He comes  from school till 6 – У мактабдан соат 6 гача етиб келади.
to my taste – У дидимга мос.
from Tashkent – У Тошкентдан учиб келади.

To say ва to tell феъллари – демок, сўйлаб бермоқ, сўрамоқ, ифодаламоқ, изхор қилмоқ, буюрмоқ, илтижо қилмоқ, тайинламоқ каби сўзлар билан конкретизация қилиниши мумкин:

1. Will you give me your book

2. We go to the cinema tomorrow

3. Help your brother with his homework

4. Stay on one line

I said.

1. Мен ундан менга китоб бериб тура оласизми деб сўрадим.
2. Мен биз эртага кинога боришимизни маълум қилдим.
3. Мен унга укасига уйга вазифасини қилишда ёрдам беришини тайинладим.

4. Мен бир чизикда сафланишини буюрдим.

The boys parents had told him that the old man was now definitely unluck and ordered the boy to go to another boat

(E.H. Chapter 1. page-7).

Боланинг ота-онаси унга энди чолнинг ўта кетган омади юришмаган одам эканини айтиб бундан буён бошқа қайикда денгизга чиқиш кераклигини қўлоғига куядилар (И.Ғафуров таржимаси, 4-бет).

Б. Генерализация

Бу конкретлаштириш методининг тескараси бўлиб, конкрет маънода қўлланган сўзларга кенг маънодагиларига алмаштиришишидир.

She showed us this old beat-up Navajo blanket that he and Mrs. Spencer's bought of some Indian...

... у бизга эскириб қолган хинд кўрпасини кўрсатди- улар Мисис Спенсер билан уни қайсидир хиндудан сотиб олишганди.

Шу эса тутиш лозимки, бу усулдан гапда асосий эътиборга молик бўлмаган сўзларни таржима қилишда фойдаланилади. Масалан юқоридаги контекстда кўрпанинг Наважода тикилгани шунчаки айтиб ўтилган ва бу деталь текстда бошқа қайтарилмайди. Агар ўша жой номи билан боғлиқ бошқа бир ситуация ҳам мавжуд бўлса, бу сўз генерализация қилинмайди.

He comes over and visits me practically every weekend.

У меникига, ҳар хафтада боради.

В. Антонимик таржима

Таржиманинг бу турида инкор маъносидаги гап дарак формада таржима қилинади.

"It wasn't easy to get loose from mud" I said.

(W. Sarayan "My name is Aram" page -76)

"Уни лойдан ҳалос этиш қийин бўлган эди" дедим мен.

"I couldn't do that night because Aunte was **watching me**".

(M. Twain "The adventure of Tom Sawyer page-30)

Мен бунн ўша тунда қила олмадим чунки холам мени назардан қочирмаётган эди.

“Tomas Sawyer”!

Tom knew that when his name was pronounced in full it meant trouble. (M.Twain, p.-31)

“Томас Сойер”!

Қачонки, уни исми тўлиқ талаффуз этилса, Том бу яхшилиқни англатмаслигини биларди.

Г. Компенсация

Таржимада эквивалентликка эришишнинг усулларидан бири бўлиб таржима тилида юқотиш ўрнини қоплаш учун қўлланилади. Бунда АТдаги бирор сўзга ТТдаги сал кенгроқ маънодаги бошқа бир сўз танланади.

My parents would have about two haemorrhages if I told anything pretty personal about them.

Агар мен уларнинг шахсий ишлари ҳақида гапирганимда оила аъзоларим икки мартадан ифаркт бўлишлари мумкин эди.

Сичқон-ку, унига сигмайди, аниқ,

Қизик, унга ғалвир не керак!?

Наҳот, элаб ейди ҳаром донини (Ф.Афрўз)

This mouse will not fit into the burrow,

Interesting, why does it have a sieve?

Probably it sieves and eats something stolen.

(Валентина Ли таржимаси)

Бу учликда ўзбек тилидаги ҳаром сўзи икки маънони англатмоқда. Яъни сичқон учун ғалвир “ҳаром бўлган” – кирланган донни элаб тозалаш учун керакми? Шундай бўлган тақдирда ҳам унинг дони тоза бўлармикан ахир у ҳаром яъни ўғирланган-ку!?. Агар таржимон бу сўзни инглиз тилида “dirty” тарзида берса, бунда ҳаром сўзининг асосий маъноси йўқотилар эди. Шунинг учун таржимон “stolen” – ўғирланган сўзини танлайди. Аммо бу компенсация ҳам аслиятдаги маъно товланишини тўла очиб бера олмаган. Шунингдек, мазкур таржимада “қизик” сўзи “interesting” деб берилган бўлиб, бу ўринда interesting сўзи унча тўғри келмайди. Чунки “interesting” – қизикарли деб таржима қилинади.

Шоира эса – “қизиқ” деб айнан қизиқарлилиқни назарда тутмапти, яъни ўз-ўзига савол ташлапти. Гўёки сичқоннинг ўзини тутишидан ҳайратланаяпти. “Қизиқ” сўзининг замирида “қизиқ нега шундай экан?” деган савол яширинган. Шу ўринда инглизчада “I wonder” (қизиқаяпман) сўзи орқали таржима қилинса, аслият услуби ва руҳияти таржимада қайта яратилар сабаб эди.

Баъзида тилларнинг грамматик категорияларидаги номувофиқлик компенсацияни тақозо этади.

He was ashamed of his parents and all, because they said he don't and she don't.

Он стесняется своих родителей потому что они говорили «хочет» и «хотете» (Бархударов, 220 с.). Мазкур гапни ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қилиб бўлмайди. Чунки феълга род категориясидаги қўшимчаларнинг қўшилиши ўзбек тили учун ёт. Бу гап рецепторга тушунарли бўлиши учун уни қуйидагича таржима қилиш мумкин: У ота-онасининг “истикон” ва “истол” дейишидан уяларди. Мазкур таржима орқали ҳам аслиятдаги мазмун яъни ота-онанинг гапларни бузиб гапириши (стол, стакан) мазмуни англашилиб турибди.

Маълум бир сўз таржимада унга яқин маънодош бошқа сўз билан алмаштириш ва лексик буюқдорлиқни кучайтиради.

Д. Стилизация

Таржимашуносликда мавжуд бўлган стилизация методи, қадимги даврга хос услубни таржимада бериш учун қўлланилади. Қадимий тарихий асарлар дostonлар ва жангномалар руҳиятини таржимада акс эттириш мақсадида жумлалар таржима тилида қадимий сўз ва иборалар билан аслият даврига мослаштирилади. Таржимашунос олима З.Қосимова Р.Джованьолининг Спартак асари таржималарини қуйидагича таҳлил қилади: “...завидев сражение, происходившее внизу в долине, легионы Эномая с громким криком “барра” устремились на римлян, ... они дрогнули и вскоре обратились в беспорядочное бегство.”

...пастдаги водийда бўлаётган жангни кўргач, Эномай легионлари “барра” деб наъра тортиб, римликлар устига ёпирилдилар... сўнгра ҳолдан тойиб, кўп ўтмай тумтарақай қоча бошладилар.

Биринчи гапдаги “громким криком”ни “шовқин-сурон” билан, “бакириб-чакириб”, “қаттик-қийқириб деб ҳам бериш мумкин эди.

Лекин таржимон воқеанинг бутун тафсилотини ҳис этган ҳолда, қадимий дostonларда қўлланилган услублардан фойдаланган, “наъра тортиб” жумласи жуда ўринли ишлатилган. Шунингдек, “устремилис”ни “ёпирилиб”, “беспорядочное бегство”ни “тумтаракай коча бошладилар” олинishi ҳақида шуларни айтиш мумкин”. Тарихий давр руҳиятини бериш мақсадида таржимонларнинг бундай усулдан фойдаланиши, таржимоннинг лексик сўз бойлигининг даражасига боғлиқ. Масалан, таржимашунос танқидчилар томонидан С.Маршакнинг шеърий асарлар руҳияти ва юқори пафосни мукамал етказиб бериш истейдоди юқори баҳолаб келадилар. У.Шекспир сонетларини инглиз тилидан таржима қилиш жараёнида Маршак шекспирона руҳ ва тарихий воқеиликни таржимада акс эттириш мақсадида рус тилидаги шекспир даври билан ҳамтенг даврда қўлланган қадимги славян лекикасидаги уста, чело, влас-телин, владыка, голун каби архаик сўзлардан фойдаланган.

АДАБИЁТЛАР:

1. Бархударов Л.С. Язык и перевод. М., 1975.
2. Бреус Е.В. Основы теории и практики перевода с русского на английский. М.: УРАО, 2002.
3. Бреус Е. Теория и практика перевода с английского на русский. М., 2003.
4. Виноградов В.С. Введение в переводоведение. М., 2001.
5. Виноградов В.С. Лексические вопросы перевода художественной прозы. М., 1978.
6. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. М., 1986.
7. Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. Т., 1996.
8. Задорная В. Восприятие и интерпретация художественного текста. М., 1984.
9. Каримов Ш. Диллардан дилларга. Т., 1980.
10. Катцер Ю., Кунин А. Письменный перевод с русского языка на английский. М., 1964.
11. Комиссаров В.Н. Теория перевода (лингвистические аспекты). М., 1990.
12. Комиссаров В.Н., Рецкер Я.И., Тархов В.И. Пособие по переводу с английского языка на русский. М., 1969.
13. Кунин А. Фразеология современного английского языка. М., 1972.
14. Левицкая Т., Фитерман А.. Проблемы перевода. М., 1976.
15. Мўминов О., Турғунов Р., Рашидова А., Алимова Д.. Translation – Ёзма таржима – Письменный перевод. Т., 2008.
16. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Т., 1993.
17. Алишер Навоий. Уммондан дурлар. Ғазаллар, хикматлар ва рубоийлардан намуналар. Таржималар тўплами / Тузувчи Ё.Парда. Т., 2000.
18. Пелевина Н. Стилистический анализ художественного текста. Ленинград, 1980.
19. Попович А. Проблема художественного перевода. М., 1980.
20. Саломов Ғ. Таржима назариясига кириш. Т., 1978.
21. Султонова Д. Шеър ва таржима. Самарқанд, 2009.
22. Таржимашуносликка доир тадқиқотлар / Масъул муҳаррир: Ж. Шарипов. Т., 1975.

23. Федоров. А. Искусство перевода и жизнь литературы. Л., 1983.
24. Федоров. А. Основы общей теории перевода. М., 1983.
25. Флорин С. Муки переводческие. М., 1983.
26. Холбекова Б. Қалбим сизга интилади (My soul strives for you) Samples from Uzbek poetry. Т., 2011.
27. Холбекова Б. Шеърлий таржима мезони // Жаҳон адабиёти. 2009. № 11.
28. Шарипов Ж. Бадий таржималар ва моҳир таржимонлар. Т., 1972.
29. Швейцер А.Д. Теория перевода: статус, проблемы, аспекты. М., 1988.
30. Шекспир В. Сонетлар / Инглиз тилидан Ж.Камол таржимаси. Т., 2009.
31. Шекспир В. Сонетлар / Ю.Шомансур таржимаси – Т., 1978.
32. Шекспир В. Сонеты / В переводе С.Маршака. М., 1948.
33. Шекспир В. Ҳамлет / Рус тилидан Максуд Шайхзода таржимаси. Т., 2006.
34. Ғафуров И. Таржимада аниқлик керак эмасми? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. Т., 2010.
35. Ғафуров И. Таржимашунослик мутахассислигига кириш. Т., 2008.
36. Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми?. Т., 1999.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....3

I қисм. Бадий таржиманинг назарий аспекти

1. Таржима назарияси ва бадий матн тушунчаси.....	6
2. Бадий таржима жараёни ва таржимон вазифалари.....	11
3. Бадий таржимада эквивалентлик ва адекватлик.....	16
4. Бадий таржимада маънавий билимларнинг аҳамияти.....	24
5. Таржиманинг прагматик жиҳатлари.....	28
6. Бадий таржимада табдил (трансформация) усуллари.....	33
7. Таржима моделлари.....	39

II қисм. Бадий таржиманинг амалий аспекти

1. Эквивалентлик типлари ва адекватлик.....	49
2. Маънавий билимлар.....	58
3. Референциал маъноларни бериш.....	62
4. Прагматик маъноларни бериш.....	73
5. Инсон қиёфаси ва феъл-атворини таржимада бериш.....	79
6. Миллий колоритдаги сўзларни бериш.....	84
7. Миллий менталитетни бериш.....	88
8. Фразеологизмларни бериш.....	101
9. Ҳамоҳангликни таъминлаш.....	103
10. Грамматик категорияларни бериш.....	108
11. Оҳанг, қофия ва вазни қайта яратиш.....	125
12. Шеърий санъатларни қайта яратиш.....	133
13. Табдил (трансформациялар)ни амалга ошириш.....	153
АДАБИЁТЛАР	163

Адабий-илмий нашр

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов
Мусахҳиҳа: Камола Болтабоева
Техник муҳаррир: Беҳзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»[®]
масъулияти чекланган жамияти
нашриёти

Нашриёт лицензияси АИ № 103. 15.07.2008
Теришга берилди: 08.08.2011
Босишга рухсат этилди 08.15.2011
Қоғоз бичими 60x84 1/32. Офсет қоғози
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 10,0
Шартли босма тобоғи 10,5. Адади 200
Баҳоси келишилган нарҳда

Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-60-33

Электрон манзил: mumtoz_soz@mail.ru

«MUMTOZ SO‘Z»
масъулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди. Буюртма 31/11.
• Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-81-20